



АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР  
ИНСТИТУТ ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ им. А. С. ПУШКИНА

---

А. ХАЙИТМЕТОВ

ЛИТЕРАТУРНО-КРИТИЧЕСКИЕ  
ВЗГЛЯДЫ  
АЛИШЕРА НАВОИ



ИЗДАТЕЛЬСТВО АКАДЕМИИ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР

---

ТАШКЕНТ — 1959

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  

---

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

А. ҲАЙИТМЕТОВ

АЛИШЕР НАВОЙИНИНГ  
АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ  
ҚАРАШЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ НАШРИЁТИ

---

ТОШКЕНТ — 1959

## МУНДАРИЖА

Кириш . . . . .	5
I. Ўзбекистонда XV асрнинг иккинчи ярмидаги адабий танқид- чилик ва унда Навоийнинг роли ҳақида . . . . .	15
II. Навоийнинг адабий-танқидий қарашларини ўз ичига олган асосий асарлари . . . . .	60
III. Навоий адабий танқидчилигининг асосий масалалари . . . . .	77
1. Бадий сўзни қурол қилиб . . . . .	78
2. Чўқур мазмун ва гўзал форма учун . . . . .	96
3. Юксак оригинал асарлар яратиш йўлида . . . . .	116
4. Санъатда ҳаққонийлик учун . . . . .	145
5. Поэтик жанрлар ва уларнинг баъзи захматкашлари ҳақида . . . . .	168
Хулосалар . . . . .	194

*На узбекском языке*  
АБДУКАДЫР ХАЙИТМЕТОВ

## ЛИТЕРАТУРНО-КРИТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ АЛИЩЕРА НАВОИ

Масъул редактор *С. ҚОСИМОВ*  
Нашриёт редакторлари *Ф. Раҳмонов, Ф. Қўзиёв*  
Техредактор *З. П. Горьковая*  
Корректор *Х. Саъдуллаева*

---

Р03607. Теришга берилди 12/1-59 й. Босишга рухсат  
этилди 12/11-59 й. Қоғоз 3,063 босма л. 10,25. Нашриёт л. 10,4.  
Тираж 5000. Баҳоси 6 с. 25 т. Муқоваси 2 с.

---

ЎзССР Фанлар академияси нашриётининг босмаҳонаси.  
Хоразм кўчаси, 9 Тошкент, 1959 й. Заказ 88.  
Нашриёт адреси: Куйбишев, кўчаси, 15.

## ҚИРИШ

Совет адабиёти ва адабиётшунослик фани «... капиталистик жамиятнинг, помешчиклар жамиятининг, чиновниклар жамиятининг зулми остида кишилик ишлаб чиқарган билим запасларининг»<sup>1</sup> илғор традициялари асосида пайдо бўлди, ривожланди ва шу асосда камол топмоқда. Совет адабиёти ва адабиётшунослик фанининг бундан буён ҳам барқ уриб яшнаши учун ўтмишда халқлар яратган бой маданий меросни янада чуқур текшириш, ундан танқидий равишда фойдаланиш адабиётшунослик фанининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Шунинг учун ҳам биз адабиёт ва адабиётшунослик фани тарихини марксизм-ленинизм таълимоти асосида мумкин қадар тез вақт ичида тўла ва чуқур ёритишга эришмоғимиз керак.

Ўзбек классик адабиёти тарихини ўрганиш учун совет ҳокимияти йилларидагина чинакам имкониятлар яратилди. Бу соҳада, айниқса, айрим классикларимизнинг ҳаёти ва ижодини текшириш масаласида кўзга кўринарли ишлар қилинди. Аммо умуман олганда, ҳали ўзбек адабиёти тарихи бўйича яхлит, умумлаштирувчи асарлар яратилганича йўқ.

Ўзбек адабиётшунослиги тарихини ўрганиш масаласига келганда, бу соҳада қилинган ишлар ҳам талабга жавоб беролмайди. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи ўзбек адабиёти тарихининг ажралмас бир қисмидир. Ўзбек адабиётшунослиги тарихини мукамал ўрганмасдан туриб, уни тўла ёритиб бўлмайди.

Тўғри, ўзбек адабиётшунослиги Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар мустаҳкам илмий асосга эга

<sup>1</sup> В. И. Ленин, Асарлар, 31 т., ЎзССР Давлат нашриёти, 1953, 294-бет.

бўлган мустақил фан даражасига кўтарилмаган эди. Лекин у маълум вақтларда адабиётнинг ривожланишига ёрдам беришга интилган ва ўз даври адабий маҳсулотига ўша давр савияси даражасида баҳо беришга уринган эди. Ўзбек адабиёти тарихида муҳим роль ўйнаган тараққийпарвар ёзувчиларнинг бу соҳадаги фаолиятлари айниқса диққатга сазовордир. Жумладан, ўзбек халқининг улуғ шоири Алишер Навоийнинг хизмати каттадир. Шунинг учун ҳам ўзбек адабиёти тарихида катта бир давр яратган Алишер Навоий ижодини ўрганиш ва адабий-танқидий қарашларини текшириш муҳим ишдир. У даврда Ўзбекистондаги адабиётшунослик адабиёт назарияси, адабиёт тарихи ва адабий-танқидчилик каби мустақил соҳаларга бўлинмаган бўлса ҳам, лекин бу соҳаларнинг куртаклари мавжуд эди. Биз ўз ишимизда кўпроқ Навоийнинг адабий танқидчиликка оид қарашларига тўхталажакмиз.

Алишер Навоий ўзига қадар ўзбек адабиёти эришган ютуқларга яқун ясаб, ўзбек адабиётини янги тараққиёт босқичига кўтарди.

Шоирнинг ижоди жуда кенг ва ҳар томонлама бўлиб, у адабиётшунослик соҳасида ҳам самарали ишлар қила олди. Унинг танқидчилик фаолиятининг ўзи ҳам кўп томонларга эга. Биз Навоийнинг танқидий мулоҳазаларини сиёсат, фалсафа соҳаларида ҳам, тарих, тилшунослик соҳаларида ҳам учратамиз. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашларини текширишга киришар эканмиз, биз шуни яхши эсда тутишимиз керакки, унинг адабий-танқидий мероси ҳам унинг поэтик мероси сингари катта аҳамиятга эга. Навоий бу соҳада ҳам доим илғор, прогрессив позицияда, инсонпарварлик ва халқпарварлик позициясида турди. Навоий танқидчилигига назар ташлаш — ўша давр адабиёти ва адабий ҳаётига назар ташлаш демакдир. Навоий адабий-танқидий меросини ўрганиш Навоийнинг ўз адабий ижодини чуқур ўрганишга ҳам ёрдам беради. Навоий адабий-танқидий меросига баҳо бериш эса, Навоий ижодининг энг мураккаб томонларидан бирига баҳо бериш демакдир.

Навоийнинг адабий-танқидий меросини ўрганиш масаласи умуман унинг ҳаёт ва ижодини ўрганиш масаласи билан боғлиқдир. Чунки Навоийнинг адабий-танқидий меросини унинг хусусан поэтик ижодидан ажратиб қараш мумкин эмас. Навоий профессионал танқидчи эмас,

Навой санъаткор танқидчидир. У адабий-танқидчиликка кўп вақт ўз адабий-бадний ижодидан, ўз ижодий практика, тажрибасидан келиб чиқиб ёндошади. У, четдан туриб кузатувчи танқидчи эмас, балки ўз айтганини амалда қилиб кўрсатадиган танқидчидир. Жаҳон адабиётининг улуғ генийлари А. С. Пушкин, Л. Н. Толстой, В. Гёте, О. Бальзаклар ҳам худди шундай — улуғ санъаткор танқидчилардан эдилар. Улар адабиёт масалаларига ва асарларга ўз ижодлари юксаклиги билан баҳо бера олар эдилар.

Навойнинг ҳаёти ва ижоди билан Улуғ Октябрь революциясига қадар биринчи энг жиддий шуғулланган рус шарқшунослари бўлди. Бунга А. Боровков «Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши» деган мақоласида жуда тўғри таъкидлаб ўтган<sup>2</sup>. А. Боровков ўзининг шу мақоласида, Е. Э. Бертельс ўзининг «Навои»<sup>3</sup> китобида Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида биринчи бўлиб ўз даврига нисбатан ҳақиқий илмий асар ёзган Михаил Никитскийнинг «Амир-Низам-Иддин-Алишернинг давлатда ва адабиётда тутган ўрни» («Эмир-Низам-ад-дин-Али-Шер в государственном и литературном его значении») <sup>4</sup> деган магистрлик диссертациясининг ютуқлари, ҳато ва камчиликлари, бунинг сабаблари ҳақида жуда яхши тўхтаганлари учун биз уларнинг гапларини бу ўринда қайтариб ўлтирмаймиз. Михаил Никитскийнинг Навоий ҳақида ёзган илмий иши умуман ўз даврида катта аҳамиятга эга бўлди.

Аммо Алишер Навоийнинг адабий-танқидий мероси ҳақида Улуғ Октябрь революциясигача махсус биронта иш ёзилмади.

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди билан ҳақиқий қизиқиш Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейин бизнинг мамлакатимиздагина бошланди. Лекин Навоийни ўрганиш совет даврида ҳам бирдан йўлга қўйилгани йўқ. Бу даврда ҳам маълум вақтгача, яъни эксплуататор синфлар батамом тугатилиб, уларнинг идеологлари — пантуркистлар ва буржуа миллатчилари қақшатқич зарбага учрагунга қадар Навоийга турлича,

<sup>2</sup> «Родоначальник узбекской литературы», Ташкент, 1940, 18 стр.

<sup>3</sup> Б. Э. Бертельс, «Навои», Изд-во АН СССР, М—Л., 1948 г.

<sup>4</sup> Михаил Никитский, «Эмир-Низом-ад-дин-Али-Шир в государственном и литературном его значении», СПб, 1856.

ҳатто бир-бирига бутунлай қарама-қарши қарашлар юз бериб келди. Халқнинг ашаддий душманлари — пантуркистлар ва буржуа миллатчилари турли найранглар билан улуғ шоирни бадном қилишга, халқнинг муҳаббатини ундан сўндиришга, унинг улуғ гуманизм идеялари билан суғорилган бой ижодини бузиб кўрсатишга интилдилар. Уларнинг баъзи бирлари Навоийни «Санъат санъат учун» деган шиор билан ижод қилган шоир сифатида, иккинчилари уни феодал аристократияси манфаатларинигина кўзлаб, ижод қилган ва халқдан узоқ бўлган шоир сифатида, учинчилари уни адабиётга ҳеч қандай янгилик олиб кирмаган ва ижодининг бошидан охиригача Эрон классикларига тақлид қилган шоир сифатида талқин этдилар ва ҳоказо. Лекин бу қарашлар узоқ давом этмади. Марксизм-ленинизм таълимоти билан пухта қуролланган ўзбек совет адабиётшунослари рус совет шарқшуносларининг ёрдами билан пантуркистлар ва буржуа миллатчиларига қарши қатъий кураш очдилар. Улар бу курашда енгиб чиқдилар ва Навоийни душманларнинг ҳар қандай ҳужумларидан сақлаб қолдилар.

Совет даврида Навоийни ўрганиш соҳасида «Мир-Али-Шер»<sup>5</sup>, «Родоначальник узбекской литературы»<sup>6</sup> ва «Алишер Навои»<sup>7</sup> тўпламлари совет навоийшунослигининг биринчи ютуқлари бўлди. Бу тўпламларга кирган мақолаларда Навоийнинг даври, ҳаёти ва ижоди ҳар томонлама кенг ва чуқур текширила бошланди. Бу тўпламларга кирган мақолалардан кўпларининг айрим ўринлари эскириб қолган ва хато бўлса ҳам, аммо ҳозир ҳам ўзининг асосий илмий қимматини йўқотмаган.

Алишер Навоийнинг туғилганига беш юз йил тўлишини кенг нишонлаш ҳақида СССР ҳукумати қарорининг чиқиши (1938 йил) Навоийни ўрганишда янги давр очган эди.

Совет адабиётшунослари Навоий ижодига қанча чуқур кириб борсалар, Навоий ижодининг доираси ҳам шунча кенг очила бошлади. Натижада Навоий совет ўқувчиларининг кўз олдида фақат буюк шоир сифатидагина эмас, балки улуғ мутафаккир, йирик давлат арбоби, улуғ олим, маданиятнинг кучли ҳомийси сифатида ҳам гавдалана бошлади. Навоийнинг адабий танқидчи-

<sup>5</sup> «Мир-Али-Шер» тўплами, Л., 1928.

<sup>6</sup> Родоначальник узбекской литературы», СБ., Ташкент, 1940 г.

<sup>7</sup> «Алишер Навои», тўплам, М—Л., 1946.



лиги ҳам худди шу даврдан, яъни ўттизинчи йилларнинг иккинчи ярмидан ўрганила бошланди. Фаҳр билан айтиш мумкинки, Навоийнинг адабий танқидчилигини биринчи ўргана бошлаган ва бу ҳақда биринчи мартаба махсус илмий-текшириш ишларини олиб борган кишилар ҳам совет адабиётшуносларидир.

Профессор Абдураҳмон Саъдийнинг 1938 йилда ёзган «Адабиёт олими ва танқидчиси сифатида Мир Алишер Навоий» сарлавҳали мақоласи<sup>8</sup> Навоийнинг адабий-танқидий меросини ўрганиш соҳасида қилинган биринчи илмий-текшириш иши бўлди. Абдураҳмон Саъдий ўзининг бу мақоласида Навоийнинг адабий-танқидий қарашларини совет адабиётшунослик фани нуқтаи назаридан текширишга ҳаракат қилди. Мақола автори биринчи марта Навоий асарларидаги адабий танқидчиликка оид материалларни йиғиб, уларни совет адабиётшунослик фани доирасига олиб кириб, уларга илмий анализ беришга уринди. Автор ўз мақоласида Навоий адабий-танқидчилигининг Навоийгача бўлган адабий танқидчиликдан юқори кўтарила олгани, Навоий танқидчилигининг зарий асослари, Навоийнинг ўз замондошларига муносабати, унинг адабий-танқидий қарашларини ўз ичига олган «Мажолисун-нафоис», «Муҳокаматул-луғатайн», «Мезонул-авзон» каби асарлари ва шунга ўхшаш бир қанча масалаларда биринчи бўлиб қимматли фикрларни айтди.

Аммо профессор Абдураҳмон Саъдийнинг бу мақоласи турли хатолардан холи эмас эди.

Жумладан, у Навоий ижодининг юксалишида Навоийгача яратилган ўзбек ёзма адабиётининг катта ролини бутунлай кўрсата олмаган. Бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Лекин XV асрнинг иккинчи ярмигача пайдо бўлган ўзбек ёзма адабиётининг ютуқлари, аҳамияти ва ундан қандай фойдалангани ҳақида Навоийнинг ўзи ҳам катта фаҳр билан ёзади. Буни биз, айниқса Навоийнинг Лугфийга бўлган муносабатларида яққол кўрамиз.

Бундан ташқари, Абдураҳмон Саъдий ўзбек маданияти тараққиётига грек, эрон, араб маданиятларининг таъсирини ҳам бўрттириб кўрсатган. Мақолада Навоий сатира жанрини ёқтирмаган дейилади, бу ҳам тўғри эмас ва бу камчиликни ўз вақтида О. Шарафуддинов ўзининг «Навоий ижодини қалбакилаштиришга қарши»<sup>9</sup>

<sup>8</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (ж. л), 1938, № 11—12.

<sup>9</sup> «Қизил Ўзбекистон» газетаси. 27/VII—1939 й. 170 (4548).

сарлавҳали мақоласида тўғри танқид қилган эди. Абдурахмон Саъдий Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» асаридаги адабий танқидларни «тинчроқ кайфият билан ёзилган «сабрли» танқид деб атаб, умуман бу асарнинг ғоявий-бадий қимматини камситади. Мақола автори бунда Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари доирасининг кенглигини тўғри таъкидлаб ўтади, лекин унинг адабий қарашларини ўз ичига олган бир қанча асарлари анализ қилинмаган. Мақола бу камчиликларга қарамай, ҳозирги вақтгача Навоий адабиётшунослигини ўрганишда ягона махсус иш бўлиб келади.

Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, филология фанлари доктори профессор Е. Э. Бертельснинг хизмати каттадир. Профессор Е. Э. Бертельс ўз мақола ва асарларида Навоийнинг ҳаёти ва ижодини атрофлича ёритишга ҳаракат қилди. Е. Э. Бертельс Навоийнинг ижоди ва ҳаёти устида узоқ йиллар олиб борган илмий-текшириш ишларини ўзининг «Навои»<sup>10</sup> китобини ёзиш билан якунлади. Бу китоб умум совет навоийшунослигининг қўлга киритган катта ютуқлардан бири бўлди.

Биз профессор Е. Э. Бертельснинг «Навои» китобига ўз темамиз нуқтаи назаридан ёндашганимизда, шуни кўрамизки, автор, айниқса, XV асрнинг иккинчи ярмидаги адабий ҳаётга характеристика беришда ўз даврининг энг йирик адабиётшуноси ҳисобланган Навоийнинг танқидий фикрларидан кенг фойдаланади, ўша давр адабий ҳаракатчилигининг ютуқ ва камчиликлари ҳақидаги унинг қимматли мулоҳазаларига ўринли равишда суянади. Лекин, бизнингча, профессор Е. Э. Бертельс Навоий яшган даврдаги адабий ҳаракатчиликка характеристика бераркан, айрим камчиликларга ҳам йўл қўяди. Биз бу ҳақда ишимизнинг бу масалага тегишли ўринларида тўхталажакмиз.

Ўзбек совет адабиётшуносларидан шоир Ҳамид Олимжон «Фарҳод ва Ширин»<sup>11</sup>, фалсафа фанлари доктори В. Й. Зоҳидов «Ҳайратул-аброр»<sup>12</sup>, «Сабъаи сайёр»нинг

---

<sup>10</sup> Е. Э. Бертельс, «Навои», Изд. АН СССР, М—Л., 1948.

<sup>11</sup> Ҳамид Олимжон, «Танланган асарлар», ЎзССР Давлат нашриёти, Тошкент, 1951.

<sup>12</sup> «Звезда Востока» журналы, 1947, 6.

ғоявий мотивлари»<sup>13</sup>, «Етти хазина»<sup>14</sup>, филология фанлари кандидати Ҳомил Ёқубов «Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони»<sup>15</sup>, Ҳоди Зарифов «Лутфий ва Навоий»<sup>16</sup> мақолаларида, филология фанлари доктори, ёзувчи С. Айний «Алишер Навоий» асарида<sup>17</sup> О. Шарафуддинов «Алишер Навоий»<sup>18</sup> асари ва «Баҳром Гўр образи» ва «Сабъаи сайёр» тўғрисида» мақоласида<sup>19</sup> Навоий адабий танқидчилигининг бир қанча муҳим масалаларига ёндошиб ўтадилар. Озарбайжон совет адабиётшуноси Ҳ. Ораслийнинг Навоий «Фарҳод ва Ширин»и билан Низомий «Хусрав ва Ширин»и ўртасидаги муносабатларга доир «Низомий ва Навоий»<sup>20</sup>, Навоийнинг озарбайжон адабиёти ва адабиётшунослигининг ўсишига таъсири ҳақида «Навоий ва озарбайжон адабиёти»<sup>21</sup>, академик Ойбекнинг «Навоийнинг дунёқараши масаласига доир»<sup>22</sup> ва бошқа мақолалари, умуман Навоий асарларининг совет давридаги оммавий ва критик нашрлари ҳам маълум даражада Навоий адабий танқидчилигини ўрганишга хизмат қилади.

Ҳоди Зарифов томонидан нашрга тайёрланган «Навоий замондошлари»<sup>23</sup> тўплами ҳам Навоийнинг бир қанча салафлари ҳамда замондошларини, Навоийнинг адабий муҳитини ўрганишга қўшилган ҳисса бўлди. Бу китоб Навоий даври ўзбек адабиёти тарихига оид бой материални ўз ичига олиб, Навоийга қадар мавжуд ўзбек адабиётшунослиги ҳақида ҳам кенг ва муҳим маълумот ҳамда тасаввур беради.

Умуман, бизда Навоийнинг адабий-танқидий меросини ўрганиш ишлари бошланган бўлса ҳам, аммо бу соҳада қилинган ишлар ҳали талабга тўла жавоб бера ол-

13. «ЎзССР Фанлар академиясининг ахбороти», 1948, 5.

14. «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 9/V—1948, 92.

15. Шарқ юлдузи» журналы, 1948, 5.

16. «Улуғ ўзбек шоири», мақолалар тўплами, ЎзССР Фанлар академияси нашриёти, Тошкент, 1948.

17. С. Айний, «Алишер Навоий», Нашриёти Давл. Тожикистон, Сталинебод, 1949.

18. О. Шарафуддинов, «Алишер Навоий», Тошкент, 1948.

19. Алишер Навоий, «Танланган асарлар», ЎзССР давлат нашриёти, Тошкент, 1948, II том, IV китоб.

20. «Гулистон» журналы, 1940, 4.

21. «Қизил Ўзбекистон» газетаси 25/V—1948, 103.

22. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1940, 3.

23. «Навоий замондошлари», Тўплам, Тошкент, 1948.

майди, шунинг учун ҳам, бу соҳада махсус текшириш ишлари олиб бориш зарурдир.

Навоий буюк шоир бўлиш билан бирга, улуғ мутафаккир ҳамда ўша даврдаги кўп билимлар билан, хусусан шарқ халқлари адабиёти билан мукамал танишган олим сифатида ҳам маданиятимиз тарихида катта ўринни эгаллайди. Унинг бой меросини адабий танқидчилик нуқтаи назаридан чуқур текшириш, унинг адабиёт назариясига оид мулоҳазаларини, ўзидан бурун яшаган шоирларга бўлган муносабатини, ўз замондошларига берган танқидий баҳоларини, ўз адабий ижоди ҳақида айтган фикрларини илмий-танқидий равишда ўрганиш совет адабиётшунослиги учун фойдали ишдир. А. В. Луначарскийнинг «Пушкин танқидчи» мақоласида улуғ рус шоири А. С. Пушкин танқидчилигини ўрганиш ҳақида айтган қуйидаги характерли фикрларини маълум даражада Навоий танқидчилигини ўрганишга ҳам татбиқ этиш мумкин:

«Улуғ санъаткор бўлиш билан бирга, ўз ишига ҳамда ўз идрокига ғоят танқидий кўз билан қарай олган ажойиб мутафаккирга, бутун Европа адабиётидан хабардор бўлган ўқимишли бир кишига, бир синфнинг мустаҳкам рамкасига ўралиб қолмай, балки «икки дунё чегарасида» турган ва ўз бойлиги билан одамни ҳайратда қолдирарли эволюция ясаган бир кишига — шундай бир кишига бу нуқтаи назардан (яъни танқидчилик нуқтаи назаридан — А. Ҳ.) зўр қизиқиш туғилмаслиги мумкин эмасдир»<sup>24</sup>.

Навоий ўз даврида адабий асарнинг жамиятдаги ўринини, функциясини, унинг ички моҳиятини, яъни унинг ўзига хос муҳим хусусиятларини энг яхши англаб етган кишилардан эди. Навоийнинг адабий қарашларидаги кўп моментлар, умуман унинг дунёқараши билан боғлиқ чекланишларга эга бўлишига қарамасдан, биз учун ҳамон ўзининг асосий аҳамиятини йўқотган эмас. Навоий каби гениал сўз усталари адабий асарга доим ҳар томонлама қараганлар. Улар доим форма билан мундарижа бирлиги учун курашганлар, ижодкорнинг ўз касби бўйича маҳорат қозониши кераклигини қайта-қайта таъкидлаганлар. Навоий ўз ижодининг бошидан охиригача реал-

<sup>24</sup> А. В. Луначарский, Русская литература, Избранные статьи, ОГИЗ, Государственное издательство художественной литературы, М., 1947, 34 стр.

листик адабиёт учун курашиб, адабиётни турмушга яқинлаштиришга, бунинг учун эса халқнинг реал турмушини ўрганишга интиланган. У адабиётни кенг кўламда ривожлантириш тарафдори эди.

Санъаткор танқидчи бўлган Навоийнинг адабий танқидчилиги икки йўл билан ривожлана борган эди. У ўзининг адабиётга оид фикрларини очиқ айтиш, очиқ ёзиш билан бирга, баъзи ўринларда бунга етарли имконият бўлмаган тақдирда ёки буни очиқ айтишни лозим топмаса, бундай фикрларни индамасдан, яъни имошиора орқали, амалда қилиб кўрсатиш орқали изҳор этар эди. Масалан, Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёр» дostonларини Низомийнинг «Хусрав ва Ширин», «Ҳафт пайкар» дostonларига нисбатан жуда бошқача қилиб ишлади. Бунда биз аввало Навоийнинг буюк новаторлигини кўрамиз. Лекин шу билан бирга, икки улуғ шоирнинг асарларини бир-бирига солиштирганимизда, Навоийнинг бир қанча принципиал масалаларда Низомийдан бошқачароқ позицияни эгаллаганини кўрамиз. Навоий ўз устози билан қайси масалаларда келиша олмаганининг баъзиларини очиқ айтса ҳам, ҳаммасини айтмайди, чунки бунга дostonда имконият йўқ, иккинчидан эса, ҳаммасини гапириб ўтиришни ўзига эп кўрмайди. Чунончи Навоий «Сабъаи сайёр» нинг бошланиш қисмида шу хил ўзгариш ва келишмовчиликлар ҳақида ёзиб келиб, дейди:

Айтмоқ мунда ҳожат ўлмағуси,  
Кимки ул ерга етса англағуси<sup>25</sup>.


Биз Навоийнинг биринчи йўл билан ривожланган, яъни очиқ айтган ва ёзган адабий фикрларига тўхташ имкониятигагина эгамиз.

Улуғ шоир Алишер Навоийнинг адабий-танқидий мероси унганча яратилган ўзбек ва қўшни халқлар адабиёти ва адабиётшунослиги заминида пайдо бўлиб, уларнинг энг яхши традицияларини тараққий эттирди. Навоийнинг бу мероси унинг вафотидан кейин ҳам ўзбек ва қўшни халқлар адабиёти ва адабиётшунослик фани тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Навоийдан кейин ўтган кўп ўзбек шоирлари ундан янги соғлом ғоявий-бадий йўлланма олганлар.

<sup>25</sup> Алишер Навоий, Танланган асарлар, 2-т., IV китоб,

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар Навоийнинг адабий-танқидчилик соҳасида қилган ишлари баъзи сабабларга кўра етарли ривожлантирилмади. Адабий танқидчилик ҳам, адабиёт сингари, бизда фақат совет замонасида кенг ривожланиш имкониятига эга бўлди, профессионал танқидчилар пайдо бўлди. Турли фанларнинг тарихига ҳақиқий қизиқиш, уни чинакам илмий асосда ўрганиш имконияти ҳам фақат совет даврида пайдо бўлди.

Бизнинг бу ишимиз маълум даражада шу соҳани ўрганишга хизмат қилар деб умид қиламиз. Ушбу темани ишлашга бизнинг диққатимизни тортган академик Ойбекка ва ушбу асарни ишлаш процессида ўз кимматли маслаҳатлари ва мулоҳазалари билан бизга ёрдам кўрсатган Ўзбекистон Фанлар академиясининг корреспондент аъзолари В. И. Зоҳидов, профессор Я. Ғуломов, филология фанлари кандидатлари П. Шамсиев, Ҳ. Т. Зарифов, Ҳ. И. Ёқубов ва М. А. Салье ўртоқларга автор ўзининг чуқур ташаккурини билдиради.



## I. ЎЗБЕКИСТОНДА XV АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДАГИ АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИК ВА УНДА НАВОИЙНИНГ РОЛИ ҲАҚИДА

Адабий танқидчилик адабиётшуносликнинг муҳим соҳаси бўлиб, у адабиёт билан, турмуш билан чамбарчас боғланган бўлиши, бадий адабиётнинг ютуқ ва камчиликларига ўз вақтида тўғри, объектив равишда баҳо бера билиши, бадий адабиётнинг жамият олдига ўз ижтимоий функциясини яхши бажаришига, унинг ривожланишига доимо яқиндан ёрдам бериши керак. Совет адабиётшунослари ва танқидчилари совет адабиётининг партиявийлиги, халқчиллиги учун, халқ манфаатларидан, халқ турмушидан четланмаслиги учун, унинг миллий формаси учун курашадилар.

Бизнинг танқидчиларимиз ўз фаолиятларида ўтмишда яшаган прогрессив адабиётшуносларнинг, айниқса, улуғ рус революцион демократларининг бу соҳадаги илғор традицияларини давом эттирадилар.

Илмий адабиётшуносликнинг яратилиши ва ривожланиши марксизм-ленинизм таълимоти билан бевосита боғлиқдир. Бироқ марксизм пайдо бўлганга қадар яшаган адабиётшунос олимлар ва ёзувчилар томонидан адабиётнинг воқелик билан боғлиқлиги, унинг ижтимоий-тарбиявий роли, бадий образнинг моҳияти ва бошқа масалалар ҳақида кўп чуқур ва тўғри мулоҳазалар, фикрлар айтилган эди.

Адабий ҳодисаларни илмий анализ қилишнинг куртаклари қадим даврларда пайдо бўлган эди. Ҳатто бизнинг эрамиздан олдин V ва IV асрлардаёқ қадим Грецияда адабиёт ва санъат ҳодисаларини баҳолашда бир-бирига қарама-қарши принциплар ва оқимлар юзга келган эди. Масалан, қадим грек философларидан Платон (бизнинг эрамизгача 427—347) нинг адабиёт

ва санъатга қарашлари ҳақиқий дунёнинг реал мазмунидан олдин гўё қандайдир адабий гўзаллик бўлгани ҳақидаги сохта, чуқур идеалистик тасаввур билан боғланган бўлса, Аристотель (бизнинг эрамизгача 384 — 322) ҳаётни, реал дунёни акс эттириш — қайтадан яратишни (воссоздание) санъатнинг асосий принципи ҳисоблар ва санъатнинг тарбиявий роли, унинг киши билимини орттиришдаги аҳамиятини қайта-қайта таъкидлар эди.. Аристотель ўзининг «Поэтика» ва қисман «Риторика» асарларида адабий стилни ўрганиш ҳамда адабиётнинг жинсларга ҳам турларга бўлиниш асосларини яратди. У ўзининг бу соҳадаги мулоҳазаларида қадим грек адабиёти эришган бой ютуқлар ҳамда тажрибаларга суянди.

Адабиётшуносликнинг тарихи Ўрта Осиёда ҳам, шубҳасиз, қадим замонларга, яъни халқ оғзаки ижоди намуналарини йиғиш бошланган даврларга бориб тақалади. Лекин бу фаннинг тарихи бизда ҳали ўрганилган эмас.

Ўрта асрларнинг бошларида, Европа мамлакатларида феодал муносабатлар эндигина пайдо бўлиб, ривожланаётганда, Ўрта Осиёда феодал маданият Европа мамлакатларидагидан анча юқори бўлиб, бунда адабиётшунослик ҳам кенг тараққий этди. Чунки Ўрта Осиёда IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб араб истилочиларининг зулмига зарба берилди ва араб ҳалифалиги тугатилди. Унинг ўрнига бу ерда мустақил феодал давлатлар пайдо бўлди. Сомонийлар (IX—X асрлар), ғазнавийлар (XI аср), қорахонийлар (XI—XII асрлар), хоразмшоҳлар (XII—XIII асрлар) давлатлари шундай давлатлардан бўлиб, уларда феодал муносабатлар анча тараққий этган эди. Бу давлат бошлиқларининг қаттиққўллиги, уларнинг ҳарбий кучга асосланиб иш кўриши натижасида мамлакат ичидаги ўзаро урушлар камайиб, қишлоқ хўжалигининг ривожланишига имконият туғилди. Араб истилосидан олдин қурила бошлаган шаҳарлар, хусусан, сомонийлар даврида шакллана бошлаган эди. Бу феодал шаҳарлар — Бухоро, Марв, Урганч ва бошқа жойларда ҳунармандчилик, косибчилик ҳам кенгайди. Бошқа мамлакатлар билан савдо алоқалари кучайди. Хўжаликнинг, айниқса, шаҳарларда ҳунармандчилик, савдонинг ўсиши маданият ҳамда фаннинг ривожланишига сабабчи бўлди.



Шу даврларда ўзбек халқи орасидан Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий (1036 йилда ўлган), Форобий (950 йилда ўлдирилган), Абу Али ибн Сино (980—1037), Абу Райҳон Беруний (1038—1048 йиллар орасида ўлган) каби олимлар етишиб чиқди. Бу олимларнинг ижодий фаолияти маълум бир фан билан чекланмаган энциклопедик характерда бўлиб, улар бутун дунё маданияти, фани тараққиётига зўр таъсир кўрсатдилар ва тарихда катта из қолдирдилар. Уларнинг фаолиятидаги биринчи характерли хусусият шундан иборат эдики, улар ислом ақидаларига қарши ўлароқ эркин, ижодий фикр йўлидан боришга, борлиқни объектив, тўғри тушунишга ҳаракат қилдилар. Бу олимлар кўп фанларнинг ўсишига асос солдилар, Ўрта Осиё халқлари маданияти билан қадим грек фани ва маданияти ўртасида яқиндан алоқа боғладилар. Бу олимларнинг фан ва маданият соҳасида эришган буюк ютуқлари, шубҳасиз, Ўрта Осиё маданияти ва фани заминида дунёга келди. Улар ўз даври традицияларига кўра, илмий асарларини араб тилида ёзган бўлсалар ҳам, лекин улар биринчи навбатда ўз халқларининг маданияти учун хизмат қилишни ўз олдларига асосий мақсад қилиб қўйган эдилар.

Гарчи бу олимлар кўпроқ фалсафа, медицина, география, математика, астрономия каби фанлар билан шуғулланган бўлсалар ҳам, лекин уларнинг ҳар томонлама фаолиятлари адабиёт ва адабиётшуносликнинг ривожланишига, адабиёт масалаларининг ичига чуқурроқ киришга, унинг объектив қонунларини, сирларини ўргана бошлашга, танқидий тафаккурнинг уйғонишига катта туртки бўлди.

X—XII асрларда форс-тожик тилида бой бадий адабиёт дунёга келди. Бунга форс-тожик тилида сўзлашувчи халқларнинг араб истилосидан қутилишлари натижасидагина эришилди. Рудакий (941—942 йилда ўлган), Дақиқий (997 йилда ўлдирилган), Фирдавсий (1020—1025 йилларда ўлган), Умар Хайём (1123—1124 йилларда ўлган), Носир Хусрав (1088 йилда ўлган), Анварий (тахминан 1190 йилда ўлган) кабилар шу давр тожик адабиётининг энг йирик вакиллари бўлиб, тожик адабиётининг тематикасини ҳар томонлама кенгайтirdилар, уни халқ манфаатларига яқинлаштирдилар, жанр турлари билан бойитдилар, тожик тили

поэтик имкониятларининг нақадар кенглигини исбот этдилар, халқ тилига, унинг оғзаки ижодига мурожаат қилдилар.

Шу даврда асосан ҳозирги Ўзбекистон тупроғида яшаб, туркий тилда гаплашувчи халқларнинг кўп асрлик шаклланиш процесси охирига етди ва бу халқ кейинги вақтларда ўзини ўзбек деб атай бошлади. Бу тилда ҳам поэтик ва прозаик асарлар вужудга кела бошлади. Юсуф Хос Хожибнинг 1069—1070 йилларда ёзган «Қутадғу билик» номли дидактик поэмаси шу давр ўзбек адабиётининг бизгача етиб келган характерли намуналаридан биридир.

Адабиёт билан бир қаторда адабиётшунослик соҳасида ҳам кўзга кўринарли ютуқларга эришилди. Лекин шуни уқтириб ўтиш керакки, биз ўз ишимизда «адабиётшунослик соҳаси», «танқидчилик», «танқидчилик соҳаси» каби терминларни шартли равишдагина қўллаймиз. Чунки бу даврларда ҳали фанлар тўла мустақилликка эришмаган ва алоҳида мустақил соҳаларга ҳам ажралиб етмаган эди. Фақат Урта Осиёда эмас, бошқа мамлакатларда ҳам кўп фанларнинг аҳволи шу хилда эди. А. А. Жданов (1947 йил 24 июнда) Г. Ф. Александровнинг «Ғарбий Европа философияси тарихи» номли китоби тўғрисида бўлган дискуссияда сўзлаган нутқида қадим грек фалсафасининг аҳволи ҳақидаги Г. Ф. Александровнинг мулоҳазаларини танқид қилиб, қуйидагиларни гапирган эди:

«Уртоқ Александров ўз китобининг 24-бетида қадимги греклар философиясини баён қилар экан, бундай деб ёзади: «Философия билимнинг мустақил соҳаси сифатида қадимги грек қулдорлик жамиятида пайдо бўлди». Ва сўнгра: «Философия эрамиздан бурун VI асрда билимларнинг алоҳида соҳаси сифатида пайдо бўлиб, жуда кенг ёйилиб кетди», дейди.

Лекин биз қадимги греклар философиясини билимларнинг айрим бир турга ажралиб кетган махсус бир соҳаси, деб айта оламизми? Албатта, йўқ. Грекларнинг философик қарашлари уларнинг табиий—илмий, сиёсий қарашлари билан шу қадар маҳкам чирмашиб кетган эдики, бизда фанларнинг кейинроқ пайдо бўлган бўлиниб кетишини, классификация қилинишини биз грек фанига йўймаслигимиз керак ва йўйишга ҳаққи-

миз ҳам йўқ. Аслини суруштирганда, греклар айрим қисмларга бўлинмаган бир фанни билар эдилар ва философик тасаввурлар ҳам шу фанга кирар эди. Агар биз Демокрит, Эпикур, Аристотелни олиб қарасак, буларнинг ҳаммаси Энгельснинг: «энг қадимги грек философлари айни вақтда табиатшунос ҳам эдилар» (Ф. Энгельс, Табиат диалектикаси, К. Маркс ва Ф. Энгельс Асарлар, XIV том, 498-бет.), деган фикрини тамоман бир хилда тасдиқлайдилар»<sup>1</sup>.

А. А. Ждановнинг қадимги грек фалсафаси ҳақидаги киритган аниқлигидан Ўрта Осиёдаги ўрта аср адабиётшунослиги таърифи учун ҳам фойдаланиш мумкин. Бу даврда, профессор А. Саъдий ёзганидек, «лингвистика, стилистика, адабиёт фани ва айниқса унинг поэтика қисми бир-бирлари билан»<sup>2</sup> аралшиб кетган эди. Шунинг учун соф адабиётшунослик асари жуда кам яратилар ва профессионал адабиётшуносларнинг ўзи ҳам йўқ даражада эди. Уларнинг кўплари, ҳозирги термин билан атаганда, «филолог» эдилар. XI—XIII асрларда етишган Жоруллоҳ аз-Замаҳшарий (1142 йилда ўлган), Абу Яқуб Юсуф Саккокий (1229 йилда ўлган), Рашидиддин Ватвот (1088—1082) кабилар ўз даврининг ҳар томонлама билимдон филологлари эдилар. Уларнинг араб тили, аруз вази ҳақидаги асарлари, тузган луғатларидан XX асрга қадар Шарқ мамлакатларида энг обрўли қўлланма сифатида фойдаланиб келинди. Масаланинг характерли томони яна шундаки, юқорида номи эслатиб ўтилган филологларнинг ҳаммаси Хоразмда етишган. Бу факт шуни кўрсатадики, бу даврларда Хоразм фан ва маданиятнинг энг йирик марказларидан бири бўлган. Бу ерда айниқса филологиянинг тараққиёт даражаси Шарқда ҳамма ердагидан юқори бўлган.

Бу даврда адабиётшунослик, хусусан адабий танқидчиликка оид фикрлар асосан қуйидаги формаларда ривожланди:

1. Адабий мажлислар, адабий мунозара ва суҳбатлар формасида.

<sup>1</sup> А. А. Жданов, Г. Ф. Александровнинг «Ғарбий Европа философияси тарихи» номли китоби тўғрисида бўлган дискуссияда сўзланган нутқ. Ўздавнашр, Тошкент, 1954, 8—9-бетлар.

<sup>2</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журнали, 1938, 11—12, 93-бет.

Адабий мажлислар, адабий мунозара ва суҳбатлар ўрта асрларда адабиётшунослар, шоирлар ва адабиётга яқиндан қизиқувчи барча кишилар учун адабий ижод устида, адабий асарлар устида фикр алмашиш учун энг қулай восита эди. Фикр алмашиш учун матбуот бўлмаган замонларда адабиёт тараққиётида бундай йиғилишларнинг аҳамияти жуда катта бўлди. Шунинг учун ҳам ҳоким синф идеологиясини адабиёт орқали ҳам халққа сингдирмоқчи бўлган подшолар у даврларда шоирларни ўз саройига йиғиб уларнинг адабий тўпланишларига ҳам маълум даражада эътибор берди. Бунинг исботи учун биз сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, хоразмшоҳларнинг саройларидаги адабий йиғилишларни эслаб ўтсак кифоя. Масалан, сомонийлар саройида Рудакий, Дақикий, Шаҳид Балхий каби талантили шоирлар бўлган. Улар ўз ижодларида сарой поэзияси тематикаси, яъни подшоҳ ва бошқа феодалларни мақташ доирасидан анча четга чиқиб, тожик адабиёти тараққиётида катта ижобий роль ўйнадилар. Кейинчалик теурийлар ҳам бу анъанани давом эттирдилар. Адабий танқидчиликнинг бу формаси, шубҳасиз, халқ оғзаки ижодчилари тўпланган жойларда ҳам мавжуд бўлган ва уларнинг бир-бирларининг ижодий юксалишларига ёрдам берган.

Бу йиғилишларнинг ички мазмуни адабиётда пайдо бўлаётган илғор тенденциялар билан қолоқ, реакцион тенденциялар, оқимлар курашидан иборат эди. Маълумки, ислом дини ва унинг намояндалари ҳамма вақт санъатнинг ҳамма турларининг, шу қатори поэзиянинг ривожланишига салбий муносабатда бўлиб келган.

IX—X асарларда феодал зулмининг авж олиши натижасида, унга қарши протест сифатида суфизм таълимоти пайдо бўлди. Бу таълимот ўзининг баъзи томонлари билан ортодоксал ислом дини қоидаларига зид бўлса ҳам, лекин кўп ички қарама-қаршиликларга, кўп тормоқларга эга эди. Шу сабабли кўп вақт ўтмай, бу таълимотдан ўша давр маданиятининг илғор намояндалари билан бир қаторда ҳоким синф идеологлари ҳам ўз социал мақсадлари учун фойдалана бошладилар. Ўрта Осиёда X—XI асрлардан бошлаб шу таълимот таъсирида жуда бой бадиний адабиёт яратилди ва бир-бирига қарама-қарши турли адабий оқимлар вужудга келди. Бу адабиётни ғоявий-бадиний жиҳатдан асосан.

уч гуруҳга бўлиш мумкин: диний-мистик адабиёт, феодал-сарой адабиёти ва прогрессив адабиёт. Диний-мистик адабиётнинг вакиллари ўз асарларида эзилган халқ оммаси аҳволининг оғирлигини тан олган ҳолда, уларни у дунёда яхши яшаш билан овулар, бу дунёнинг ҳузур-ҳаловатларидан воз кечишга, пассив бўлишга, зулмга иттият этишга чақирар эдилар. Бу билан улар шериатдан реакцион мақсадларда фойдаланар эдилар. Феодал-сарой адабиётининг вакиллари эса бу дунёнинг ҳузур-ҳаловатларидан тўла фойдаланишга, ўлимга шонмасликка тарғиб қилар, лекин жамиятдаги социал масалалардан четроқда турар, ёки уларга изчил муносабатда бўлмас эдилар. Бу билан улар ҳоким табақа манфаатларига хизмат қилар эдилар. Бу икки гуруҳ бир-бирига ички моҳият эътибори билан жуда яқин бўлиб, улар, умуман олганда, прогрессив адабиётга қарши курашар эди. Прогрессив адабиёт вакиллари ўз асарларида турмушда актив бўлишга ундар, жамиятдаги социал норозиликларни акс эттирар, эзувчи синф вакиллари инсофга, адолатга, маърифатга чақирар, уларнинг кирдикорларини танқид қилар эди.

Ф. Энгельс ўзининг «Людвиг Фейербах ва классик немис фалсафасининг охири» асарида: «Ўрта асрларда идеологиянинг ҳамма формаларини... илоҳиятга қўшиб юбордилар ва уларни илоҳиятнинг шўбаларига айланттирдилар... Омманинг ҳиссиёти нуқул диний озиқ билан озиқланттирилган эди...»<sup>3</sup> деб ёзган эди. Мазкур гуруҳларга кирган адабиёт аҳллариининг кўплари ўзларини суфизмга мансуб деб, ўз дунёқарашларини шу таълимотга боғлашга интилар эдилар. Лекин уларнинг ҳар қайсисининг суфизмга, динга, илоҳиятга бўлган муносабатларида фарқ бор эди. Бундай фарқларнинг бўлиши адабий йиғилишларнинг ўткир масалаларини ташкил этар эди.

Илғор адабиёт вакиллари, диний—чистик ва феодал-сарой адабиётларига қарама-қарши ўлароқ, ўрта аср схоластикаси доирасидан четга чиқиб, адабиётни жамият ҳаётига яқинлаштиришга, унинг объектив қонунларини ўрганишга, прогрессив идеялар учун курашишга, халқчиликка интилар эдилар. Улар динни, худони инкор этмас эдилар, лекин улар инсоннинг ролини, унинг

<sup>3</sup> К. Маркс, Сайланма асарлар, 1 т., Тошкент, 1942, 44-бет.

қадр-қийматини кўтаришга, унинг ижодкорлик қобилиятини ўстириш учун йўл очишга ҳаракат қилар эдилар. Уларнинг ижоди марказида одам турар эди. Уларнинг тушунчасича ҳам, инсоннинг ҳар бир яхши, ёки ёмон ҳаракати илоҳиятдан, яъни худо иродаси билан бўлади. Ислом дини инсонни камситиб, ниҳоятда ерга урган бир пайтда, бундай пантеистик қарашлар суфизмдаги прогрессив кўринишлар эди. Хуллас, илғор фикр эгалари ўз қарашларини диний қобиқда баён қилар эди.

Адабий йиғилишларда баъзан фикрлар кураши жуда кескин тус олар, оқибатда илғор фикрли кишилар дин ва давлат таъқиби остига тушиб қолган вақтлар ҳам бўлар эди. Умуман шунини айтиш керакки, уларнинг адабиёт ва адабиётшунослик, ҳатто маълум даражада тафаккур тараққиётидаги аҳамияти катта бўлди. Бундай мажлислар Урта Осиёда умуман XX асрларгача ҳам давом этди.

**II. Филологик характердаги назарий асарлар формасида ёки уларнинг таркибида.**

XI асрлардан бошлаб Урта Осиёда грамматикага доир бир қанча асарларнинг пайдо бўлиши филология соҳасида биринчи қадам бўлди. Гарчи бу грамматикалар араб тилига оид бўлса ҳам, улар бу ерда лингвистик билимнинг тараққий этганидан дарак беради. Бу араб тили грамматикалари ўз ичига поэтиканинг баъзи масалаларини ҳам олган бўлур эди. Шундай асарлардан бири Юсуф Саккокийнинг «Мифтоҳул-улум» — «Илмларнинг калиди» асаридир. Юсуф Саккокий бу асарида араб тили грамматикаси ҳақида кенг мулоҳазалар юритиш билан адабий тил қандай бўлиши кераклиги масалаларига ҳам тўхталади. У ўз асарининг «Илми балоғат» деган қисмида етук, тўғри сўзлаш ҳақида ёзиб дейди: «... Сўзловчи кишининг гапида сўзларнинг маънолари ниҳоятда ўз ўрнида келган бўлсин. Таркибларнинг хусусиятлари (грамматик хусусиятлар) сақланган бўлсин. Ҳамда турли ўхшатишлар, мажоз ва киноялар ўз ўрнига келтирилсин...»<sup>4</sup>. Саккокий чиройли сўзлаш ҳақида шу асарнинг «Илми фасоҳат» деган қисмида ёзади: «Илми фасоҳат» икки қисмдан иборат: биринчи қисми маънога тегишли бўлиб, бу — гапнинг чи-

<sup>4</sup> Абу Яъқуб Юсуф Ас-Саккокий, «مفتاح العلوم» Миср, 1889—90 йиллар, 220-бет.

галликдан ҳоли бўлишлиги демакдир. Яъни ўша гапирилган гап халқ орасида ишлатилган сўзлардан ташкил топган бўлсин. Янги ўйлаб чиқарилган сўз ишлатилмасин. Ёки халқ оммаси хато қўллайдиган сўзлардан фойдаланилмасин. Луғат қоидаларига бўйсунган бўлсин... Иккинчи қисми—жумланинг мутлақо чигилсиз (тушунарли) бўлиши керак демакдир...»<sup>5</sup>. Юсуф Саккокий ўзининг бу гаплари билан ўзбек ва тожик адабий тилининг ривожланишига, нутқ маданиятининг юксалишига маълум даражада ўз ҳиссасини қўшган. Маълумки, қадимги Греция ва Римда чиройли ва яхши сўзлаш алоҳида санъат ҳисобланиб, бунга катта аҳамият берилган. Бу ҳақда Аристотелнинг «Риторика»си каби нодир асарлар яратилган. Бу ўринда биз Ўрта Осиёдаги маданият билан қадимги Греция маданияти ўртасида яна маълум бир яқинликни кўрамиз. Гарчи Саккокийнинг асари араб тилида ва араб тилига оид бўлса ҳам, Ўрта Осиё маданияти вакиллари араб тилини яхши билгани ҳолда, ундан ўз мақсадлари учун бемалол фойдаланганлар. «Мифтоҳул-улум» нинг охириги қисмлари поэтикага, бадий, шеърий воситаларнинг қоидаларига, улардан фойдаланиш йўллариини тушунтиришга бағишланган.

Шу даврларда бир қанча луғатлар ҳам яратилди. Уларнинг кўплари араб тилининг изоҳли луғатлари эди. Бу, ўша даврларда Ўрта Осиёда араб тилининг жуда катта мутаҳассислари бўлганлигини кўрсатади. Азхари ал-Хиротий (980-йилда ўлган)нинг ўн томлик арабча луғати, Абу Наср Исмоил бин Ҳаммод Жавҳарий (1007—1008 йилларда ўлган)нинг «Ас-Сихох» каби луғатлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, туркча-арабча, арабча—туркча луғатлар ҳам пайдо бўлди. Маҳмуд ибн Хусайн ибн Муҳаммад ал-Қошғарий (XI аср)нинг «Девони луғати турк» (1072 — 1074 йиллар орасида яратилган) асари туркча сўзларнинг арабча изоҳидан иборат бўлиб, ўша даврнинг энг катта филологик ёдгорликларидандир. Бунда Маҳмуд Қошғарий турк тилининг луғат бойлигига кенг ва чуқур ёндошади ва айрим сўзларнинг янада аниқроқ изоҳи учун тил фактларидан, жумладан, халқ оғзаки ижоди намуналари, халқ қўшиқлари, мақоллари ва афоризмла-

<sup>5</sup> Ўша китоб, 221-бет.

ридан кенг фойдаланади. Бу шуни кўрсатадики, Маҳмуд Қошғарийнинг асари адабиётшуносликда ҳам аҳамиятга эгадир.

Замахшарийнинг арабча-туркча-мўғулча «Муқаддиматул-адаб» луғати ҳам ўз даври филологиясининг катта ютуқларидан эди. Бунда Замахшарий бадий адабиётнинг кўп терминларига яхши аниқликлар киритди. Хуллас, бу луғатлар луғат доирасидан анча четга чиққан ва адабиёт ҳамда адабиётшуносликнинг ривожланишига ҳам хизмат қилган. Бундан маълум бўладики, уларнинг авторлари айни вақтда, йирик адабиётшунос ҳам эдилар.

Адабиётшуносликнинг ўрта асрлардаги илк ютуқларидан яна бири поэтика, хусусан аруз ҳақида қатор қўлланмаларнинг яратилишидир. Рашидиддин Ватвотнинг «Ҳадойиқус-сиҳр», Хожа Насир Тусий (1274 йилда ўлган)нинг «Меёрул-ашъор» асарлари бу соҳадаги энг нодир қўлланмалар бўлди. Аруз вазни аслида араб шеърятига мос бўлгани учун, ўзбек, тожик шоирлари бу вазндан фойдаланишда катта қийинчиликларга дуч келар эдилар. Шунинг учун жуда пухта системалаштирилган, изоҳланган бу қўлланмаларнинг вужудга келиши ўз вақтида қилинган ишлар бўлиб, Ўрта Осиё халқлари адабиёти тараққиётида катта практик аҳамиятга эга бўлди. Бу асарлар ҳозиргача ҳам ўз илмий қимматини йўқотмаган.

### **III. Тазкирачилик ва ёзма ҳамда оғзаки адабиёт материалларини йиғиш формасида.**

Ҳар қайси фан, шунингдек адабиётшуносликдаги тараққиёт тарихининг бошланғич давлари учун, хусусан йиғиш, тўплаш ишларининг олиб борилиши характерлидир. Чунки, бу, фаннинг кейинги ривожланиши учун йўл очади. Бу соҳада Ўрта Осиёда кенг тарқалган тазкирачилик кишининг диққатини биринчи навбатда ўзига тортади. «Тазкира» арабча сўз бўлиб, у «эслатма», «эсдалик» маъноларини билдиради. Адабиётшуносликка оид тазкиралар билан бир қаторда динга, тарихга оид тазкиралар ҳам мавжуд. Адабий тазкираларга адабиёт тарихига оид материаллар, яъни аниқроқ айтганда, айрим шоирлар ва адабиётчиларнинг ҳаёти ҳамда ижоди ҳақидаги маълумотлар, уларнинг асарларидан намуналар киритилган бўлар эди. Бу тазкиралар адабиёт тарихини ўрганишда баъзи ўринларда ягона манбаъ ҳисобланар эди. Тузувчилар ўз тазкираларида қўл остиларидаги



материалларга маълум даражада танқидий муносабатда ҳам бўлганлар. Бизга XIII асрдан Саидиддин Муҳаммад Авфийнинг «Лубобул-албоб» тазкираси етиб келган. Бунда Авфий шоирлар билан чекланмасдан, баъзи олимларнинг ҳаёти ҳақида ҳам маълумотлар беради. Авфий Урта Осиё бўйлаб кўп саёҳат қилган ҳамда тўплаш ишлари билан кенг шуғулланган. Унинг «Жомиъул-хикоёт» ва «Лавомнул-ривоёт» асарида кўп латифа ҳамда тарихий маълумотлар тўпланган. Майдоний Нишопурий (1124 йилда ўлган) «Мажмаул-амсол» асарида кўп араб афоризмларини тўплаган. Замахшарий ҳам бу хил ишларга кўп вақт берган. Унинг «Рабеул-аброр» («Яхшилар баҳори») асарида жуда кўп халқ мақоллари, ҳикматли сўзлари ва бошқалар тўпланган.

Буларнинг ҳаммаси адабиётшуносликда қўлга киритилган ютуқлар эди.

#### **IV. Адабий-бадий асарларнинг солиштирма текстларини тайёрлаш формасида.**

Урта асрларда Урта Осиёда узоқ давргача китоб бошишнинг йўқлиги кўп адабий ёргорликларнинг йўқолиб кетишига сабабчи бўлди. Ҳамма асарлар у даврларда қўлда кўчирилари эди. Авторларнинг ҳаммаси ҳам ўз асарларини котибларга ёздириб, нусхасини кўпайтиришга қодир эмас эди. Ҳар қайси даврнинг иқтисодий ва сиёсий шароитига қараб, ҳоким синф манфаатларига яқин асарларгина маданиятга қизиқувчи, моддий бойлиги етарли кишиларнинг заказлари бўйича котиблар томонидан кўпайтирилари эди. Айрим ҳолларда бу котиблар ёки заказчилар кўчириладиган асарнинг тўғри нусхасини танлашга, ёки кўп нусха асосида тахминан тўғри нусхасини яратишга интилар эдилар. Чунки биринчи қўл ёзмалар кўп вақт тез йўқолиб кетар эди. Шундай қилиб, яхши саводли котиблар ёки заказчиларнинг бундай ишлари орқали тўғри, йиғма текстлар вужудга келар эди. Шохруҳ подшолик қилган даврда тожик ва ўзбек адабиётшунослари томонидан Абулқосим Фирдавсий «Шаҳнома»сининг йиғма текстининг тайёрланиши Навоийгача бўлган адабиётшуносликнинг энг катта ишларидан бири эди.

#### **V. Адабий хотира ва мемуарлар ёзиш формасида.**

Айрим адабиёт вакилларининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги хотираларни тўплаш, бу ҳақда мемуарлар яратиш—бу ҳам адабиётшуносликнинг бир формаси эди. Бунда махсус бир, ёки бир нечтагина киши ҳақида маълумот

берилар ва шу киши ҳақида гапиришга имконият ҳам таъкирдагига қараганда кенг бўлар эди. Низомий, Арузий Самарқандийнинг 1156 йилда ёзган «Чаҳор мақола», Абу Тоҳир ал Хотуний (XII аср)нинг «Маноқибушшуаро» асарлари шу характердаги асарлар эди. Бундай хотира ва ёдномалар подшолар, давлат арбоблари ва бошқалар ҳақида ҳам яратилган.

## VI. Адабий-бадий формада.

Бадиий адабиётнинг энг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, у бошқа фанлар, санъатнинг бошқа соҳаларига қараганда турмуш билан, халқ ҳаёти билан яқиндан боғлангандир. Шунинг учун ҳам унинг имкониятлари жуда катта. У жамият ҳаётини санъатнинг ҳамма соҳаларига — музыкага, скульптурага, рассомлик ва ҳоказоларга қараганда атрофлича акс эттирган. Бадиий адабиётнинг бу хусусиятини улуғ рус революцион демократлари қайта-қайта уқтириб ўтганлар ва улар адабиётдан ўз сиёсий, ижтимоий мақсадларида жуда кенг фойдаланганлар. Герцен бу ҳақда: «...Сиёсий эркинликка эга бўлмаган халқ қўлида адабиёт ягона трибуна бўлиб, бунинг чўққисидан у ўзининг ғазаб ва виждон овозига қулоқ солишга мажбур қила олади»<sup>6</sup> деб ёзган эди. Ф. Энгельс эса О. Бальзак ҳақида М. Гаркнессга ёзган хатида унинг асарларидан «ҳатто экономик мазмундаги деталлари — шу даврдаги барча профессионал тарихчилар, экономистлар, статистикларнинг китобларини бирга олганда, ҳаммасидагидан кўпроқ билим олдим» деб ёзган эди.

Ўрта Осиёда етишган прогрессив маданият арбоблари ҳам бадиий адабиётнинг бу хусусиятларидан фойдаланишга интилдилар. Улар ўзларининг сиёсий, фалсафий, ижтимоий қарашларини кўп ўринда бадиий формада ёки бадиий асарлар таркибида акс эттирдилар. Кўпгина тожик, ўзбек шоирлари ўзларининг адабиётшуносликка оид фикрларини ҳам бадиий асарлари таркибида ифодалаганлар. Буни биз Фирдавсий, Саъдий, Низомий кабиларнинг асарларида учратамиз. Уларнинг маълум бир асарни ёзишдан қузатган мақсадлари ҳамда адабиётнинг ўзига хос бошқа масалаларига муносабатлари, ўз ижодий услуби ҳақидаги мулоҳазалари ўша асарнинг, хусусан дostonларнинг кириш қисмларида яққол ифодалан-

<sup>6</sup> «Русские писатели о литературном труде» китобидан, II том. Советский писатель, Ленинград, 1955, 43-бет.

гандир. Буни биз Навоийгача яшаган ўзбек шоирлари: асарларида ҳам кўрамиз. Лирик шеърларда эса бундай фикрлар охирига байтларда ифодаланади. Бунда шоирлар ўзи билан асар қаҳрамонининг бирлигини, лирик қаҳрамоннинг дард-алами шоирнинг ҳам дард-алами эканлигини кўрсатиб кетар эдилар. Масаланинг адабиётшунослик учун муҳим томони шундаки, прогрессив позицияда турган эпик ва лирик шоирларнинг деярлик ҳаммаси бундай ўринларда ўзларининг эстетик қарашларини, ўз асарларини халқ учун яратганликларини айтадилар. Бунда уларнинг турмушга, реализмга тобора яқинлашиб келаётганликлари кўринади.

Фақат Ўрта Осиёда эмас, балки кўп мамлакатларда хусусан Европада ҳам қадимда ва ўрта асрларда адабиётшунослик ҳам асосан шу формаларда ўсди. Адабиётшуносликнинг бу формалари: адабий йиғилишлар, дискуссиялар, антологиялар тузиш, танқидий текстлар тайёрлаш, махсус илмий филологик асарлар ёзиш, айрим ёзувчи ва унинг ижоди ҳақида алоҳида асарлар яратиш, бадий формада ўз адабий фикрларини ифодалаш ва ҳоказолар ҳозиргача ҳам сақланиб, илмий асосда ривожлантирилмоқда.

Энди Навоийгача бўлган адабиётшуносликдаги адабий танқидчиликнинг бадий асарларга, шоирга баҳо бериш принциплари ва характерига келганда, бу масалага ўтишдан олдин улуғ рус танқидчиси В. Г. Белинскийнинг рус адабий танқидчилиги тарихига доир фикрларини эслаб ўтиш ўринли бўлар эди. В. Г. Белинский рус танқидчилиги тарихини уч босқичга бўлади. В. Г. Белинскийнинг фикрича, рус адабий танқидчилиги ўз тараққиётининг биринчи даврида айрим шеърлар ҳақида фикрлар айтишдангина иборат бўлган<sup>7</sup>. Иккинчи даврида эса, яъни XIV асрнинг йигирманчи йилларидан бошлаб адабий танқид бошқача тус олган: «...филологик, грамматик ва вазнга тегишли фикрлар ўрнига, айрим олинган шеърларни мақташ, ё сўкиш ўрнига шеърини асарнинг баъзи жойлари ҳақида эстетик мулоҳазалар айта бошлаганлар...»<sup>8</sup>.

<sup>7</sup> В. Г. Белинский, Собрание сочинений в трех томах, 2 т., ОГИЗ Государственное издательство художественной литературы. Москва, 1948, 422-бет.

<sup>8</sup> Уша китоб, 708-бет.

Ниҳоят Белинский яшаган даврда танқидчиликдан, «айрим майда нарсаларга берилиб кетмасдан, бадий асарнинг ғоясини очиб ва бу ғоянинг ўз ифодасига нисбатан қандай муносабатда эканлигини кўрсатиб, уни бир бутун ҳолда баҳолашни» талаб қила бошлаганлар<sup>9</sup>.

В. Г. Белинскийнинг бу мулоҳазаларини ўзбек адабий танқидчилиги тарихига ҳам татбиқ этиш мумкин. Навоийгача бўлган танқидчиликка нисбатан кўпроқ Белинскийнинг рус танқидчилигининг биринчи даврига оид гапларини қўллаш ўринлидир. Бунда асарлар ва шоирнинг ижоди ҳақидаги филологик, грамматик ҳамда поэтикага тегишли фикрлар асосий ўринни эгаллайди. Буни биз юқорида эслатиб ўтилган филологик ва поэтикага доир асарларда яққол кўришимиз мумкин. Адабиётнинг назарий масалалари эндигина ишланаётган бўлгани учун, аниқ критерия ҳам йўқ эди. Шунинг учун адабий асарга баҳо беришда унга субъектив муносабатда бўлар эдилар. Шоирлар эса ўз ижодий тажрибаси, қобилиятидан, адабиётшунослар ўз шахсий дидидан келиб чиқиб бунга ёндошар эдилар. Маълум асар ҳақидаги фикр, унга бериладиган баҳо кўп вақт конкрет бўлмасдан, умумий характерда, баъзан эса абстракт характерда бўлар эди.

Адабиётда Навоийгача эндигина ишлана бошланган назарий масалалар қандай масалалар эди? Бу саволга жавоб бермасдан, бу соҳадаги Навоийнинг катта хизматларига конкрет баҳо бериш мумкин эмас.

Бу масалаларнинг энг биринчиси адабиётнинг, адабий ижоднинг турмуш билан боғланиши масаласидир. Адабиёт тараққиётининг бошланғич давриданоқ прогрессив адабиёт вакиллари ва тарафдорлари адабиётнинг халқ турмуши билан, жамият ҳаёти билан, жамият олдиди, инсоният олдиди турган зарур масалалар билан боғланиши, уларни ҳал қилишга ёрдам бериши кераклигини ёқлаганлар. Лекин бу бирдан амалга ошадиган вазифа эмас эди. Бу вазифа адабиёт тараққиётининг бошланғич даврларидан то бизнинг давримизгача адабиётнинг ҳамма тараққиёт даврларини босиб ўтиб, ҳамон ривожланиб келаётган вазифа ва масалалардир. Адабиёт тараққиёти шу масаланинг қанчалик амалга оширилиши билан ўлчанган ва ўлчанади.

---

<sup>9</sup> Уша китоб, 708-бет.

Ўзбек поэзиясида биринчи бўлиб катта асар яратган ўзбек шоирларидан Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Кутадғу билик» поэмасида сўзни таърифлаб дейди:

Киши туғди, ўлди, сўзи қолди, кўр,  
Ўзи борди янглуг; оти қолди кўр<sup>10</sup>.

XIV асрда яшаб ижод этган хоразмлик ўзбек шоири Ҳайдар Хоразмий ҳам Низомий Ганжавийнинг «Махзанул-асрор» поэмасининг таржимасига киришар экан бундай дейди:

Умри гаранмоя чу бўлғай талаф,  
Сўз дуру, сўз дунйида қолғай халаф<sup>11</sup>.

Бунда «сўз» адабий асар маъносида ишлатилган. Бу икки шоирдан бошқа кўп шоирлар ҳам «сўз» таърифи ҳақида сўзлаб, ўз асарлари билан халққа яқиндан хизмат этажакларини ва номлари абадий қолишига ишонч ҳосил қилганларини айтадилар. Масалан, Ҳайдар Хоразмий Низомийнинг улуғ идеялар билан сугорилган «Махзанул-асрор» поэмасини ўзбек тилига таржима қилиб, ўз даврида халқ учун фойдали иш қилган.

«Юсуф-Зулайхо»нинг автори шоир Дурбек ўз асарининг кириш қисмида ўзи яшаган даврга тўғри характеристика бериб, она шаҳри Балхнинг душман қамалида қолганини, унда яшовчи аҳолининг оғир аҳволини ёзар экан, ўзини ҳам улар билан бирга ҳис қилади:

Ушбу қабол халқ уч ойн тамом  
Ер эдилар ғуссау ғам субҳу шом.  
Банда алар бирла гирифтор эдим,  
Барчасидин воқифи асрор эдим<sup>12</sup>.

Дурбек ва Ҳайдар Хоразмий ижодининг турмуш билан яқин муносабатда эканлиги улар ижоди — асарларининг тил хусусиятларида ҳам кўринади. Ҳайдар ўзига хитоб қилиб бундай дейди:

Турк зуҳуридур ўчунда бу кун,  
Бошла улуғ йир била туркона ун....  
Турк сурудини тузук бирла туз,  
Яхши аёлғу била кўкла қўбуз<sup>13</sup>.

<sup>10</sup> «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси», I т., Ўздавнашр, 1941, 18-бет.

<sup>11</sup> «Навой замондошлари» 39-бет.

<sup>12</sup> «Навой замондошлари», 32-бет.

<sup>13</sup> Уша китоб, 43-бет.

Яъни Ҳайдар Хоразмий ўз асарларини она тили — туркий (эски ўзбек) тилда ёзган. Чунки у шундай қилгандагина, мустақил халқ сифатида уюшиб, шаклланиб, бош кўтараётган ўзбек халқига хизмат қилар эди. Унинг ўзбек тилида асар ёзиши ўзбек халқи учун, унинг маданияти учун катта сиёсий, ижтимоий воқеа эди. Дурбек ҳам «бир неча соҳиб назар» лар унга ўз асарини форсчада эмас, ўзбек тилида ёзишни таклиф қилганларини айтади. Хоразмий («Муҳаббатнома» атори), Амирий, Атоий, Саккокий, Лутфий каби Навоийга қадар яшаб ижод этган ўзбек шоирлари ижодининг турмуш билан боғланишини фақат уларнинг асарларининг реалистик характерда эканлигида эмас, балки уларнинг ўзбек тилида ёзилганида ҳам кўришимиз мумкин. Навоий ҳам ўзбек тилида асарлар яратишга катта аҳамият берган.

Номлари юқорида зикр қилинган прогрессив ўзбек шоирлари турмушга яқинлашиш билан уларнинг ижодлари реалистик тус олиб мистикадан узоқлаша бошладилар. Бу билан улар ўзбек адабиётининг ҳақиқий йўлини тарғиб қила бошлаган эдилар.

Навоийгача ижод қилган мистик шоирлардан Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний ва бошқалар эса адабиётни турмушдан, ҳаётдан ажратиб, сиёсий ва социал масалалардан узоқлаштиришга интилар ва «нариги дунёни» кўкларга кўтариб мақтар эдилар. Улар ижодининг бундай принципга асосланиши ҳоким синф табақаларига, реакцион гуруҳларга қўл келар, эзилган оммани жаҳолатда тутишга ёрдам берар эди. Бу мистик шоирлар масалага объектив қараганда, мистикани мистика учун эмас, илоҳият учун ҳам эмас, эзувчи синф манфаатлари учунгина куйлар эдилар. Уларнинг ижодлари умуман турмушдан, халқ ҳаётидан, ҳар қандай прогрессив ҳаракатдан узилган эди.

Прогрессив ўзбек адабиёти шу мистик адабиётга қарши курашда ўсиб, чиниқиб боради. Лекин бу даврда илғор позицияда турган айрим ўзбек феодаллари ўз мавқеларини мустаҳкамлаш, феодал маданиятни ривожлантириш учун курашиб, прогрессив маданият вакилларига ёрдам берар эдилар ва уларни моддий ҳамда маънавий жиҳатдан суярдилар. Буни инкор этиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам Навоийгача яшаб, феодалларнинг хомийлигида ижод қилган ўзбек шоирларининг асарлари ижтимоий масалаларга юз ўғирмади, дунёвий

темалардан асосан севги, дўстлик, вафодорлик ва шу кабиларни куйлаш билан чекланди. Бадий адабиётда ижтимоий масалаларни биринчи планга қўйиш вазифаси кейинчалик Навойнинг зиммасига тушди. Навой адабиётнинг социал аҳамиятини биринчи ўринга қўйди. Навойнинг ўзбек адабиётидаги салафлари — ўзидан олдинги ижодкорлардан ҳеч ким адабиётнинг тарбиявий ролини, кураш қуроли эканлигини, маълум социал мақсадга хизмат қилиши кераклигини унингчалик чуқур тушуниб етмаган эдилар.

Навойгача бўлган адабиётшуносликнинг кун тартибига қўйилган катта масалалардан бири адабий асарда мундарижа ва шакл ҳамда уларнинг ўзаро бир-бирига муносабати масаласи эди. Бунда очикдан-очик шуни эътироф этиш керакки, Навойга қадар мавжуд адабиётшуносликда, адабий қарашларда формага кўпроқ аҳамият берилар эди. Тўғри, Юсуф Саккокий, Ҳайдар Хоразмийкаби илғор адабиётшунос олимлар ва шоирлар мазмунга кўпроқ аҳамият беришни талаб қилганлар. Масалан, Ҳайдар Хоразмий, Низомий «Махзанул-асрор»ини таржима қилар экан, уни биринчи навбатда асарнинг мазмуни ўзига мафтун қилганини ёзади:

Менки пишурдим бу лазиз ошни,  
Шайх Низомийдин олиб чошни,  
Шайх Низомий дамидин жон топиб,  
Маънисидин ерлиғу бурҳон топиб<sup>14</sup>.

Шунингдек шоир улуғ Низомий идеяларини ўз таржимасида мумкин қадар ўзбек ўқувчиларига ҳам тўғри етказиб беришга, уларнинг маъносини узмасликка интилади. Лекин шу билан бирга у:

Сўзда керак маънию маънида завқ,  
Сўзлагучида сўз учун дарду шавқ<sup>15</sup>

деб ёзар экан, у ўз таржимасининг бадий томонига ҳам диққат қилиб, Низомий асарининг пафосини бўшаштирмасликка ҳаракат қилади. Бунда шоирнинг маълум даражада шакл ва мундарижа бирлиги учун курашгани кўриниб турибди. Лекин унинг бу кураши изчил эмас эди ва шакл билан мундарижа ўртасидаги ҳақиқий муносабатни тўғри ва тўла очиб, белгилан беришдан узоқ

<sup>14</sup> «Навой замондошлари», 43-бет.

<sup>15</sup> Уша китоб, 42-бет.

эди. Формализм ҳукмронлиги эса давом этар эди. Яъни адабий асарда, хусусан шеърда ҳаётдаги социал қарама-қаршиликларни ўрганиб, уларни акс эттириш, илғор идеяларни илғари суриш, янги мазмунни ифодалаш, маълум темада асар ёзиладиган бўлса, ғоявий томонини чуқурлатиш сари эмас, балки бор темаларнинг ифодасини, «либоси» ни ўзгартиришга, янгилашга, янги тасвирий воситалар, бадий приёмлар топиш ва ҳоказоларга интилинар эди. Бунинг сабаблари нимада эди? Бунинг биринчи сабаби, ҳали адабий ҳаракатчиликнинг, адабиётнинг турмушдан, реал ҳаётдан узоқлигида, халқ ҳаёти билан етарли бирлашмаганлигида, ундаги халқчилик даражасининг пастлигида эди. Илғор адабиёт намояндлари, юқорида айтганимиздек, ҳаётга эндигина яқинлаша бошлаган ва бу соҳада ҳали биринчи қадамларни қўйган эдилар, холос. Иккинчи сабаби эса, бу давр адабиётшунослигида чуқур идеалистик қарашларнинг ҳукмрон ўринда эканлигида, ҳатто илғор шоирларнинг ҳам назарий жиҳатдан шу — идеалистик қарашларнинг таъсирида эканлигида эди. Атоий, Саккокий, Амирий, Хоразмий, Лутфий каби ўзбек шоирлари ижодининг тематик торлиги сабаблари ҳам шунда эди. Бу шоирларнинг прогрессивлиги дунёвий адабиётга юз ўгиришдагина эмас, балки адабиёт тараққиётининг ўша давр шароитини ҳисобга олганда уларнинг маълум темани янгича ифодалашга интилиб, ўзига керакли ифодаларни сунъий йўл билан топмай, халқ тилидан, халқ оғзаки ижодидан қидиришда ҳам эди. Бунинг ўзи ҳам адабиётни маълум даражада ҳаётга, халқ турмушига яқинлашгаётганини кўрсатар эди.

Форма ва мундарижа масаласида у даврдаги кўпчиликни ўз таъсирига олган идеалистик қарашлар қандай қарашлар эди? Санъатнинг асосий моҳиятини ўз ичига қамраб олган бу масалада Навоийгача XIV аср араб тарихчиси ва олми Ибн Халдуннинг фикрлари Урта Осиёда ҳам кенг тарқалган эди. Ибн Халдун ўзининг «Муқаддима» асарида бу масалага тўхталиб, очиқдан-очиқ ёзади:

«Тизма ва сочмада сўз санъати (бадий ижод) маънога оид эмас, балки сўзларнинг шаклланишига оид. Маъно шунга (сўзларнинг шаклланишига) эргашади. Маъно эмас, сўз асдир... Нутқ, у, сўзлардан иборат. Аммо маъно кўнгилдаги нарса бўлиб, у ҳаркимда бор.



Ҳар фикр эгаси у маъноларни ўзи истаганча айлантира беради. Бу, санъатга муҳтож эмас. Аммо унинг ифодаси учун гап тузиш, бу санъатга оид. Бу маънонинг қолиби кабидир»<sup>16</sup>.

Ибн Халдун ўзининг бу фикрларини тобора чуқурлаштиради. Кейинчалик Навоий «Ҳайратул-аброр»да

Назмда ҳам асл анга маъни дурур,  
Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур —

деб Ибн Халдуннинг худди шу фикрларига қарши зарба бериб ёзганки, бу ҳақда биз ўз ўрни билан алоҳида тўхталамиз. Ибн Халдун ўз қарашларига охиригача содиқ қолиб, сўнгида шундай хулоса чиқаради: «Адабиётда нодонлик — маънони билмаганликда эмас, балки сўзларни уюштира билмаганликда ҳамда тил малакаси асосида сўзларни (стилистикани) билмаганликдадир»<sup>17</sup>.

Ўз даврининг машҳур филологларидан Тафтазоний, Замахшарий, Саалабий каби кўп олимлар ҳам, профессор А. Саъдий ёзганидек, шундай фикрларни айтган эдилар. Бундай фикрлар, яъни формани биринчи ўринга, мундарижани иккинчи ўринга қўйиш, ҳеч шубҳасиз, адабиёт тараққиётига катта салбий таъсир кўрсатар, адабиётнинг илғор идеяларни ташувчи синфий кураш қуроли даражасига кўтарилишига йўл қўймас, уни ҳоким синф вакилларининг эрмагига айлантирар, эзилган омманинг онгини уйғотишга хизмат қилишдан четда турар эди. Навоийгача бўлган шеърдаги мундарижа ва шакл масаласи араб, форс, тожик ва ўзбек адабиётшунослигида асосан мана шу тахлитда қўйилган эди.

Навоийга қадар бўлган адабиётшуносликда, шоирларнинг ижодий тажрибаси кун тартибига қўйилган назарий масалаларнинг яна бошқалари: традиция, новаторлик, бадиий маҳорат, стилистика ва шунга ўхшаш масалалардир. Ўзбек шоирлари ўз ижодида муваффақият қозониш учун ўзларига қадар яшаган ўзбек, тожик, форс, озарбайжон шоирлари ижодини онгли равишда жиддий мутолаа қила бошлаганлар. Юсуф Хос Хожиб Фирдавсийнинг «Шаҳнома» сени яхши ўрганганлиги ҳақида ёзади. Аҳмад Юнгнокийнинг эса Юсуф Хос Хо-

<sup>16</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журнали., № 11—12, 1938, 94-бет. Абдурахмон Саъдий таржимаси.

<sup>17</sup> «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журнали, ўша сон, 94-бет.

жиб «Қутатғу-билик» асарини ҳам ғоявий, ҳам бадий жиҳатдан яхши ўргангани асаридан кўриниб турибди. Хоразмий она тили — ўзбек тили билан бир қаторда тожик тилини ҳам ўз она тилидек билгани, бу тилдаги бой поэтик меросни чуқур ўрганиб ўзлаштиргани, ҳатто бу тилда ҳам асар ёза олиш қудратига эга бўлгани унинг «Муҳаббатнома» сидан маълум. Ҳайдар Хоразмий эса, айниқса Низомий асарларини яхши мутолаа қилган. У «Махзанул-асрор»нинг таржимасига киришар экан, ўзига шундай хитоб қилади:

Эр эсанг эрдек юрагинг тишлагил,  
Ўткан эранларнинг ишин бошлагил<sup>18</sup>.

Ёки яна:

Эр назаридин очилур эр кўзи,  
Эр нафаси бирла юрур эр сўзи.<sup>19</sup>

Бунда у «эранлар», «мардлар», «эрлар» деганда биринчи навбатда буюк Низомийни назарда тутади. Лекин бу «ўткан эранларнинг ишин» давом эттирмоқчи бўлган ўзбек шоирлари уларни кўр-кўрона эмас, ижодий ўрганганлар. Улар ўз асарларида ўз яшаган даври ва ўз мамлакатигадаги иқтисодий-социал заминга суянганлар, ўз халқлари тилида ижод қилиб, шу тил имкониятларидан тўла фойдаланишга интиланлар. Кўп вақт улар қўшни халқлар алабиётлари вакиллари билан чин адабий мусобақада бўлганлар. Масалан, Атойиннинг:

Атойи шеърининг лутфини билса  
«Латофатнома»дин кечгай Хўжандий<sup>20</sup>

деб ўз шеърларини Хўжандий асарига солиштириши бунинг ёрқин бир далилидир. Шу йўл билан, умуман олганда, ўзбек адабиёти ҳам доимий ривожланишда, ўсишда, бойишда давом этган. Унинг ўша даврдаги яхши намуналари ҳамон ўз оригиналликни, ўз бадий қимматини йўқотмаган.

Оригинал асарлар яратиш масалаларига секин-аста адабий маҳорат учун кураш масаласи ҳам қўшила бошлаган. Ҳар бир шоир ўз ишининг устаси бўлишига, кўп ўқиш, ўрганишга, сўз санъатини эгаллашга интила бош-

<sup>18</sup> «Навой замондошлари», 40-бет.

<sup>19</sup> Уша китоб, 42-бет.

<sup>20</sup> Уша китоб, 111-бет.

лаган ва ўзидан кейингиларни ҳам шунга чақира бошлаган. Бу масалада ўзбек шоирларидан, айниқса, Сайф Саройининг ўзига замондош бўлган уста ва нўноқ шоирларга Шайх Саъдий «Гулистон»ининг ўзбекча таржимасига ёзган муқаддимасида берган характеристикаси диққатга сазовордир. У ёзади:

Жаҳон шоирлари, э гулшани боғ,  
Кими булбулдурур, сўзда, кими зог.  
Кими тўти-текин чайнар шакарни,  
Кими лафзи била ўртар дурарни.  
Кимининг сўзлари мавзуну ширин,  
Кимнинг лойиқи таърифу таҳсин.  
Кими ўзганинг ашъорин меним дер,  
Кими ҳайвон каби шалғам чўпин ер;  
Кими маъни қўйиб, лафзин тузотур,  
Кими вазнин бузиб, санъат кузотур<sup>21</sup>.

Бунда ўша даврдаги шоирларнинг булбул сифатларини адабий ўғирлик, назирагўйлик, нўноқлик ва ҳоказоларни касб қилиб олган нодон шоирлар билан таққослаб, қаттиқ танқид остига олади. Бу масалада Ҳайдар Хоразмий ҳам ўз даврининг энг илғор фикрларини айтади. У шоирнинг меҳнатини деҳқон билан боғбоннинг меҳнатига ўхшатиб, шоирни улардан ўртак олишга, чидам ва матонат билан ишлашга, ўзидаги талантни тарбиялашга чақиради ва ёзади:

Тўкмаса деҳқон арақи пой бил,  
Мевасининг фойдасин топмас эл.  
Тарбияту саъй қилур боғбон,  
Тоза бўлуб мева берур бўстон.<sup>22</sup>

Ҳайдар Хоразмий ҳам, Сайф Саройи сингари, ўз давридаги «беусул», лофчи, шуҳратпараст шоирларнинг устидан қаттиқ кулади, уларни фош қилади. У Низомий асарини таржима қилар экан, унинг ақлини денгизга, бой ва юксак фикрларини конга ўхшатади ҳамда энг қимматбаҳо идеяларини эса ўша кон ва денгизнинг ўртасида эканлигини айтади. Ўз таржимасида бу идеяларни ўзбек ўқувчиларига тўғри етказиб бериш учун курашади:

Жон тиши бирла қозиб ул конни,  
Қилдим ўзуб гавс бу уммонни<sup>23</sup>.

<sup>21</sup> «Навой замондошлари» китобидан, 1948, 7-бет.

<sup>22</sup> «Навой замондошлари», 42-бет.

<sup>23</sup> «Навой замондошлари», 41-бет.

дейди. Бу ўринда Ҳайдар Хоразмий, айниқса йирик жанрларга қўл уриш учун кўп билим ва тажрибага эга бўлиш керак, дейди. Масалан, Низомий асарлари каби асарлар ёзиш учун шоир ва ёзувчиларнинг катта кучга эга бўлиши кераклигини, ҳар қандай «камдаст» «муфлис» бу ишнинг уддасидан чиқа олмаслигини айтиб, у дейди:

Ул киши қўлғай чу Низомий бу ганж,  
Ким йиғабилгай гуҳари даст ранж.  
Йўқ эса ҳар муфлиси кам дастгоҳ  
Ҳеч топабилгайму бу маҳзанға роҳ?!  
Ганж ияси кон била дарё керак,  
Жумлаи асбоби муҳайё керак<sup>24</sup>.

Поэтик маҳоратни эгаллашга астойдил ундаган Ҳайдар Хоразмийнинг ўзи, Хоразмий («Муҳаббатнома» автори), Атоий, Лутфий каби ўзбек шоирлари ҳам ўз даврининг буюк сўз усталари эдилар ва уларнинг асарлари асрлар оша бизга етиб келди ва китобхонларга завқ бағишламоқда.

Поэтик маҳоратни ўрганиш масаласи, албатта, ҳали чекланган ҳолда кўпроқ формалистик тарзда қўйиларди. Бунда кўпинча асарнинг тил хусусиятларига катта эътибор бериш кўзда тутилар эди. Бунинг сабабларини биз юқорида айтиб ўтдик. Гарчи тил, стил масалалари бадиийликнинг бир қисмигина бўлса ҳам, мазмун ва форма бирлиги учун курашувчи совет адабиёти ва адабиётшунослиги бу масалаларга ҳам катта эътибор беради, совет ёзувчилари ўтмишдаги ёзувчиларнинг бу соҳада эришган ютуқларидан танқидий равишда ўрганиши керак. Ўзбек ёзувчилари учун «Муҳаббатнома»нинг тили, Атоий, Лутфий асарларининг тили доим катта мактаб бўлиб қолади. Уларнинг тилидаги равонлик, соддалик, жумлаларининг мазмундор ва образли бўлиши бунинг далилидир. Шунинг учун ҳам Хоразмий ўзи ҳақида:

Қиличтек тил била туттум жаҳонни...<sup>25</sup>

деб ёзар экан, «Муҳаббатнома» тилининг гўзаллиги бундай фахрланиш учун унга тўла ҳуқуқ берган эди.

Тил масалаларига Ўрта Осиёда етишган Юсуф Саккокий, Замахшарий, Тафтазоний, Журжоний каби қатор филологларнинг қандай аҳамият берганига юқорида қис-

<sup>24</sup> «Навойи замондошлари», 42-бет.

<sup>25</sup> «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси», 1, т., 69-бет.

ман тўхталиб ўтган эдик. Ўзбек шоирларидан Ҳайдар Хоразмий ҳам адабий асарнинг тили масаласига катта эътибор бериб, бу ҳақда бир қанча қимматли мулоҳазаларни баён қилган. У аввало гапириладиган, айтиладиган, ёзиладиган гапнинг «муъжизалик» бўлишини, яъни, бизнингча, янги, киши кутмаган мазмунга, маънога эга бўлишини, чиройли сўздан иборат қуруқ гап бўлмаслигини талаб этган. У ёзади:

Улким, анга муъжизалик сўз керак,  
Е кўрубон англағудек кўз керак.  
Сўз била ҳам бўлса не бўлғай эди,  
Мендин ўчун сўз била тўлғай эди<sup>26</sup>.

Бунда шоир: «Ҳар қандай нарсани ёзиш, сафсата сойтиш ҳам бадий қимматга эга бўладиган бўлса, шеърят ҳисобланса, у вақтда мен аллақачон дунёни сўз билан тўлдириб юборган бўлур эдим». — дейди.

У даврдаги етук ўзбек шоирлари тил билан бир қаторда стил масалаларига ҳам тўхталиб, биринчи навбатда ўз фикрини ихчам ва қисқа равишда баён қилишни, сўзни тежашни тарғиб этганлар. Биринчи мартаба Юсуф Хос Хожиб бу ҳақда:

Укуш сўзлама сўз, бирор сўзла, оз;  
Тумон сўз тугувнинг бу бир сўзда ёз<sup>27</sup>

деб ёзган эди. Бу фикрни ундан кейинги ўзбек шоирлари ҳам ривожлантирганлар ва бунга амал қилишга ҳаракат қилганлар. Ҳайдар Хоразмий ҳам бу идеяга содиқлик кўрсатади ва дейди:

Қисса узун қилма, кўтарма алам,  
Торт бу даъви рақамина қалам.<sup>28</sup>

Ўзбек адабиётшунослигида Навоийга қадар мана шунинг сингари масалалар қўйилган бўлиб, улар юқорида айтиб ўтилганидек, қатор тарихий социал сабабларга кўра, юзаки, баъзилари нотўғри, ўта субъектив — идеалистик тарзда қўйилган эди. Навоийнинг ўзбек адабиётшунослиги тарихидаги хизмати шундаки, у ўзига қадар мавжуд бадий адабиёт намуналари билан бир

<sup>26</sup> «Навоий замондошлари», 42-бет.

<sup>27</sup> «Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси», 1 т., 18-бет.

<sup>28</sup> «Навоий замондошлари», 40-бет.

қаторда, адабиётшунослик фанида эришилган ютуқларни ҳам синчиклаб ўрганди. Бу кўрсатиб ўтилган масалаларга объектив равишда қараб, уларни назарий юксакликка кўтарди. У ўзидан илгари мавжуд бўлган илғор традицияларнинг энг соғлом томонларини ривожлантирди. Навоий адабиётшунослигининг илгариги адабиётшуносликдан ажратиб турадиган энг биринчи фазилати, у бу масалаларга ўз даврининг энг илғор дунёқараши билан, халқпарварлик, инсонпарварлик позициясидан туриб ёндошди. У ўзигача мавжуд адабиётшунослик эришган ютуқларга маълум даражада яқун ясай билди. У кўп масалаларни фақат назарий жиҳатдан ҳал қилиш билан чекланмай, буюк санъаткор сифатида ўз назарий қарашларини амалга ошира билди ҳам. Унинг фаолиятида назария билан практика бирга борди. У доим ўзига:

Илм, Навоий, сенга мақсуд бил.  
Эмдики илм ўлди, амал айлагил<sup>29</sup>

деб хитоб қилар эди.

Адабиётшунослик масалалари билан шуғулланган филологларнинг қарашларидаги энг катта камчилик шунда эдики, уларнинг қарашлари кўп вақт схоластик характерда бўлар, адабиётнинг, адабий ҳаракатчилигининг реал аҳволи билан боғланмаган, ундан узилган ҳолда эди. Қ. Маркс ўзининг машҳур «Фейербах тўғрисида тезислар» ида тажрибадан узилган тафаккур ҳақида ёзган эди: «Қиши ўз тафаккурининг ҳақ эканлигини, яъни воқелигини, қувватини, бу дунёга мансублигини практикада исбот қилиши лозим. Практикадан ажралган тафаккурнинг воқелиги ёки воқе эмаслиги тўғрисидаги мунозара нуқул схоластик масаладир»<sup>30</sup>. Шунинг учун ҳам бундай адабиётшунослар адабиётнинг тараққиётига конкрет ёрдам қила олмадилар, балки бевосита ижодий иш билан шуғулланувчиларни кўп вақт адаштирдилар. Бу хил адабиётшуносларнинг қарашларига нисбатан адабиётшунослик масалалари билан шуғулланган, ижодий ишнинг, бадий адабиётнинг ўзига хос қонун-қоидаларини билишга интилган прогрессив шоирларнинг бу соҳага оид қарашлари, ҳеч шубҳасиз, илғорроқ, объективроқ эди. Чунки уларнинг мулоҳазалари

<sup>29</sup> «Нажратул-абраг», 94-бет.

<sup>30</sup> Карл Маркс, Сайланма сарлар, т. 1, ЎзССР Давлат нашриёти, Тошкент, 1942, 403-бет.

мавжуд адабий ҳаракатчилик билан, аввало ўз ижодий тажрибалари билан маълум даражада боғланган бўлган.

Навоийгача яшаб, адабиётшунослик масалаларига кўп аҳамият берган ўзбек шоирлари орасида айниқса Ҳайдар Хоразмийнинг қарашлари диққатга сазовордир. Ҳайдар Хоразмий Хоразмда тўпланган адабиётшуносликка оид бой меросни жиддий ўрганиб, унинг яхши томонларини ривожлантиришга, ўз ижодида уларни қўллашга ҳаракат қилган. Шу билан бирга, у буюк Низомий Ганжавийнинг ижодий традицияларини чуқур ўзлаштиришга, шу йўлдан боришга, унинг таъсирини ўзбек адабиётига ўтказишга интиланган. Унинг адабий мулоҳазалари объективлиги, доирасининг кенглиги билан ажралиб туради. Навоий, шак-шубҳасиз, унинг адабий мулоҳазалари билан яхши таниш бўлган. Уни Навоийнинг адабиётшунослик соҳасидаги энг яхши салафи дейиш мумкин. Афсуски, бизга Ҳайдар Хоразмийнинг кўп асарлари етиб келмаган.

Энди Навоий адабий танқидчилигини текширишга киришишдан олдин, унинг бу соҳадаги мероси қандай тарихий шароитда вужудга келганлиги ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш зарур.

\* \* \*

Мўғул истилоси Ўрта Осиё халқларига жуда катта офатлар етказди. Бир ярим аср давомида ҳам мамлакат босқинчилар етказган зарарлардан ўзини ўнглаб ололмади. Ҳунарманчилик тараққий этган Самарқанд, Урганч, Бухоро каби шаҳарлар тамом вайрон қилинди. Кўп маданий бойликлар куйдирилди ва йўқолиб кетди. Фан ва маданият тараққиёти деярлик тўхтаб қолди. Адабиётшунослик соҳасида ҳам бу даврда кўзга кўринарлик асарлар жуда кам яратилди.

Лекин истилочиларга нисбатан халқнинг қаҳр-ғазаби чексиз бўлиб, уларга қарши узлуксиз равишда кураш олиб борди ва истибдодни тугатишга интилди. Бу курашлар орасида, айниқса Мовароуннаҳр ва Хуросонда кўтарилган сарбадорлар ҳаракати катта роль ўйнади. Бу ҳаракат узоқ давом этиб, босқинчилар ҳукмронлигини емирилишга олиб келди. XIV асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда Темур империяси пайдо бўлди. Темур де-

мократик характердаги сарбадорлар ҳаракатидан маҳаллий ҳоким синф ва ўз манфаатлари учун ҳийлагарлик билан фойдаланди. Темур ҳарбий куч, деспотизм йўли билан мамлакатни бирлаштирди ва бошқа мамлакатларни талашга қаратилган кўп ва оғир босқинчилик урушларини олиб борди, юз мингларча гуноҳсиз кишиларнинг қонини тўкди, қўшни мамлакатлардаги бир қанча обод шаҳарларни вайрон қилди. Шу билан бирга, у ўз мамлакати экономикасини кўтаришга, яъни қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун айрим жойларда ирригация ишларини йўлга солишга, ички ва ташқи савдони кучайтиришга, қўшни мамлакатлардаги шаҳарларни хароб қилиш ҳисобиغا, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларни ҳар томонлама юксалтиришга, муҳташам бинолар қуришга, феодал бошбошдоқликларга барҳам беришга ҳаракат қилди. Бу нарсалар Қ. Маркс айтганидек, унинг фаолиятидаги «катта контраст» ларни ташкил этар эди<sup>31</sup>.

Темурнинг саройида Саъиддин Масъуд Тафтазоний (1389 йилда ўлган), Али Шариф Журжоний (1413 йилда ўлган) каби олимлар бор эди. Улар суфизм, ҳуқуқшунослик, фалсафа масалалари билан бир қаторда филология билан ҳам кенг шуғулланган эдилар. Улар Саккокийнинг «Мифтоҳул-улум» асарига шарҳлар ёздилар. Булар Урта Осиё феодал маданиятининг яна жонлана бошлаганидан дарак берар эди.

Темурнинг давлати куч билан бирлаштирилган бўлгани учун, у мустақкам эмас эди. Темур ўлгандан сўнг (1405 йил) унинг меросхўрлари орасида тахт учун қонли урушлар бошланди. Ниҳоят 1409 йилда мамлакат икки мустақил давлатга бўлиниб, Хуросонда Шоҳруҳ (1409—1447), Мовароуннаҳрда Улуғбек (1409—1449) подшолик қила бошлади. Лекин бу давлатларнинг ўзи ҳам айрим феодал мулкларнинг бирлашмасидан ташкил топган эди. Бу даврдаги социал тузумнинг энг мухим хусусиятларидан бири шуки, мулк эгалари — феодаллар чексиз имтиёз ва қулайликларга эга бўлиб, улар мамлакатнинг ва ундаги моддий бойликларнинг асосий эгалари эдилар. Улар меҳнаткашларни истаганларича эза олар эдилар. Меҳнаткашларни эксплуатация қилиш ва бошқа мамлакатларни талашга қаратилган урушлардан

---

<sup>31</sup> Қ. Маркс, «Хронологические выписки», Архив Маркса и Энгельса, т., VI, стр. 184.



феодаллар бойган сари улар мустақилликка, марказий давлатдан ажралишга интилар эдилар. Бу ҳол феодал жамиятнинг ички қонуниятидан келиб чиққан бўлиб, уни на Темурнинг ўзи, на Шаҳруҳ, на Улуғбек, на улардан кейинги темурийлардан — Абулқосим Бобир (1452—1457), Абусаид (1451—1469), Хусайн Бойқаро (1469—1506) ва бошқалар енга олдилар. Темурийлар ҳукмронлик қилган даврдаги ўзаро урушлар халқнинг бошига кўп кулфатлар келтирди, маданиятнинг ривожланишига, экономиканинг ўсишига зарар етказди. Халқ бу даврда зolimларга қарши бир неча бор курашга қўзғалди ва бу қўзғолонлар раҳмсизлик билан бостирилди.

Умуман олганда, феодал муносабатлар бу даврда ривожланиш кучини сақлаган бўлиб, маълум даражада ишлаб чиқаришнинг ҳамда феодал маданиятнинг ўсишига имконият берар эди. Прогрессив тенденциядаги айрим феодаллар ўз бойликларидан маданий ҳаракат учун ҳам сарф қилар эди. Чунки маданият самараларидан ҳам асосан уларнинг ўзлари баҳраманд бўлар эдилар. Меҳнаткаш халқ оммаси эса ёппасига саводсиз бўлиб, ундан фойдаланиш имкониятига эга эмас эди. Лекин феодаллар, ҳеч шубҳасиз, фан ва маданиятнинг ўз манфаатларига хизмат қиладиган соҳаларини ривожлантиришга, ҳар қайси соҳага ҳоким синф идеологиясини ўтказишга интилар эдилар.

Темурийлардан Улуғбек, ўзбек маданиятининг тараққиётига катта ҳисса қўшди. У ҳукмронлик қилган даврда Самарқанд янада гўзаллашди, кўп муҳташам бинолар қурилди, шаҳар ҳаёти жуда жонланди. У ўз сиёсатида мамлакатнинг ўзидаги ишлаб чиқариш кучлари — ҳунармандчилик, косибчилик ва ҳоказоларни, ички савдони кучайтиришга кўпроқ аҳамият берди. Улуғбекнинг ўзи катта илмий қобилиятга эга бўлиб, атрофига машҳур астроном ва математикларни йиғди. У хусусан астрономия фанининг тараққиётига яқиндан қатнашиб, «Зичи Кўрагоний» асарини яратди... У, бу асарда Ўрта Осиёда мавжуд традицияларга суянди, уларни ўстирди. Улуғбек архитектура ва санъатнинг ривожланишига, маърифат ишларининг кенг йўлга қўйилишига ҳам тарафдор бўлди, бошқа мамлакатлар билан маданий алоқалар ўрнатишга интилди. Унинг маърифатпарварлик, эркин фикрлик руҳидаги бу ҳаракатлари реакцион гуруҳларнинг қаттиқ норозилигини қўзғатди ва бу унинг фожиа-

ли ўлдирилишида (1449) муҳим сабаблардан бўлди. Улуғбек ўзбек адабиётининг юксалишини ҳам қўллар, ўзбек тилида ёзилган поэтик асарларни завқ билан ўқир ва унинг нозикликларига яхши тушунар эди. Унинг саройида Саккокий каби талантли ўзбек шоирлари яшаб, ижод қилар эди. Лутфий каби ўзбек шоирлари гарчи Ҳиротда яшасалар ҳам, аммо умуман улар Улуғбекнинг ҳар томонлама мададига суюнар, ўз асарларини унга юборар эдилар. Лутфий ғазалидан келтирилган қуйидаги байт бунга характерли бир мисол бўла олади:

Улуғбекхон билур Лутфий камолин  
Ки рангин шеъри Салмондин қолишмас<sup>32</sup>.

Улуғбек ўлдирилгандан сўнг, XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрда реакция авж олди, ўзаро урушлар кучайди, Улуғбек бошлаган маданий ҳаракатнинг даражаси анча пасайди. Бу даврда ўта кетган реакция катта феодал Хўжа Ахрор тарих саҳнасига чиқиб, амалда мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий тизгинини ўз қўлига олди, Абусаид каби подшоларга ўз сўзини ўтказиб борди, ҳар қандай прогрессга қарши курашди. У, Улуғбек ўлимининг ҳам ташкилотчиларидан бири эди. У ўз ҳаракатларига диний тус бериб, меҳнаткашларни алдади, уларнинг қонини сўрди.

Бу вақтда, яъни XV асрнинг иккинчи ярмида маданий ҳаракатчиликнинг маркази Самарқанддан Ҳиротга кўчди ва бу соҳадаги кўтарилиш Алишер Навоий номи билан боғланган эди. Навоий бу соҳада Улуғбек традицияларини давом эттирди ва ривожлантирди. Тўғри, Навоийгача ҳам Ҳиротда маданий ҳаракат мавжуд эди, лекин Навоий бошлаган масштабда кенг эмас эди.

Навоий Хусайн Бойқарога яқин энг бой феодаллардан бўлиши билан бирга, ўз даврининг энг прогрессив, энг маданий, энг билимли ва энг ўтқир сиёсатдон киши эди. У, Хусайн Бойқаро тахтни эгаллагач (1469), унинг саройига хизматга чақирилиши биланоқ давлат ва мамлакат ишлари билан актив шуғуллана бошлади, аввал муҳрдорлик, сал ўтмай амирлик вазифаларида бўлди. У ўзининг тараққийпарварлик руҳидаги ҳаракатлари билан саройдаги реакцион гурӯҳларнинг ифвосига дуч ке-

<sup>32</sup> «Навоий замондошлари», III-бет.

либ, амирликдан четлаштирилгандан кейин ҳам (1487), давлат ишлари билан шуғулланишда давом этди. Навоий фаолиятининг марказида темурийлар давлатини мустақкамлаш, ўзаро урушларга йўл қўймаслик, мамлакат экономикаси ва маданиятининг ривожланиши учун тинч шароит яратиш сиёсати ётар эди. Ўзаро низолар орқасида темурийлар давлатининг емирилаётганини, унга нисбатан халқнинг ғазаб ва нафрати ортиб бораётганини Навоий жуда яхши англади ва ҳис қилди эди. У 1470 йилги Ҳирот қўзғолонига ўхшаш ҳодисаларнинг олдини олиш учун ҳоким синф вакиллари доим инсофга, адолатга чақирди. Лекин Навоийнинг кўп ҳаракатлари бе-кор кетди. Чунки бундай ҳолатларнинг ҳаммаси феодал жамиятнинг ички қонунияти асосида юз берар ва уларни Навоий каби бир-икки кишининг кучи билан енгиб бўлмас эди. Шунинг учун ҳам путури кетаётган темурийлар давлати, Навоий вафотидан кейин (1501) кўп вақт ўтмай, Шайбонийхон бошлиқ кўчманчи ўзбекларнинг ҳужумига учраб тор-мор этилди.

Умуман Навоий давлат арбоби сифатида ўз даврида жуда катта ижобий роль ўйнади, маълум вақтларда мамлакатда тинчлик ўрнатилишига, айрим феодалларнинг халққа ўтказаётган зулмининг камайтирилишига, маданий ҳаракатнинг ўсишига сабабчи бўлди. Бу даврда Ҳирот Шарқдаги энг обод, гўзал, гавжум шаҳарлардан бирига айланди. Навоий ўз қўл остидаги катта бойликлардан илм ва маданият учун жуда катта маблағларни сарфлади. Ҳиротга мамлакатнинг деярлик ҳамма еридан келган ҳунармандлар, косиблар, олимлар, бинокорлар, шоирлар ва бошқалар тўпланди ҳамда уларнинг кўплари Навоийни қора тортиб келиб, ундан паноҳ топди. Шахсан Навоийнинг моддий ва маънавий ёрдами билан Биноий, Ҳилолий каби шоирлар, Мирхонд ва Хондамир каби тарихчилар, Абдужамил ва Султонали Машҳадий каби хаттотлар, Беҳзод каби рассомлар, Қулмуҳаммад Удий, Шайх Нойи, Хусайн Удий каби музикантлар етишди ва уларнинг ҳар қайсилари маданият тарихида катта из қолдирди.

Навоийнинг маданиятимиз тарихидаги энг катта хизмати унинг асарларидир. Унинг поэтик асарлари — «Хамса», «Ҳазоннул-маони» ва бошқаларда ўз даврининг деярлик ҳамма илғор идеялари акс этди. У ўз асарларида феодал тарқоқликка, қоқоқликка қарши

курашди. Халқпарварлик ва инсонпарварлик байроғини юқори кўтарди ва ҳоким синф вакилларининг кирдикорларини аямай фош қилиб, юксак инсоний фазилатларни кенг тарғиб этди. У ўз идеяларини кенг халқ оmmasига тушунарли юксак поэтик формаларда ифода этди. Поэзияни халқ ҳаётига яқинлаштирди.

Навоий ўз асарларини ўзбек тилида ёзди. Бу, ўзбек аристократиясининг ижтимоий-сиёсий мавқеининг мустақамланганлиги билан ҳам боғланган эди. Ўзбек аристократиясининг ҳам маданий талаблари ортиб борар ва Навоийнинг биринчи ўқувчиси шу аристократиянинг «хуш таб» ва «соф идрок» лари эди.

Улуғ ирода ва билим эгаси Навоий тафаккур соҳасидаги қотиб қолганликка, догматизмга, «улуғ»ларнинг гапларига шак келтирмаслик каби қарашларга қарама-қарши ўлароқ эркин фикр йўлидан, ҳақиқий ижодкорлик йўлидан борди. Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари унинг умумий ишининг, хусусан маданий ҳаётнинг муҳим участкаси — бадий адабиётни ривожлантириш соҳасидаги ишларининг ажралмас бир бўлаги бўлиб, бу мураккаб бир тарихий процессда вужудга келди.

Навоийнинг танқидий қарашлари аввало унинг ўз даврига, ўз яшаган жамиятида ҳукм сурган феодал тартибларга нисбатан яққол кўринади. У зўр сиёсий танқидчи сифатида ўша замоннинг феодал тартибсизликлари, ўзаро урушлар, муросасизликлар ҳақида «Садди Искандарий» достонида ёзади:

Адоватқа боғлаб камар икки шоҳ,  
Жаҳон аҳлини айлаб икки сипоҳ,  
Бори тортибон қатл учун тиғи тез,  
Қилиб тиғ тез ўлтурурга ситез.  
Ато бир тараф гар эрур филмасал,  
Яна жониб ўлса ўғулга маҳал.  
Икисига кин ўти солғай ғазаб  
Ул ўт қон ичарга қилиб, ташна лаб.  
Ато жон бериб ўғлин ўлтургали,  
Ўғул ҳам анга тиғи кин сургали.  
Қариндош топса қариндошини,  
Дамо-дам тилаб кесгали бошини.  
Тушуб ошноларга бегоналиқ,  
Қетиб ҳамнишинларга ҳамхоналиқ.  
Бу навъ ўлса мундоғ ики зот аро,  
Не бўлғай гумон қиллики ёт аро?<sup>33</sup>

<sup>33</sup> Танланган асарлар, т. 2, V-китоб, бет-88.

Навоийнинг сиёсий танқидчилиги унинг адабий танқидчилигининг социал замини бўлди. Алишер Навоийнинг адабий танқидчилиги унганча ўзбек, тожик, озарбайжон, форс, араб адабиётларининг, адабиётшуносликларининг ютуқларига асосланган эди. Буларсиз Навоий адабиётшунослигининг юзага чиқиши қийин эди. Навоийнинг адабиётшунослик соҳасидаги мероси ўз даврининг катта ютуғи бўлди. Навоий адабиётшунослигининг дунёга келишида ўз даврининг буюк мутафаккири, шоири, олими, давлат арбоби, маданият хомийси бўлиши, шубҳасиз, катта роль ўйнади.

В. И. Ленин тарихда хизмат кўрсатган арбобларнинг ролига қандай баҳо бериш ҳақида ўзининг «Иқтисодий романтизм таърифи тўғрисида» деган асарида қуйидагиларни ёзган эди: «Тарихда ўтган арбобларнинг кўрсатган тарихий хизматлари тўғрисида ҳукм чиқарганда, уларнинг ҳозирги замон талабларига нисбатан тўғри келадиган нарсалар берганликларига қараб ҳукм чиқарилмайди, балки уларнинг ўзларидан аввал ўтганларга нисбатан қандай янгиликлар берганларига қараб ҳукм чиқарилади»<sup>34</sup>. Ўзбек адабиётшунослиги тарихидаги Навоийгача қилинган ишлар билан Навоий хизматларини таққослаб кўрганимизда, адабиётшуносликнинг бу даврда олдинга қараб катта бир қадам босганини кўра-миз.

XV асрнинг иккинчи ярмида адабий ҳаёт илгаригига нисбатан жонланди. Бу соҳада фикр алмашиш ҳам жиддий тус олди. Аммо бу даврда ҳам адабий танқид, юқорида айтганимиздек, биринчи навбатда адабий мажлис, суҳбат, муозара формаларида ривожланди. Адабий йиғилишлар, фақат Ҳиротда эмас, Самарқанд, Машҳад, Марв, Астробод каби шаҳарларда ҳам ўтар эди. Мажлисларда кўзга кўринган шоирлар раҳбарлик қилар эди. Адабий мажлислар ибодат ёки бозор кунлари халқ йиғилдиган жойларда тўпланар эди. Бу мажлисларда ҳам классик ва замондош шоирларнинг асарлари ўқи-лар, муҳокама қилинар, янги асарларнинг камчиликлари кўрсатилиб, танқид қилинар эди. Адабий мажлисларда Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Хусрав Дехлавий, Хоқоний, Жомий, Лутфий, Саккокий, Атоий, Навоий

---

<sup>34</sup> В. И. Ленин, Асарлар, 2 т., Ўзбекистон Давлат нашриёти, 1948, 190-бет.

кабиларнинг асарлари кўп ўқилар эди. Навоий бу вақтда танилган ўзбек шоирлари ҳақида гапирар экан, Саккокий ҳақида «Самарқанд аҳли анга кўп муътакиддурлар ва бағоят таърифин қилурлар»<sup>35</sup> дейди; Атойи ҳақида: «Ўз замонида шеъри атрок орасида кўп шуҳрат тутти» дейди; Лутфий ҳақида эса: «Ўз замонининг маликулкаломи эрди, форси ва туркида назири йўқ эди...»<sup>37</sup> дейди.

Бу даврда илғор шоирларнинг асарлари ўзининг илғор идеялари билан халқ оммасига катта маънавий озиқ берар ва юқори табақаларга қарши норозилик билдиришда, уларни танқид қилишда, уларга ўз нафратларини билдиришда, уларнинг кирдикорларини фош қилишда мафкуравий қурол воситасини ўтар эди. Масалан, «Мажолисун-нафоис»да Навоий томонидан келтирилган Муҳаммад Олим, Козимий, Астрободий каби шоирларнинг сатирик шеърлари ўз даврида худди шундай олижаноб вазифани бажарганки, биз бу ҳақда қуйида яна тўхтаймиз.

Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ҳузурларида ўтган, улар иштирок этган адабий мажлислар баланд савияда, қизғин ўтар ва ҳақиқатан ҳам адабиётнинг ривожланишига хизмат қилар эди.

Темур, Шоҳруҳ, Абулқосим Бобир давридаги сингари Хусайн Бойқаро даврида ҳам саройда ва унинг вазирлари хузурида ўтадиган мажлислар эса меҳнаткаш халқ ҳисобига кўнгил очиш мақсадида ўтказилар эди.

Умуман, у даврларда адабий мажлисларнинг қайси вазиятда қандай руҳда ўтганлиги ҳақида биз Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис», «Муҳокаматул-луғатайн», «Ҳамсатул-мутаҳаййирин» китоблари, Зайниддин Восифийнинг «Бадое ул-вақое» китоби, Хондамирнинг «Макоримул-аҳлоқ» китоби, Давлатшоҳнинг «Тазкиратуш-шуаро» китоби, Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон» китоби ва бошқалардан тўла тасаввур олишимиз мумкин.

Алишер Навоий адабий мажлисларда актив қатнашди, бундай мажлисларни ўзи ҳам кўп уюштирди ва бундан ўзининг ижодий юксалиши учун, илғор адабиёт яра-

<sup>35</sup> Танланган асарлар, 3 том, 58-бет.

<sup>36</sup> Уша китоб, 57-бет.

<sup>37</sup> Уша китоб, 56-бет.

тиш йўлидаги кураши учун кўп маънавий озиқ олди. Адабий мажлислар, айниқса унинг адабий-танқидий меросининг дунёга келиши ва ривожланишида жуда катта роль ўйнади.

Навоий адабиёт танқидчиси сифатида жуда эрта кўзга кўрина бошлаган. Навоийнинг табиатида жуда ёшлик вақтидан бошлаб қандайдир бир инжиқлик, тарихий манбаълар тили билан айтганда, «нозик» лик бўлганки, бу ҳақда Заҳириддин Муҳаммад Бобир ёзади: «Алишербекнинг мизожи нозук била машҳурдир. Эл назокатини давлатининг ғуруридан тасаввур қилур эдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибилий экандур»<sup>38</sup>.

Бу ҳақда яна Хондамирнинг «Мақоримул-ахлоқ» китобида қуйидагиларни ўқиймиз:

«Нозик табиининг софлик ва соғломлик овозаси оламга ёйилди ва муборақ фикрининг дадиллиги ҳақидаги сўзлар халқ орасида оғиздан-оғизга кўчиб юрди»<sup>39</sup>.

Навоий табиатидаги бу «нозик»лик адабиёт соҳасида ҳар қандай асарни ёқтира бермаслигида, поэзияни жуда нозик тушунишида, унга юксак талабчанлигида кўринади.

Навоий шоир сифатида жуда эрта, 15 ёшларида танилган экан, шу билан бирга, классикларни изчил ўқиш, танқидий ўрганиш, шоир сифатида балоғатга ета бориш процессида унинг адабий танқидчилик қобилияти ҳам ўсиб борар эди. Ёзувчига бир вақтнинг ўзида фақат ёзувчилик хусусияттигина хос бўлмай, маълум даражада у мутафаккирлик ва танқидчилик хусусиятларига ҳам эгадир. Йирик адабий асар шу уч элемент маҳсули бўлиши ҳақида совет ёзувчиси А. Н. Толстой ўз ижодий тажрибаси ҳақидаги суҳбатларидан бирида қуйидагиларни ёзган эди:

«... ёзувчи бир вақтнинг ўзида ҳам мутафаккир, ҳам санъаткор, ҳам танқидчи бўлиб ишлаши керак. Шу уч юксак фазилатдан биргинаси кифоя қилмайди. Мутафаккир-актив, мардонавордир, у «нима учун» эканлигини билади, у мақсадни кўради ва шу мақсадга олиб

---

<sup>38</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобир, «Бобирнома», т. I, Уздавнашр Тошкент, 1948, 198-бет.

<sup>39</sup> Фиёсиддин бинни Ҳумомиддин Хондамир, «Мақоримул-ахлоқ», УзССР Фанлар академиясининг нашриёти, Тошкент, 1948, 22-бет.

борадиган погоналарни белгилайди. Санъаткор — юксак ҳиссиёт ва назокат эгасидир, унинг бутун вужуди «қандай» яратиш фикрига берилган, у погоналар ошиб боради, унга муайян чек-чегаралар керак, — акс ҳолда у чочилиб, ёйилиб кетади, тавба қилдим деб айтай, у (санъаткор — А. Ҳ.) «ҳавойироқ»... Танқидчи мутафаккирдан ўткирроқ ва санъаткордан талантлироқ бўлиши керак, у ижодкор эмас, актив ҳам эмас, лекин шафқатсиздир.

Маълум бўладики, йирик асарни ана шу уч элемент яратиши керак. Бундан тайёргарликка зарурат келиб чиқади»<sup>40</sup>.

Езувчи қанча катта бўлса, унда бу элементлар ҳам шунчалик кучли бўлади. Шубҳасиз, Навоийда бу уч элемент жуда кучли эди ва улар барабар ўсиб борди. Навоий танқидчилигининг таъсир доираси ўз ижоди билан чекланиб қолмасдан, аста-секин кенгайиб, бошқаларнинг ижодига, ҳатто умумий адабий ҳаракатга таъсир қилишгача етиб борди.

Навоий 1456 йилдан 1464 йилгача Машҳадда турди. Бу даврда у катта билим эгаси бўлиб етишган ва етишарган, адабий мунозараларда актив қатнашиб, ўз фикрини маъқул қилдира олиш даражасига кўтарилган эди. Бу ҳақда масалан: «Мажолисун-нафоис» дан унинг Машҳаддаги кўзга кўринган шоирлардан бири — Шайх Турбатий билан бир адабий мажлисда қандай ошна бўлгани ҳақидаги кичкина тарихни ўқиш анча мароқлидир:

«Фақирнинг они кўрарга кўп орзум бор эрди, ошнолиғ бу нав воқи бўлдики, Султон Абусаид Мирзо замонда Машҳадда ғариб ва хаста бир буқъада йиқилиб эрдим. Қурбон вақфаси бўлди, оламнинг ақсо билодидин халқ Имом равзаси тавфига юз қўйдилар. Расмдурким, мусофирлар мутааййин буқъа гаштига ҳам борурлар. Ул буқъадаким, фақир йиқилиб эрдим, жамоати маволиваш эл сайр қилиб, деворда битилган абётин ўқиб, бир байт устига бахсга тушдилар. Бир улугроқ кишиким, ул жамоат анга тоби эрдиларким, ул жамоатни илзом қилди, фақир заъф ҳолида ул жамоат жонибидан сўз айтдим. Анга дедиларким: «Бу бемор йигит ҳам бир сўз айтади». Ул улугроқ киши худ Шайх Камол эрмишким, зиёфатга келган эрмиш. Бошим устига келиб мабҳасини

<sup>40</sup> Алексей Толстой, Полное собрание сочинений, т. 13. Москва, Госполитиздат, 1949, 561-бет.



ораға солди. Фақир жавоб бергач, ўз сўздан қайтиб, таҳсинлар қилиб, ҳолимни тафаҳхус қилди. Эрса ул ҳам фақирни эшитган экандур ва кўрар ҳаваси бор экандур. Хуш вақт бўлуб, дилжўйликлар қилиб, қошимда ўлтурди... манзилига бориб, туҳфа ва табаррук савғот йўсини била юборди ва то анда эрди, доим келур эрди. Шайх била ошнолиқ тақриби бу нав воқе бўлди»<sup>41</sup>.

Навоий Машҳадда Шайх Турбатий каби кишиларнинг кўплари билан танишди ва яқин муносабатда бўлди. У доим ўз билими устида ҳар томонлама чуқур ишлашда давом этди.

Алишер Навоийнинг ижоди ва адабий-танқидий фаолиятининг ўсишида ҳамда халқпарвар адабиётни яратиш йўлидаги курашида шоирнинг Самарқандда яшаган даври (1467-1469 йиллар) жуда муҳимдир. У Самарқанддаги талант эгаларини ўз атрофига йиғиб, биргаликда ўзбек адабиётини ривожлантиришга интилди. Навоийнинг сафдошлари — Мирзабек, Мирза Хожа Суғдий, Ҳаримий Қаландар Самарқандий каби шоирлар эди. Бу ерда Навоий устоз даражасига кўтарилган. У, Фазлуллоҳ Абуллайсий, Алоий Шоший, Муҳаммад Олим Самарқандий, Хожа Хусрав каби ўз даврининг кўзга кўринган кишилари мударрислик қилиб турган мадрасада адабиётнинг турли назарий масалалари, шеър санъати, аруз баҳрлари устидаги мунозараларда ва ҳамсабақларининг баъзи бир шеърлари муҳокама қилинган суҳбатларда муттасил қатнашар эди. Масалан, Навоий бу ерда Юсуф Шоҳ деган ёш шоирнинг шеърларини тузатишга ёрдамлашгани ҳақида ёзади:

«Фақир таҳсил учун Самарқандга борганда (Юсуфшоҳ — А. Ҳ.) Андижондин келди ва анда фақир билан бўлур эрди. Сиғариси жиҳатидан шеърида хомлик бўлса, ислоҳ қилур эрдим. Фақирдин ўзга киши ани шеърига сўз айта олмас эрди»<sup>42</sup>.

Навоий Шайхим Сухайлий деган шоирга ҳам худди шундай ёрдамлар кўрсатган.

Тарихий манбаъларнинг хабар беришича, Навоий Самарқандда иқтисодий жиҳатдан анча оғир турмуш кечирган. Бу, унинг ҳаётида меҳнаткаш халқнинг қийин турмушини, унинг орзу-истаклари ва психологиясини ўр-

<sup>41</sup> Танланган асарлар, 3 том, 37-бет.

<sup>42</sup> Уша китоб, 55-бет.

ганиш ҳамда яқиндан тушунишда, унинг ижодининг халқчиллиги ошишида катта аҳамиятга эга бўлди. Аммо Навоий бу ерда ҳам ўз устида ишлаш, поэзия билан шуғулланиш имкониятига эга бўлди. Чунки Самарқандда унга у ернинг бой кишиларидан Аҳмад Ҳожибек ва Дарвеш Муҳаммад Торхон каби кишилар моддий ёрдам кўрсатиб турганлар.

Навоий қаерда яшамасин — хоҳ Ҳиротда, хоҳ Самарқандда умр бўйи шаҳар ҳунармандлари ва улар орасидан чиққан шоирлар билан ҳам яқин муносабатда бўлди. Навоий 1469 йилда Хусайн Бойқаронинг таклифи билан Ҳиротга чақирилгандан сўнг ҳам шаҳар ҳунармандлари ва бошқа меҳнаткаш табақалардан чиққан кўп шоирларга ҳомийлик қила бошлади. Улар Навоийни доим ўзларининг катта устозлари ҳисоблар ва ўз асарлари устида унинг фикри ва берган баҳосини ҳал қилувчи баҳо деб билар эдилар. Фикримизнинг исботи учун қуйида келтирадиган мисолимиз «Мажолисуннафоис» нинг энг таъсирли моментларидан биридир. Бунда кафанликка ҳам ҳеч нарсаси бўлмаган Мавлоно Қабулий исмли бир шоир ўлим олдида ўзининг бутун ижоди ва ҳаётига Навоий баҳо беришини ва уни кўмишга ҳам Навоийнинг бошчилик қилишини васият этади:

«Мавлоно Қабулий фақир киши эрди. Бозорчаи Маликда ғазлфурушлуғ дўкони бор эрди. Бир сабоҳ ул маҳалладин жамъи келдиларким, ўтган кеча Мавлоно Қабулий бизларни тилаб, васият қилдиким, бу кеча оламдин борурман, такфин ва тажхиз жиҳатдин ҳеч нима йўқтур. Сабоҳ девонимни фалон киши, яъни фақир қошига элтиб, ниёзимни етқуриб, илтимос қилинқим, мени Содоти Мусрих гўристониде дафн қилдурсин. Сабоҳ хабар туттук, эрса ўтиб эрди. Васияти дастури била девонини сенинг қошингга келтирубмиз. Фақир анинг васиятини бажо келтуруб, тадфинидин сўнгра девонин очтук, эрса бу мақтаъ келдиким:

Агар қабули ту ёбам Қабулиям, вар на  
Баҳри ду кавн чу ман номақбул натвон ёфт»<sup>43</sup>

Таржимаси: «Агар сенга маъқул бўлсам, «Қабули» бўла оламан, йўқ эса, икки дунёда мендек номақбул топилмас».

<sup>43</sup> Танланган асарлар, III том, 48-бет.

Навоийнинг ўзи эса «Муҳокаматул-луғатайн» да 30 йилдан ортиқ Хуросондаги адабий ҳаракатга бош бўлгани, адабий мунозараларга раҳбарлик қилгани ҳақида буюк фахр билан ёзади:

«Ва ўттуз йилдан ортиқ ва қирқ йилга яқиндурким, Хуросон мулкиким, фазлу камол аҳлига олам мамоликининг мисри муаззами ва саводи аъзамидур, бу мулкнинг жами назм аҳли шуаройи ширин каломи ва фусаҳойи вожибул-ихтироми ҳар не, ҳар маъни билаким, авроқ юзига оройиш ва ҳар алфоз билаким, ажзо изориға намойиш берибдурлар, бу фақир суҳбатига еткурубдурлар ва бу заиф олида ўтқарибдурлар ва ҳақ ва ислоҳ илтимосин қилибдурлар ва хотирға келгон нуқтаки айтилибдур, инсоф юзидин мусаллам тутуптурлар ва агар баъзи ибод қилибдурлар, далойил била аларға хотир нишон қилилиптир, андин сўнгра қабул қилиб, ўзларин шокир ва мамнун билибдурлар.

Ва басо маъоний ва аҳли хурдадонлар ва дақойиқ хайли дақиқ баёнларки, Анварий ва Салмон шеърда ҳар бири бирининг жонибин тутуб баҳслар қилиб, сўзлари бир-бирининг ўтмагандан сўнгра бу фақир олдиға муҳокама учун келтурубтурурлар ва ҳар не ҳукм топибдурлар мусаллам тутуб, муноқашалари бартараф бўлубтур. Ва ғазалда Мир Шоҳий ва Мавлоно Қотибий ва алар ғайри шарафидин доғи бу йўсунлуғ ва маснавийда Ҳазрат ва Шайх Низомий ва Мир Ҳусрав Деҳлавий жонибидин доғи бу дастурлуғ кўп воқи бўлубтур»<sup>44</sup>.

Навоий ўзи бошчилик қилаётган адабий ҳаракатнинг ҳар бир янгилigidан, ҳар бир янги талантдан хабардор бўлиб турар эди. У ҳатто Ҳиротдан узоқдаги адабиёт аҳллари билан ҳам яқин алоқада бўлган. Бунга «Мажолис» нинг бешинчи ва олтинчи боблари ёрқин гувоҳлик беради. Навоий Мавлоно Лиқойий деган хоразмлик ёш шоирнинг оилавий аҳволлари билан ҳам таниш бўлган<sup>45</sup>.

Зийрак Алишер Навоий ҳатто ёш Заҳрирддин Муҳаммад Бобир билан ҳам жуда эрта алоқа боғлаган. Бу ҳақда Бобир ёзади:

«Бу иккинчи навбат Самарқандни олганда Алишербек тирик эди. Бир навбат менга китоботи ҳам келиб эрди. Мен ҳам бир китобот юбориб эрдим, орқасида турки

<sup>44</sup> Танланган асарлар, III том, 201—202-бетлар.

<sup>45</sup> Уша китоб. 123-бет.

байт айтиб, битиб юбориб эрдим. Жавоб келгунча тафриқа ва ғавго бўлди»<sup>46</sup>.

Кези келганда улуғ шоир — танқидчи Навоийнинг адабий фикрлари билан Султон Хусайн ва унинг душманлари ҳам ҳисоблашганлар ва саройда уюштирилган катта йиғинларда унга эътибор билан қараганлар<sup>47</sup>.

Навоий адабий мажлис, мунозара, бахс, суҳбат ва бошқаларни севган, чунки у адабий мунозара ва баҳсларнинг ижодий ишга аҳамиятини чуқур тушунган. Шунинг учун ҳам танқидни қабул қилмовчи, менсимовчи. замондошларини у қаттиқ танқид қилар эди.

Навоийнинг «Муҳокаматул-луғатайн», «Мажолисун-нафоис», «Мезонул-авзон», «Хамсатул-мутаҳаййирин» каби китобларининг яратилишида унинг дўстлари, устозлари, шогирдлари билан олиб борган адабий суҳбатлари, мунозаралари, баҳслари катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг «Мажолис» ига назар ташлаганимизда буни айниқса яққол кўрамиз. Масалан, Навоий бу китобда баъзи адабий суҳбатдошлари тўғрисида, уларнинг суҳбатлари учун миннатдорчилик билдиргандек ёзади:

«Хожа Ҳасан Хизршоҳ яхши табли, яхши муҳоваралиғ киши эрди»<sup>48</sup>.

Мавлоно Кавсарий — «Қабулиятлиғ, хуш суҳбат, ширингўй киши эрди»<sup>49</sup>.

Сайид Абдулло Астрободий — «хуш таб йигит эрди. Муҳовараси дағи хўб ва аҳлоқи дағи хўб эрди»<sup>50</sup>.

Мир Имод Машҳадий — «...Донишманд ва хуш муҳовара ва хуш халқ ва хуштаб йигит эрди. Машҳад шуароси анинг хизматига йигилур эрди ва ҳарне деса итоат қилурлар эрди»<sup>51</sup>.

Мавлоно Юсуфшоҳ — «...онда (Самарқандда) фақир била бўлур эрди. Аммо яхши суҳбати бор эрди ва кўпроқ синф шеърни яхши айтур ва аруз билур эрди»<sup>52</sup>.

Муҳаммад али — «Хушмуҳовара ва хуш хулқ ва хуш таб ва дардман йигит эрди»<sup>53</sup>.

<sup>46</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобир, «Бобирнома», I том, 106-бет.

<sup>47</sup> Танланган асарлар, III том, 202-бет.

<sup>48</sup> Танланган асарлар, III том, 43-бет.

<sup>49</sup> Танланган асарлар, III том, 51-бет.

<sup>50</sup> Уша китоб, 52-бет.

<sup>51</sup> Уша китоб, 40-бет.

<sup>52</sup> Уша китоб, 55-бет.

<sup>53</sup> Уша китоб, 60-бет.

Замонининг етук кишиларидан Абдурахмон Жомий Навоийни улуг шоир, мутафаккир, олим, тилшунос, давлат арбоби сифатидагина эмас, адабий асарни, ижодий масалаларни ўз замонида энг тўғри таҳлил этувчи буюк адабий танқидчи сифатида ҳам таниган, ҳурмат қилган, ундан маслаҳатлар олган. Бу ҳақда Навоий «Ҳайратул-аброр»да:

«Номағаким роқим этиб хомасин,  
Кўрмади, мен кўрмайин, эл номасин»<sup>54</sup>

дейди ва ўзининг бу фикрини кейинчалик «Муҳокама-тул-луғатайн» да янада конкертлаштириб, қўйдагиларни ёзади:

«Барчадин куллироқ санад буким, Ҳазрати иршод паноҳи... Нуранки... форсий сўзда жами алар сўзидин юқориоқ сўз йўқтур. кўпроқ кутуб ва расоил ва ғазалиёт ва қасоиддаки, маони гавҳарларин назм силкига кийдурур эрдилар ва замирихонасидан анжуман томошагоҳиға жилва берур эдилар, анинг мусваддасин бурунроқ бу фақирга илтифот ва эътиқод юзидин берур эрдиларким;—«Бу авроқни ол ва бошдин оёғиға назар сол, хотирингга ҳарне айткудек сўз келса, айт!»— деб ва ҳарне ишорат бўлганиким, мазкур бўлди, зоҳир қилсам, мақбул тушар эрди. Бу даъвога далил буким, ўндин ортиқ кутуб ва расоилда ул ҳазрат бу фақирнинг отин мазкур қилибдурурлар. Ва кўпи таб ва идрок ва мунга муносиб нималарга нисбат бериб, мастур қилибдурурлар».<sup>55</sup>

Демак, Навоий ўз давридаги адабий ҳаётда актив қатнашган, Навоий шунинг учун ҳам ўша вақтдаги адабий ҳаётни акс эттирувчи энг қимматли манба —«Мажолисун-нафоис» тазкирасини ярата олди.

Навоий ижодида оптимистик руҳ устун эди. Навоийнинг оптимистиклиги унинг адабиётшунослигида ҳам ўз аксини топди. Навоий ўзигача яшаб ижод қилган йирик ўзбек, тожик, озарбайжон, форс шоирларига юксак баҳо берар экан, у ўз даврида яшаб ижод қилётган кўпгина талантларга ҳам умид кўзи билан қаради. У ўз замонида ҳам, хусусан бадний адабиёт соҳасида бир қанча кишилар етишганини бир неча марта таъкидлаб ўтди, уларнинг муваффақиятлари билан қувонди. Навоий «Хазойи-

<sup>54</sup> „Нәжрәтүл-әбрар“. 15-бег.

<sup>55</sup> Танланган асарлар, III том, 202-бег.

нул-маони»га кирган маснавийларининг бирида ўз замондошлари ҳақида ёзади:

Нутқнинг гарчи шикоят дери бор,  
Шукрдин доғи ҳикоят дери бор.  
Ким агар бордилар андоқ асҳоб,  
Яна ҳам жамъи эрурлар аҳбоб...  
Гар алар тутти эса дашти адам,  
Шукр бу хайл эрурлар ҳамдам<sup>56</sup>.

Навой «Мажолисун-нафоис» тазкирасини ўз замондошларига бағишлади ва бу китоби билан уларнинг хотирасини абадийлаштирди. Навой ўз замондошларининг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан қизикди, уларнинг ижодий ўсишлари учун қўлидан келганича ёрдам беришга интилди. Навойнинг ўз замондошлари ҳақидаги танқидий фикрлари унинг адабий танқидчилигининг энг характерли ва муҳим қисмидир. Навой ўз даврининг талантили ва кўзга кўринган маданий кишилари билан жуда яқин муносабатда бўлди, улар ҳақида ҳатто «Хамсатул-мутаҳаййирин» (Абдурахмон Жомий ҳақида), «Ҳолоти Муҳаммад Паҳлавон», «Маноқиби Сайид Ҳасан Ардашер» каби яхлит ва йирик эсдаликлар ёзди. Навой ўз атрофига Абдужамил Котиб, Султонали Машҳадий каби хаттоларни йиғиб, яхши адабий асарларни кўчиртирди. Уларга текстларни эса ўзи тайёрлаб берди.

Масалан, Алишер Навойнинг Ҳиротга қайтиб келгандан кейинги ҳаёти ҳақида Хондамир қуйидагиларни ёзади: «... Бутун вақтни китобларнинг иборатларин тузатиш, маъноларин текшириш, далиллар билан исбот этиш,— пок (халис) масалаларни топиш, нақлий (эшитиш) орқасида билинган, ўзлаштирилган билим — А. Ҳ.) илмларнинг сирларини очиш ва ақлий билимларни ва фанларнинг қийин маъноларин ечишга сарф этди».<sup>57</sup>

Бу даврда адабиётшунослик соҳасида Алишер Навой ёлғиз эмас эди. Абдурахмон Жомий араб тилига доир ўзининг «Фавоидуз-зиёия» («Шархи Муллоий») асари, поэтика ҳақида «Аруз» қўлланмаси, катта адабиётшунослик аҳамиятига эга бўлган «Баҳористон» асари ва бошқаларни яратди. Жомий ҳам, Навой сингари, адабиётшунослик масалалари билан кенг шуғулланди. Навой «Мажолисун-нафоис» тазкирасини ёзмасдан бурун, Давлатшоҳ Самарқандий ўзининг «Тазкиратуш-шуаро»

<sup>56</sup> Танланган асарлар, I том, 122—123-бетлар.

<sup>57</sup> Х а н д а т и г, «Макаримул ахлақ» 21-бет.

тазкирасини тузди. Навоий «Мезонул-авзон» да Ҳусайн Бойқаро томонидан Амир Хусрав Дехлавийнинг алвафит тартиби билан, шеърларнинг ёнида уларнинг ҳар қайсисининг вазни кўрсатилган ҳолда ўн саккиз минг байтлик девони туздирилганидан дарак беради. Поэзия жанрининг бир тури — муаммо ҳақида Жомий, Навоий ва бошқаларнинг қатор қўлланмалари яратилди.

Амир Бурҳониддин Атоуллоҳнинг «Рисолаи санойӣ», «Бадойи шеър», «Рисолаи қофия», Шамсиддин Муҳаммад Бадахшийнинг «Рисолаи муаммо» асарлари ҳам шу типдаги асарлар эди. Абдурахмон Жомий ҳам ўз даврининг энг бой кишиларидан бўлиб, кўп қимматли асарларни котибларга кўчиртирди ва уларнинг нусхаларини кўпайтирди. Адабиётга оид фикрлар поэтик асарларнинг таркибида ҳам ривожланишда давом этди. Абдурахмон Жомий, Биноий каби шоирларнинг поэтик асарларини кўздан кечирганимизда буни яққол кўрамиз...

Навоий адабий танқид билан муттасил шуғулланди. Навоий халқ манфаатлари билан, адабиёт манфаатлари билан нафас олар эди. Навоийнинг адабий танқидчилиги унинг поэтик ижоди билан бирга доимий такомилланишда эди. Унинг адабий танқидчилиги ҳам, юқорида айтиб ўтганимиздек адабий танқидчиликнинг ўша даврдаги ҳамма формаларида ривожланар эди.

«Муҳокаматул-луғатайн», «Мезонул-авзон» асарлари назарий характерда бўлиб, биринчиси асосан тил, адабий тил масалаларига, иккинчиси поэзиянинг вазн масалаларига бағишланган эди. Навоийнинг адабий қарашларини ўз ичига олган бу ва бошқа асарлари характеристикасига алоҳида тўхталажакмиз.

Бундан ташқари, Навоийнинг биронта кўзга кўринган на илмий, на бадий асари йўқки, унда автор адабиёт масалаларига ҳеч ёндошмаган бўлсин. Бу жиҳатдан унинг «Хамса»га кирган «Ҳайратул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» дostonлари, «Лисонут-гайр» дostonи, «Маҳбубул-қулуб» асари гоят характерлидир. Навоий ҳатто ўзининг лирик шеърларида ҳам ўз ўрни билан бу ҳақда гапира билар эди. Бу жиҳатдан «Ҳазойинул-маони»даги маснавийлар, айниқса характерлидир. Уларда биз ўша давр адабиётининг аҳволига доир кўп қимматли фикрларни учратамиз.

Буларнинг ҳаммаси яна шунини кўрсатадики, Навоийнинг адабиётшунослик фаолияти ўз даврининг традициялари билан маҳкам боғлиқ бўлиб, давр талаблари асосида ривожланди, ўша давр адабиётшунослиги олдидаги энг муҳим, ҳаётий саволларга жавоб беришга ҳаракат қилди.

Энди Навоий давридаги адабий танқидчиликнинг адабий асарга баҳо бериш характери масаласига келсак, бунда В. Г. Белинскийнинг рус адабий танқидчилиги тарихига оид биз юқорида эслатиб ўтган мулоҳазаларининг иккинчи пунктини эслашимизга тўғри келади. Бу даврда Абдурахмон Жомий, Навоий каби буюк адабиётшунослар, адабий асарга, шоирнинг ижодига, ёки унинг айрим моментларига ўзларигача яшаган адабиётшунослар сингари эстетларча эмас, яъни формасигагина аҳамият бериб қўя қолмай, улар адабий асарга, бадий ижодга кўпроқ эстетик дид билан, яъни форма билан мазмунни бир-биридан ажратмасдан баҳо бера бошлаганлар. Навоий ўз буюк салафлари асарларига, масалан, Низомий асарларига баҳо берар экан, у Низомий асарларининг формасига ҳам, мазмунига ҳам бир хил аҳамият беради, формани мазмундан, мазмунни формадан ажратиб қўймайди. У ўз замондошлари асарларига қарашларида ҳам шу принципга қаттиқ амал қилади ва худди шу нуқтаи назардан уларнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатишга ҳаракат қилади. Навоий танқидчилигининг энг ишончли ва катта ёдгорлиги — Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» тазкирасини кўздан кечирганимизда буни яққол кўрамиз.

Бироқ, Навоий танқидчилигида биз бошқа моментларни ҳам кўрамиз. Масалан, Навоий ўз «Хамса»сига кирган асарларида Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий каби буюк ёзувчиларнинг асарлари устида тўхтар экан, баъзан уларнинг асарларини бутунисича баҳолашга уринади. Лекин Навоий танқидчилиги асарни ва ёзувчи ижодини ҳар томонлама чуқур очишгача ўсиб етмади.

Навоий танқидчилигида биз яна бошқа нарсани, яъни адабиётнинг майда-чуйда масалалари устида, баъзан бадий асарларнинг шаклига оид кичик масалалар устида узоқ тўхталиш, баҳслашиш каби ҳолларини ҳам кўрамиз. Масалан, Навоий «Ҳамсатул-мутаҳаййирин» китобида Ҳасан Деҳлавий шеърисидаги ўхшатишнинг ўрнига шеърнинг маъно жиҳатдан бузилишига олиб кела-



диган нотўғри ўшатишни киритишга қарши қандай принципиаллик билан, қатъият билан курашгани, бунда унга Абдурахмон Жомийнинг ёрдам бергани ҳақида қуйидагиларни ёзади:

«Бир неча улур киши мажлисида жамоати азизлар хизматида туштур. Мутаҳҳар Удийким, хушнавозликда Зухранинг отаси ва хушхонлиқ онинг фарзанди руҳ афзоси бўла олур эрди, тағанни мақомида Хўжа Ҳасан Деҳлавийнинг бу шеърин ўқийдур эрдиким:

«Зиҳи дарунам дилро замон-замон бату майли...» то бу байтга етиштики:

Мисоли қатраи борон сиришки ман ҳама дур шуд,  
Чунин осор диҳад алҳақ тулун чун ту Сухайли<sup>58</sup>.

Мажлис аҳли мутааййин ва хуштаб эл эрдилар ва мири мажлис ҳам хуштаб ва подшоҳ нишон. Муғаннийға баъзи эътироз юзидин ва баъзи танбийя юзидин дедиларким:—«... сиришки ман ҳама дур шуд» ўрниға «ҳама хун шуд»<sup>59</sup> ўқиқи, «дур шуд» нинг маъноси йўқтур. Мири мажлис доғи аҳли мажлисга муттафиқ эрди. Бу фақир ҳеч нима демадим. Мажлис ҳуззори фақирга доғи машғуллиқ қилдилардим:—«Сен дағи нечук бу сўзда асҳобға мувофиқ эмассан?»—деб. Фақир дедимки:—«Қойил адо қилди... «Мисоли қатраи борон сиришки ман ҳама дур шуд» ростдур, балки мундоғ керак.

Барча ҳужум қилиб, фақирға гулу қилдилар. Фақир айтдимким, чун сиз барча бир жониб бўлдингиз. Мен сизга муддаомни собит қила олман. Бир кишини ҳакамликға мусаллам тутсангиз, гаров боғларман. Иттифоқ бида айттиларким, ҳазрат Махдуми Афозил (Жомий — А. Ҳ.)нинг ҳукми балки ҳокимидур. Аларнинг мусаллам тутмас киши йўқтур. Фақир алар ила гаров боғлаб, мажлисининг кайфиятин ва ул баҳсининг сабабин ва ул байтда «хун» лафзи муносиброқму ё «дур» лафзи мувофиқму?—деб, мақсуднинг истинодин ҳамул замон ул Ҳазрат хизматларига юборилди. Бир яхши замондин сўнгра борғон киши келиб, жавоб келтурди ва ул Ҳазрат бу мисраъни айтиб эрдиларким:

---

<sup>58</sup> Таржимаси: «Менинг ёмғур томчиларига ўшаш кўз ёшларимга сенинг кўринишининг чиндан ҳам Сухайл юлдузидек тасир қилиб, уларнинг ҳаммаси дурга айланди».

<sup>59</sup> Таржимаси: «Ҳаммаси қонга айланди».

«Сухан «дур» асг — тааллуқ бағўши шаҳ дорад»<sup>60</sup>.

Ул жамоат мулзам бўлиб, фақирга аларнинг тартиб ва мададлари бу нав етти. Маълум эмаски, харгиз киши бу нав мухтасари муҳит жавоб ҳеч саволга етмиш бўлмай. Тонгласи бу сўз шуҳрат тутуб, эл ёд тутуб, мажлисда нақл қилдилар эрди»<sup>61</sup>.

Адабий танқидчиликнинг ўша даврдаги тараққиёт босқичи учун бундай ҳоллар ҳам характерли эди. Бу нарсадан Навоий танқидчилиги ҳам қутула олмади.

Бу даврдаги адабий танқидчиликнинг диққатни тортадиган ижобий хусусиятларидан бири адабий асарларнинг маълум назарий принциплар асосида текширила бошлашидир. Бу, адабий танқидчиликнинг узоқ эволюция натижасида қўлга киритган ютуқларидан эди.

Умуман олганда, бу даврда адабий танқидчилик мустақил фан даражасига кўтарилмагани учун у ҳали бадий адабиётнинг ривожланиши учун етарли ёрдам бера олмас, адабий ҳаракатдаги барча нуқсонларни илдизи билан, атрофлича очиб ташлашдан ожиз, ўзича даврнинг талабидан келиб чиқиб, адабиёт олдига муҳим янги-янги ижтимоий проблемаларни қўя олмас эди.

Улуғ рус революцион демократ танқидчиси В. Г. Белинский: «Бизнинг танқидчилигимиз жамиятнинг тарбиячиси бўлиши керак...»<sup>62</sup> деган эди. Бунинг учун танқидчилик даврнинг ижтимоий масалалари билан нафас олиши зарур. Навоий давридаги танқидчилик ва Навоий танқидчилиги эса ижтимоий масалалар билан бу даража чирмашиб кетишдан узоқ эди. Тўғрироғи, ҳали танқидчилик жамиятни ва адабиётни ўқитиш, ўргатишдан кўра ўзи ўқиш ва ўрганишга кўпроқ муҳтож эди. Чунки бадий адабиёт турмуш билан танқидчиликка қараганда маҳкамроқ боғланган эди, яъни бу даврда бадий адабиёт жамиятнинг кураш қуроли даражасига кўтарилган эди, танқидчилик эса ундан орқада келар эди.

Навоийнинг дунёни объектив тушуниши, унинг адабий ижоди билан бир қаторда унинг танқидчилигига

<sup>60</sup> Таржимаси: «дур» сўзи шоҳнинг қулоғини безашга тааллуқлидир.

<sup>61</sup> ЎзССР Фанлар академияси, Шарқшунослик институти, Қўл-ёзма Инв. 693, 23—24-бетлар.

<sup>62</sup> В. Г. Белинский, Полное собрание сочинений в трех томах, т. I, ОГИЗ, Государственное издательство художественной литературы, М, 1948, 226-бет.

ҳам таъсир кўрсатди. У адабиётнинг ижтимоий функцияси ҳақида, шакл ва мундарижаси ҳақида қимматли фикрларни айтди. Унинг бу фикрлари танқидчиликнинг ва адабиётнинг ўша даврдаги тараққиёт даражаси учун жуда муҳим ижобий фактлар эди. Навоий танқидчилиги ўз даврининг идеологик маҳсули ўлароқ, кўп ижобий хислатларга эга бўлиши билан бир қаторда, баъзи нуқсонларга—тарихий чекланишлар, объективизм, турли қарама-қаршиликлар, ноаниқликлар ва ҳоказоларга ҳам эгаки (бу ҳақда келгуси бобларда биз йўл-йўлакай батафсил тўхтаймиз), бусиз у ўз даври ва тарихий шароитидан ажралиб қолган бўлар эди. Навоий танқидчилигидаги бу камчиликлар унинг умумий дунёқараши билан боғланган эди.

Ўрта Осиёда феодал тарқоқликнинг узоқ давом этиши натижасида, XV асрдан сўнг барча фанларнинг, шу қатори адабиёт ва танқидчиликнинг ҳам ривожланиши учун имконият кам бўлди. Шу сабабли, айниқса адабий танқид барча фанлар қаторида фақат Улуғ Октябрь революцияси ғалабасидан сўнггина эркин ва муваффақиятли ривожланиш имкониятига эга бўлди.

Навоийнинг ижоди ва адабий-танқидий меросини жиддий ўрганиш танқидчиларимизга, айниқса классик меросимизни чуқур ўзлаштиришга катта ёрдам беради. Чунки Навоийнинг ижоди ва танқидий мероси ўзбек адабиёти ва ўзбек адабиётшунослигининг Улуғ Октябрь революциясигача эришган энг катта ютуғидир.





## II. НАВОИЙНИНГ АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ ҚАРАШЛАРИНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН АСОСИЙ АСАРЛАРИ

Юқорида айтиб ўтилган сабабларга кўра Навоий ҳам махсус адабий-танқидий асарлар ярата олмади. Унинг адабий-танқидий қарашлари ҳамма асарларида сочилган бўлиб, бу жиҳатдан унинг кўзга ташланадиган асарлари қуйидагилардан иборатдир: «Мажолисун-нафонс», «Хамса», «Муҳокаматул-луғатайн», «Ҳамсатул-мутаҳаййирин», «Мезонул-авзон», «Маҳбулбул-қулуб», «Ҳазойинул-маони» ва бошқалар.

Алишер Навоий узоқ ижодий тажрибадан сўнг ўз ичига беш катта дostonни олган машҳур «Хамса»сини яратди. «Хамса»га кирган дostonларнинг ҳар бирининг бошланиш қисмида улуғ шоир ўзининг адабиёт назариясига тегишли фикрларини халқ томонида туриб илғор прогрессив ёзувчи сифатида ёрқин баён қилди. Бундан ташқари, «Хамса»нинг бошқа ўринларида ҳам жуда қийматли адабий-танқидий мулоҳазалар ифодаланган. «Ҳайратул-аброр» дostonининг қалам аҳллари ҳақидаги ўн иккинчи мақолат ҳамда дostonнинг сўнгги қисми фикримизнинг ёрқин бир далилидир. Шоир бу ўринларда адабий асарда мундарижа ва шакл масаласи, адабиётнинг ижтимоий функцияси ҳақида мулоҳаза юритади. Бунга ўхшаш мулоҳазалар қолган тўрт дostonнинг муқаддима ва охирида ҳам учрайди. Беш дostonнинг ҳар қайсисининг муқаддимасида ўз улуғ устозлари—Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ҳақида мадҳлар бор. Бу мадҳларда Навоий бу буюк шоирларга қуруқ мадҳ ўқимасдан, балки ўз замонига нисбатан чуқур илмий равишда уларнинг баракали ижодига танқидий баҳо беради. Навоий бу гигантларнинг асарларини нақадар чуқур

равишда ўқиб ўзлаштирганини «Ҳайратул-аброр»да қуйидагича тасвирлайди:

«Шавқига кўксимни шигоф айладим,  
Жилдига кўнглимни ғилоф айладим»<sup>1</sup>.

Шоирнинг бу гапларини унинг ўз салафларига берган баҳолари тўлиқ тасдиқлайди. Бу ўринларда фикр шеърини шаклда юритилган ва бу мақсадга ўрин, табиий, ниҳоятда оз берилганлигига қарамай, Навоий ўз салафларининг асарларидаги баъзи асосий ютуқ ва камчиликларни ниҳоятда ихчамлик ҳамда усталик билан кўрсата билган.

Навоийнинг ўзбек тили учун кураш ғоялари ўзининг тўлароқ аксини «Муҳокаматул-луғатайн» гача шу — «Хамса»га кирган дostonларнинг муқаддималари ва тугалланиш қисмларида топди. Биринчи дoston — «Ҳайратул-аброр» нинг муқаддимасида шоир:

«Форси эл топди чу хурсандлик,  
Турки дағи топса барумаудлик...»<sup>2</sup>,

деб ёзар экан, у ўзигача яратилган «Хамса»ларнинг тожик, форс тилларида эканлигини, ўзбек тилида шу типда эпик асарлар ёзишни мақсад қилиб, ўзбек халқи учун хизмат қилмоқчи бўлганини уқтиради ва бу унинг ижодига программа бўлиб қолади. Ҳақиқатда ҳам шундай. Навоий қайси бир асарини ёза бошлар ёки тугатар экан, шоир сифатида ўз халқи олдидаги бурчини унутмайди ва ўз асарини она тили — ўзбек тилида ёза ётганини ёки ёзиб тугатаётганини ҳамда бунинг тарихий аҳамиятини фахр билан уқтириб ўтади. Ўша давр нуқтаи назаридан бу катта ватанпарварлик аҳамиятига эга эди.

Ўз замонининг ҳар томонлама энг етук кишиси Навоий ўз ижодининг ички ва ташқи моҳиятини ва тарихий, ижтимоий аҳамиятини ҳамма замондошларига қараганда ҳам чуқурроқ ва яхшироқ тушунган эди. У «Хамса»га кирган дostonларида ўз ижодининг энг муҳим томонларига ва дунёвий аҳамиятига тўхталиб, бу ҳақда жуда тўғри, аниқ фикрлар юритади. Бу томондан «Хамса»га кирган дostonларнинг кириш ва тугал-

<sup>1</sup> „Нәжрәтул-әбрар“, 16 бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 12-бет.

ланиш қисмлари янада катта аҳамиятга эга. Шоир «Фарҳод ва Ширин» достонининг хотима қисмида ўз хизматларини буюк сўз усталари Низомий Ганжавий, Амир Хисрав Деҳлавий, Жомийларнинг хизматлари билан тенглаштиради:

«Низомий олса Барда бирла Ганжа,  
Қадам Рум аҳлига ҳам қилса ранжа,  
Чекиб Хисрав дағи тиғи забонни,  
Юриб фатҳ айласа Ҳиндустонни,  
Яна Жомий Ажамда урса навбат,  
Арабда доғи чолса кўси шавкат,  
Агар бир қавм гар юз, йўқса мингдур,  
Муайян турк улуси худ менингдур.  
Олибмен тахти фармонимда осон  
Черик чекмай Хитодин то Хуросон...»<sup>3</sup>.

Бундан ташқари, Навоий «Хамса»нинг ўзида ўзбек классик адабиётининг энг қимматбаҳо дурдонаси бўлган бу асарнинг қандай дунёга келганини, унинг дунёга келиш сабабларидан баъзиларини моҳирона очиб берган. Навоий ўзида «Хамса» яратиш ғояси ва «Хамса» да акс этган ғоялар ёшлигида, у ҳали Низомий, Хусрав Деҳлавий асарларини ўқиб юрган вақтида пайдо бўлганини ҳамда бу ишнинг нақадар оғир бўлажagini ёшликдан тасаввур қилганини «Садди Искандарий»нинг бошида куйидаги мисраъларда шоирона ифодалайди:

Бурундин чу кўргуздунгуз ёрлик,  
Басе етти сиздин мададгорлик.  
Кичик эрканимдин бўлуб қошима,  
Улуғ муддао солдингиз бошима.  
Чу олимға келган бийик тоғ эди,  
Тоши иттику йўли буртоғ эди.  
Бу буртоғлиқ бирла юз печ анга,  
Чиқа олмағудек киши ҳеч анга.  
Чиқар йўлида тўрт оромгоҳ,  
Бешинчиси мақсад било иштибоҳ.  
Ҳар оромгоҳида юз нав ранж,  
Вале туткач ором зимнида ганж.  
Анга чиқмоқ ўлмай кишининг иши,  
Магарким чиқиб бир, ики, уч киши<sup>4</sup>.

Навоий «Хамса»да эпик асарлар яратиш, ўзбек тили учун кураш, ўзидан бурун ўтган баъзи улуғ шоирларнинг ижодига умумий баҳо бериш, ўз замонидаги

<sup>3</sup> Танланган асарлар, II том, III қ., 412-бет.

<sup>4</sup> Танланган асарлар, 2 т., V қ., 7—8-бетлар.

адабий ҳаёт камчиликлари, нуқсонларини очиб ташлаш каби масалалар билан бирга, яна кўп масалаларга йўл-йўлакай тўхталиб ўтади. Биз бу ҳақда ҳам ўрни-ўрни билан тўхтаймиз.

Лекин яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ойбек «Навоийнинг дунёқараши масаласига доир» сарлавҳали мақоласида ёзганидек, ҳамма ўринда «Навоий нима тўғрида фикр юргизмасин (ишқ, дўстлик, адолат проблемалари ёки прогресс ва фан масалалари), у ҳамма вақт шоир бўлиб қола беради, Навоий—мутафаккир мантиқнинг қатъий чамбарлари ичида муҳокама юритмайди, балки жонли, илҳомкор тил билан кўйлайди. Навоийнинг идеялари ҳамма вақт ёрқин абзацларда мужассамланади: идеялар гўё образларнинг табиий ҳаракатларидан ўсиб чиқади, уларга тўла қонли ҳаёт-ийлик ва бадий камолот бахш этади»<sup>5</sup>.

Навоий «Ҳамса»сидаги адабиётга доир фикрлари ўз қимматини йўқотмаган ва адабиётшунослигимиздаги кўп масалаларни ёритишда, шубҳасиз, ҳозир ҳам катта аҳамиятга эга.

Навоийнинг «Мезонул-авзон» асари<sup>6</sup> адабиётшуносликнинг муҳим соҳаларидан бири — шеър тузилиши назариясига бағишланган. Навоий бу асарида катта адабиётшунос сифатида майдонга чиқиб, ўзбек адабиёти тарихида биринчи марта шеър тузилиши ҳақидаги таълимотни системага солиб, ўзбек шоирларига бу соҳада қимматли қўлланма яратади. Бу асар илмий ва тарихий ҳужжат сифатида ўзбек адабиёти ва маданияти тарихида катта роль ўйнади.

Бу китобда Навоий мисолга келтирган шеърий парчалар орасида халқ ижодига яқин гўзал шеърий парчалар ҳам учрайди. Бу, адабий-танқидчилик нуқтаи назаридан «Мезонул-авзон»нинг қизиқ моментларидан биридир. Навоий «Туркий» номли шеърий шаклга тўхталганда зўр самимият билан қўйидагиларни ёзади: «Яна сурудедурким, ани «туркий» дебтурлар, бу лафз анга алам бўлубтур ва ул ғоятдин ташқари дилписанд ва руҳафзо ва ниҳоятдин мутажовиз айш аҳлиға судманд ва мажолисоро суруддур...»<sup>7</sup>.

<sup>5</sup> «Ozbekistan adabijati va san'ati» журнали, 1940, № 3, 91-бет.

<sup>6</sup> Алишер Навоий «Мезонул-авзон», критик текст тайёрловчи Иззат Султанов, УзССР Фанлар академияси нашриёти, Тошкент, 1949 й.

<sup>7</sup> «Мезонул-авзон», 94-бет.

Навоийнинг халқ шеърининг формаси ҳақидаги бу фикрлари шу китобдаги халқ ижодидан келтирилган мисоллари, «Ҳайратул-аброр»да учраган:

Ҳар нафас айлаб тўла ул жомни,  
Сибқориб ул бодан гулфомни,  
Турк суруди била солиб қўлум,  
Қилсам адо ҳай тулуғум, ҳай тулум<sup>8</sup>.

каби ёки «Садди Искандарий» даги:

«Муганний, тузуб чанга вазнида чанг,  
Наво чекки, ҳай-ҳай ўланг, жон ўланг.  
Десанг сенки: жон қардошим ёр-ёр.  
Мен айтайки: мунглуғ бошим ёр-ёр...  
Аёлғунг неча ёр-ёр ўлғуси,  
Менинг йиғларим зор-зор ўлғуси»<sup>9</sup>.

каби ўзбек халқи лапарлари таъсирида ёзилган ажойиб мисралари, унинг ўз асарларида системали равишда ўзбек халқ мақоллари ва ҳикматли сўзларидан фойдаланиши, умуман Навоий ижодининг халқ оғзаки ижодига яқинлиги ва ҳоказолар, сўзсиз, Навоийнинг халқ ижодига нисбатан жуда ҳам яқин турганини, ундан кўп нарса ўрганганлигини, унга юксак баҳо берганлигини очиқ кўрсатади.

Навоийнинг «Муҳокаматул-луғатайн» асари улуғ шоир, мутафаккир ва олимнинг ўзбек адабий тили ва адабиёти учун курашига яқин ясади. Навоий бу асарда адабиётшунослик масалаларига ҳам катта аҳамият берди, адабиётнинг муҳим назарий масалалари ҳақида мулоҳазалар юритди. Навоий бунда ўзбек ва тожик адабиётларининг ривожланишининг тарихий сабабларини очиб ташлашга, бир қанча йирик ўзбек, тожик ва озарбайжон шоирларининг ўз адабиётларида тутган ўринларини белгилашга, уларнинг ижодий хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилади ва адабиёт тарихига оид муҳим маълумотлар беради.

Алишер Навоийнинг бу китобида ўзигача яшаган ўзбек шоирларидан; айниқса Сақкокий; Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Муқимий, Яқиний, Амирий, Гадоий, Лутфий ҳақида берган баҳолари диққатни ўзига тортади. Бу ўринда Навоий, айниқса, ўзбек шоири Лутфийнинг ўзбек адабиётида тутган ўрнини жуда тўғри белгилайди.

<sup>8</sup> „Нәјратул-әбрар“, 21-бет.

<sup>9</sup> Танланган асарлар, 2 т., V қ., 267—268-бетлар.



Ўзи ўзбек бўлиб, лекин асарларини бошқа тилда ёзаётган кишилар ҳақида Навоий шу китобда зўр таасуф билан; аччиқ-аччиқ таъналар билдиради<sup>10</sup>.

Навоий буюк ватанпарвар шоир сифатида ўз она тили ва адабиёти учун курашар экан, у «Муҳокаматул-луғатайн» ва бошқа асарларида ҳеч вақт бошқа халқларнинг тили ва адабиётини камситмайди. Чунки Навоий тожик тилида ҳам шеърлар ёзар ва у тилда яратилган бой маданий меросдан кенг фойдаланар ҳамда тожик ва бошқа халқларнинг тили, маданиятига ҳам ҳурмат билан қарар эди.

Навоийнинг «Хамсатул-мутаҳаййирин»<sup>11</sup> китоби Жомий вафотидан кейин ёзилган бўлиб (1492—94 й), Жомийга бағишланган. Бу китоб Жомий биографиясини тўлдиришда ҳамда тожик ва ўзбек адабиётлари тарихида катта аҳамиятга эга бўлган Жомий ва Навоий ораларидаги муносабатларни аниқлашда энг қимматли манбалардан биридир. Бунда Жомийнинг қисқача таржиман ҳоли, китоб автори ва Жомийнинг ҳар хил хотиралари, икки шоир орасида юз берган адабий, илмий, сиёсий суҳбатлар ва ёзишмалар ҳамда бошқа нарсалар бор.

«Хамсатул-мутаҳаййирин» Навоийнинг танқидчилиги ҳақида муҳокама юритилганда ҳам энг қимматли асарларидан биридир. Бунда Навоий биринчи навбатда ўша даврдаги адабиёт майдонида иш олиб бораётган санъаткор Жомийга бўлган адабий муносабатини акс эттирган.

Хусрав Деҳлавий, Соғарий каби, шоирларнинг шеърлари ҳақида, Анварий, Жомий қасидалари ҳақида бўлган мунозаралар ва адабий суҳбатлар бу икки кишининг адабиёт масалалари соҳасида ҳамфикр бўлганларини исбот қилади. Навоий тортишув ва суҳбатларда ўзининг мустақкам билим, мустақил фикр эгаси, принципал танқидчи ҳамда баҳсчи эканлигини намоиш қилади.

Навоийнинг ҳар бир нарсага нисбатан хушёрлик билан қараши, келишувчилик қилмаслиги, қатъийлиги унинг шахсан Жомий билан тутган муносабатларида

<sup>10</sup> Танланган асарлар, 3 т. 207-бет.

<sup>11</sup> Бу китобнинг ҳозиргача на танқидий тексти, на нашр этилган нусхаси бўлмай, биз асосан унинг ЎзССР Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланган бўлган инв № 7732 ва 693 нусхаларидан фойдаландик.

ҳам кўзга яққол ташланади. Баъзи масалаларда Навоий ўз устозидан юқори ҳам турган. Навоийнинг шу китобида товуслар ҳақидаги ҳикояси бунга характерли мисол бўла олади.

Бу китоб Жомий ҳақида ижобий гаплар билан тўлиб-тошган. Бундай бўлиши табиий ҳам. Чунки китоб Жомийнинг вафоти муносабати билан ёзилган. Бунда икки буюк шоир ўртасида улар ҳаётлигида айрим масалалар бўйича юз берган келишмовчилик ва тортишувларнинг акс этмаган бўлиши мумкин. Лекин берилган материалларга қараганда, бу икки олим, шоир доим ҳақиқатни белгилашга, бир-бирларига ижодий ёрдам беришга, у ё бу масалада ўртоқлашишга интилганларини билиб олиш қийин эмас. Масалан, Жомий ўз «Тухфатул-афкор»ини ёзиб тугатгандан сўнг танқидий назардан кечирсин учун «элдан бурун» Навоийга кўрсатган; Жомий майда шеърларини девон тартибига соларкан, Навоий унинг девонларининг ҳар қайсисига ном қўйишга ёрдам берган. Навоий бу ҳақда қуйидагиларни ёзади:

«Бу фақир, Имом Али Мусо... зиёратидан ҳамул йил ким алар нақл қилди, келдим. Маъҳуд тариқ била аввал алар хизматиға туштум. Алар учунчи девонларига тартиб бериб эрдилар. Фақирга ўз муборак хатлари била битган дегон иноят қилдилар. Фақир илтимос қилдиким... сиз... бу девонларға муносиб от қўйсангиз деб. Алар қабул қилдилар. Икки кундан сўнгра алар хизматиға етуштим. Жузви қўюнларидан чиқориб фақирға бердилар. Девонлар учун фихрист битиб эрдилар ва ҳар бири мавсум бир исмға қилиб эрдилар ва бу ишга боис бўлгонимни доғи зоҳир қилиб эрдилар...»<sup>12</sup>.

«Хамсатул-Мутаҳаййирин» Навоийнинг Жомий вафотига бағишлаб ёзган катта марсияси билан тугайди.

«Махбубул-қулуб»да ҳам Навоий икки фасл ажратиб, бири ўн олтинчи фаслни «Назм гулистонининг қушлари» зикрига, иккинчиси — йигирма учинчи фаслни «Қиссасоз ва қиссахон»лар зикрига бағишлайди<sup>13</sup>.

<sup>12</sup> ЎзССР ФА Ш. и. Қўлёзма, Инв. 7732, 53-бет.

<sup>13</sup> Қ а р а н г: Алишер Навоий «Возлюбленный сердце», — «*محبوب القلوب*», Сводный текст подготовил А. Н. Кононов, Изд. АН СССР, Москва—1948—Ленинград.

Бу китобнинг ўн олтинчи фаслида Навоий ўзигача ўтган ва ўз замонида яшаган йирик шоирларни асосан ғоявий йўналишларига қараб, тўрт катта гуруҳ—«жамоат»га бўлади. Аввалги гуруҳга у диний мавзуларда асар яратган мистик шоирлардан биринчи галда Фариуддин Аттор («Мантиқут-тайр» автори) ҳамда Жалолиддин Румий («Маснавийи маънавий» автори)ни киритган. Иккинчи гуруҳга эса у «ҳақиқат асрорига мажоз тариқни махлут» қилган, «каломларин бу услубда марбут» этган шоирларни киритган. Бу гуруҳга у биринчи галда «Маони аҳлининг нукта пардози Шайх Муслихиддин Саъди Шерозий ва ишқ гуруҳининг покбози ва покрави Амир Хисрав Деҳлавий», «маони адосига лофиз ҳожа Шамсиддин Муҳаммад ал-Ҳафиз» ва бошқаларни киритади. Учинчи гуруҳга Навоий «Мажоз тариқи адоси» «назмига ғолиб!» ва «бу шевага кўпроқ роғиб» шоирларни киритади. Навоийнинг фикрича, Ҳоқоний Ширвоний, Заҳир, Савожи ва бошқалар шу гуруҳга оиддилар. Характерли томони шундаки, Навоий ўша вақтлардаёқ ўз устози Жомий ижодининг ҳар турли, ғоявий жиҳатдан ҳатто қарама-қарши томонлари борлигини билган ва уни бу гуруҳларнинг биригагина киритиб қўя қолмасдан, унинг бой ижодининг юқорида зикр этилган уч йўналишнинг ҳаммасига ҳам мансуб эканини очиқ уқтиради. (Бу ҳақда биз Жомий ҳақида тўхталганда яна гапираимиз).

Энг сўнгги паст (адно) гуруҳга Навоий мақтанчоқ, тугуриқсиз, ёзган асарлари на ғоявий жиҳатдан, на бадий жиҳатдан талабга жавоб берадиган, ўзига мағрур, нўноқ, шеър ёзиб элга хизмат қилиш эмас, балки қуруқ ном чиқаришни мўлжаллаган, адабиётни булғатувчи «шоир»ларни киритади. «Маҳбубул-қулуб»нинг бу ўрин ўша давр адабий ҳаётини характерлашда ҳамда ўз даврининг энг улуғ кишиси — Навоийнинг ўша адабий ҳаёт аъзоларига муносабатини очишда айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Навоий адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги ҳақида шу пайтгача асар ёзган кишилар «Маҳбубул-қулуб»нинг бу ўринларига эътибор қилмай келганлар. Навоийнинг ўз замондошларига кескин муносабати айниқса бу асарида яхши ифодаланган.

Умуман олганда, Навоийнинг адабиётга оид назарий фикрлари кўпроқ унинг дostonлари билан бир қаторда «Муҳокаматул-луғатайн», «Мезонул-авзон» каби асарларида, унинг назарий қарашлари билан чамбарчас боғланган практик маслахатлари, ўз замондошларининг асарларига берган аниқ баҳолари, уларга бўлган муносабатлари эса «Хамсатул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» айниқса «Мажолисун—нафоис» асарларида акс этган. Шу жиҳатдан «Мажолисун—нафоис»га алоҳида тўхташ мумкин.

### «МАЖОЛИСУН-НАФОИС»

Алишер Навоий яшаган даврдаги адабий ҳаёт картинасини ўрганишда унинг «Мажолисун-нафоис» — «Нафис мажлислар»<sup>14</sup> тазкираси алоҳида аҳамиятга эга. Чунки Навоийнинг адабий-танқидий мулоҳазалари, ўз замондошларига муносабати ва ҳоказолар унинг бошқа асарларига қараганда шу асарида кўпроқ, ҳар томонлама кенг ва чуқур акс этган. «Мажолис»<sup>15</sup> тахминан 1490—91 (хижрий—896) йилларда тузилган.

«Мажолис» ўзининг яратилиш тарихи, тузилиши ва ёзилиши жиҳатидан ўша давр тазкираларидан яққол ажралиб туради.

Тожиқ адабиёти тарихида Амир Давлатшоҳ Самарқандийнинг 1486—1487 (892 хижрий) йилда тузган «Тазкиратуш—шуаро» номли тазкираси сермазмунлиги билан ўз замондошларини ҳайратда қолдирган эди. Давлатшоҳ тазкирасида юздан ортиқ ўзидан илгари ўтган тожик, озарбайжон, эрон шоирлари, уларнинг асарла-

<sup>14</sup> «Мажолисун-нафоис»нинг ёзилган йили, қўлёзма вариантлари, босма нусхалари, асар номи ва ҳоказолар тўғрисида биз «Мажолисун-нафоис» ҳақида баъзи мулоҳазалар» сарлавҳали мақолимизда («Тил ва адабиёт масалалари» ж—ли, 1958, № 1) тўхталганмиз.

<sup>15</sup> Биз бундан кейин «Мажолисун-нафоис»ни «Мажолис» шаклида ёзамиз. Навоийнинг ўзи ҳам бу асарнинг номини бошқа асарларида шу қисқа шаклда ёзган. Масалан, у ўз маснавийларининг бирида баъзи замондошлари ҳақида сўзлар экан, бошқаларни «Мажолисун-нафоис»да гапирганини айтади ва дейди:

Ўзгасин қилмадим андин мазкур  
Қим «Мажолис»да эрурлар мастур.

(Танланган асарлар, I т.,  
Тошкент. 1948, 123-бет).

ри ҳақида ўзигача мавжуд кўп маълумотларни тўплаган, ҳамда уларнинг асарлари рўйхатини ва улардан баъзи характерли намуналарни берган. Давлатшоҳ тазкираси шу шоирларнинг ҳаёти, ижодини ўрганишда ҳамон қимматли манбаълардан ҳисобланади. Навоий Давлатшоҳ тазкирасига ижобий баҳо беради ва унинг бу асарини ўз «Мажолис»ининг шаклан олдинги бир тури деб, автор ҳамда унинг китоби ҳақида: — «ушбу мазмундаким, бу мухтасар («Мажолис») — А. Ҳ.) битиладур, «Мажмауш-шуаро» тасниф қилиб дурурким, ҳар киши ани мутолаа қилса, мусаннифининг истеъдод ва камолини маълум қилур» деб ёзади.

Навоий замондоши Абдураҳмон Жомий ҳам «Баҳористон» асарининг бир бобида ўзидан олдин ўтган тожик, озарбайжон, эрон шоирларининг таржимаи ҳоли ва асарлари ҳақида баъзи маълумотларни берган. Навоийнинг юқоридаги асарлардан сўнг ёзилган «Мажолисун-нафоис»и сифат жиҳатидан янги типдаги тазкира—антология эди. Бу тазкиранинг асосий хусусияти шундаки, Навоий унга ўз давридаги шоир ва қалам аҳллари кириштириш асосий мақсад қилиб қўйган. Навоий «Мажолис»нинг кириш қисмида илгари ёзилган тазкираларни танқид қилиб, ўз тазкирасининг фазилати ҳақида ёзади:

«Аммо барчасида бурун ўтган шуаро ва эрта кечган фусаҳонинг оти мазкур ва сифати мастурдур ва бу ҳужаста замон ва фархунда даврон шуаро ва хуштаблариким... отлари ул жамоат зумрасида бўлмоқтин маҳрум ва сўзлари ул таркиб ва қоидада номаълум учун шикаста хотирға ва синуқ кўнгулға келдиким, бир неча варақ битилгай ва бу аср шуароси била бу давр зурафоси отин анда сабт этилгай то бу ниёзмандлар ҳам бурунги шуаро акобири зайлида мазкур бўлғайлар ва бу пайравлар ҳам ул раҳбарлар ҳайлиға қўшулғайлар...»<sup>16</sup>.

Бу жиҳатдан «Мажолис» катта аҳамиятга эга бўлиб, ўша даврдаги адабий ҳаётни ўрганишда ягона манба сифатида кўп олимларнинг диққатини ўзига тортиб келди ва келмоқда.

Навоий ўз «Мажолис» асари билан ўзбек адабиётида тазкирачиликка асос солди ва бошқа халқлар ада-

<sup>16</sup> Танланган асарлар, 3 т., 8-бет.

биётларидаги тазкирачиликнинг бундан кейинги тараққиётига ҳам чуқур таъсир кўрсатди. Навоидан сўнг ёзилган тазкираларнинг авторлари ўз асарларини даврнинг мавжуд адабий ҳаётидан олиб ёзганлар. Бунга Мавлоно Фаҳриддин бин Муҳаммад Ҳиротий билан Ҳаким Шоҳ Муҳаммад Қазвиний томонидан «Мажолис»нинг таржималарига қилинган қўшимчалар, Ҳасан Нисорий Бухорийнинг 1587—1588 йилларда тузган «Музақкирулаҳбоб»<sup>17</sup>, Сом Мирзо Исмоилийнинг «Тўҳфаи-Сомий»<sup>18</sup>, Фазлийнинг «Мажмуатуш-шуаро»<sup>19</sup>, Табибийнинг «Мажмуатуш-шуаройи Ферўзшоҳи»<sup>20</sup> каби тазкиралари ёрқин мисол бўла олади.

Ҳ. Ораслийнинг ёзишича, XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида яшаган озарбайжон танқидчиси Соддиқбек Афшор ҳам ўзининг «Мажмаул-ҳавас» асарини Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» асари таъсирида ёзган<sup>21</sup>.

Навоий «Мажолис»ни саккизта мажлисга, яъни саккиз бобга бўлади. Биз бу бобларнинг номини ўқиш биланоқ, уларга кирган қалам аҳлларининг қайси даврда яшаганликлари ҳақида ўзимизда бир қадар аниқ тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин. Масалан, биринчи, иккинчи ва учинчи мажлисларнинг номини кўрайлик:

1) «Аввалги мажлис—жамоати маҳодим ва азизлар зикридаким, бу фақир аларнинг замонининг охирида эрдим ва мулозиматлари шарафига мушарраф бўлмадим».

2) «Иккинчи мажлис—ўл жамоати азизлар зикридаким, фақир алардин баъзининг суҳбатига йигитликда мушарраф буллубмен ва алар санаъситта ва тисъина ва самона миа<sup>22</sup> тарихидаким, бу мухтасар битиладур, алар бу фано домгоҳидин бақо оромгоҳиға борибтурлар».

3) «Учинчи мажлис — алар зикридаким, ҳоло замон

---

<sup>17</sup> Ҳасан Нисорий Бухорий, *ومذکر الاحباب*, УзССР ФА Ш. И., Қўлёзма, инв. № 4282.

<sup>18</sup> УзССР ФА. Ш. И. қўлёзма, инв. 57.

<sup>19</sup> Фазлий, *مجموعه الشعر*, Тошкент, литография, 1900 йил.

<sup>20</sup> Аҳмад Табиби, *مجموعه الشعر*, УзССР ФА Ш. И., Қўлёзма инв. № 1152. *فيروزشاھ*.

<sup>21</sup> Ҳ. Ораслий, «Навоий ва озарбайжон адабиёти» «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 25 V, 1948, № 103 (7034).

<sup>22</sup> 1490—1491 йил мелодий.

саҳойфида маони абкори аларнинг дақиқ таблари ҳулабофлиғидин назм либоси киядур ва назм либоси аларнинг ақиқ зиҳнлари мўшигофлиғидин санъат ва салосат, нақш ва нигори топадурким, баъзининг мулозаматиға мушарраф ва сарафроз ва баъзининг мусоҳабати била хушнуд баҳраманддурурбиз».

Демак, бу бобларга кирган шоирлар Навоий ёшлиғида вафот қилган, ёки Навоий билан асрдош шоирлардир.

Бу мажлисларга кирган шоирларнинг сони «Мажолис»нинг ҳар нусхасида ҳар хил берилган. «Мажолис»нинг Султон Али Машҳадий кўчирган деб тахмин этилган нусхаси бўйича бу мажлисларга 355 дан ортиқ киши қатнашган. Мажлис қатнашчиларининг кўпчилиги ўз шеърларини тожик, форс тилларида, уларнинг озчилиги эса эски ўзбек тилида ёзганлар. Бунга сабаб, биринчидан, Навоий, аҳолисининг кўпчилиги тожик, форс тилларида гаплашувчилардан ташкил топган Хуросонда яшаган, «Мажолис»ни ҳам шу ерда ёзган, иккинчидан, эски анъаналарга мувофиқ, ўзбек шоирларининг кўплари ўз асарларни тожик тилида ёзар эди ва ҳоказо. Масалан, Ҳилолий ўзбек бўлатуриб, ҳамма асарларини тожик тилида ёзган.

«Мажолис»да Давлатшоҳ тазкирасига кирган шоирлардан Балхий, Бобо Савдой, Ҳалвой, Яҳе Себак Бадаҳший каби шоирлар бўлиб, улар кам сонни ташкил этади.

«Мажолис»га қирган қалам аҳлларининг ҳаммаси ҳам шоирликни касб қилган ва бунинг орқасидан астойдил қувган кишилар эмас. Улар орасида ҳар соҳага мансуб кишилар бор эди. Чунончи: ҳунармандлар, косиблар, олимлар, сипоҳийлар, савдогарлар, уламолар, турли амалдорлар, ўқувчилар ва ҳоказо. «Мажолис»ни тузишда Навоий маълум даражада объективизмга йўл қўйган Яъни мажлис қатнашчиларининг ҳар қайсисининг ўша давр адабий ҳаракатчилигида роли қанчалик катта эканлигидан қатъий назар, унга киритила берган.

Жамиятнинг пастки табақаларидан чиққан шоирлар поэзия билан нақадар қийналиб ижод қилганлари ҳақида «Мажолис»да учровчи кўп камбағал шоирларнинг оғир ҳаётлари ёрқин гувоҳлик беради. Навоий улар ҳақида зўр таважжуҳ ва таассуф билан ёзади. Ана шу моддий сабабларга кўра уларнинг кўпчилиги ўз ижодларини камолатга эриштира олмас эдилар. «Мажолис»да-

ги Ашраф, Қотибий, Мир Муфлсий, Дарвеш Деҳагий кабилар шу типдаги шоирлар эди. Аммо «Мажолис»да номи зикр қилинган шоирларнинг кўпчилиги юқори табақаларга мансуб бўлиб, шеърият билан шуғулланиш учун етарли шароитга эга бўлгандир. Лекин улар бу имкониятлардан адабиётнинг ҳақиқий тараққиёти йўлида фойдаланмаганликлари учун уларнинг кўпчилиги Навоийнинг қаттиқ танқидига дучор бўлган.

«Мажолис»да деҳқонлардан чиққан биронта шоирни учратмаймиз. У вақтда деҳқонлар ёппасига саводсиз бўлиб, ёзма адабиёт билан шуғулланиш имкониятига эга эмас эдилар. Шунинг учун улар асосан оғзаки ижод билан шуғулланар эдилар<sup>23</sup>.

«Мажолис» ўзбек ва тожик адабиётлари тарихига дэир асар бўлиб, бу асар орқали биз ҳар бир шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида оз-оз бўлса ҳам, лекин муҳим маълумотларни оламиз. Ҳар бир шоирнинг ижодидан келтирилган шеърий намуналар кўп ҳолда шеър авторынинг ҳаёти ва ижоди учун характерлидирлар. «Мажолис»да Мавлоно Муҳаммад Олим, Бобо Савдой, Муҳаммад Солиҳ кабиларга ажратилган ўринлар бу фикримизга ёрқин далил бўла олади.

Навоий кўп шоирлар ҳақида мулоҳаза юритар экан, уларнинг ҳаёти ва ижодини замондан, сиёсатдан, тарихий воқеалардан ажратиб қўймайди. Бу Навоий адабиётшунослигининг методик жиҳатидан ижобий томони эди. Маълумки, Муҳаммад Солиҳ теурийларга нисбатан душманлик руҳида бўлиб, у Шайбонийхон томонга, теурийларнинг ашаддий душмани томонга ўтиб кетган. Муҳаммад Солиҳнинг сиёсий мавқеи, сўзсиз, унинг ижодига ҳам ўзининг жуда катта таъсирини кўрсатган. Навоий Муҳаммад Солиҳнинг ҳаётидаги бу моментга катта аҳамият берган ва бу ҳақда ёзишни «Мажолис»да унутмаган.

Навоий «Мажолис»га ёзган муқаддимасида: шоирларнинг «ҳар қайсисининг натойижи табидин бирор нима нишона йўсуллуқ ёзилғай...» деб ёзар экан, бу билан Навоий келтирган шеърий мисоллар: матлалар, рубоийлар, муаммолар ва ҳоказолар — кўпинча ўша шоирнинг ижоди учун ғоявий ва бадий жиҳатдан жуда характерли эканини уқдиради. Масалан, Лутфий, Атоий каби ўзбек

<sup>23</sup> Е. Э. Бертельс. «Навоий», Изд—во АН СССР, М—Л. 1948, 27-бет.



шоирларидан келтирилган мисоллар улар ижодининг энг характерли байтлари эканлигига ҳеч шубҳа қилинмаса бўлади.

Навоий бу китобда шоирларнинг ижодига мисол тариқасида келтирилган шеърини парчаларга ўз танқидий муносабатини турли шаклда, баъзан очиқ, баъзан эса киноя йўли билан изҳор қилади. Масалан, Навоий Мавлоно Қобилийнинг шеъридан келтирилган матладан сўнг: «Иттифоқо бу шеъри била ўзин ҳажв қилибтурким, бовужудики, ҳеч мазаси йўқ турур, қофияси ҳам ғалатдур» деб, ўз фикрини очиқ-аниқ ифода қилади. Аммо баъзи ўринларда эса мисолга олинган бу шеърларни танқиддан ҳам тубан ҳисоблаб, улар ҳақидаги фикрларини имо—ишора, киноя усули билан билдиради. Бунга унинг Сайид Қутб Лакаданг, Мир Ҳусайн Бовардий шеърлари ҳақидаги фикрлари ёрқин мисол бўла олади. Баъзи ўринларда Навоийнинг шоирга бўлган муносабатидан унинг ижодига бўлган муносабатини ҳам англаш мумкин. Масалан, Навоий Сайид Қуразонинг шеъри ҳақида: «Бу матла ул бадбахтқинанингдур...»<sup>24</sup> дейиш билан унинг шеърига бўлган салбий муносабатини билдиради.

Навоий адабиётшунослиги ва танқидчилигининг бошқа хусусияти, унинг кўп ўринларда, айниқса «Мажолис» да қалам аҳллариининг ижодига нисбатан бетараф, ҳолис туришидир. Ўзбек совет ёзувчиси Ойбек ўзининг «Навоий» романида Навоийнинг «Мажолис»ни ёзиш вақтини тасвирлар экан, бу китобнинг шу томонини айниқса яхши таърифлайди<sup>25</sup>.

Навоий Мавлоно Дарвиш Машҳадий деган ҳажвчи шоир билан ёмон муносабатда бўлган. Шунга қарамасдан, Навоий уни ҳам ўз тазкирасига киритади ва унинг ҳақида қуйидагиларни ёзади:

«Мавлоно Дарвеш Машҳадий-сафиҳ ва бадзабон кишидур. Баъзи азизларни, дерларки, ёмон ҳажвлар қилибдур. Андин ажаб эмасдур. Таъби ёмонлиқ сари ҳар неча деса яхши борур. Бу фақир андин жунун ва ошуфталиғлар кўрдум. Аммо ҳажвларин зоҳир қилмади. Соғийр назмларда бир нав таби бор. Бу матла анингдурким:

Онки аз абруйи ў дид маҳи ийд асаре  
Ҳаст солеки азон моҳ наёммад хабаре»<sup>26</sup>.

<sup>24</sup> Танланган асарлар, 3 т., 70-бет.

<sup>25</sup> Ойбек, «Навоий», Ўздавнашр, 1948, 371—372-бетлар.

<sup>26</sup> Танланган асарлар, 3 т., 69-бет, шеърнинг таржимаси: «Унинг қошидан байрам оғи асари кўринди. Шундай йиллар борки, у ойдан дарак бўлмади».

Бундай мисоллар «Мажолис»да талай учрайди. Бу фактлар Алишер Навоийнинг жамият ва адабиёт манфаатларини ўз шахсиятидин нақадар юқори қўйганини кўрсатади.

«Мажолис»нинг энг характерли томонларидан бири унинг халқчиллик тенденциясида ёзилганидир. Навоий бошқа асарларидаги сингари бу асарда ҳам халқ манфаатларини ёқлашга интилади. Унинг самимий муҳаббати халқ томонида, унинг орасидан чиққан қалам аҳллари томонида бўлади. Биз буни, айниқса ҳоким табақа вакилларининг кирдикорларини танқид қилувчи сатирик шоирларга Навоийнинг муносабатларида очиқ кўрамиз. Бу сатирик шоирлар реал ҳаёт билан, халқ билан яқиндан боғланган бўлиб, уларнинг шеърлари ҳам ҳаётий аҳамиятга эга бўлар эди.

Навоий ҳоким табақалардан чиққан айрим қалам аҳлларининг золимлиги, ахлоқий қиёфасининг бузуқлиги, шеърларининг ҳам ҳеч қандай социал аҳамиятга эга бўлмаганлиги учун қаттиқ қоралайди. Ҳатто у шундай шоирлардан бири Хожа Мусайяб ўлдирилганда хурсандлик билан қуйидагиларни ёзади:

«Хожа Мусайяб-андин ажаброқ киши эрди, у дағи назорат беҳудлиғидин мусулмонларга ажаб зулмлар қилурға бел боғлаб эрдиким, қазо девонидин бевосита сиёсатга муставжиб бўлди ва эл анинг шарридин халос бўлдилар»<sup>27</sup>.

Навоий Ҳирот «одамзодалари» дан Мавлоно Хуррабий ҳақида: «...аммо ўзида одамилиқдин асар, балки бўйи йўқтур»<sup>28</sup>—деб ёзади. «(Абулқосим—А. Ҳ.). Бобир Мирзонинг мулозими Вали Қаландар ҳақида: «Хира ва беҳаё киши эрди. Суҳандонлар орасида бадшеърлиққа машҳур эрди»<sup>29</sup> деб ёзади ва ҳоказо.

«Мажолис»нинг бадиий шаклланишига халқ оғзаки ижодининг таъсири кучли бўлган. Унинг ёзилиши стилидаги жонлилиқ, ифодалилик, аниқлик, жумлаларнинг соддалиги, ихчамлиги, пухталиги ва бошқалар халқ латифаларини, ундаги муъжазликка интилиш хусусиятларини эслатади. Навоий, шубҳасиз, «Мажолис»ни ҳам кенг халқ оммасига мўлжаллаб ёзган. Ундаги баъзи шоирлар ҳа-

<sup>27</sup> Танланган асарлар, 3 том, 59-бет.

<sup>28</sup> Уша китоб, 69-бет.

<sup>29</sup> Уша китоб, 45-бет.

қидаги справкалар тўғридан-тўғри халқ латифаларини эслатади.

Бадий сўзни ниҳоятда қадрлаган Навоий ҳозиржавоблик билан, моҳирона айтилган ва айни нишонга тегадиган ҳар бир сўз ва иборанинг, оригинал тасвирий ифоданинг мухлиси эди ва кундалик турмушда учраган бундай нарсаларни хотирида сақлаб борар, ҳатто бирор нарсага ёзиб қўйса ҳам эҳтимол эди. Навоий улардан ўз поэтик ижодида доим фойдаланар, улар шоирнинг асарларига бадий ранг, ҳаётийлик бахш этар эди.

Навоийнинг бундай ихлосмандлиги, меҳнатсеварлиги, тартиблилиги туфайли бизга унинг қитъалари ҳам етиб келган. «Мажолис»ни тузишда ҳам Навоийнинг бу хислатлари унга катта ёрдам берган. У ҳар бир шоирга тегишли кичкина справкада ҳам ўша шоирнинг ўзини, ёки ижодининг муҳим бир томонини характерли эпизод ёки ибора орқали очиб, ўқувчининг кўз олдида ёрқин гавдалантира олган. Бухоролик Кавсарий деган шоир ҳақида Навоий ёзади: «Қабулиятлиғ, хуш суҳбат, ширингўй киши эди. Бир кун хужрасида ўзига яраша табх қиладур эрмиш. Маволидин биров кирибдур ва қозон остига ўтун қўюбдир. Мавлоно дебдурким: «Табх ишида мадад қилмаким, шарик бўлурсан»<sup>30</sup>.

Навоий кичкина бир эпизод орқали, унинг ширингўйлигини, унинг характеридаги ҳазилкашликни яхши ифодалай олган.

Навоий ўз тазкирасида шоирларнинг ижодини ёритиш билан бирга, уларнинг шахсий ҳаётини баён қилишга, ҳар қайсисининг тақдири нима билан тамом бўлганини, қандай аҳволда эканлигини кўрсатишга, унинг ижоди билан ҳаёти ўртасидаги муносабатларни белгилашга ҳам катта аҳамият берган. Бу билан антология автори ўша даврдаги реал ижтимоий ҳаёт картинасини маълум даражада ҳаққоний акс эттиришга муваффақ бўлган. Демак, «Мажолис» адабий ёдгорлик бўлиши билан бирга социал аҳамиятга эга бўлган ҳужжат ҳамдир.

Навоий тазкирасининг энг қимматли томонларидан яна бири унинг ўша давр адабий маҳсулоти ҳақида кўп ва ишончли намуналарни ўз ичига олганлигидир. «Мажолис»га кирган баъзи шоирларнинг асарлари бизгача етиб келмаган бўлиб, уларнинг ўзлари ва ижодлари ҳақида

<sup>30</sup> Танланган асарлар, 3 т., 51-бет.

фақат «Мажолис» берган маълумотларгагина эгамиз. Навоий ўз давридаёқ кўп шоирларнинг асарлари йўқолиб кетганлиги сабабли уларнинг ижодига доир намуналарни кишилар оғзидан ёзиб олганини гапиради. Чунки у вақтда ёзилган асарларнинг нусхасини кўпайтириш имкониятига ҳамма ҳам эга эмас эди. Ҳатто Темурнинг ўғли Халил Султон девони ҳам Навоийгача етиб келмаган. Навоий уни «...аммо тилаб топилмади»—дейди. Бу жиҳатдан ҳам «Мажолис» адабиётшунослигимиз учун муҳим ҳужжатдир.

«Мажолис» фақат адабий-танқидий аҳамиятга эга бўлмай, балки тарихий, этнографик аҳамиятга ҳам эгадир. Чунки унда ўша давр тарихини, урф-одатларини, шоирлардан бошқа давлат арбоблари, илм, маданият, санъат аҳиллари ҳаётини ўрганишга доир муҳим маълумотлар ҳам учрайди.

Бу фикрларимиз ҳаммаси шуни кўрсатадики, «Мажолис» Навоий адабиётшунослигининг энг йирик ва муҳим асаридир. Демак, Навоийнинг «Мажолис» асари XV аср адабий ҳаётини ўрганиш учун, шунингдек Навоийнинг адабий-танқидий қарашларини ўрганиш учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлган муҳим асардир.

Биз юқорида Навоийнинг танқидий қарашларини ўз ичига олган бир қанча асарларига кўз югуртиб чиқдик.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Навоий адабиётшунослигини ўрганишда юқоридаги асарларнинг ҳаммаси маълум даражада бир-бирини тўлдиради. Шунинг учун ҳам улуғ шоирнинг адабий-танқидий қарашларини баён қилишда биз Навоийнинг асарларидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишга интилдик.





### III. НАВОИЙ АДАБИЙ ТАНҚИДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ

Биз юқоридаги бобларда Навоий адабий-танқидий мероси пайдо бўлган тарихий шароит, адабий танқидчилигининг формалари, унинг хусусиятлари, адабий-танқидий қарашларини ўз ичига олган баъзи асарларнинг ёзилиш характери, бу масалаларни ўрганиш тарихи ва ҳоказоларга тўхталиб ўтдик. Энди эса биз Навоий ўз адабий танқидчилигида қандай масалаларни илгари сурганини ва бу соҳада қандай ғояларни тарғиб қилганини ёритишга, яъни Навоий адабий-танқидчилигининг ичига киришга, унинг назарий асосларини билишга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Бадий адабиётнинг объектив қонунларини ўрганиш ва билишга интилиш, қизиқиш Шарқда ҳам қадим даврлардан бошланган бўлиб, Навоий ҳам бунга ўз ҳиссасини қўшди. Ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги тарихида Навоий адабиёт назариясига оид масалалар билан биринчи мартаба жиддий ва бошқаларга нисбатан изчил шуғулланган киши эди. Навоийнинг адабиёт масалаларига доир мулоҳазалари унинг ўз даврида буюк адабиёт олими бўлганлигини кўрсатади.

Навоий ўз адабий танқидчилигида шуғулланган масалалар эстетиканинг муҳим масалалари бўлиб, улар ҳозир ҳам ўз қимматини сақламоқда. Навоий адабий танқидчилигида адабиётнинг ижтимоий функцияси, унда форма ва мундарижа бирлиги, традиция, новаторлик, тил, адабий маҳорат, реализм, жанрлар, ижодкорнинг хулқ-ахлоқи каби масалалар етакчи масалалардир. Навоийнинг бу масалаларга муносабатлари кўпроқ унинг айрим шоирларга ва уларнинг ижодларига бўлган муносабатлари билан боғлиқдир. Бу, улуғ шоирнинг масалага конкрет ёндошганини кўрсатади ва биз ҳам Навоий-

нинг назарий қарашларини унинг практик ишларига, шоирларга ва уларнинг ижодларига бўлган реал муносабатларига боғлаб ёритишга интиламиз. Навоий адабий танқидчилигининг ўзбек адабиётшунослигидаги энг қимматли, Навоийгача бўлган адабиётшуносликдан принципиал фарқ қиладиган ери ҳам шуки, у биринчи бўлиб адабий асарга ва адабий ижодга баҳо беришда турмушдан, тажрибадан ҳамда адабиётнинг муҳим назарий масалаларидан келиб чиқиб ёндоша бошлади.

Навоий адабий танқидчилигида, эстетикасида илгари сурилган биринчи катта масала, бу адабиётнинг ижтимоий функцияси масаласидир.

## I. БАДИИЙ СЎЗНИ ҚУРОЛ ҚИЛИБ

Ҳар қайси жамиятда санъат ва адабиёт ўзининг маълум ижтимоий функциясини бажаради. Санъат ва адабиёт объектив борлиқни бадиий акс эттирибгина қолмасдан, балки шу борлиқни ўзгартиришга, кишиларга билим беришга, уларни тарбиялашга хизмат қилиши ҳам керак. Санъат ва унинг тараққиётини аввало унинг ўзига хос ижтимоий вазифалари билан бирга олиб қарагандагина тўғри тушунтира олиш мумкин.

Улуғ халқпарвар ва инсонпарвар Навоий бадиий адабиётни ҳоким синфнинг идеологик қуролига айлантиришга ва уни жамиятдаги ўз вазифасидан маҳрум этишга интилган феодал-сарой адабиёти ва диний-мистик адабиёт вакилларига қарама-қарши ўлароқ ўз адабий танқидчилигида биринчи навбатда бадиий сўзнинг, бадиий адабиётнинг жамиятдаги актив ижтимоий роли масаласини, «санъат-санъат учун» деган идеяни эмас, «санъат халқ учун» деган идеяни, санъатда мазмунсизликни эмас, санъатда мазмундорлик шиорини илгари сурди. У изчил равишда адабиётнинг тарбиявий аҳамияти, билим бериш аҳамияти, эстетик аҳамияти ва халқчилиги учун, ўз даври манфаатларига хизмат қилиши учун курашди.

Навоий «сўз»ни ўз асарларида кўп маъноларда ишлатади. У «сўз» термини остида инсониятнинг ҳамма маънавий бойлигини — алоҳида ижтимоий категория бўлган тилни ҳам, идеология формаларидан ҳисобланган фалсафа ва бадиий адабиётни ҳам тушуна беради ҳамда уларни кўп вақт бир-биридан фарқ қилмайди. У ёзади:

Маъдани инсон гуҳари — сўз дурур;  
Гулшани одам самари — сўз дурур.<sup>1</sup>

Ҳатто кўп ўринларда Навоийнинг бадий восита бўлган «сўз» билан умуман адабиёт, адабий асар ҳақидаги назарий фикрлари ҳам аралашиб келади. Навоий бадий сўзнинг жамиятдаги киши онги ва психикасига ижобий ва салбий таъсир кучи, катта тарбиявий аҳамияти ва ролига ўз асарларининг бу масалага тегишли ҳар ўрнида жуда юқори баҳо беради. Навоий «Муҳокама» да ёзади:

«Сўз дуррининг тафовути мундин доғи бағоятроқ ва мартабаси мундин ҳам бениҳаятроқдур. Андоққи, шарифидин ўлган баданға руҳи пок етар, касифидин ҳаётлиғ танға заҳри ҳалок хосияти зуҳур етар»<sup>2</sup>.

Навоий «Ҳайратул-аброр»да ўзининг бу фикрини янада яққол ифода этган эди:

«Ҳам сўз ила элга ўлумдин нажот,  
Ҳам сўз ила топиб ўлук тан ҳаёт»<sup>3</sup>.

Бироқ, Навоий сўзнинг таъсир кучи, унинг тарбиявий аҳамияти ва жамиятдаги ролига баъзи вақт, шу мисолларда кўрганимиз каби, муболаға билан ортиқча баҳо беради. Бу, унинг бир томондан шоирлиги, ўз фикрини образли ифода этишга интилиб, муболаға воситаларидан фойдаланишидан бўлса, иккинчи томондан унинг умумий дунёқарашининг идеалистик асосда эканлигидан келиб чиқади.

Навоий адабиётнинг жамиятдаги ижтимоий функциясига баҳо берар экан, унга ижтимоий мазмунни акс эттирувчи, кишиларга тарбия берувчи нарса сифатида қараб, «сеҳр»ий куч билан тенглаштиради. Унинг фикрича, бадий асар ўқувчига маънавий озик бериш, уни юксак идеялар билан қурооллантириши, эстетик завқ бағишлаши керак. Навоий «Фарҳод ва Ширин»да қалам ҳақида:

Таниға заъф ғолиб, кўрмайин ранж,  
Вале жавфи аро юз маънавий ганж<sup>4</sup>

1 „Нәҗратул-эбраг“, 107-бет.

2 Танланган асарлар, 3 т., 174-бет.

3 „Нәҗратул-эбраг“, 107-бет.

4 „Нәҗратул-эбраг“, 95-бет.

5 Танланган асарлар, 2. т., II к., 23-бет.

деб, образли равишда ёзиш билан шу идеяни илгари суради.

Навоийнинг назарида, улуғ Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» эпопеяси ҳамманинг муҳаббатига сазовор бўлган, ўзида жуда катта социал мазмунга, ғоявий-бадиий салмоққа эга бўлган худди шундай ҳақиқий буюк асар эди. Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» да Фирдавсийни ва Фирдавсий «Шаҳнома»сининг дунёга келишини тожик ва форс тилида гаплашувчи халқларнинг араб истибодидан қутилиб, мустақилликка эришуви ҳодисаси билан боғлаб қарайди. Бу тарихий нуқтаи назардан тўғри қараш бўлиб, чиндан ҳам агар бу халқлар араб зулмидан қутилмаганда, бу халқлар адабиётларининг, маданиятларининг тараққий этиши, мардлик ва қаҳрамонликни куйлаган Фирдавсий «Шаҳнома»сининг пайдо бўлиши ҳам қийин эди.

Навоий халқ афсоналари асосида яратилган буюк халқчил асар — «Шаҳнома»нинг, айниқса қаҳрамонлик мотивларини юқори баҳолади, унинг авторини ўз маснавийларидан бирида «курд»—«пахлавон» деб таърифлади. У «Садди Искандарий» да Искандарнинг юришларини тасвирлашга оид бир бобда, дунёда адолат ўрнатилгани ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган Искандарнинг қаҳрамонлик билан эришган ҳамма ғалабаларини тўла ёзиш учун «Шаҳнома»дек улкан асар яратиш керак эканлигини айтади:

Бўлиб онча давлат муяссар анга,  
Яна онча кишвар мусаххар анга —  
Ки сабтига йўнса киши хомаи,  
Керактур рақам топса «Шаҳнома»и.  
Ва лекин бу дафтарда гунжойиши  
Эмас сиққудек борча оройиши...<sup>6</sup>

Буюклиги олдида Навоий қайта-қайта бош эгкан Низомий асарларининг, хусусан унинг машҳур «Хамса»сининг Ўрта Осиёда кенг ва тез тарқалиб кетиши ва шуҳрат топишининг сабаби ҳам биринчи навбатда унга кирган дostonларнинг ҳарбирининг чуқур социал мазмунлар билан суғорилганлигида, гуманизм, халқпарварлик, ватанпарварлик, адолатпарварлик идеялари ҳамда яхши ҳаёт ҳақидаги улуғвор орзулар билан тўлалигида, шеърятни биринчи навбатда ғоявий ва тематик жиҳатдан

<sup>6</sup> Танланган асарлар, 2 т., V к., 74-бет.



Ўзидан олдингиларга нисбатан мисли кўрилмаган даражада бойитганлигида эди.

Навоийни ҳам биринчи галда Низомий асарларининг ғоявий томонлари, яъни унинг ўз ибораси билан айтганда, қимматбаҳо дур ва гавҳарлари ўзига мафтун этган эди. Бу гавҳарлар, Навоий таърифи билан айтганда, шундай гавҳарларки, улар туфроққа тушиб, оёқ остида қолган билан ушалмайди, улар дилларга зиё беради, кишининг маънавий ҳаётини бойитади, улар яна шундай гавҳарларки, халқ юз йил олган билан камаймайди, тугамайди. «Фарҳод ва Ширин»да Низомий асарлари ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз:

Тутуб гавҳарлари яксар жаҳонни,  
Нучукким хайл ахтар осмонни;  
Йўқ ул гавҳарки чун туфроққа қолгай,  
Оёқ остига чун қолгай — ушолгай.  
Анингдек гавҳариким жилва чоғи,  
Музайян бўлгай андин эл қулоғи.  
Не ул зийнатки осилгай қулоқдин,  
Ва гар осилса айрилгай қулоқдин.  
Дуриким, чун қулоқни қилди маскан,  
Кириб қилгай кўнгул дуржини махзан;  
Кўнгул дуржин демай бўлгай лаболаб,  
Ким ул дарёга солгай дурни толаб.  
Ким ул гавҳардин олса халқ ҳардам,  
Юз илда бўлмагай мингдин бири кам.<sup>7</sup>

Бу ҳам камаймайдиган, ҳам эскирмайдиган дурлар хазинаси бўлмиш Низомий «Хамса»сини Навоий «Сабъан сайёр»да ҳақли равишда «Ганжи Қоруний»га ўхшатади ва кимки у томон жавоҳир қидириб борса, «ул ганжлардин юзминг ганж» топажагини айтади:

«Хамса» йўқ, панж ганжи Қоруний,  
Ейибон элга Ганжа мадфуни.  
Лек ҳарким бўлуб жавоҳир санж  
Топиб ул ганжларда юзминг ганж<sup>8</sup>.

Даврнинг талабларини жуда яхши тушунган, ўз халқи билан бир жон-бир тан бўлиб яшаган Навоий ўз маснавийларидан бирида Фирдавсий орқасидан бориб, қаҳрамонлик мотивлари биринчи планда тасвирланган «Шаҳнома» сингари асар яратишни эмас, Низомий орқасидан бориб, даврнинг энг муҳим социал масалаларини

<sup>7</sup> Танланган асарлар, 2 т., II китоб, 24-бет.

<sup>8</sup> Танланган асарлар, 2 т., IV китоб, 28-бет.

биринчи планда куйлаган «Хамса» сингари асарлар яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани ҳақида гапирди<sup>9</sup> ва амалда ҳам худди шундай қилган. У, Низомий асарларини ғоявий-бадий жиҳатдан Фирдавсий асарига нисбатан олдинга қараб босилган катта қадам деб баҳолади. Низомийнинг ўзини эса шоирларнинг шоҳи сифатида таърифлади. Буни биз Навоий «Хамса»сининг сўнги асари «Садди Искандарий»нинг тугалланиш қисмидаги хаёлий мажлис тасвирида яққол кўрамиз.

Езувчи ижодига унинг социал мазмундорлигига қараб баҳо бериш Навоий танқидчилигида доимо биринчи ўлчов бўлиб қолган. У деярлик ҳамма классикларнинг асарларига аввало шу ўлчов билан ёндошган. Бу жиҳатдан Навоийнинг Шайх Муслиҳиддин Саъдий ижодига муносабати ҳам характерлидир.

Лирик шеърлардан ташқари, «Гулистон» ва «Бўстон» поэмаларининг автори машҳур дидактик шоир Саъдийнинг ижоди ғоявий жиҳатдан ҳар томонлама бўлиб, унда ўз асрига нисбатан инсонпарварлик, халқпарварлик идеялари биринчи галда кишининг диққатини ўзига тортади. Ўз асрида мўғуллар истилоси ҳамда ҳоким табақаларнинг халқ тақдирига бутунлай бепарво қараб, босқинчилар билан оғиз-бурун ўпишиб кетиши натижасида мамлакатда юз берган вайронагарчиликларни, халқнинг таланиши, қашшоқланишини, инсон ҳуқуқларининг бутунлай оёқ ости қилинганлигини кўрган Саъдий бу муҳим масалаларга ўзининг муносабатини шу асарларида ёрқин ифода этдирди. Саъдий ўзининг бу асарларида ҳоким табақаларни инсофга, адолатга, одамгарчиликка чақирди. У ёзади:

«Ту гар меҳнати дигарон бегами,  
Нашоядки номат ниҳанд олами»<sup>10</sup>.

Бу, Саъдий дидактизмнинг муҳим, соғлом, кучли томони эди. Навоий Саъдий ижодининг бу хил социал маънадорлигига юксак баҳо бериб; уни «маони аҳлининг нукта пардози»<sup>11</sup> деб атади. Ўз замони учун Саъдийнинг

<sup>9</sup> Танланган асарлар, I т. 113—114-бетлар.

<sup>10</sup> Шайх Саъдий, «Мухтасари «Бўстон», 76-бет, таржимаси: «Сен одамларнинг меҳнатига беғамлик билан қарасанг, номингни одам деб аташ мумкин эмас».

<sup>11</sup> «محبوب القلوب», 27—28-бетлар.

илғор фикрлари қандай актуаль, оригинал жаранглаган бўлса, Саъдийникига ўхшаш Навоийнинг:

Одами эрсанг демагил одами  
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами<sup>12</sup>.

қаби машхур гуманистик мисраълари одам, халқ ҳуқуқи ҳоким табақалар томонидан поймол қилинган XV асрда ҳам шундай кучли жаранглаган эди.

Навоийнинг замондоши тарихчи Хондамир «Макоримул-ахлоқ» китобида Навоийнинг подшоҳ Абусаидга қарши, унинг золимлиги, меҳнаткаш халқнинг орзудодига бепарво қарашини фош қилишини ёрқин кўрсатувчи бир эпизодни ҳикоя қилади<sup>13</sup>. Бу ҳикоянинг биз учун характерли жойи шундаки, Навоий ўз фикрини Саъдийнинг қуйидаги байти билан яқунлайди:

Гадоки, нон аз дари шоҳ жуст,  
Бибояд зи оби худаш даст шуст.

Таржимаси: «Подшоҳнинг эпигидан нон чиқишини умид қилган гадо ўз жонидан умидини узиши керак».

Бу фактлар Навоийнинг Саъдийдаги илғор идеяларга ўз ижоди ва турмушида жуда яқин турганини кўрсатади. Навоий Шамсиддин Муҳаммад Хофиз Шерозий ижодига ҳам худди шундай муносабатда бўлган. Хофиз ғазалларининг Навоийни мафтун этган томонлари уларнинг юксак бадиийлиги, мусиқийлигигина эмас, аввало уларнинг ишқий мавзуй доирасидан анча четга чиқиши, ғоявий бойлигида эди. Шунинг учун ҳам Навоий Хофизни «Маони адосига лофиз»<sup>14</sup> деб атади. Бу жиҳатдан Навоий Хофизнинг, айниқса мунофиқлик, очкўзлик, фахш ва бошқаларни фош қилишга қаратилган сатирик мазмундаги ғазалларига, ёки унинг ижодининг шундай моментларига юксак баҳо бергани Навоий адабиётшунослигининг Хофизга тегишли ўринларида сезилиб туради. Биз буни, масалан, «Мажолис»да ҳам яққол кўришимиз мумкин<sup>15</sup>.

Низомийдан сўнг «Хамса» ёзиб ном чиқарган Хусрав

<sup>12</sup> „Нәжрәтүл-әбрав“, 107-бет.

<sup>13</sup> Ғиёсиддин бинни Хумомиддин Хондамир, «Макоримул-ахлоқ», 61-бет.

<sup>14</sup> „محبوب القلوب“ 28-бет.

<sup>15</sup> Танланган асарлар, 3 т., 96-бет.

Деҳлавийга Навоийнинг муносабати ҳам диққатга сазовордир. Навоий унинг тўғрисида ёзади:

«Кўп киши ҳам қилди татаббу ҳавас,  
Сарву гул ўтрисиға келтурди хас.  
Бир кишидин ўзгаки, андоқ киши  
Бермади ёд эски фалак гардиши»<sup>16</sup>.

Бироқ, Навоий ҳеч вақт Хусрав Деҳлавийни Низомий билан, унинг «Хамса»сини ҳам Низомий «Хамса»си билан бир қаторга қўймади. У доим Низомийга биринчи ўринни берса, Хусрав Деҳлавийга иккинчи ўринни берди, яъни Навоий Деҳлавийнинг доим Низомийга «пайрав» бўлганини таъкидлаб ўтади. У Низомий ҳақида: «...назм мулкида зўр бозупанжаси ила панж ганж нуқудужавоҳирин олди»<sup>17</sup> деб ёзса, Деҳлавий ҳақида: «... бу жавоҳир ва нуқуд тамаидин панжа анинг панжасига солди»<sup>18</sup>, деб ёзади. «Сабъаи-сайёр»да унинг «Ҳашт беҳишт»ини Низомий «Ҳафт пайкар»ига солиштириб дейди:

Гар эрур онча гарчи онча эмас,  
Яхшидур, лек ул деганча эмас.

Навоий Деҳлавий ҳақидаги бу фикрларини бошқа дostonларида янада чуқурлаштиради. Бунга биринчи бош сабаб, професс. Е. Э. Бертельс ёзганидек, Хусрав Деҳлавийнинг ўз асарларида жамиятдаги социал масалалардан бир қадар чекиниши, уларни Низомий каби чуқур ва кенг қўя олмаганида эди.

Навоий ўз замондошларидан ҳеч қандай ижтимоий мазмунга эга бўлмаган шеърлар ёзувчи Осафий, Соғарий, Хуррабий, Қобилий, Бовардий каби ўнлаб шоирларни ўз таъкирасида қаттиқ танқид қилади, уларнинг халқ олдида хизмати ҳамда обрўси йўқ эканлигини сўзлайди. Чуқур ижтимоий мазмунга эга бўлган сатирик шеърлар ёзган ҳамда бундай шеърлари халқ орасида кенг шухрат қозонган Мавлоно Олим, Сайид Абдуллоҳ Астрободий, Сайид Қозимий кабилар ҳақида эса у доим катта симпатия билан гапирди.

Навоий ўзигача ўзбек тилида асарлар ёзган ўзбек шоирларининг ижодларига ҳам танқидий ёндашиб, уларнинг ижодининг социал аҳамияти нималарда эканлигини ҳам тўғри белгилай олади. Маълумки, Навоийгача яра-

<sup>16</sup> „Нәжрәтүл-әбрав“, 13-бет.

<sup>17</sup> Уша китоб, 11-бет.

<sup>18</sup> Танланган асарлар, 2., IV к., 38-бет.

тилган ўзбек адабиётида социал мотивлар ҳали кенг ва чуқур қўйилмаган эди. Навоий бу шоирлар асарларининг социал аҳамиятини аввало уларнинг ўзбек тилида ёзилганлигида кўрди. Бунда Навоий мавжуд тарихий ва ижтимоий шароитдан келиб чиқди. Ҳаётнинг ҳамма соҳасида, шу жумладан маданият соҳасида ҳам мустақилликка интилаётган ўзбек халқи учун шу тилда асар ёзиш, шу тилнинг ҳуқуқини тиклаш, амалда унинг бойлигини исботлаш, ҳеч шубҳасиз, социал масала эди.

Навоий ўзбек шоирлари орасидаги салафларидан, айниқса Лутфийга юксак баҳо берди, унинг ўзбек адабиёти тарихида тутган катта ўрнини фахр билан бир неча асарида, масалан, «Мажолис», «Муҳокаматул-луғатайн», «Хазойинул-маони» нинг «Дебочаси» ва бошқаларда таъкидлаб ўтди. Лутфий ижодида Навоий ўзгача яратилган ўзбек адабиётининг барча илғор томонларини кўрди. «Дебоча»да Навоий Лутфийни Саккокий билан бир қаторда тилга олиб, унинг ўзбек тилини эгаллашда ва шу тилда асар яратишда балоғатга эришган, кенг шухрат қозонган шоир эканлигини ёзади: «... турк атфозининг булағосидин Мавлоно Саккокий ва Мавлоно Лутфий... ким, бирининг ширин абёти иштиҳори Туркистонда беғоят ва бирининг латиф ғазалиёти интишори Ироқ ва Хуросонда бениҳоят дурур ва ҳам девонлари мавжуд бўлғай...»<sup>19</sup>

Тарихий жуғрофий шароитни ва маълум адабий традицияларни яхши тушунган, бошқа халқларнинг тил ва маданиятини доим ҳурмат қилиб, улардан ўрганган Навоий шоирларнинг бошқа тилларда ҳам, айниқса тожик, форс тилларида асар ёзишларига бутунлай қарши чиқмаган, балки бунда белгили чегара бўлишини истаган. Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» да ўзбек тилининг мустақил бой бир тил эканлигини исбот қилиб бўлгандан кейин, у ўзбек шоирларига қарата бу тилда ва бошқа тилларда асар ёзишнинг чек-чегарасини белгилашга ҳаракат қилиб, дейди:

«Андин сўнграким, турк тилининг жомияти мунча далоил била собит бўлди, керак эрдиким, бу халқ орасидан пайдо бўлган таъ аҳли салоҳият ва таъбарин ўз тиллари турғоч, ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга буюрмасалар эрди. Ва агар иккаласи тил била

<sup>19</sup> ЎзССР ФА Ш. И. Қўлёзма инв. № 1715, 2-лист.

айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпроқ айтсалар эрди ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди. Ва агар муболаға қилсалар, иккаласи тил била тенг айтсалар эрди»<sup>20</sup>

Навоий ўз она тилида асар ёзишни ватанпарварлик иши деб, ўзбек шоирларини умр бўйи ўз она тилини, ўз халқини, унинг маданиятини севишга чақирди.

Аммо Навоийнинг кўп тушунтиришлари, ҳаракатлари, интилишлари, ташвиқот ва тарғиботлари ўз замонда бекор кетди. Навоийнинг иқроор бўлишича, биринчк галда ўзбек аристократларидан етишган кўп талант эгалари ўз она тилларида асар ёзиб, ўз халқларига бирон хизмат кўрсата олмаганлар. Натижада улар халқдан ажраб қолганлар. Навоий улар ҳақида «Муҳокаматуллуғатайн»да зўр таассуф билан қуйидагиларни ёзади:

«Турк улуси анинг хуш табъ беклари ва мирзолари ва соҳиби зиҳн пок табълари ва озодалари андоққи, керак машғуллуқ, асбобин туза олмадилар ва ул навъ табъ натижаси кўргуза олмадиларки, андин хушгўйлик умиди тутса бўлғай, балки бу умидни аларнинг рўзғори ҳолиға ёвутса бўлғай... жоддаи нофармонлиғ ва залолатни тутуб кўпи, балки бориси форсийга мойил бўлдилар ва ул тил била назмға қойил. Бу иш мундин ўзга бўлаолмаски, турк тили таърифиди андоққи, юқорироқ мазкур бўлди: бовужуд алфоз касрати ва иборат вусъати ва маоний ғаробати ва адо салосати дилпазир боғламоқта суубат бор ва дилписанд тартиб бермакда табъ ранж ва уқубат топар»<sup>21</sup>...

Буерда Навоий шундай аҳвол юз беришининг баъзи бир сабабларини кўрсатади. Бундай сабабларнинг бири шуки, ўз тилида ёзмаган бу хил ўзбек шоирлари маълум қийинчиликларни бўйинларига олмаганлар, ўз тиллари хусусиятлари ва бойлигини ўрганмаганлар, шунингдек ўз халқи тилининг патриотлари бўлмаганлар.

Навоий ўзбек шоирлари орасида, айниқса Лутфий ижодига унинг тематикаси эътибори билан ҳам жуда катта аҳамият берди. Ўзбек адабиётида Лутфий Навоийгача дунёвий мавзуларда энг баракали ижод қилган киши эди. Лутфий кўпчилик шеърларида инсонга хос олийжаноб ҳисларни куйлашда жуда катта маҳорат кўр-

<sup>20</sup> Танланган асарлар, 3 т., 188—189-бетлар.

<sup>21</sup> Танланган асарлар, 3 т., 207-бет.

сатди. Лутфий ўзбек адабиётини ривожлантиришда ҳар томонлама улғ Навоийга замин ҳозирлади. Шунинг учун ҳам Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» да Лутфийни Ҳофиз, Саъдийлар қаторига кўяди:

«Ва форсий мазкур бўлгон шуаро муқобаласида киши пайдо бўлмади, бир Маълоно Лутфийдин ўзгаким, бир-неча матлаълари борким, таъб аҳли қошида ўқуса бўлур»<sup>22</sup>.

Катта талант эгаси Лутфий кишидаги турли ҳолатларни ғамгинлик, хушчақчақлик ва бошқа шунга ўхшаш ҳис, туйғу ҳаяжонларни тасвирлашда ўзбек тилининг бойлиги ва гўзалликларидан жуда усталик билан фойдаланган, ўз асарларини ҳаётгий қилиб, бадий жиҳатдан эса Ҳофиз, Хўжандий шеърлари даражасида гўзал қилиб ишлаган. Шунинг учун ҳам Навоий «Мажолис»да Лутфийга: «Ўз замонининг маликул-каломи эрди»<sup>23</sup> деб ҳаққоний баланд баҳо беради. Лутфий шеърлари оптимизм руҳи билан суғорилган. Унинг лирикасида шодлик, хушчоқчоқликни куйлаш Атойи, Саккокий лирикаларидагига нисбатан анча устун туради. Ислом идеологияси, фанатизм ҳукмрон бўлган бир замонда Лутфийнинг дунёвий мавзуларга бундай берилиши прогрессив ҳодиса эди.

Шундай қилиб, Навоий ўзидан бурунги ўзбек шоирларининг ижодини чуқур ўрганар экан, аввало уларнинг ўз она тиллари — ўзбек тилида ёзишларига, сўнг дунёвий мавзуларда ёзганларига эътибор берди ва уларнинг ижодларининг қийматини шу ўлчовлар билан белгилаб тўғри иш қилди.

Ўзбек адабиётини янги тараққиёт поғонасига кўтарган Навоий ўз асарларининг социал мазмундорлигига, айниқса катта эътибор берди, уларнинг жамият олдидаги вазифаларини чуқур тушунди ва ҳис этди. У ҳар бир асарини маълум мақсад билан яратар ва унинг турмушда, жамиятда ўйнаши керак бўлган конкрет ролини олдиндан тушунар эди. Чунки: «Яна бир буки ҳеч иш ҳодис ўлмас — Бировга ким, анга бир боис ўлмас»<sup>24</sup> деб ёзган шоир ўз асарларини ҳамма вақт турмуш талабларидан келиб чиқиб, маълум бир зарурият, сабаб билан яратган. Чуқур социал мазмун билан суғорилган буюк асарлар яратишда Навоий, айниқса, Низомий Ган-

<sup>22</sup> Танланган асарлар, 3 т., 205-бет.

<sup>23</sup> Танланган асарлар, 3 т., 56-бет.

<sup>24</sup> Танланган асарлар, 2 т., II китоб, 28-бет.

жавий, Саъдий, Хофиз каби гигантларнинг улуг мерос-хўри, улар ишининг давом эттирувчиси бўлди, ҳақида ўрганди.

«Ҳайратул-аброр»да Навоий ўз шеърляти ҳақида ёзади:

Бўлса ўту, суву, ҳаво дилпазир,  
Ул аро туфроқ ҳам эрур нагузир;  
Сарву, гулу, лола харидори бор,  
Лек ўтуннинг доғи бозори бор<sup>25</sup>.

Бунда Навоий ўз асарларини ўтга, сувга, ҳавога эмас — тупроққа; сарвга, гулга, лолага эмас — ўтинга ўхшатади. Бундай камтарона, лекин энг мазмунли ўхшатиш орқали улуг шоир ўз ижодининг халқ ҳаётига, реал турмушига ниҳоятда яқинлигини, шунга интилишини ва бу билан чексиз фахрланишини ифодалаш жиҳатидан характерлидир. Бу билан Навоий шеърлят инсон ва жамият ҳаёти учун туфроқдек, ўтдек энг зарур нарса бўлиши кераклигини уқдиради ва ўта камтарлик билан ўз асарини ўтинга ўхшатади. Ўз социал идеяларининг энг қимматбаҳо хазинаси «Ҳайратул-аброр» ҳақида «Фарҳод ва Ширин»да Навоий:

Нечукким Хизр зулматдин ниҳони,  
Улусқа бочдинг оби зиндоғони<sup>26</sup>

деб ёзади. Бунда Навоий «Ҳайратул-аброр»нинг «Улусқа» тириклик суви» сифатида хизмат қилиши кераклигини айтади. Бу, шоир ўз асарининг социал моҳиятини жуда чуқур англаганидан далолат беради. Жамият ҳаётида бадий адабиётнинг доим актив рол ўйнаши кераклигини, унинг олдинга боришига, кишиларни тарбиялаш ишига ёрдам бериши зарурлигини таъкидлаган «Ҳайратул-аброр» ҳақидаги бу гаплар билан «Сабъай-сайёр»нинг охиридаги қуйидаги каби оташин мисраълар нақадар ҳамоҳанг бўлиши билан бирга, уни янада тўлдиради, конкретлаштиради:

Деганимни улусқа марғуб эт;  
Езғонимни кўнгулга маҳбуб эт.  
Халққа зеби торак айла ани!  
Ўқуғонга муборак айла ани!<sup>27</sup>

<sup>25</sup> „Нәжрәтүл-әбғар“, 16 бет.

<sup>26</sup> Танланган асарлар, 2 т., II китоб, 31-бет.

<sup>27</sup> Танланган асарлар, 2 т., IV кит., 300-бет.



Навоий «улус», «халқ» деганда эса ҳукмрон тўдаларнинг зулми остида эзилган халқ оммасини назарда тутади. «Ҳайратул-аброр»да қалам ҳақида, унинг кучи, жамиятдаги вазифаси ҳақида ёзиб келиб, шоир дейди:

Зулм аро мазлумга хатти амон,  
Золим этиб ваҳм ани кўрган замон.  
Нафъда ул навъки меҳри мунир,  
Қудрат аро ўйлаки чархи асир<sup>28</sup>.

Навоий ўз асарларини, айниқса сипоҳга, аскарга, лашкарга, ўзини эса лашкар бошига ўхшатишни яхши кўрар эди. У ўткир сўз ва илғор идеялар лашкари билан мамлакатларни, халқларни ўзига таслим қилишни орзу қилар эди. У ўз асарларининг кўп жойида шу образни қўллайди. Масалан, «Садди Искандарий» достонида у ёзади:

Маоний сипоҳини жон мулкидин.  
Не жон мулкидин, ломакон мулкидин  
Ясоқ бирла еткуртайин фавж-фавж—  
Ки, тутсун черик не ҳазизу не авж.  
Йиғилғоч сипоҳ, тарки базм айлайин,  
Жаҳонгирлик сери азм айлайин<sup>29</sup>.

Худди шу асарнинг яна бошқа ерларида ҳам бир неча мартаба ўзини сўз санъати билан одамларнинг, халқларнинг қалбини, еру-қуруқлик — «бахру-бар»ни эгаллашда Искандардек бўлишга чақиради. Худди шунингдек, «Фарҳод ва Ширин» да ҳам Навоий бирон бир мамлакатни забт этиш учун «фармон» эмас, балки «девон» юборганини айтади.

Не мулк ичраки бир фармон юбардим,  
Анинг забтига бир девон юбардим.

Навоий замондоши Абдураҳмон Жомийнинг шеърингтадаги қаламини найзага, асарларини шу найзадан чиққан оловга, ҳаёт суви оқиб турган булоқ ва ҳоказоларга ўхшатади:

Қўлига олиб найза ўрнига килк,  
Сўз иқлимини сарбасар қилди милк...  
Чу сураг аро ўт сочиб хомаси,  
Яна гарм ўлуб нукта ҳангомаси.  
Ҳамул ўтгаким, назм шамъин тутуб,

<sup>28</sup> „Нәжрәтүл-әбрар“, 99-бег.

<sup>29</sup> Танланган асарлар, 2 т., V кит., 10-бег.

Маоний шабистонини ёрутуб.  
Чу табъидин оқиб маоний суйи,  
Келиб чашмаи зиндагони суйи,  
Ҳамул чашмадин чун су бермак тузуб,  
Суҳанварлик ўлган танин тиргузуб.  
Чу истаб тараб таъби озодаси,  
Қуюб назм жомиға сўз бодаси.  
Анинг журъаси элни маст айлабон,  
Демай мастким, майпараст айлабон<sup>30</sup>.

Жомийнинг ўша вақтдаги мавжуд ижтимоий тенгсизликни, адолатсизлик ва зулми қораловчи, саваловчи, золим подшоларнинг кирдикорларини фош этувчи, халқпарварликка чақирувчи асарлари ўзларининг чиндан ҳам беҳад чуқур социал мазмуни билан Навоий ғояларига жуда яқин ва ҳамоҳанг эди. Масалан, Жомий, «Силсилатуз—зиҳаб» асарида золим подшони фош қилиб, унинг адолатсизлиги туфайли юз берадиган талонлар, вайронгарчиликлар ҳақида унга мурожаат қилиб ёзади:

Зулми туро бех чу маҳкам шавад,  
Зулми ту зулми ҳама олам шавад.  
Хожа ба хона чу бувад даф сарой  
Аҳли сарояш ҳама кубанд пой.  
Шаҳр аз ошуби ту ғорат шавад,  
Тот яки хона иморат шавад.  
Кош кунни тарки иморатгарни,  
То на кашад кор бағоратгарни.  
Боғи аз осибни ту гардад талаф,  
Тот дар ояд теҳи себи бакаф.  
Беҳки азон себи шекибат барад.  
Варна баҳар себи хасибат бувад.  
Меваю, мурғу сари хонат муқим  
Аз ҳарамни беваю боғи ятим.  
Матбахият ҳайма зи хўйи дурушт,  
Мекашад аз пуштаи ҳар кўзпушт.  
Боз туро мири шикорон ба фан,  
Туъма деҳ аз жуъшан ҳар пирзан...  
Гўши канизони туро дода баҳр,  
Аз дари дарюза гадоёни шаҳр»<sup>31</sup>.

Таржимаси: «Зулмининг илдири маҳкам бўлса, зулмининг бутун олам зулмига баровар бўлади.

Уй эгаси чирмандакаш бўлса, унинг уй аҳли ҳаммаси ўйинчи бўлади.

<sup>30</sup> Танланган асарлар, 2 т., V к., 19-бет.

<sup>31</sup> Жомий, «هفت اورنگ», 206-бет, Тошкент, Литография, 1914 йил.

Сенга бир уй солиш учун зулмингдан бутун уй хароб бўлади.

Кошки сен иморат қилишни қўйсанг, иш талонга бор-маса.

Қўлингга бир олма олишинг учун бутун бошлиқ бир боғ хароб бўлади.

Уша олма билан кифоялансанг яхши эди. Лекин сен ҳар бирининг ҳисобини оласан.

Сенинг дастурхонингдаги ҳамма мева ва товуқ гўштлари беванинг уйдан, етимнинг боғидан келтирилган.

Сенинг ошпазинг қўполлик билан ҳар бир бели букчайган ўтинчининг орқасидан ўтинини тортиб олади.

Сенинг ов ҳунарида уста миришкорларинг ҳар бир кампирнинг жўжасини уриб ейди...

Сенинг канизакларингнинг қулоқларидаги олтин исирғалар шаҳар гадоларининг заридан (пулидан) вужудга келади».

Жомийнинг бу мисралари Навоийнинг қуйидаги машҳур мисраларини эсга туширади.

Эки, қавий айлади давлат қўлунг,  
Зулм сари тушти ва лекин йўлунг.  
Чунки фараҳ базмига азм айладинг,  
Айшу—тараб азмига жазм айладинг.  
Қасрки, базм анда муҳайё бўлуб,  
Зийнати фирдавси муалло бўлуб,  
Пардалари риштаси эл жонидин,  
Лаълию шингарфи улус қонидин;  
Шамсаси эл моли била зарнигор,  
Эл дуру лаъли била гавҳар нигор;  
Хиштини масжид бузубон келтуруб,  
Тошини эл марқадидин еткуруб.  
Анда твзуб маснади шоҳаншаҳи,  
Айшу тараб жоми учун муштаҳи»<sup>32</sup>.

Бу икки шоир ижодидаги ажойиб ўхшашлик шуни кўрсатадики, Жомий ҳам, Навоий ҳам адабиётнинг жамиятдаги ўрнини тўғри англаганлар ва бу масалага илғор позициядан туриб яъни гуманистик ва халқпарварлик позициясидан туриб ёндошганлар.

Шоир «Мезонул-авзон»ни ёзиб тугатганда эса, ўз шеърятининг жамият олдидаги вазифасига янада очиқроқ тўхталади. У бу ўриндаги рубойида ўз шеърятини—

<sup>32</sup> „Нәжрәтул-эбрат“, 30-бет.

«назми»нинг дунё турганга қадар «жаҳон аҳли»га «низом» ўрнатишда, яъни кишиларни тарбиялашда хизмат қилиши кераклигини уқдиради:

То чарх давоиридин ўлғай айём,  
То шеър хаёлотига йўқтур анжом,  
То байт тарокибида бўлғай ибҳом,  
Топсун назминг била жаҳон аҳли низом<sup>33</sup>.

Лекин бу ўринда ҳам, юқорида айтганимиздек, Навоий адабиётнинг жамиятдаги тарбиявий аҳамияти ва ролига ортиқча баҳо беради. Аммо Навоийнинг феодал шароитда, фан ва маданиятнинг санъат ва адабиётнинг ривожланиши учун имкониятлар ниҳоятда чегараланган бир шароитда адабиётнинг ролига юксак баҳо бериши, уни тараққий эттириш нуқтаи назаридан тарихий аҳамиятга эга эди. Буларнинг ҳаммасидан хулоса шуки, Навоийнинг адабий асарнинг социал мазмундорлиги учун олиб борган кураши унинг умуман халқ ва мамлакат манфаатлари учун олиб борган ватанпарварлик курашлари билан узвий боғланган эди. У элу-халққа ғаразсиз, чин, соф кўнгилдан хизмат қилиш идеясини тарғиб, этар, олий ҳиммат бўлишга чақирар, ким олий ҳиммат бўлса, шубҳасиз, унга шон-шухрат келади дер эди. У буюкликни ҳам ҳимматдан деб билар эди. У буюк асарлар яратишини ҳам ҳиммат иши деб ҳисоблар эди. Шоир ўз асарлари билан халққа сидқи дилдан хизмат қилганига, халқи уни келажакда бунинг учун чексиз шон-шухратларга кўмажагига комил ишонч билан яшар эди. У ёзади:

Ким ўлса ҳиммат илгидин кушоди,  
Не топсун ким топилгандур муроди.  
Буюклик келди ҳимматдин нишона,  
Ки ҳимматсизни паст этди замона.  
Чу сен ҳам бўйла ҳиммат зоҳир эттинг,  
Тарадуд йўққи, мақсудинга еттинг<sup>34</sup>.

Халқнинг кўнглидагидай қилиб ёзилган, ҳар томонлама юксак асарлари билан ҳатто ўлмасдан буруноқ зўр муваффақият қозонажигига шоирнинг имони комил эди. У «Фарҳод ва Ширин» достонини ёзиш муносабати билан дейди:

<sup>33</sup> «Мезонул-авзон», 95-бет.

<sup>34</sup> Танланган асарлар, 2 т., II кит., 36-бет

Агар Фарҳод ўлди кўп чекиб ранж,  
Сенга ҳақ бергай ўлмасдин бурун ганж<sup>35</sup>.

Бу ишонч унинг ижодининг ўта халқчиллигидан, унинг халқ манфаатларини, халқ руҳи, мақсад ва интилишларини тушунганлигидан, шу асосда иш олиб борганлигидан эди. Шундай қилиб, Навоийнинг фикрича, буюклик, шон-шуҳрат ҳиммат билан, яъни халқ ишига ўзини бағишлаш билан боғлиқ бўлиб, ҳиммат эса зўр ижодий меҳнатдан иборат эди. Фирдавсий, Низомий каби буюк шоирлар, ҳеч шубҳасиз, шундай буюк ҳиммат эгалари эдилар.

Навоий ўз давридаги Мавлоно Жалолиддин каби одамларга пул бериб, ўз номига шеър ёздириб, меҳнатсиз шуҳратга эришиш пайида юрган шуҳратпарастларни «Мажолис» ва бошқа асарларида қаттиқ кулки қилди. Илмдан шахсий ғараз ва мартаба йўлида фойдаланмоқчи бўлган қалбаки олимларни ҳам Навоий аямай фош этиб дейди:

Илмни ким воситаи жоҳ этар,  
Ўзинию халқни гумроҳ этар.  
Олим агар жоҳ учун ўлса залил,  
Илми онинг жаҳлига бўлғай далил<sup>36</sup>.

Бундай кишиларнинг асарларида ҳеч қандай илғор ғоя ва мазмуннинг акс этиши, уларнинг халқ турмушига ёрдам бериши, бирон тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши, халқ муҳаббатини қозониши, авторига шуҳрат бағишлаши асло мумкин эмас.

Навоий асарларининг деярлик ҳаммасини ўз она тили— ўзбек тилида ёзди ва буни ўз ижодининг энг катта фазилатларидан деб билди. Навоий даврида ҳам ўзбек шоирлари учун ўз она тилларида асар ёзиш ҳамон катта социал масала бўлиб қолмоқда эди. Навоий бу тил ҳуқуқларини назарий жиҳатдан ҳимоя қилувчи «Муҳокаматул-луғатайн» асари билан чекланмай, у ҳар бир кўзга кўринган асарида шу тил учун кураш идеясини илгари сурди. У ўз дostonларидан «Лайли ва Мажнун» ни ўзбек тилида ёзганига тўхталиб дейди:

Ул тил била назм бўлди малҳуз,  
Ким форси англав ўлди маҳзуз,

<sup>35</sup> Уша китоб, 33-бет.

<sup>36</sup> „Nəjrətul-əbrar“, 92-бет.

Мен туркича бошлабон ривоят,  
Қилдим бу фасонани ҳикоят,  
Қим шуҳрати чун жаҳонга тўлғай,  
Турк элига доғи баҳра бўлғай.  
Невчунки букун жаҳонда атроқ  
Қўптур хуш табъу соф идрок<sup>37</sup>.

«Сабъан-сайёр» да ҳам бу масалага тўхталиб, дейди:

Қи неким қилк савти солди садо,  
Форси лафз бирла топти адо.  
Форси билган айлади идрок,  
Лек маҳрум қолдилар атроқ.  
Сен бу назмингни турктоз эттинг.  
Форси тилдин ихтироз эттинг.  
Холиё бу замонда султонлар  
Қўпраги келди махмасохонлар.  
Даҳр аро шаҳ чу турк воқидур,  
Эл аро турк лафзи шойидур.  
Чун бу маънини айладинг малҳуз,  
Турк улус доғи бўлдилар маҳзуз<sup>38</sup>.

Бу мисралар улуғ гуманист шоир ижодининг энг муҳим социал томонларини белгилаб беради. Бундан кўринадикки, шоир ўз халқининг манфаатлари, унинг маданий юксалиши, ҳамма соҳада мустақилликка эришуви учун жуда актив курашган. У ўз халқи маданияти хазинасини Низомий, Хусрав Деҳлавийлар яратган каби буюк ёдгорликлар билан тўлдириш учун астойдил ижодий ишга бел боғлаган. Навоий ўз асарларини ўзбекча ёзишининг сиёсий сабаби сифатида туркий тилда гаплашувчи подшоҳлар, хусусан теурийларнинг ҳукмронлик қилаётганини ва уларнинг баъзиларининг ўзбек тилида асар ёзишни қўллаб қувватлаётганини, бу ўзбек феодал давлатини мустаҳкамлашга хизмат қилишини кўрсатади. Ўзининг сўнгги достони — «Лисонут-тайр»да Навоий:

Турк назмида чу маң торттим алам,  
Айладим ул мамлакатни якқалам<sup>39</sup>

деб ёзади ва бундай дейишга шоир тўла ҳақли эди. Чунки у ўз тилининг бойлигини, гўзаллигини, унинг бошқа тиллардан асло кам эмаслигини «кўп ва хўп» асарлари

<sup>37</sup> Танланган асарлар. 2 т., III к., 228-бет.

<sup>38</sup> Танланган асарлар, 2 т., IV к., 286—287-бетлар.

<sup>39</sup> Ўзбекистон ФА Ш. И., Қўлёзма, Инв. № 1679, 4-лнст.

билан тўла ишботлаган эди. Навоий ўз асарлари билан ўзбек адабий тилини юксак камолат босқичига олиб чиқди ва бу тилда ҳам ҳар қанча улуғ асарлар яратишга имкон борлигини амалда кўрсатди. Ўз даврининг буюк мутафаккири ва шоирларидан Абдураҳмон Жомий кабилар Навоийнинг ўзбек тили, ўзбек адабиёти учун курашини, унинг ўз халқи маданиятини юксалтириш йўлидаги барча интилишларини қувватлаган. Жомийнинг «Хирадномаи Искандар» достони охирида Навоий «Хамса»си ҳақида ёзганлари бунинг ёрқин бир далилидир<sup>40</sup>.

Навоийнинг ўзбек тилида ёзиш ҳақидаги ташвиқот ва тарғиботлари ўз даврида у кутган даражада муваффақият қозонмаган бўлса ҳам, аммо ўзбек адабиётининг бундан кейинги тараққиётида жуда катта ижобий роль ўйнади. Навоийдан кейин яшаган прогрессив ўзбек шоирлари унинг изидан бориб, ўзбек адабиётини ғоявий-бадий жиҳатдан янги поғоналарга кўтардилар, чуқур социал мазмун билан суғорилган, жамият тараққиётига хизмат қилувчи кўп асарлар яратдилар. Улар ҳамиша Навоийнинг адабиётнинг социал мазмундорлиги учун, олиб борган курашларини унутмадилар, уни доим ҳурмат билан тилга олдилар. Масалан, Мунис Хоразмий ўз ғазалларидан бирида Навоий ҳақида:

Қилса ҳосил дахл бежо сўз аро йўқтур ғамим,  
Ким, бу маънида Навоий руҳи ҳомидур манго<sup>41</sup>.

деб ўз миннатдорчилигини билдиради

Навоий ўз адабий танқидчилигида илгари сурган барча масалалари адабиётнинг ижтимоий роли ҳақидаги фикрларига узвий боғлангандир. Бадий асар ижтимоий қимматга эга бўлишлиги учун унинг яратувчиси шакл ва мундарижа бирлигига интилиши, ўз асарининг ғоявий-бадий юксаклиги учун курашиши, ўзидан бурунги илғор адабий традицияларни яхши эгаллаган бўлиши ва шу традициялар асосида ўз даврининг темаларида ижод қилиши, янгилик яратиши керак ва ҳоказо. Шунинг учун энди биз Навоий адабиётшунослигининг навбатдаги масалаларига ўтамиз.

<sup>40</sup> Жомий. "هفت ارنك", 499 бет.

<sup>41</sup> Мунис, «Танланган асарлар» ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1957, 17-бет.

## 2. ЧУҚУР МАЗМУН ВА ГЎЗАЛ ФОРМА УЧУН

Бадий санъатнинг моҳиятини белгиловчи асосий теоретик масалалардан бири мундарижа ва шакл масаласидир. Навоий ўз адабий қарашларида бу масалага ҳам катта ўрин беради. Адабий асарда бу, тема, идея билан форманинг бир-бирига муносабатидан иборатдир. Навоий адабий асарга баҳо беришда форманинг аҳамиятини ҳам, идеянинг аҳамиятини ҳам камситмайди. Адабий асарнинг бу икки элементдан пайдо бўлишини, яхши адабий асарнинг эса бу икки нарсага бир хилда барабар юксак аҳамият берилгандагина пайдо бўлишини, бунда идеянинг етакчи роль ўйнаши кераклигини ва Навоий ўз асарининг жамият олдида қимматли бўлиши учун курашганлигини «Ҳайратул-аброр»да гўзал бадий образлар орқали қуйидагича ифодалайди:

Назмда ҳам асл анга маъни дурур,  
Бўлсун анинг сурати ҳарне дурур.  
Назмки маъни анга марғуб эмас,  
Аҳли маони қошида хўб эмас.  
Назмки ҳам сурат эрур хуш анго,  
Зимнида маъни дағи дилкаш анго,—  
Ёраб, ани халқ дилафрўзи эт,  
Хаста Навоийга дағи рўзи эт<sup>42</sup>.

Бу мисраларда баён қилинган фикрлар Навоий «Хамса»сига кирган дostonларнинг деярлик барчасида ривожлантира борилган. Навоий «Ҳайратул-аброр»дан кейинги ҳар бир достонида бу фикрларни янада чуқурлаштиришга, янада аниқроқ ифодалашга интилади. Навоийнинг ёзишича, адабий асарнинг жамиятдаги катта тарбиявий роли, унинг сафарбар этувчилик кучи, унинг юксак гоивийлиги ва бадийлигида. Акс ҳолда ҳар қандай етук ёзувчининг асари ўзидан нарига боролмайди, ундан ҳеч ким манфаат кўрмайди. Навоий «сўз» термини остида бадий адабиётни назарда тутиб, «Сабъайи-сайёр» да ёзади:

Комиле чунки муддао қилса,  
Ки дури маънини адо қилса,  
Сўз либосидин этмайин оро,  
Хўблар ўйлаким хазу-хоро.

<sup>42</sup> „Нәжрәтүл-әбрар“, 20-бет.



Чиқаолмай оғиз даричасидин,  
 Нафъ топмай биров натижасидин.  
 Чун кийиб сўз ҳариру дебосин,  
 Дилкаш айлаб жамолу зебосин...  
 Чиқса тошқари тан саройидин,  
 Балки ҳалқум тангнойидин,  
 Солур андоғ жаҳонда ғавгое,  
 Коинот ичра бир алолое,  
 Ким халойиқни дарки лол айлар,  
 Лол йўқ, балки хушмақол айлар<sup>43</sup>.

Бу ўринда Навоий бадиий асарни нозик ва нафис, гулдор ҳарир қўйлақ кийган, жамолу зебоси дилкаш гўзалга ўхшатиш билан бадиий адабиётда образлилик идеясини, кийимнинг, яъни форманинг ҳам нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги идеясини, бадиий адабиёт ўзида маълум идея, воқеа ва нарсаларни бадиий тасвир орқали гавдалантириши, ўқувчининг кўз олдига келтириши, унинг сезги аъзоларига жонли таъсир этиши, шу йўл билан жаҳонга ғавго, коинотга алоло солиб, уни англаган, тушунган халойиқни лол, «балки хушмақол» айлаши кераклиги идеясини баён қилади.

Навоий «Хамса»нинг сўнги достони «Садди Искандарий»да ўзининг юқоридаги фикрларини чуқурлаштириб яна ёзади.

Хулалким жамолин мушаккал қилиб,  
 Маони дуридан мукалал қилиб...  
 Оғиз дарчасидин хиром айласа,  
 Қулоқ хужрасига мақом айласа,  
 Не ўтларки солгай жаҳон ичра ул,  
 Жаҳон ичра йўқ, инсу-жон ичра ул<sup>44</sup>.

Навоий мундарижа ҳақида гапириб туриб, шаклнинг моҳиятини ҳам, шакл ҳақида гапириб туриб, мундарижанинг моҳиятини ҳам, уларни бир-биридан ажратмай, чуқур очиб беради. Унинг назарида шеър санъатини ўз даврида энг юқори кўтарган, улуғ идеяларни юксак маҳорат билан бадиий гавдалантирган Низомий асарлари форма ва мундарижа бирлигига умуман энг яхши жавоб берувчи асарлар эди. Умуман Низомий «Хамса»си ҳақида Навоий:

<sup>43</sup> Танланган асарлар, 2., IV к., 24-бет.

<sup>44</sup> Танланган асарлар, 2 т., V к., 15-бет.

Маъни дуридин бу ганж қисми,  
Алфозу иборати тилисми<sup>45</sup>

дейиш билан бу буюк ёдгорликнинг ғоявий томонини маъно дурларидан ташкил топган хазинага, бадий томонини тилсимга ўшатади. Тилсим қилиб ишланган бу хазина бадий сўз қадрига етувчи Навоий каби кўпларни ҳайратда қолдирган ва узоқ замонларгача ҳақиқий улуғ ижодкорликнинг юксак намунаси бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун ҳам Навоий «Хамса»га кирган ҳар достоннинг бошида ўзини улардан ўрганишга, ўз асарлари ва унинг кетидан эргашган Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий асарларидек «рангин», «маъноси дақиқу лафзи ширин»<sup>46</sup> қилишга ундаган. У шундагина ўз асарининг чин гўзаллик, «латофат» касб этиб, «элга жон» бера олишини, ўқувчига эстетик завқ бағишлай олишини яхши тушунган.

Адабиётнинг ижтимоий аҳамияти учун изчил курашган Навоий умуман адабий асарда ғоянинг етакчилик роли учун, ғоянинг формага эмас, балки форманинг ғояга мослашиши учун курашди. Навоий ўз «Лайли ва Мажнун» достони ҳақида ёзар экан, бунда Лайли ва Мажнун ҳақидаги афсона у кўзлаган ғояни ифодалашга мос бўлгани учунгина ундан фойдаланганини сўзлайди:

Мен хастаки бу рақамни чектим,  
Таҳрири учун қаламни чектим.  
Езмоқда бу ишқи жовидона,  
Мақсудим эмас эди фасона.  
Мазмунига бўлди руҳ майли  
Афсона эди анинг туфайли.  
Лекин чу рақамға келди мазмун,  
Афсона анга либоси мавзун<sup>47</sup>.

Яъни у ўзининг «Ҳайратул-аброр»да айтган: «Назмда ҳам асл анга маъни дурур,—бўлсун анинг сурати ҳар не дурур» деган фикрига содиқ қолади ва ҳамма асарларини яратишда шу принципга амал қилишга интилади. Адабиётда ғоя ва форма бирлиги учун курашда Навоий ёлғиз эмас эди. Ўз даврининг улуғ мутафаккири ва шоири Абдураҳмон Жомий ҳам ҳақиқий илғор санъаткор сифатида адабиёт майдонида форма ва мундарижа бир-

<sup>45</sup> Танланган асарлар, 2 т., III к., 24-бет.

<sup>46</sup> Танланган асарлар, 2 т., III к., 35-бет.

<sup>47</sup> Танланган асарлар, 2 т., III к., 227-бет.

лиги идеясини илгари сурар эди. У ўзининг «Силсилатуз-зиҳаб» асарида ёзади:

Гар бувад лафзу маънияш бохам,  
Ин дақиқу, латифу, он маҳкам,  
Сийти у роҳи осмон гирад;  
Номи шоир ҳама жаҳон гирад.  
Вар буд аз табиати торик  
Маънийи у касифу, лафзи ракик,  
Наравад аз бурути у боло,  
Пеши решаш бимонад он коло<sup>48</sup>.

Таржимаси: «Агар (асарнинг) сўзи билан маъноси бирга (бир-бирига мувофиқ) келса, буниси (сўзи) аниқ, ёқимли бўлиб униси (маъноси) мустаҳкам бўлса, у (асар) нинг шухрати кўкни эгаллайди; шоирнинг номи бутун жаҳонни тутати. Ва агар у табиати қоронғи одамнинг асари бўлиб, маъноси кўпол ва сўзи суст (кучсиз) бўлса, у нарса шоир мўйлабининг тагидан нарига бормай, соқолининг тагида ўралишиб қолиб кетади».

Бу масалада Навоий билан Жомий қарашларининг бир-бирига нақадар яқинлиги ҳақида гапириб ўлтиришнинг ҳожати йўқ. Бу икки гигант ҳам бу соҳада ўзларидан олдинги бу масалага тегишли илғор қарашларнинг меросхўрлари бўлганлар ва уларни соғлом асосда ривожлантирганлар. Умуман шуни айтиш керакки, адабиётнинг назарий масалалари билан Навоий Жомийга қараганда кенгроқ, изчилроқ шуғулланган, масалан, адабий асарда идеянинг етакчилик ролини Навоий Жомийга қараганда анча конкрет тушунтирган, бу масалани турмуш билан боғлаб текширган.

Улуғ рус революцион демократи Н. Г. Чернишевский бадий асарда форманинг мундарижага мос бўлиши кераклиги ҳақида ёзади: «Бадийлик форманинг идеяга мослашишидан иборат; чунки асарнинг бадий қиммати қандайлиги ҳақида мулоҳаза юритиш учун асар асосида ётган идеянинг ҳаққонийлигини мумкин қадар қаттиқроқ текшириш зарур. Агар идея қалбаки бўлса, бадийлик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки форма ҳам худди шундай қалбаки бўлиб, бесўнақай ба-жарилган бўлади. Фақат ҳақиқий идея гавдалантирилган асаргина, агар унда форма идеяга тамомила мос бўлса,

<sup>48</sup> Жомий, „هفت اورنك“ 156-бет.

бадий бўла олади»<sup>49</sup>. Гарчи Н. Г. Чернишевский XIX асрда яшаган ва революцион адабиётнинг, чуқур реалистик адабиётнинг вакили бўлса ҳам, аммо Н. Г. Чернишевский ва Навоийнинг адабиётдаги форма ва мундарижага оид бу хил мулоҳазалари ўртасида кўп ўхшашлик, бир-бирига ажойиб яқинлик бор. Бунинг сабаби шундаки, Навоий ҳам борлиққа объектив қараган ва адабиёт масалаларига ҳам у жонли турмушдан келиб чиқиб ёндоша бошлаган эди. У, адабиётнинг жамият эҳтиёжларига хизмат қилиш учун ўзида салмоқли мазмунни ташиши кераклигини жуда очиқ-ойдин англаб етган эди.

Мундарижа ва форма масаласи, кенгроқ олганда, турмуш билан адабиётнинг бир-бирига муносабати масаласидир. Адабий асарнинг ғоявийлиги ҳам, бадийлиги ҳам унинг турмуш билан қанчалик боғланганига боғлиқ. Турмуш билан, халқ ҳаёти билан яхши таниш ёзувчигина юксак ғояли, бадий гўзал асарлар ярата олиши мумкин. Шунинг учун ҳам Навоий доим ўз қаламкаш дўстларини ҳаётни севишга, уни ўрганишга чақирар эди. Унинг энг яхши девизи шундай эди:

Хуш дурур боғи конноғ гули,  
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули<sup>50</sup>

Навоий реал ҳаётни, борлиқни ҳар қандай ижоднинг манбаи деб, уни ҳар қандай санъатдаги, ҳар қандай улғу шахс яратган ижоддаги кўринишидан юқори қўяр эди. Формага нисбатан ғоянинг етакчилик ролини илгари сурган Навоий санъатга нисбатан ҳаётнинг приоритетини, унинг чексиз ижод денгизи эканлигини, ҳаётни ҳеч ким, ҳеч қандай буюк санъаткор ўз ижодида тўла ёрита олмаганини ва ёрита олмаслигини, ҳаёт доим илгарига юриб ўзгариб тургани учун, ҳар қайси давр санъаткори ҳаётдан келиб чиқиб ҳали жуда кўп санъат ихтироларини яратиши мумкинлигини қуйидаги мисраларда ажойиб образлар орқали шундай ифодалайди:

Ки бу баҳр ичра ким поён анга йўқ,  
Етишмак қаърига имкон анга йўқ.  
Етишкан эл неча дур олгон эрмиш,  
Не олий қадр дурлар қолгон эрмиш<sup>51</sup>.

<sup>49</sup> «Русские писатели о литературном труде», 2 т., 332-бет.

<sup>50</sup> Танланган асарлар, 2 т., IV к., 200-бет.

<sup>51</sup> Танланган асарлар, 2 т., II к., 38-бет.

Улуғ рус революцион-демократ ёзувчиси М. Е. Салтиков-Шчедрин ижод манбаининг ҳеч тугамаслиги, доим келажакка эга эканлиги, бунинг сабаблари ҳақида: «Агар ижод манбаи тамом бўлса, у вақтда инсонга қўлини қовуштириб, итоаткорлик билан тақдирнинг зарбаларини кутишгина қолар эди; аммо жамият формаларининг ҳаммага кўриниб турган ва шак-шубҳасиз ўзгарувчанлиги бунинг бутунлай тескарисини исбот қилади ва киши ижодининг улкан келажакдан дарак бериб туради»<sup>52</sup> — деб ёзган эди. Навоийнинг ижод имкониятлари ҳақидаги мулоҳазалари турмушнинг ўсиши, ўзгариш тенденцияларини тўғри сезиб тушуниб, бу ҳақдаги тушунчаларини адабиёт тараққиёти масалаларига ҳам тўғри боғлай билганини кўрсатади.

Албатта, ғоявийлик ҳақидаги бизнинг марксистик тушунчамиз билан Навоий тушунчаларини тенглаштириш ўта соддалик бўлур эди. Совет адабиётшунослигида ғоявийлик аввало партиявийлик масаласи билан боғланган. Навоий эса жамиятнинг турли синфларга бўлинишини, улар ўртасида доимий синфий кураш боришини, умуман жамият тараққиёти қонунларини материалистик тушунишга келиб етмаган эди. У кўзда тутган ғоявийлик гуманизм ва халқпарварлик принципларига асосланган эди. Шунинг учун ҳам унинг ғоявийлик учун курашини адабий асарнинг социал мазмундорлиги учун кураш деб тушуниш тўғрироқ бўлур эди. Навоий бир томондан гуманизм, халқпарварлик учун курашса, иккинчи томондан мавжуд феодализм тузумни, феодализм давлатни мустаҳкамлашга интилди. Бу нарса, ҳеч шубҳасиз, унинг ижоди ва адабий қарашларида маълум қарама-қаршиликларни ҳам тўғдирди. Шу сабабларга кўра ҳам Навоийнинг адабиёт соҳасидаги ғоявийлик учун кураши чекланган эди.

Яна биздаги ғоявийлик тушунчаси ҳаётни, воқеликни революцион ўсиш, ўзгаришда, реал, ҳаққоний образлар орқали тасвирлашга, «типик шароитларда типик характерлар» яратиш принциpig асосланган бўлса, Навоий давридаги адабиётда ҳали реалистик метод асосий ўринни эгалламаган эди. Шунинг учун ҳам Навоийнинг ғоявийлик ҳақидаги фикрлари ҳам кўп томондан конкретлаштиришга муҳтож бўлган умумий характердаги фикрлар эди. Шунга қарамай, адабиётда формализм, эпи-

<sup>52</sup> «Русские писатели о литературном труде», 2 т., 607-бет.

гонлик, ғоясизлик кенг қулоч ёйган бир пайтда Навоийнинг шоирларни аввало халқ реал ҳаётини, унинг орзумид интилишларини, моддий ва маънавий бойликларини ўрганишга, асар ёзишда аввало турмушдан келиб чиқишга даъват эта бошлаши ўзбек адабиётшунослигини принципиал юксакликка кўтарган эди.

У «Фарҳод ва Ширин» да турмушни бўстон ва чаманга ўхшатиб, шоирларни ва шу қатори ўзини ҳеч ким кезмаган чаманлардан ҳеч ким термаган гуллар теришга, яъни энг оригинал асарлар яратишга, ўзини аямасдан қидиришга, астойдил ижод қилишга чақириб ёзади:

Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай,  
Улусқа майл беандоза бўлғай.  
Йўқ эрса назм қилғонни халойиқ  
Мукаррар айламоқ сендин не лойиқ!  
Хуш эрмас эл сўнгинча рахш сурмак,  
Йўликим, эл югурмуштур югурмак.  
Биравким бир чаманда сойир эрди,  
Нечаким гул очилғон—кўрди, терди.  
Хамул ерда эмас гул истамак хўб,  
Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп<sup>53</sup>.

Навоий Низомий асарларида ўзи орзу қилган ва ҳеч ким кезмаган «чаман» ва «бўстон»ларни кўрди. Навоий Низомийга устози сифатида қарар экан, унинг ижодидаги ҳамма яхши фазилатларини чуқур англаб етди. Унинг назарида, Низомий ижодининг энг яхши фазилати шунда эдики, у ўз асарларида формага нисбатан ғоянинг етакчилик ролини доим сақлар эди. У аввал, формани эмас, идеяни аниқлар, жамият ҳаётига зарур идеяларни илгари сурар эди. Шунинг учун ҳам Навоий аввало унинг ижодидаги «маъниларидин мадад»<sup>54</sup> олгани ҳақида ёзади. Низомийдан кейин унга эргшиб «Хамса» яратган Хусрав Деҳлавийнинг ижодий принципларида эса ғоянинг етакчилик ролига эътибор берилмагани, кўпроқ формага эътибор берилгани орқасида у Низомийга пайров бўлиб қолган ва ғоявий жиҳатдан ундан нарига ўтолмаган, ҳатто баъзи ўринларда чекинган эди. Шунинг учун у ҳам Низомий поэмаларидаги бир қанча ғоявий камчиликларни тузатиш ўрнига айнан такрорлаган ва бунинг учун кейинчалик Навоийнинг қаттиқ танқидига учраган эди.

<sup>53</sup> Танланган асарлар, 2 т., II к., 37-бет.

<sup>54</sup> Танланган асарлар, 2 т., V к., 15-бет.

Навоийнинг адабиётнинг ғоявийлиги учун кураши айниқса унинг ўз замондошлари асарларига бўлган муносабатларида яхши кўринади. Улуғ тожик шоири ва мутафаккири Абдураҳмон Жомийнинг илғор қарашлари, инсонпарварлик ва халқпарварлик идеялари унинг «Ҳафт авранг»ига кирган дostonлари, яъни маснавийларида, айниқса кенг ва чуқур акс этган эди. Шунинг учун ҳам Навоий унинг маснавийларини бошқа асарларига қараганда биринчи ўринга қўяди ва унинг ҳар байтида беҳад чуқур маънолар, ҳақиқат дурлари ётгани ҳақида ёзади:

Вале маснавий ўзга оламдурур,  
 Ки таъниға ҳоло мусалламдурур.  
 Бўлуб жилвагар таъб кўзгусида,  
 Ки сабт айлади «Хамса» ўтрусида.  
 Эрур андин ортуққи, ўксук эмас,  
 Эл андин дер ортуққи, ўксук эмас.  
 Анинг байтиға гар фузундур алад,  
 Вале йўқтурур мунда маъниға ҳад.  
 Неча анда дуржи дақойиқдурур,  
 Вале мунда дурри ҳақойиқдурур<sup>55</sup>.

Лекин Жомий маснавийлари каби маснавийлар жуда кам эди. Гарчи Низомий, Хусрав Деҳлавийларга эргашиб, «Хамса» ёзишни ҳавас қилган кишилар кўп бўлса ҳам, лекин уларнинг аксариятининг асарлари аввало ғоявий қашшоқлиги орқасида муваффақият қозона олмас эди. «Хамса» ёзишга киришиб, ҳеч қандай ютуққа эришолмаган шундай кишилардан бири Али Оҳий эди. Навоий унинг тўғрисида «Мажолис»да ёзади:

«Мавлоно Али Оҳий—Машҳаддиндур, «Хамса» муқобаласида неча маснавий айтибдур. Чун муқобалага келтурса бўлмас, гўёки ул жиҳатдан шуҳрат тутмайдур. «Хаёл ва висол» китобида бир байт бор, магарким мулҳими ғайб ўз шеъри бобида анинг тилига солғондурким:

Шеърики бувад зи нуқта сода,  
 Монад ҳама умр як савода»<sup>56</sup>.

Шеърнинг таржимаси: «Шеър яхши маънодан ҳоли бўлса, бутун умр бўйига бир қоралик бўлиб қолади».

Навоийнинг ёзишича, Али Оҳий дostonларининг халқ орасида шуҳрат тута олмаганига бош сабаб, уларнинг

<sup>55</sup> Танланган асарлар, 2 т., V китоб, 20-бет.

<sup>56</sup> Танланган асарлар, 3 т., 21-бет.

ғоясизлиги, уларда жамият аҳамиятига эга бўлган фикрларнинг йўқлиги эди.

Навоий «Мажолис»да бир қанча сатирик шоирларнинг ҳоким синф вакиллари қусурларини фош қилишга қаратилган шеърларининг мазмунидан чуқур қаноат ҳосил қилади. Самимий севги, вафодорлик, дўстлик идеяларини тарғиб қилувчи, бадиий гўзал лирик шеърларнинг авторларига ҳам Навоий ўз тазкирасида яхши муносабатда бўлади, уларни янги ижодий ютуқларга рағбатлантиради.

Навоийнинг фикрича, ҳар бир лирик шеърда, шеърнинг байтларида ҳам аввало маълум бир маъно, мазмун, гоյ бўлиши шарт. Агар талаб қилинса, шоир шеър байтларининг маъносини айтиб бера оладиган бўлиши керак. Навоий «Мажолис»да Мавлоно Хайрий дегани шунинг учун танқид қилади.

«Мавлоно Хайрий ҳам Хоразмликдурур. Девонаваш ва абтар шева кишидур. Доим ифлос ва фалокат била ўтқарур. Аммо шоирлиқда хили қуввати бор. Қасоиди бор ва ғазалиёти ҳам ёмон эмас. Табъ аҳли қошида матъундур. Мунгаким, абъётининг маънисин сўрсалар билмас, билса ҳам айта олмас. Аммо ул мусаллам тутмас»<sup>57</sup>.

Навоий ўз замондошларининг шеърларига шундай жиддий ғоявий талаблар билан ёндашар экан, табиийки, куйидаги каби тугуруқсиз, маъносиз шеърларни у асло ҳазм қилолмаган:

Мавлоно Қобилий<sup>58</sup> деган ёзади:

«Ажаб навбад зи лутф арзонки бинвози ғарибнро,  
Навозиш зонки расму одати хўбаст хўбанро»<sup>59</sup>.

Таржимаси: «Лутф-марҳаматингни арзон қилиб, гоҳо ғарибларни йўқлаб қўйсанг ҳечқиси йўқ, чунки марҳамат кўрсатиш гўзалларнинг гўзал одатидир».

Замонининг энг яхши шоирлари бу вақтда идеал ёрни куйлашга, уни улуғлашга, унга бўлган муносабатлар орқали кишига хос энг яхши фазилатларни куйлашга ин-

<sup>57</sup> Танланган асарлар, 3 т., 124-бет.

<sup>58</sup> Навоий «Мажолис»да Қобилий ҳақида ёзади: «Мавлоно Қобилий — Таршиглик дурур. Аввал сипоҳийлик суратида бўлулур эрди ва элни ҳажв қилур эрди, гўё эмди иккаласидин мутаоқиб бўлубтур» (Танланган асарлар, 3 т., 73-бет).

<sup>59</sup> Танланган асарлар, 3 т., 73-бет.



тилганлар ва бу Навоий даврида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган эди. Қобилий эса бу шеърда ёрнинг лутфини арзон дейди, унинг ўз ошиқига марҳамат кўрсатишини одат деб атайди, қисқаси, масхара қилгандай бўлади. Қобилийнинг бу шеъри маъно жиҳатидан Навоий кабиларнинг ишқий шеърлари мазмунига ва умуман ўша давр поэзияси руҳига бутунлай қарама-қарши эди. Шунинг учун ҳам Навоий Қобилийнинг бу шеъри ҳақида: «Иттифоқо бу шеъри била ўзин ҳажв қилибдурқим, бовужудики ҳеч мазаси йўқ турур, қофияси ҳам ғалатдир»<sup>60</sup> деб ёзади.

«Мажолис»да Мавлоно Хурраамийдан келтирилган шеър ҳам, мазмунан Қобилийнинг шеърини эслатади:

«Овозан руҳи гул то боз бар наёмад,  
Дар бўстон зи булбул овоз бар наёмад»<sup>61</sup>.

Тажримаси: «Гулнинг юзидан яна бир овоза юксалмагунча, бўстонда булбулдан ҳам садо чиқмайди».

Навоий бемаъни шеърлардан яна Мир Ҳусайн Бовардий<sup>62</sup> деганнинг бир байтини мисол олиб келади:

«Э зи меҳри оразат гардун ғулум,  
Юсуфиро кардаанд Яъқуб ном»<sup>63</sup>.

Таржимаси: «Юзинг қуёшига дунё қулдир; Юсуфга Яъқуб деб от қўйибдирлар».

Навоий бу шеърдан олдин киноя билан: «Бир байт моддасида ақли ва таъби не миқдор эканни собит қилибдур ва ул бу байтдурким...»<sup>64</sup> деб ёзиб, бунинг Бовардий учун типик эканини айтади. Кейин бу шеър тўғрисида

<sup>60</sup> Танланган асарлар, 3. т., 73-бет.

<sup>61</sup> «Мажолис»да Мир Ҳусайн Бовардий ҳақида Навоий қуйидагиларни ёзади:

«Мир Ҳусайн Бовардий таҳсил учун вилоятидин шаҳрга келди. Анинг асносида ҳазрат кичик Мирзо мулозаматида Қабба сафариға бориб, Ироқда айрилиб қолди. Рум ва Миср ва Халаб балки ул тарафнинг кўпрак мамолкига мусофират қилиб, олтиетти йил қолиб, арабий тилини равон қилди. Мутабаррак Мазоратға етиб, балки Макка ва Мадинаға мушарраф бўлиб, кўп азизлар суҳбатин топиб, Хуросонға келди. Борурда ақли ва таъби ҳиллатига матъун эрди, келганда иккаласин тамом қилиб келдиким, ҳеч кишина маҳалли таън ва ташниъ қолмади. (Тан. асар., 3 т., 101-бет).

<sup>62</sup> Танланган асарлар, 3, 101-бет.

<sup>63</sup> Ўша китоб, 3., 101-бет.

<sup>64</sup> Ўша китоб. 3., 101-бет.

Навоий яна қуйидагиларни ёзади: «Таб натижаси бу бўлдиким, мундоқ байт айтди ва вақуф аҳли бу байтнинг маъноси йўқтур ва номавзундур деганда, эмасдур деб, баҳс қилди. Ва ақл натижаси буким Хуросон аҳлин тажҳил қилиб, бу байтин хўблуқға битиб, Ироқға ва Яъқуб мирзо ўрдусиға юборди ва Мирнинг мундоқ ишлари лоюадду ва лаюҳсадур. Аммо чун қобилдур, бок эмас. Умид борким, ислоҳ пазир бўлғай»<sup>65</sup>.

Бу шеър ҳақида ҳам Навоийнинг фикри билан тўла келишмасликка, Бовардийнинг шеърини текшириб ўтиришга ҳеч бир ўрин йўқ.

Шундай бемаъни шеърлардан Бовардий шеърдан сўнг Навоий яна Мавлоно Шихоб<sup>66</sup> деганнинг «Мақлуби мустави» санъати билан ёзган бир байтини келтиради:

«Муш хар фаррух шум  
Дарк рақам қар кард».

Шу шеърда ҳеч қандай маъно, мазмун йўқ бўлиб, формалистларча қаралганда, фақат «Мақлуби мустави» қоидаси бўйича бу шеърни ўнгдан чапга, чапдан ўнгга (араб ёзуви — алфавити бўйича) ўқиш мумкин. Сўзлар ўзгармайди.

Бу, ўша вақтда адабиётда авж олган формализмнинг ҳалокаткор таъсиридан бир кўриниш эди, холос.

Бу ўринда яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Навоий «Мажолис»да кўпинча ўз назарида ҳар бир шоир-

<sup>65</sup> Уша китоб, 3., 101-бет.

<sup>66</sup> Навоий «Мажолис»да Мавлоно Шихоб ҳақида қуйидагиларни ёзади:

«Мавлоно Шихоб — «Мудавин» лақаби била машҳурдур. Ани «Ажойиб-ул-махлуқот» деса бўлур. Бовужуд улким, «Қаломулло» оётиң бот топар учун тадвини қилибдурким, уламо ва қурро таажжуб ва ҳайрат юзилди таҳсин қилурлар. Мундин бошқа дағи салоҳиятлинг кишидур. Бир навъ қадими—ёна шеър ҳам айтур. Аммо яқиндурким, одамийлик суратидин мунҳали бўлуб, ўзга жонвар суратиға масх бўлғай. Андоқки, инсоният сифатидин субо» ва баҳойим суратиға мубаддал бўлубдур. Бу дэво нсботиға бу мисраъки «Мақлуб мустави» санъатида айтубдур, далил басдурким:

Муш хар фаррух шум  
Дарк рақам қар кард.

Бовужуд булар онга шаҳар шайхул-исломидин ажаб зулми ўттиким, ҳеч киши гавриға етаолмади». (Танланган асарлар, 3 т., 102-бет).

нинг яхши бўлиб кўринган шеърдан мисол келтиришга ҳаракат қилган. Баъзан Навоий ҳатто баъзи шоирнинг талантсиз, бадшеър эканлигини очиқдан-очиқ айтади. Аммо унинг шеърларидан яхши ишланган байтни олиб келишга ҳаракат қилади. Баъзи ўринларда бундай байтларнинг тасодифий ёзилганини ҳам айтиб ўтади. Масалан, Навоий даврида Соғарий деган шоир яшаган бўлиб, у шеърга жуда қобилиятсиз бўлган. Унинг шеърлари ҳам ғоявий, ҳам бадий жиҳатдан жуда паст бўлган. Навоий «Хамсату-мутаҳаййирин»да Жомийнинг Соғарий шеърларидаги ғоясизликни танқид қилиб ёзган гўзал бир ҳажвий қитъасини келтиради:

«Соғарий мегўфт: дуздон бурдаанд  
Ҳаркўжо дар шеъри ман як маънийи хуш дийдаанд  
Дийдам—аксари шеърҳояшро яки маъни надошт,  
Рост гуфтаст инки маъниҳошро дузддийдаанд»<sup>67</sup>,

Таржимаси: «Соғарий: «Менинг шеърларимнинг қарерида бирон яхши маънони кўрсалар ўғирлаб олар эдилар», — дейди. Қарасам, шеърларининг кўпчилиги бирон маънига эга эмас.

«Шеърларимнинг маъноларини ўғирлаганлар» — деб тўғри айтибди».

Навоий ҳам «Мажолис»да Соғарийни «бад шеър» деб характерлайди. Лекин мисолга унинг яхши лирик байтини олиб келади. Биз бу ҳақда —«Мажолис»да ўқиймиз.

«Мавлоно Соғарий агарчи бад шеър эрди, аммо бу матлаъи хўб тушубтурким:

Чашми дур бори ману абри баҳораст яке,  
Нолаи зори ману савти ҳазораст яке»<sup>68</sup>

Байтнинг таржимаси: «Менинг дур ёғдирадиган кўзим билан баҳор булутлари бирдир; менинг нолаи зорларим билан булбулларнинг куйлаши бирдир».

Шунинг учун шу давр адабий ҳаётдан бошқа манбаъларга нисбатан энг тўлиқ, кўп маълумот берувчи «Мажолис»га қараб туриб ҳам биз шу давр адабиётида ҳукм сурган реал аҳвол, унинг ғоявий-бадний хусусиятлари тўғрисида абсолют тўғри ва тўлиқ тасаввурга эга бўлишимиз мумкин эмас. Лекин шунга қарамасдан, На-

<sup>67</sup> ЎзССР ФА Ш. И., Қўлёзма № 1765, 14—15-бетлар.

<sup>68</sup> Танланган асарлар. 3 т., 36-бет.

войи ўз асарининг кўп ўринларида адабиётдаги мавжуд ҳолатни тўғри акс эттирган.

Навоийнинг адабиётнинг ғоявийлиги, мазмундорлиги учун олиб борган кураши ҳеч вақт форманинг ролини камситишга олиб келмас, у доим форма билан мундарижа бирлигини, уларнинг бири-бирисиз яшай олмаслигини таъкидлар эди. Илғор идеялар, унинг ёзишича, бадий жиҳатдан яхши ифодаланганлагина кишиларни тонг қолдириши, тарбиялай олиши, уларнинг юрагида ўт ёқиши, жамиятга наф келтириши мумкин. Низомий ўз асарларини бадий жиҳатдан ҳам юқори камолот босқичига олиб чиққан эди. Низомий асарларининг бу томонини назарда тутиб Навоий «Ҳайратул-аброр» да ёзади:

Хайли фасоҳат бошининг афсари,  
Ганжи яқин афсарининг гавҳари.  
Қони фазилат гуҳариға амин,  
Баҳри балоғат аро дурри самин<sup>69</sup>.

Яъни бунда Низомий сўзни ўрнига қўйиб, чиройли гапирувчилар гуруҳининг бошидаги тожи, ҳеч шубҳасиз, Ганжа тожининг гавҳари, фазилат кони гавҳарлари кўриқчиси, балоғат денгизидаги энг қимматбаҳо дур деб тавсифланади. Аввало бунда шунга эътибор қилиш керакки, ҳамма ердагидек бу ўринда ҳам Навоий формани мазмундан ажратиб таърифламайди, иккаласини ҳам бир-бирига боғлаб баҳолайди. Низомийнинг фасих сўзлари ўзида қимматбаҳо дурларни, яъни мазмунларни ташийди, унинг етук сўзлари энг қимматбаҳо, энг етук фикрларни ўзида акс эттиради. Иккинчидан эса, Навоий бу ўринда формага тўхталиб, Низомий асарларининг кўпроқ тил хусусиятларига диққат қилганини кўрамиз. Бу эса тасодифий ҳол бўлмай, юқорида айтиб ўтганимиздек, ўша давр адабиётшунослигининг тараққиёт босқичи ва специфик хусусиятлари билан боғлиқ эди. У форма масалаларини текшираркан, онгли равишда кўпроқ тил, стилистика ва поэтика масалаларига берилди.

Тўғри, Навоий адабий асарда тасвирланган воқеа ва қаҳрамонларнинг кишиларни ишонтирадиган бўлиши, ҳаётдан узоқ бўлмаслиги, унга яқин бўлиши кераклиги, ижобий қаҳрамон масаласи, образлилик, сюжетнинг тарқоқ бўлмай, сиқик бўлиши асар қаҳрамонлари-

<sup>69</sup> „Нәжратул-әбрав“, II-бет.

нинг тўлақонли қилиб ишланиши зарурлиги, уларнинг ҳис ва сезгилари ҳароратли, ҳаракатлари жонли бўлиши кераклиги ва ҳоказолар ҳақида ҳам гапиради. Ўзи худди шу талабларга жавоб берадиган, реалистик тенденцияда қатор дostonлар, лирик асарлар яратади. Ўз салафларини бу масалаларда танқид ҳам қилади. Биз бу ҳақда ишимизнинг кейинги бобларида алоҳида тўхтаяжакмиз. Аммо бу масалалар юзасидан Навоий бирор муносабат билан, яна тўғрироғи, бизнингча, йўл-йўлакай муҳокама юригади. Навоий ҳаққоний санъат учун курашган катта адабиётшунос ва шоир бўлгани учун ўз-ўзидан бу масалаларга яқиндан ёндошиб келган ва бир қанча қимматли фикрларни айтган.

Навоий адабий ижоднинг энг муҳим таркибий қисмини ташкил этган тил ва стил масалаларида қандай фикрда эди? Бу ҳақда умуман шуни айтиш керакки, ўз даврида адабиёт ва тилнинг бир-бирига яқин муносабатларини ҳеч ким Навоийчалик жиддий тушунтирмаган. У адабиёт соҳасида муваффақиятли иш олиб бориш учун ўзбек тили ва қўшни халқлар тилларидаги сўз бойликлари ҳамда бу тилларнинг ўзларига хос грамматик қурилишларини систематик равишда қунт билан ўргана борган ва бошқа ўз замондошларини ҳам шундай қилишга чақирган. Бу, амалда Навоий ижодининг ғоявий ва бадиий қиммати, халққа яқинлигини оширган, унинг халқ шоири даражасига кўтарилишида муҳим сабаблардан бири бўлган.

Навоий адабий асар тилининг мумкин қадар содда, аниқ, ҳар қандай «мушки тотор»лардан, яъни сунъий безаклардан холи бўлиши кераклиги идеясини ва асар шундагина таъсирли, тушунарли бўлиши мумкинлиги идеясини илгари сурди. Стили дағал, ўз фикрини аниқ ифода эта олмовчи шоирларни Навоий «Мажолис»да қаттиқ танқид қилади. Бу жиҳатдан Навоийнинг машҳур тарихчи Мирхондга унинг «Равзатус-сафо» асари ёзилиши олдидан айтган қуйидаги гаплари умуман жуда характерлидир: «Шундай бир тарих китоби тартиб қилинсинки, унинг иборалари мажоз, истиора, киноя ва бошқа мураккабликларга ўралмаган бўлсин, содда, ҳар ким ҳам тушуна оладиган, қисқа ва муъжаз бўлсин»<sup>70</sup>.

<sup>70</sup> «Улуғ ўзбек шоири» тўплами, 203-бет.

Н. Г. Чернишевский тил ва стил масалаларига тўхталар экан, «Қисқалик бўлмаса, бадийлик ҳам йўқ»<sup>71</sup> деб ёзган эди, А. П. Чехов эса: «Қисқалик—талантнинг синглизидир»<sup>72</sup>,— деган эди. Бу фикр ўзбек адабиётида ҳам жуда эрта етилди. Навоий ҳам тил ва стил масалаларида қисқаликни, фикрни ихчам, лўнда ифода этишни севар ва шуни тарғиб этар эди. У «Сабъаи-сайёр» да ёзади:

Ҳар не бир дostonга солди садо,  
Бунда бир байт бирла тобқай адо.  
Мужмал онинг сўзин қилиб такмил,  
Ўз ҳадисимға бергамен тафсил<sup>73</sup>.

Яъни у ўзининг бир дoston гапни бир байтда ифодалашга, мужмал қиссаларни ишлаб такомилга эриштиришга, лекин ҳамма нарсани тугал, батафсил ҳикоя қилишга ундайди. Тил масаласида ҳам у ўз салафларининг энг яхши традицияларини давом эттиради, ривожлантиради.

Навоий, айниқса, стилнинг равонлигини, маълум фикрни очиқ ифодалашни севар эди. У ўз «Хамса»сининг бешинчи дostonини ёзишга киришар экан, ўз қаламининг «поку силиғ» бораётгани билан фахрланади.

Навоий «Мажолис»да Сайид Қозимий ҳақида: «Шъери равон воқи» бўлур эрди»<sup>74</sup> деб, Хожа Масъуд Қумий ҳақида: «Маснавийси пухта ва равон воқе бўлур эрди»<sup>75</sup>,— деб, Мавлоно Али Шихоб ҳақида, у ўз шеърларини «...ҳам равон ва ҳам пухта айтур эркандур»<sup>76</sup>,— деб ёзар экан, бу ўринларда Навоий биринчи галда ушбу шоирларнинг тили ва ёзиш стили ҳақида гапиради. Лекин шу билан бир қаторда Навоийнинг ўз асарларининг айрим ўринларида форс ва араб сўзларидан кўп фойдаланиши натижасида поэтик стил мураккаблашиб кетган ҳоллар ҳам учрайдики, бу нарса Навоийнинг назарий қарашлари билан амалий ишлари ўртасида маълум даражада тафовут борлигини кўрсатади.

<sup>71</sup> «Русские писатели о литературном труде», 2 т., 339-б.

<sup>72</sup> «Русские писатели о литературном труде», 3 т., 395-б.

<sup>73</sup> Танланган асарлар, 2 т., IV кит., 47-бет.

<sup>74</sup> Танланган асарлар, 3 т., 42-бет.

<sup>75</sup> Уша китоб, 43-бет.

<sup>76</sup> Уша китоб, 102-бет.

Ёзувчи ўз тилини бойитиш, унинг рангдорлигини ошириш, ифодали қилиш учун доимий равишда халқнинг жонли тилига мурожаат қилиши, халқ оғзаки ижодини, ҳатто диалектларни ўрганиши керак. Навоий ижоди бунга ёрқин мисол бўла олади. Халқ оғзаки ижодини чуқур ўрганиш ва билиш ёзувчи ижодининг ғоявий мундарижасини ҳам бойитади. Бу ҳақда М. И. Калинин қуйидагиларни ёзган эди: «Биз биламизки, энг қобилиятли шоирлар, энг талантили композиторлар халқ ижодига ёндошганларидагина, унинг манбаъларига мурожаат қилганларидагина ўз ижодларида гений даражасига кўтарила олганлар»<sup>77</sup>.

Навоий ҳам ўз даврида халқдан, халқ оғзаки ижодидан ўрганиш идеясини доим тарғиб қилган. Масалан, у «Мажолис»да самарқандлик марҳум Мир Ҳожи Суғдий деган шоирнинг устида тўхталиб, у ўзбек халқ ибораларининг биридан ўз шеърида:

«Ўхшатти қоматингни санавбарга боғбон,  
Бечора билмас эрмиш алифдин таёғни»<sup>78</sup>.

шаклида муваффақиятли фойдалангани учун бу ҳақда: «Бугина масални яхшигина боғлаган учун, умид улким, тенгри анга раҳмат қилмиш бўлғай»<sup>79</sup>, — деб ёзади.

Навоий ўзининг «Муҳокаматул-луғатайн» асарида ўзбек тилини форс тили билан таққослаш фонида ўзбек тилининг поэтик имкониятларини муфассал ёритади ва ўзбек шоирларини ўз она тилларини жиддий ўрганишга даъват этади. Бу асарида Навоий ўзбек тилининг миллий ва грамматик хусусиятларини чуқур текширади, унга характерли бўлган ўнлаб синоним сўзларни, маълум ҳаракатларни аниқ ифодаловчи ўнлаб ўзбек сўзларини мисол келтириб, унинг бойлигини исботлайди. Ўз тилини камситиб, бошқа тилда асар ёзувчи ўзбек шоирларининг ҳатти-ҳаракатларини у кескин қоралайди ва зўр таассуф билан ёзади:

«Бу (ўзбек тилидаги — А. Ҳ.) алфоз ва иборатда бу нав дақойиқ кўпдирким, бу кунга дегинча ҳеч киши ҳақиқатиға мулоҳаза қилимағон жиҳатдан бу яшурун қолибдур. Ва ҳунарсиз туркнинг ситам зариф йнгитлари осонлиққа бўла форсий алфоз била назм айтурға

<sup>77</sup> М. И. Калинин, «О литературе» Л., 1949 г. 194—195-б.

<sup>78</sup> Танланган асарлар, 3 т., 58-бет.

<sup>79</sup> Танланган асарлар, 3 т., 58-бет.

машғул бўлбтурлар. Ва филҳақиқат агар киши яхши мулоҳаза ва тааммул қилса, чун бу лафзда мунча вусъат ва майдонида мунча фусҳат топилур. Қеракким, мунда ҳар нав сухангузорлиғ ва фасихғуфторлиғ ва назмсозлиғ ва фасона пардозлиғ осонроқ бўлғай ва воқи осонроқдур»<sup>80</sup>.

Навоий ҳақиқий адабий асар яратиш учун тилнинг образлигига жиддий аҳамият беришга, бадий воситалардан ҳам ўз ўрнида тўғри ва кенг фойдаланишга чақиради. Навоий тасвирий воситалардан ўхшатиш, муболаға, сифатлаш ва ҳоказоларнинг ҳаётий ва оригинал бўлишини, таъсирли, ёрқин бўлишини, маълум мақсадни ифодалашда хизмат қилиши кераклигини талаб этади. Навоий «Мажолис»да Сайфий, Шукрий, Асирий шеърларидаги оригинал ўхшатишларга ҳам ижобий баҳо беради. У, Сайфий ҳақида: «Масал тариқин бағоят яхши айтди»<sup>81</sup> деб, Шукрий ҳақида: «Мавлоно Шукрий масал оmez айтур. Мавлоно Сайфийга татаббу «қилур, ул услубда зиҳни яхши бору»<sup>82</sup> деб ёзади.

Бу жиҳатдан Навоий «Мажолис»нинг сўнгги бобида Лутфий шеърини, ундаги ўхшатиш ҳаётий эмаслиги учун танқид қилади. Навоийнинг бадий адабиётнинг бу хил майда элементларига ҳам жиддий эътибор бериши, унинг ўз замондошларини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга эди.

Навоий шоирларни оригинал бадий воситалар қидириб топишга ундар эди. Шундай қидирган, излаган шоирлардан Мавлоно Саъд ҳақида Навоий «Мажолис»да: «Мутасарриф таъблик шоир дурур ва таъбида хили хаёл анgezлик бор»<sup>83</sup> деб ёзади ва унинг шеърларидан қуйидаги гўзал байтни мисол келтиради:

Барги гул нестки афтода батарфи чаманаст,  
Пунбае доғи дили булбули хунин кафанаст»<sup>84</sup>.

Таржимаси: «Гулзорга тўкилган гул барги эмас,  
булбул юраги доғига қўйилган момиқ ва қонли кафанидир».

<sup>80</sup> Танланган асарлар, 3 т., 188-бет.

<sup>81</sup> Танланган асарлар 3 т., 65-бет.

<sup>82</sup> Уша китоб, 85-бет.

<sup>83</sup> Танланган асарлар, 3 т., 87-бет.

<sup>84</sup> Уша китоб, 87-бет.



Поэзияда бадийликнинг муҳим масалаларидан бирини ташкил этган поэтика масалаларига ҳам Навоий ўз адабий қарашларида катта ўрин беради. Биз юқорида аруз вази ҳақида Навоийнинг махсус қўлланма — «Мезонул-авзон» ни яратганини айтиб ўтган эдик. Вазн масаласида Навоий илгари сурган идеялардан бири — турли вазнлардан фойдаланишдир. Инсонда юз берадиган турли туйғу ва ҳислар бир формада, бир вазнда ифодаланиш мумкин эмас. Шеърятда ҳар бир поэтик ҳолат учун мос вазни топа билиш керак. Навоий «Хазойинул-маонн» да аруз вазнининг деярлик ҳам-ҳа турларидан усталик билан фойдалана билган. Унинг «Хамса»га кирган дostonлари ҳам турли вазнда ёзилган. Навоий қарашича, вазн дostonнинг ғоявий йўналишига мос бўлиши керак эди. Масалан, у ўзининг «Лайли ва Мажнун» дostonини ҳазажи мусаддаси аҳраби мақбузи махзуф —

Мафъулу мафобилун фаулун

мусаммани мақсур —

вазнда, «Садди Искандарий» дostonини эса мутақорибн

Фаулун фаулун фаулун фаул

вазнда ёзган ва бу ўлчовлар бу дostonларнинг ғоявий йўналишини очишга тўла ёрдам беради. Биринчиси Навоий яшаган даврдаги фожиали севгини тасвирлаш фоннда ёзилган халқ оммасининг эрксизлик, ҳуқуқсизлик кайфиятларини, унинг ички норозилигини акс эттириш руҳи билан, иккинчиси эса ҳақиқат ва адолатнинг зулм, ҳақсизлик, қоронғиликка қарши қаҳрамонона кураши, унинг устидан ғалаба қозониши руҳи билан ёзилган. Бунда бирининг вази билан иккинчисини ёзиш мумкин эмас. Навоий бунда ҳам Низомий традицияларига содиқ қолиб, унинг йўлидан четга чиқмади, «Хамса»чиликда у белгилаган вазнларни ўз ўрни билан ўзбек дostonчилигига ҳам муваффақиятли равишда татбиқ эта билди.

Аммо вазн масалаларида ҳам Навоий кўр-кўрона эмас, ижодий фикр юритади. У ўз «Мезонул-авзон» асарида аруз вазнининг ҳамма турларини намоён қилиш билан бирга, ўзбек шеърятига яқин, мос вазнларни

ҳам усталик билан кўрсатади. Унинг фикрича, рамал баҳрига кирган вазнлар шундай вазнлардир. Навоийнинг ўзи ҳам кўпроқ ҳазаж ва рамал баҳрларига кирган вазнларни ишлатар эди. Шеърда вазн бузилишига эса у асло тоқат қилолмас эди. Шунинг учун ҳам «Хамсатул-мутаҳаййирин»да Соғарийнинг шеърини «номавзун»лиги учун қаттиқ танқид қилади.

Навоий қофия масалаларида ҳам талабчан бўлган ва қофияларнинг тўлиқ бўлишини, янги бўлишини, жарангдор бўлишини истаган. У бу масалада «ғарибонро» сўзига «хўбонро» сўзини қофия қилган қалами ўтмас Мавлоно Қобилий каби шоирларнигина эмас, балки ўз шеърлари билан кенг шуҳрат топган Атоий каби биринчи даражали шоирларни ҳам, вақти келса, аямай танқид қилади, унинг тўғрисида: «қофия эҳтиётига муқайяд эмас эрди»<sup>85</sup> деб ёзади ва унинг:

Ул санамким сув яқосида паридек ўлтурур.  
Гояти нозуклигинин сув била ютса бўлур<sup>86</sup>

байтидаги «ўлтурур» сўзи билан «бўлур» сўзининг яхши қофия эмаслигини айтади.

Қофия масалаларида ҳам Навоий ўзбек тилининг миллий хусусиятлари, унинг кенг ички поэтик имкониятларига «Муҳокаматул-луғатайн»да яхши тўхталади ва ўзбек тилини форс тилига солиштириб ёзади:

«Ва неча ҳуруфқа иборат вусъати учун, балки қофия суҳуллати учун бир-бирига ширкат берибдурлар. Ул жумладин бири, «алиф» билан «ҳо» орасида муносабат ва мушоракат берибдурларки, бир лафзни ҳам охири алиф лафз била қофия бўлур. Андоқки, «аро» лафзин «саро» ва «даро» билан қофия қилса бўлур, «сара» ва «дара» била ҳам қофия қилса бўлур. Яна бир мисол: «андоқки «ядо» лафзин «садс» била қофия қилса бўлур, «бода» била ҳам қилса бўлур. Ва «вов» била замма» орасида ҳам ул нав ширкатдур. Андоқки, «эрур» лафзин «хур», «дур» лафзи била қофия қилса бўлур, «ғурур» ва «зарур» лафзи билан ҳам жойиздур. Ва «ё» била «касра» орасида доғи бу наводур. Андоқки «оғир» ва «боғир» алфозин «содир» ва «қодир» алфози била

<sup>85</sup> Танланган асарлар, 3 т., 57-бет.

<sup>86</sup> Уша китоб, 57-бет.

қофия қилса бўлур, «Таъхир» ва «тағйир» алфози била ҳам бўлурки, форсий алфозда бу суҳулатлар йўқтур»<sup>87</sup>.

Навоийнинг бадийлик ҳақидаги бу мулоҳазалари ўзбек адабиёти, хусусан поэзиясининг тараққиёти учун жуда катта ёрдам беради. Н. Г. Чернишевский қофия ҳақида гапириб: «...бизнинг назаримизда, қофия ҳам рус тилида тилнинг моҳиятидан келиб чиққан баъзи бир алоҳида шартлар билан яшаши керак»<sup>88</sup>— деб ёзган эди. Қофия, умуман бадийлик ҳақида Н. Г. Чернишевскийнинг бу хил фикрлари билан Навоийнинг фикрлари кўп жиҳатдан ҳамоҳангдир.

Навоийнинг адабиётда ғоявийлик ва бадийлик ҳақидаги талаблари бажарилмаслиги натижасида, кўп замондошларининг «лафзлари бемаза» чиқиб, уларнинг сўзларида, «не ҳақойиқ ва маориф нўшидин ҳаловат ва назмларида не шавқ ва ишқ ўтидин ҳарорат» бўлган. Уларнинг ишқий асарларида «не ошиқона сўз ва дардлари шуъла афган» бўлган. Уларнинг асарлари ҳаётдан жуда узоқ бўлиб, ўқувчига эстетик завқ, билим бермаган. Шунинг учун ҳам уларнинг кўпчиликларининг асарлари ҳаётдан ўрин ололмай, тезда йўқ бўлиб кетган, уларга меросхўрлар топилмаган.

Адабиётда формализм кенг илдиз отган бир даврда Навоийнинг мундарижа ва шакл масалаларига бу хил катта назарий аниқликлар киритиши, бу масалаларга алоҳида аҳамият бериши фақат адабий аҳамиятга эга бўлмай, ҳатто, зўр ижтимоий аҳамиятга ҳам эга эди. Бу эса санъатнинг бошқа соҳаларига ҳам ижобий таъсир кўрсатар эди. Навоийнинг шакл ва мундарижа ҳақидаги қарашларида мундарижанинг ролини маҳкам асослаши унинг бу соҳадаги асосий хизматларидандир. Бу эса улуғ шахсларга, юқори мавқени эгаллаган кишиларга кулларча хушомадгўйлик қилиш, уларнинг ҳар қандай гапларини қонуний деб билиш талаб этилган бир вақтда унинг юксак жасорат иши эди. Бу жиҳатдан унинг қуйидаги қитъаси ҳам ғоят характерлидир:

Чун ғараз сўздин эрур маъни анга,  
Ноқил ўлса хоҳ хотин, хоҳ эр.  
Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолинни;  
Кўрма ким дер, они кўргил — ким не дер.<sup>89</sup>

<sup>87</sup> Танланган асарлар, 3 т., 184-бет.

<sup>88</sup> «Русские писатели о литературном труде», 2 т., 330 бет.

<sup>89</sup> Танланган асарлар, I т., 318-бет.

Навоий адабий танқидий меросининг қимматли томонларидан бири ҳам шундаки, бу мерос унинг адабий асарда мундарижа ва шаклнинг роллари, буларнинг бир-бирига муносабатларини объектив тўғри тушунишга асосланган. Бу, Навоий эстетикасининг ҳам соғлом томонларидан биридир. Навоийнинг бу масалаларга оид фикрлари ўзбек адабиёти тарихида ижобий роль ўйнаб келди ва кўп ўринларда ўзбек совет адабиёти учун ҳам ўз қимматини ҳамон йўқотмаган.

### 3. ЮКСАК ОРИГИНАЛ АСАРЛАР ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

Буюк санъаткор Навоий умр бўйи юксак оригинал асарлар яратиш йўлида уринар ва изланар экан, у маълум даражада бунинг қонуниятларини ўрганишга ва очишга интилди. У аввало адабиётшунос-олим сифатида эмас, балки санъаткор сифатида, ижодкор сифатида, бадий ижоднинг яна бир қанча муҳим назарий масалалари — традиция, новаторлик, бадий маҳорат масалаларига ҳам объектив равишда тўқнашди ва шу масалалар юзасидан ҳам аввало шоир сифатида мулоҳазаларини ўз асарларининг маълум ўринларида йўл-йўлакай айтиб ўтди. Гарчи унинг мулоҳазалари кўпроқ ўз ижодий тажрибалари билан боғланган бўлса ҳам, умуман улар объектив равишда, юксак назарий савияда баён қилинган. Бу мулоҳазалар, ҳеч шубҳасиз, бадий адабиётнинг назарий асосларини ўрганишга ва ҳамон ёш адабий талантларни тарбиялашга хизмат қилади.

Навоий «Муҳокаматул-луғатайн»да: «Ўқуриға давовиндин бу фақир мутолаасиға кўп машғул бўлмағон девон оз эркин»<sup>90</sup> — деб ёзар экан, биз амалда Навоийнинг хусусан ўзбек, тожик, озарбайжон, форс классикларига тегишли фақат шеър девонларидан эмас, балки умуман шу халқлар адабиётларининг ҳамма муваффақиятларидан унинг баҳраманд бўлмагани кам қолганини кўрамиз. Қўшни халқлар тилларини, айниқса тожик, форс, араб тилларини ўз она тилидек билган Навоий, уларнинг адабиётларини ҳам шу қадар яхши эгаллаган, улардан минглаб сатр шеърларни ёд билган, уларнинг тажрибаларидан унумли, тўғри фойдаланган ва бу, унинг ижодининг мисли кўрилмаган даражада:

<sup>90</sup> Танланган асарлар, 3., 194-бет.

тоқори кўтарила олишига, оламшумул аҳамиятга эга бўлишига ёрдам берган. Навоий ўзигача яратилган ўзбек адабиётини ва қўшни халқлар адабиётларини чуқур ўрганар экан, уларга баҳо берар экан, уларни ҳамма вақт танқидий нуқтаи назардан ўрганди, улардан шу нуқтаи назардан фойдаланди ва уларга шу нуқтаи назардан баҳо берди.

Навоий ўз даврида адабий традицияларнинг ижодий ишга аҳамиятини энг чуқур тушунган кишилардан бири эди. Навоий қўшни халқлар адабиётлари классикларидан Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Шайх Саъдий, Ҳофиз, Жоми, ўзбек адабиётида Лутфий ижодларини чуқур ўрганди ва ўз ижодида шуларнинг илғор традицияларини ривожлантирди. Шу муносабат билан Навоий ўз адабий танқидчилигида мана шу шоирларнинг ижодига жуда катта аҳамият берди ва уларнинг асарларининг ғоявий-бадий қимматини белгилловчи муҳим хусусиятларини очишга интилди.

Навоий ўзбек адабиётида ўзигача яратилган бойликни ғоявий ва бадий жиҳатдан синчиклаб ўрганиб, биринчи навбатда шу бойликнинг энг яхши томонлари асосида ўз адабий меросини вужудга келтирди.

Навоий ижодий ишга бошлар экан, ўзигача ўтган ўзбек шоирлари билан астойдил ижодий мусобақа ўйнашга киришган эди. Навоий «Наводируш-шабоб»га кирган ғазалларининг бирида бу ҳақда ажойиб бир образли байтни айтади. Бу байт Саккокий номи билан боғланган бўлиб, фикримизнинг ёрқин далили бўлади:

«Навоий назм аро тиги забонин ўйла сурдиким,  
Пичоқ топмас уётдин ўзни ўлтурмакка Саккокий»<sup>91</sup>

Бу ерда Навоий шеър санъатида Саккокийдан ўзининг бир қанча ўзиб кетганини ва уни «уётга» қўйганини сўзлайдики, бунда ҳеч қандай муболаға йўқ, албатта.

Буюк шоирнинг традиция масалаларига доир фикрлари айниқса унинг ўзбекча «Хамса» ёзишга киришиши муносабати билан яхши очилади. У ҳар дostonнинг кириш қисмида шу типдаги асарларни пухта ўрганини ва уларга ижодий ёндошиш сабалари ҳақида ёзади.

<sup>91</sup> ЎзССР Фанлар академияси, Шарқшунослик инс-ти, қўлёзма, инв. № 1315, 527-лист.

Бу ўринларда у традиция ҳақида умумий, мавҳум тарзда эмас, конкрет равишда гапиради ва ўзидан олдин «Хамса» яратган ҳамда танқидга арзийдиган шоирлар устида тўхталлади. Навоий доним ўзини уларга камтарона шогирд деб атайди ва улардан астойдил ўрганганини, уларнинг ишини давом эттирмоқчи бўлганини айтади.

«Хамса» яратишда Навоийга устоз бўлган, уни бу ишга йўллаган ёзувчилар кимлар эди? У бу саволга «Хамса» нинг биринчи достони — «Ҳайратул-аброр» нинг кириш қисмида аниқ жавоб бериб ёзади:

Менки талаб йўлида қўйдум қадам,  
Бордур умидимки, чу тутсам қалам,  
Йўлдаса бу йўлда Низомий йўлум,  
Қўлдаса Хисрав билла Жомий қўлум,  
Нукта сурудида раво бўлмагай.—  
Буки Навоийга наво бўлмагай.<sup>92</sup>

Бунда Навоий:—«Мен бу ишга бошлар эканман, Низомий, Хусрав Деҳлавий, Жомий кабилар мени қўллаб қўлтиқласа, ҳеч шубҳасиз, бу вазифанинг уҳдасидан чиқаоламан!»— деб ишонч билан гапирар экан, чиндан ҳам у «Хамса»чиликда ҳаммадан кўпроқ шу гигантларнинг тажрибасига суянган ва шунинг учун ҳам ўзининг катта ижодий мақсадига эришаолган эди. Ўзбек адабиётида Навоийгача бир қанча дostonлар бор бўлса ҳам, аммо умуман у бу соҳада, яъни дostonчиликда Низомий, Хусрав Деҳлавий, Жомий ижодидаги каби бой традицияларга эга эмас эди. Шунинг учун ҳам Навоий дostonчиликда қўшни халқлар адабиётлари традицияларига мурожаат қилиб, уларни чуқур ўзлаштириб тўғри иш қилди. Унинг дostonчилиги ўзи айтганидек, асосан Низомий, Хусрав Деҳлавий, Жомий дostonчилиги таъсирида ривожланган ва камол топган эди. Навоий «Садди Искандарий»да Низомий ва Хусрав Деҳлавийга хитоб қилиб:

Кичик эрканимдин бўлиб қошима  
Улуғ муддао солдингиз бошима.

дейди ва уларнинг асарлари унга жуда эрта таъсир кўрсата бошлаганини айтади. Худди шу асарида яна у бу улуғларнинг асарларини чала-чулпа эмас, ўбдон синчиклаб ўргангани ва ўзлаштирганини айтади:

<sup>92</sup> „Нәжрәтул-әбрат“, 16-бет.

Еримчуқ кўруб сайр тарк этмадим,  
Ери қолмадиким, анга етмадим.<sup>93</sup>

Навоий яна Низомий ҳақида, унинг юлдузларча бе-  
ҳисоб маънолар дурига эга бўлган «Хамса»си ҳақида:

Ки, жаннат алар маскани то абад,  
Навоийга маъниларидан мадад<sup>94</sup>.

деб ёзар экан, биз бунда аввало Шарқдаги энг зўр фикр ҳукмдорларидан Низомийнинг, қолаберса Фирдавсий, Саъдий, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Жомий ва бошқаларнинг Навоийга ғоявий «мадад» берганларини, Навоийнинг уларга ғоявий ворислик қилганини кўра-миз. Бу сўз усталари ўртасидаги биринчи яқинлик улар ижодининг ғоявий жиҳатдан ҳам, бадий жиҳатдан ҳам юксак халқчиллигида кўринади. Уларнинг ижодларидаги ғоявий ҳамжиҳатлик улар томонидан гарчи ҳаммалари турли даражада бўлса ҳам, адолат, инсонпарварлик, қаҳрамонлик, золимларига нафрат, юксак инсоний муносабат ва фазилат эгалари бўлиш идеяларининг куйланишида кўринади. Бу идеялар шу номи зикр қилинган шоирларнинг ҳаммасининг ижодида етакчи идеялардир. Илғор адабиётда бу каби идеялар Навоийгача жуда мустаҳкам ўрин эгаллаган эди. Бунинг сабаби нимада? Бунинг сабабини аввало турмушдан қидириш тўғрироқ бўлади. Халқ оммасининг узоқ даврлар давомида ички зулмга, ўз эзувчиларига қарши олиб борган курашлари, масалан, маздакилар ҳаракати, муқанначилар қўзғолони, ва ҳоказолар; ташқи душманлар — араб ва мўғул босқинчиларига қарши олиб борган оғир курашлари, масалан, Махмуд Торобий бошчилигидаги қўзғолон, сарбадорлар, ҳаракати ва ҳоказолар объектив равишда илғор адабиётнинг ғоявий йўналишини ҳам узоқ даврларга белгилаб берган ва ҳақиқий ёзувчи халқнинг бу олийжаноб ҳаракати ва идеяларидан четда туролмас эди. Илғор адабиёт вакиллари гоҳ онгли равишда, гоҳ стихияли равишда халққа яқинлашишга, унинг орзув ва мақсадларини куйлашга, унинг юрагидан чиққан куй ва қўшиқларига қулоқ солиб, ундан ўрганиб, унинг ҳаётий талабларига мос асарлар яратишга мажбур эдилар. Фирдавсий ўз «Шаҳ-

<sup>93</sup> Танланган асарлар, 2 т., V к., 24-бет.

<sup>94</sup> Уша китоб, 17-бет.

нома»сида халқ қонини зулукдек сўрган золим Заҳҳока қарши ўз чарм фартуғини байроқ қилиб кўтариб чиққан ва уни тор-мор келтирган Коваи Оҳангар — Темирчи Кова образини яратди; халқни очликда ўлимдан сақлаб қолган Маздакни мақтади. Низомий Санжар каби золим подшоларнинг зулмларини аямай фош қилди. Хусрав Деҳлавий ўзининг «Дарёйи аброр» қасида-сида «Подшоҳ ноғорасининг ичи бўшу, шовқун-сурони бош огриғидир» деб ёзди. Саъдий мўғул зулми остида эзилган халқига қарата:

Таҳаммул кун эй нотавон, аз қави,  
 Ки рўзе тавонотар аз вай шави!  
 ...Лаби хушки мазлум гў хуш биханд,  
 Ки дандони золим бихоҳанд канд!<sup>95</sup>

деб яъни: «Эй нотавон, зўр олдида сабр қилки, бир кун келиб сен ундан зўрроқ бўласан! Лаби қуриган мазлумга хурсанд бўлиб кул дегинки, золимнинг тиши синдирилади!» деган мазмулда муурожаат қилади ва ҳоказо. Навоий ҳам, улардан илҳомланиб, ўз даврида ҳам жуда актуал бу мотивларни ниҳоятда чуқурлаштирди. У, масалан, подшоларнинг ўзини зўрман деб кўрсатса ҳам, аслда энг ожиз, кучсиз эканини, маънавий жиҳатдан ҳам, жисмоний жиҳатдан ҳам оддий одамлардан юқори эмас, ҳатто пастлигини фош қилиб «Ҳайратул-аброр»да ёзади:

Бил мунн ким, сен дағи бир банда сен,  
 Кўбрагини ожизу афганда сен.  
 Эрмас алар туфроқу сен нури пок,  
 Хилқат аларға-у сенга тира хок.  
 Барча жавориҳ била аъзода тенг,  
 Сурати навъию ҳаюлода тенг,  
 Лек ҳунар ичра, камол ичра ҳам,  
 Хулқи хушу, лутфи мақол ичра ҳам,  
 Ҳам равиши адлу, ҳам инсоф аро,  
 Ҳилму ҳаёву бори авсоф аро,  
 Шаръ тариқида, ибодатда ҳам,  
 Ҳақ йўлида, тақвию тоатда ҳам  
 Сен тушубон йўл наҳажидин йироқ  
 Кўпраки сендин юрубон яхшироқ<sup>96</sup>.

Бунда Навоийнинг халқпарварлиги, меҳнаткаш халқ ҳимоячиси эканлиги, инсонпарварлиги ёрқин намоён

<sup>95</sup> Ш а й х С а ъ д и, «Мухтасари «Бўстон», Сталинобод, 1945, 70-бет.

<sup>96</sup> „Нәјртул-әбғар“, 23-бет.



Бўлади ва унинг янги тарихий шароитда ўз салафларига ғоявий содиқ қолиб, уларнинг гуманизм байроғини олдинга олиб борганлиги кўзга ташланиб туради.

Навоийга унинг салафлари, ўзи ёзишича, аввало ғоявий таъсир кўрсатган бўлсалар ҳам, аммо Навоий ўтмиш адабиётдан ўрганишда кўпроқ форма масалаларига диққат қилишни кўзда тутади. У ўзининг асарлари фақат мазмун жиҳатидангина эмас, форма жиҳатидан ҳам салафлариники сингари «рангин» ва «ширин» бўлишини истайди. Низомий ва Навоий «Хамса» ларини бир-бирига таққослаш мисолида бу жиҳатдан Навоий Низомийдан қанча кўп нарса ўрганганлиги яққол кўринади. Бу икки шоирнинг ҳам воқеаларни баён қилиш йўли, манераси бир-бирига яқиндир. Навоий ҳам Низомий сингари ўз асарларида «улуғ комлар» — улуғ идеяларни юқори патетика билан, оптимистик руҳда куйлайди. Навоий ҳам Низомий каби воқеаларни ўсишда, ривожланишда кўрсатади, сюжет таранглигига, қизиқарлилигига катта аҳамият беради. Бу икки шоир асарларидаги тематик яқинликдан қатъий назар, Низомий асарлари сюжетларидаги айрим деталлар Навоий асарларида ҳам сақланади. Масалан, Хисрав ва Фарҳоднинг бир-бирлари билан савол-жавоб қилган эпизодни олиб қарайлик. Гарчи Навоий асарида Хисрав ва Фарҳод образлари тубдан бошқача ишланган бўлса ҳам, бу савол-жавобларнинг ғоявий мундарижасида бир қанча муҳим фарқ бўлса ҳам, аммо бадний форма жиҳатидан, яъни диалогларнинг тузилиш формаси, унинг бошланиш ва тугалланиш характери жиҳатидан икки шоир асарида ҳам бир-бирига жуда ўхшашлик бор. Бундаги айрим байтлар, масалан Низомий достонидаги:

Бигуфто: гар бихоҳад ҳар чи дори?

Бигуфт: ин аз худо хоҳам базори...

Бигуфт: осуда шав—кин кори хом аст!

Бигуфт: осудаги бар ман харом аст<sup>97</sup>

---

<sup>97</sup> Низомий Ганжавий, « *خمسه* », Бомбай, 1880, 63-бет.

**Шеър таржимаси:**

Деди; жонингни олмоқ истаса ул!

Деди: йиглаб, худодан истагим шул!

Деди: осуда бўл—бу ишинг хомдур!

Деди; осудалик менга ҳаромдур!

(таржима бизники)

каби байтлар билан Навоий достонидаги:

Деди: жонингни олса лаъли ёди?  
Дедиким: ушбудур жоним муроди...  
Деди: бу ишқ тарки яхшироқдур!  
Деди: бу шева ошиқдин йироқдур<sup>98</sup>

каби байтлар мазмунан ҳам бир-бирига яқин бўлиб, бу Навоийнинг ўз салафлари асарларидаги айрим фикр, ибора, тасвирий восита ва ҳоказолардан ҳам ўрни келганда ижодий равишда фойдаланишдан қўрқмаганини кўрсатади. Бу хил ўхшаш моментлар бу икки шоир асарларининг композицион қурилишида ҳам учрайди. Масалан, «Махзанул-асрор» ҳамда «Ҳайратул-аброр» достонларининг иккаласи ҳам умуман дидактик характерда ёзилган. Аммо бу икки шоир ҳам ўз идеяларини янада аниқроқ, очиқроқ, равшанроқ, ишончлироқ, таъсирлироқ ифодалаш учун гап орасида турли масал ва ҳикояларни ҳам келтиради ва уларни ҳар мақолотда жуда ўринли жойлаштиради. Бу жиҳатдан Навоийнинг фақат Низомий асарларидангина эмас, балки дидактик шоир Саъдий ва бошқаларнинг асарларидан ҳам кўп нарса ўрганганлиги ва бунинг орқасида асар композициясини тузишда катта моҳирлик касб этгани кўрилади. Навоий «Садди Искандарий» достонининг композициясини эса Низомий «Искандарнома» сига қараб эмас, балки Жомийнинг «Хирадномаи Искандар» достонига қараб тузган. Яъни Низомий Искандарнинг лашкарбошилиқ фаолиятини файласуфлик, авлиёлик фаолиятдан ажратиб, бунинг ҳар қайсисини алоҳида қисмларда тасвирлайди ва бу қисмларнинг бирига «Шарафнома», иккинчисига «Иқболнома» деб ном беради. Жомий эса Искандарнинг ҳамма фаолиятини бир асарнинг ўзида, бир-биридан ажратмасдан тасвирлайди. Навоий ҳам Жомийнинг йўлини тўғри ва юксакроқ деб билди ҳамда Искандарнинг лашкарбошилиқ юришларини унинг мутафаккирлигига боғлаб кўрсатиш йўлини тутди.

Навоий композиция, сюжет линияларининг тараққий эттириш қаҳрамонларнинг характерларини усталик билан чизиш, тил ва бошқа масалаларда аввало Низомий, сўнг Хусрав Дехлавий, Жомийдан, қолаберса иккинчи, учинчи даражали шоирлардан ўрганишдан ҳам

<sup>98</sup> Танланган асарлар, I т., II к., 283-бет.

тортинмаган, уларнинг муваффақиятли томонларидан ҳам диққат ва камтаринлик билан ўрганган. Масалан, у «Муҳокаматул-луғатайн» асарида «Лайли ва Мажнун»ни яратишда Хожу Ҳимматийнинг «Гавҳарнома»сидан, «Сабъай-сайёр»ни яратишда Ашраф «Ҳафт пайкар»идан кўп нарса ўрганганлигига ишора қиладики, бугунда ибратлидир.

«Хамса»чиликда Навоийнинг ўз салафларидан қандай ва нималарни ўрганганлигини, уларнинг қайси традицияларини давом эттиришга интилганини кўрсатиш учун жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Низомий асарларида жуда кўп лирик чекинишларни кўрамиз. Уларда шоир ўз дунёқарашларини усталик билан чуқур акс эттиради. Навоий Низомийдаги бу традицияларни ҳам жуда мукамал эгаллаган бўлиб, агар Навоий асарларидан бу хил моментларни олиб ташланса, Навоийнинг фикр хазиналаридан жуда қимматли дурру-гавҳарларни чиқариб ташланган ва унинг дунёқарашини ўрганишга катта путур етказилган бўлади. Булардан ташқари, Низомий асарлари қаҳрамонларининг айрим хусусиятларини ҳам Навоий ўз қаҳрамонларида сақлайди. Бунинг учун, «Хисрав ва Ширин» билан «Фарҳод ва Ширин», «Ҳафт пайкар» билан «Сабъай-сайёр» дostonларини эслаб ўтиш мумкин. Навоий Низомий Фарҳоднинг меҳнатсеварлик, мардлик, вафодорлик, чин ошиқлик каби яхши хусусиятларини ўз Фарҳодида сақлаган ҳолда бу образни ривожлантирган. Низомий Ширинидаги бир қанча ижобий хусусиятлар ҳам Навоий Ширинида сақланган. Низомий Баҳромидаги баъзи мардлик, қаҳрамонлик, эпчиллик каби хусусиятлар ҳам Навоий асарида сақланган. Навоий Низомий дostonларининг поэтик хусусиятларини чуқур ўзлаштирган. Масалан, улардаги вазн хусусиятларини у ўз асарларига шундайлигича кўчирган. Низомий ва Навоий асарлари ўртасидаги бу тематик ва бадий ўхшашликлар ўша замонда пайдо бўлган «Хамса»чилик традицияси қоидалари рамкасида бўлиб, уларнинг кўчирмачилик, назирагўйлик, флагеат ва ҳоказоларга ҳеч қандай алоқаси йўқки, ўз вақтида бу нарсаларни тўғри тушуна олмаган кўп ғарб шарқшунослари Навоий ижодига баҳо беришда катта хатоларга йўл қўйган эдилар. Умуман Навоий «Хамса»си Низомий, Деҳлавий, Жомий, Саъдий каби улўғ ёзувчиларнинг адабий тради-

традицияларини чуқур эгаллаш базасида пайдо бўлган, ҳам ғоявий, ҳам бадний жиҳатдан бутунлай янги типдаги оригинал асар эди.

Навоий лирик асарлар ёзиш соҳасида ҳам ўз салафларидан Саъдий, Ҳофиз, Хусрав Деҳлавий, Лутфий традицияларини давом эттирди. Унинг лирикасида ҳам асосий тема — муҳаббат темаси бўлиб, асосий қаҳрамон шоирнинг «мен» идир. Навоий лирикаси ўз салафларининг лирика соҳасидаги бой меросининг мундарижа жиҳатидангина эмас, форма жиҳатидан ҳам давоми бўлиб, шоир ўз ижодида унгача мавжуд традицион тасвирий восита ва иборалардан кенг фойдаланади ва шу асосда ўзининг янгиликларини яратади. У ўзигача мавжуд лириканинг ҳамма жанрларида ижод қилди, улардан муваффақиятли равишда фойдалана билди.

Навоий «Ҳайратул-аброр»ни ёзиб тугатар экан,

Буки<sup>99</sup> баён айладинг эрмас йироқ —  
Ким деолурсен мундин яхшироқ.  
Десаиғ эди ҳам тилагандек баланд,  
Бўлсанг эди истагудек дилписанд<sup>100</sup>.

дейди ва бу асарини, имкон, шароит бўлганда бундан ҳам яхшироқ ёзаолган бўлишини айтади. Шу билан бирга у ўзи тилагандек «баланд», «жумлаи офоқ харидор» бўладиган, «жаҳон зевари» деб аталишга лойиқ асарлар яратишни орзу қилади. У ўзининг бешинчи достони «Садди Искандарий» да эса ўзбекча «Хамса» ёзиб дунё миқёсида улуғ бир ишни шараф билан бажаргани ҳақида фахрия йўли билан қўйидагиларни айтади:

Йўқ атроқ аро бирда онча биллик  
Ки бу нав улуғ ишга ургай илик.  
Не атрокким, ҳам ажам ҳам араб  
Кўрарлар бу ишни ажабдин ажаб<sup>101</sup>.

Навоий ўзигача ўзбек ва қўшни халқлар адабиётида мавжуд традицияларни эгаллаш билангина чекланганда, бундай катта ижодий муваффақиятга эриша олмас эди. Гап шундаки, у ўзигача бадний адабиёт соҳасида йиғилган бой традицияларни ўз яшаган тарихий шаро-

<sup>99</sup> «Ҳайратул-аброр» кўзда тутилади.

<sup>100</sup> „Нәжрәтүл-әбғар“, 167-бет.

<sup>101</sup> Танланган асарлар, 2 т., V к., 386-бет.

ит, реал турмуш талаблари асосида усталик билан ривожлантирди, тинмай янгилик ахтарди, ҳар соҳада буюк новаторлик кўрсатди. У шаблон йўлидан эмас, оригиналлик йўлидан борди. Унинг энг ёмон кўргани қайтариқ, шаблон эди. У бу ҳақда «Сабъаи-сайёр» да ёзади:

Бир деганни ики демак хуш эмас,  
Сўз чу такрор топти дилкаш эмас<sup>102</sup>.

У қалам аҳллари ни ҳеч ким кезмаган бўстонларни кезишга, ҳеч кимнинг кўзи тушмаган гулистонлардан ҳеч кимнинг қўли тегмаган гулларни теришга чақиради. У астойдил меҳнат қилган кишига ижод боғининг имкониятлари чексиз, чегарасиз эканини айтади. У «Лайли ва Мажнун» достонининг сўз таърифига бағишланган бобида сўзга хитоб қилиб, шу ижод имкониятлари ҳақида дейди:

Айтиб совумас тарона сен-сен,  
Олиб қурумас хизона сен-сен.  
Олам эли зарра йиғса жовид,  
Нурини кам айлағайму хуршид.  
Игна учи бирла жазб этиб нам,  
Ким баҳр суйини айлағай кам<sup>103</sup>.

Унинг фикрича, Фирдавсий, Низомий, Хусрав Деҳлавий каби ўнлаб, юзлаб шоирлар қанча асарлар ёзган бўлмасин, ҳали ҳамма сўзлар ишлатилиб бўлинмаган, ҳали истаганича янги сўзлар, янги маънолар ва ифодалар топиш мумкин. Бунинг манбаи эса китоб эмас, балки борлиқ ва турмушдир.

Навоий Хусрав Деҳлавийни кўп ўринда Низомийга пайрав деб атаса ҳам, аммо баъзи дostonларида у ҳам янгиликка интилганини, Низомий dostonларининг мотивларини ўзгартириб юборганини айтади. Хусусан унинг «Хисрав ва Ширин» dostonи ҳақида Навоий ёзади:

Ва лекин соҳири Ҳиндустони  
Езарда бу малолат dostonи.  
Чу топти хомаси таҳрири таъжил,  
Бу ишка берди кўп тағйиру табдил<sup>104</sup>.

<sup>102</sup> Танланган асарлар, 2 т., IV к., 47-бет.

<sup>103</sup> Танланган асарлар, 2 т., III к., 23-бет.

<sup>104</sup> Танланган асарлар, 2 т., II к., 40-бет.

Лекин умуман ҳеч бир достонида Хусрав Деҳлавий ғоявий-бадий жиҳатдан Низомийдан ўзиб кетолмаган, ҳатто ғоявий жиҳатдан Низомий асарларидан баъзи ўринларда чекинган эди.

«Хамса»чиликда Низомийдан кейин ҳақиқий новаторлик кўрсатганлардан бири Навоийнинг ўзи эди. Навоий Низомий асарларининг сюжетларини бутунлай қайтадан ишлади. Бу исмдош асарлардаги қаҳрамонларнинг характерлари ҳам кўп ўринда тубдан бошқача ишланди. Масалан, Низомий «Хусрав ва Ширин» ида Хусрав бош қаҳрамонлардан бири бўлиб, у қарама-қарши ички хусусиятларга, яъни яхши ва ёмон сифатларга эга киши қилиб кўрсатилса, Навоий «Фарҳод ва Ширин»ида у иккинчи даражали бутунлай салбий қаҳрамон қилиб кўрсатилади. Бунинг орқасида Навоий асарининг композицияси, сюжет линияси ҳам максимум ўзгаради. Навоий асари асосан Фарҳод ва Шириннинг бир-бирига муносабатларини очишга бағишланган. Бунда Фарҳод биринчи бош ижобий қаҳрамон бўлиб, унинг характери, яхши фазилатларини очишга кўп ўрин берилади ва мукамал очилади. Навоий Фарҳоднинг олийжаноб фазилатлари — қаҳрамонлиги, ўз севгилиси йўлидаги фидокорлиги, меҳнатсеварлиги, душманга нисбатан беомонлиги ва ҳоказоларни кўрсатиш орқали ўз халқининг яхши хусусиятларини гавдалантиради. У ўз достонини ғоявий ва бадий жиҳатдан ўзбек халқ достонларига, халқ манфаатларига яқинлаштиради. Бундаги ариқ қазиш, сув чиқариш, эронли босқинчиларга қарши кураш мотивлари ўзбек халқи оғзаки халқ ижоди асарларида учровчи қадимги мотивлардирки, Навоий улардан муваффақиятли равишда фойдаланган. «Сабъан-сайёр» достонида ҳам Баҳром образини, унинг характерини жуда ўзгартириб, қайтадан ишлаган. Лекин Навоийнинг бу асарида асосий урғу етти мусофирнинг ҳикояси, уларда илгари сурилган илғор идеяларга қилинади. Бу ҳикояларнинг аксарияти ўзбек халқ эртаклари асосида ёзилган. Бу ўзгариш ҳам Навоий асарларининг ўзига хос бадий хусусиятларини белгилаб берган. Ўз асарларида бу хил янгиликлар яшашга Навоийни нима мажбур қилган эди? Бунга жавоб шуки, ҳар бир ҳақиқий улуғ шоир ўз халқининг манфаатлари билан яшайди, ўз халқининг орзув ва ҳавасларини куйлайди. Навоий асарларининг бош манбаи ҳам ўзбек

халқининг ҳаёти ва интилишларида эди. Бу эса объектив равишда Навоий ижодининг ғоявий ва бадий йўналишига зўр таъсир кўрсатар эди. Шунинг учун ҳам бу ҳақда Навоий «Сабъаи-сайёр» да ёзган эди:

Бу сабабдин бу хуш фасона аро,  
Балки бу хушнаво тарона аро  
Йўқ эди ҳеч чораю гадбир  
Ким бирор ерда бўлмағай тағйир<sup>105</sup>

Бундай тубли ҳам мундарижага, ҳам формага тегишли ўзгаришлар Навоий «Хамса»сига кирган ҳарбир дostonда шунчалик кўп эдики, бу ҳақда Навоий «Садди Искандарий»да ҳам қуйидагиларни очиқ ёзади:

Маалқисса: айтурда ул маснавий,  
Агарчи бор эрдим алар<sup>106</sup> пайрави,  
Вале дер замон қайси бир дафтарин,  
Сочиб баҳри андешанинг гавҳарин,  
Анга зебу зийнатлар эттим фузун—  
Ки васфи эрур шарҳ этардин узун<sup>107</sup>.

Навоий оригиналлик, новаторлик учун фақат йирик жанр соҳасида эмас, балки, ҳамма жанрлар соҳасида курашар эди. Навоий ғазаллари унинг салафлари—Саъдий, Хофиз, Лутфий ғазалларига нисбатан композицион жиҳатдан изчилроқ, уларда асосий темадан четга кўпда чиқилмас эди. У ҳар ғазалини янги ҳис, янги мазмун, янги ранг билан суғорар, шунинг учун ҳам унинг бу хил асарлари яратилган замониёқ халқнинг дилига жо бўлиб, оғиздан оғизга кўча бошлар, куйга солиниб айтила бошлар эди. Чунки улар ҳар томонлама халқнинг бадий тараққиётида янгилик бўлар эди. Бироқ Навоий атрофида яна шундай шоирлар ҳам бор эдики, улар ўзлари янгиликка интилмас, Навоий кабиларнинг асарларидан нусха кўчиришга ўрганиб қолган, ҳатто кўчирганда ҳам бузиб кўчирар эдилар. Навоий уларни доим қаттиқ танқид қилади. У, «Ҳайратул-аброр»да ўзидан бузиб кўчирган, унга бесўнақайлик билан эргашмоқчи бўлган, унинг шеърларига путур етказган бундай «шоир»лар ҳақида хафа бўлиб, уларни эса масҳара қилиб ёзади:

<sup>105</sup> Танланган асарлар, 2 т., IV к., 43-бет.

<sup>106</sup> Низомий ва Деҳлавий назарда тутилади.

<sup>107</sup> Танланган асарлар, 2 т., V к., 28-бет.

Чун анга<sup>108</sup> бу хайли жафогар этиб,  
Хуллаларин ғорату торож этиб,  
Жисмида не ҳулла қўюб, не ҳарир,  
Узини бедод ила айлаб асир,  
Зоҳир этиб йиғлагудек ҳол анга,  
Кийдурубон эски қаро шол анга.  
Турфа буким, шеър қўюб отини,  
Еткурубон кўкка мубоҳотини;  
Турфароқ улким тануримни билиб,  
Ҳақдин уёлмай менга зоҳир қилиб.  
Ваҳки менга жилвагар айлар чоғи,  
Истабон эҳсон доғи, таҳсин доғи.  
Кўнглима кўп теги жафо урдилар,  
Дема кўнгул, жонима еткурдилар<sup>109</sup>.

Масалан, Аёзий деган шоир<sup>110</sup> уч йил бурун қандай бўлса, кейин ҳам шундайлигича қолган. Аёзий ўз шеърини ўқиётганда Навоий осонлик билан олдиндан, у ҳар байтнинг охирига етмасдан, сўзнинг йўналишига қараб, қофиясини айтиб турган. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи қуйидагиларни ҳикоя қилади:

«Мавлоно Аёзий ғариб шакллик киши эрди. Атворит ва сўзи ҳам, хоҳ назм ва хоҳ наср, ғариб эрди. Фақир бир мажлисда Пулимолонда ани кўрдим. Бир анжуманда бир қасидасин ўқур эрди. Ҳар байт бунёда қилса, сўз усулбин, қофиясин айтаберур эрдим. Бағоят ҳайрат қилди. Уч йилдин сўнгра Боғи сафедда яна бир мажлисда биайниҳи ушмундоқ воқе бўлди. Ул яна ҳайрат бунёд қилди. Бурунки мажлис аҳлидин бу мажлисда ҳам неча киши бор эрди. Андин сўрдиларким, ҳаргиз бу навъ киши кўрубмусен? Чун кўзида заъф бор эрди, деди: «Кўрмаймен, магар уч йил бурунроқ Пулимолонда бир йигит кўрдим. У дағи бу навъ шуъбадобозлик қилди. Мажлис аҳли кулуштилар»<sup>111</sup>.

Бундай ҳодисанинг рўй беришига сабаб, бир томондан Навоийнинг адабиётдан зўр билимдонлиги, зийраклиги, тез фаҳмлилиги бўлса, иккинчи томондан, Аёзий шеърда оригиналлик йўқлиги, чайналган қофияларни ишлатиш бўлган.

<sup>108</sup> Навоий шеърларига дейилмоқчи.

<sup>109</sup> „Нәжрәтүл-әбғар“, 22—23-бетлар.

<sup>110</sup> Ойбек ўзининг «Навоий» номли тарихий романида Мавлоно Аёзийни Мавлоно Хусравий билан алмаштириб юборди. (Қаранг: Ойбек, «Навоий», 195-196-бетлар).

<sup>111</sup> Танланган асарлар, 3., 49-бет.



Навойй «Мажолис»да плагиатчи Мавлоно Наргисий ҳақида ёзади: «Қайдаким жузъий ранг ва маъни кўрса, тасарруф қилурға одат қилибдур»<sup>112</sup>.

Лекин ўз даврининг ҳақиқий ёзувчиси, ўз даврининг улуг ҳаками Навойй адабиёт ҳодисаларига ҳар доим виждонли муносабатда бўлиб, бу соҳада ҳам доим адолат, ҳақиқат йўлини тутди, бу соҳадаги ноҳақ қарашларга қатъий зарба берди. Маълумки, Навойй Лутфийни ўзига маълум ўзбек шоирларининг энг кўзга кўрингани, ўз даврининг «маликул-каломи», оригинал санъаткор деб ҳисоблар эди. Лекин Самарқанддаги бир гуруҳ адабиётчилар эса ўз ҳамшаҳарлари — Саккокийни ундан юқори қўйиб, Лутфийни эса плагиатда, яъни Саккокийдан кўчирмачиликда айблар эдилар. Навойй Самарқандда яшаган вақтда улардан ўз фикрларини исбот қилишларини талаб қилган. Аммо улар исботлай олмаганлар. Шунинг учун ҳам Навойй самарқандли адабиётчиларнинг бу хил пуч гаплари ҳақида: «Ул ерларда бу нав ўхшаши йўқ, мазасиз мукобаралар гоҳи воқе бўлур»<sup>113</sup> деб ёзади.

Чиндан ҳам Лутфийнинг салкам бир асрлик ижоди Саккокий ижодига нисбатан оптимистикроқ, ўзига хос кўп оригинал хусусиятларга эга, ёрқин талант меваси бўлиб, ўзидан кейинги ўзбек шоирларига, Саккокийга қараганда кўпроқ таъсир кўрсатар эди.

Халқ талабига жавоб бера оладиган оригинал асарлар ёзиш, новатор бўлишнинг биринчи шarti эса, Навойй фикрларидан объектив хулоса чиқарганда, бадиий маҳоратни эгаллашдир. Шунинг учун ҳам у поэтик маҳорат масаласига жуда катта эътибор беради, кўп тўхталади. Навоййнинг фикрича, кимки сўз санъатини яхши эгаллаган, яъни «сўз баҳрида ғаввос» бўлса, кимки энг яхши идеялар билан қуролланган бўлса, ўша одамгагина «файз ҳаримида», яъни бадиий ижод соҳасида ғалабага муяссар бўлади, маъно машъаллари унга ўз нурларини сочади, ўзига керакли сўзларни, ўзига зарур фикрларни у осонлик билан топа олади. Бу фикрларни Навойй «Ҳайратул-аброр»да шундай баён қилади:

Ул киши сўз баҳрида ғаввосдур,  
Ким гуҳари маъни анга хосдур —

<sup>112</sup> Ўша китоб, 72-бет.

<sup>113</sup> Танланган асарлар, 3 т., 58-бет.

Файз ҳаримида тажалли анга,  
Ким ёрибон машъали маъни анга;  
Сўз майини ул киши ошом этиб,  
Ким дури маъни садафин жом этиб...<sup>114</sup>.

Навоийнинг назарида Низомий ҳамда Хусрав Деҳлавий поэтик маҳоратни мукамал эгаллаган шоирлар эди. Шунинг учун ҳам Навоий улар тўғрисида:

Ул иков устоди моҳир эди,  
Ким маҳорат аларда зоҳир эди<sup>115</sup>.

деб ёзади. Навоий поэтик маҳорат ҳақидаги фикрларини ўз салафлари, замондошлари ва ўз ижодига тўхталганда тобора конкретлаштириб ифодалайди. У ижодий ишда поэтик маҳорат аввало меҳнат қилишдан иборат деган идеяни илгари суради. У узоқ йиллар давомида систематик равишда оғир ижодий меҳнат орқасидагина Фирдавсийнинг «Шаҳнома»дек буюк асар ярата олганини айтади:

Рақам қилди фархунда «Шаҳномаи»  
Ки синди жавобида ҳар хомаи.  
Мусаллам дурур зоҳиран ул иши,  
Ки маъразга келмайдурур ҳар киши.  
Деди ўз тили бирла ул кони ганж:  
«Ки, си сол бурдам ба «Шаҳнома» ранж»<sup>116</sup>

Низомий ҳам худди шундай «ярим қарн заҳмат чекиб, қон ютуб» ўз «Хамса»сини яратган эдики, Навоий унинг ҳам бу меҳнатини чуқур ҳис қилиб, бу ҳақда ёзади;

Улуғларки сабти бу ҳарф этилар,  
Узун умрлар анда сарф этилар.  
Низомийки, назм аҳли устодидур,  
Анинг таъби сўз жинси наққодидур,  
Ки бу ганжлардур матои анинг,  
Матои неким, ихтирои анинг.  
Ҳамоноки элдин канори тутуб,  
Ярим қарн заҳмат чекиб қон ютуб,  
Топаолди беш ганж мифтоҳини,  
Яна онча вақт этти ислоҳини.  
Чу бир қарн давр этти чархи мудир,  
Чиқорди бу аъжубан дилпазир<sup>117</sup>.

<sup>114</sup> „Нәжрәтүл-әбғар“, 20—21-бет.

<sup>115</sup> Танланган асарлар, 2., IV к., 41-бет.

<sup>116</sup> Танланган асарлар, 1 т., 113-бет. Охирги мисра, таржима-си: «30 йил «Шаҳнома» устида ранж чектим».

<sup>117</sup> Танланган асарлар 2 т., 387-388-бетлар.

Улуғ санъаткорлар учун ижодий иш бутун умр, бутун ҳаёт масаласи бўлиб, улар бунга ўзининг бутун борлигини бағишлаган, сўнги нафасигача унинг шавқ-завқи, тўлғоғи билан яшаган эдилар. Навоийнинг улуғ устозларидан бири—Лутфий ҳам шундай жиддий ижодкорлардан бўлиб, унинг умрининг сўнги дақиқалари ҳақида Навоий қуйидагиларни ҳикоя қилади:

«Ва ўтар вақтида бу ғазал матлаинким, туганмайдур эрди, васият қилдиким, ҳазрати Махдумий Нуран (Жомий—А. Х.) тугатиб, ўз девонларида битисунлар деб, ул ҳазрат ҳам тугатиб, ўз девонларида битидилар ва ул матла будурким :

Гар кори дили ошиқ бо кофирн Чин афтад,  
Беҳ зонки ба бадхўйи бемеҳри чунин афтад»<sup>118</sup>.

Навоийнинг ўзи ҳам худди шундай қаҳрамонона меҳнатлари, ўз ишига берилгани, катта талантига яраша катта қунтга эга бўлиши, олдига буюк идеяларни—халққа, ватанга онгли равишда шоирлик қалами билан хизмат қилишни қўйгани, унинг кетидан асло қолмагани туфайли феодал шароитда мисли йўқ даражада улуғ ижодий ютуқларга эриша олган эди.

Навоий «Дебоча»да; «Шукрким, бу банда назм василаси ва шеър воситаси билан тамом умр... кечурдим»<sup>119</sup>, деб ёзади. Навоий ижод чўққилари сари қандай интилгани ҳақида ўз маснавийларининг бирида яна қуйидагиларни ёзади:

Урармен қадам токи боргунча гом  
Ки, бўлғай муяссар менга ушбу ком.  
Агар бўлса бу йўлда умрим талаф,  
Чу бу йўлдадур ул ҳам эрур шараф.  
Ва гар бўлсам ўз қоима баҳраманд.  
Зиҳи мулки жовиду бахти баланд.  
Хушо улки оламда гар чекти ранж,  
Яна олам асбобига топти ганж<sup>120</sup>

Навоий ўз «Хамса»сининг иккинчи достони «Фарҳод ва Ширин»ни ёзишга киришар экан, у ўз меҳнатини энг

<sup>118</sup> Танланган асарлар, 3 т., 56-бет. Шеър таржимаси: Ошиқлар дилининг иши Чин гўзалига тушгандан кўра, шу сингари бемеҳр. Бадфеълга тушсин».

<sup>119</sup> ЎзССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Қўл-ёзма, Инв. № 1486, 6-бет.

<sup>120</sup> Танланган асарлар, 1 т., 117-бет

Оғир меҳнат — кон қазिशга, ўзини эса қўлида тош йў-  
нувчи теша ушлаган Фарҳодга ўхшатади. У ўзига хитоб  
қилиб дейди:

Қўюб вайроналарда телбаликни,  
Яна бир ганж сори сун иликни.  
Яна бир конни қозмоқликқа майл эт!  
Қазиб аҳбоб аро нақдин туфайл эт!  
Бу кон қозмоқни ҳарким қилди пеша,  
Керак хорофиган илгида теша.  
Сенга бу тешаварлик бўлса матлуб,  
Эрур Фарҳод ҳамсуҳбатлиғи хўб.  
Бу кон ишқида тешанг хора тез эт,  
Ани Фарҳод тоши бирла тез эт.  
Қўпуб Фарҳод бирла ҳаммасоф ўл,  
Итик митин била хорошигоф ўл!<sup>121</sup>

Навоий бундай зўр меҳнатни ўз бўйнига олиш би-  
лан аввало улуғ Низомий билан ижодий мусобақага  
киришган, шеърият майдонида унинг «панжасига пан-  
жа» уришга отланган эди. У бу мусобақанинг қийин  
бўлажagini жуда чуқур англаган ва сезган, шунинг  
учун ҳам:

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,  
Низомий панжасига панжа урмоқ...<sup>122</sup>

деб ёзган эди.

Навоий давридаги энг зўр қалам эгаларидан бири  
Абдураҳмон Жомий эди. Бу икки шоир доим бир-бири-  
га мададкор, бир-бири билан ижодий мусобақа ўйнаган  
ва даврнинг талаби даражасида турган эди. Навоий  
уни ўша даврнинг энг етук кишиси, энг буюк шоир  
деб таърифлайди. Унинг поэзияси ҳақида:

Қасри каломи чиқиб андоқ баланд —  
Қим анга гардун солаолмай каманд!<sup>123</sup>

деб, ўзи ҳақида эса:

Не камолот аро ниҳоят анга,  
Не маротибда ҳадду ғоят анга!<sup>124</sup>

<sup>121</sup> Танланган асарлар. 2. т., II к., 32-бет.

<sup>122</sup> Танланган асарлар, 2 т., II к., 26-бет.

<sup>123</sup> „Нәжрәтүл-эбғар“, 14-бет. Бу байт Навоийнинг «Хамсатул-  
мутаҳаййирин» асарида ҳам келтирилади. Аммо у ерда «қасри»  
сўзи ўрнига «назми» сўзи ёзилган. (ЎзФА Ш. И., Қўлёзма,  
инв. 7732, 46-бет).

<sup>124</sup> „Нәжрәтүл-эбғар“, 16-бет:

деб ёзар экан, вақти билан Навоийнинг ўзи ҳам ундан маҳорат қозонишни ўрганadi.

Навоий Жомийнинг камолот эгаси эканлигини гапирар экан, у бунда Жомийнинг фақат адабий-бадий билимини эмас, умуман ҳамма билимларни эгаллаганини назарда тутadi. Навоийнинг ўзи ҳам ўз даврида маълум ҳамма билимларни яхши эгаллаган ва ўз замондошларини ҳам адабий билимлар билан чегараланиб қолмасдан, бошқа билимлар — фалсафа, тарих, музыка, грамматика, астрономия, рассомлик ва ҳоказолар соҳасидаги ҳамма ютуқларни ўрганишга чақирар, бу уларнинг турмушни ва дунёни тўғри тушунишларида ёрдам берар эди. Масалан, Низомий ҳам ўз даврининг ҳамма билимлари билан пухта қуролланган эди.

XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳиротда маданий ҳаракат анча жонлангани учун, шоирлар ҳам кўп эди. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам шоирлик санъатини бир хилда эгалламаган эдилар. Уларнинг кўпчилиги учун шеър ёзиш қийин иш эдики, Навоий бу ҳақда:

Керак даҳр аҳлиға ўн кун жадал  
Ки беш байтдин боғлағай бир ғазал<sup>125</sup>

деб ёзади. Гап уларнинг фақат секин ёзишидагина эмас эди. Гап улар яратган адабий продукциянинг ҳам ғоявий, ҳам бадий жиҳатдан ниҳоятда пастлигида, жамият талабига жавоб бера олмаслигида, ўқувчиларга ҳеч қандай эстетик завқ бера олмаганида, халқнинг маънавий тараққиётига ҳеч қандай ёрдам бера олмаганида эди. Навоий «Маҳбубул-қулуб» асарида шоирларни бир неча гуруҳга бўлади. Охиргисини Навоийнинг ўзи «адно табақа» деб атайди. Бу табақага кирган шоирлар ҳеч шубҳасиз, катта сонни ташкил этган бўлиб, Навоий уларнинг асарлари ва ўзлари ҳақида ёзади:

«Яна адно табақаси жамоатидурларким, фақат назм била хушнуд ва хурсанд ва рози ва баҳраманддурлар ва юз машаққат била бир байтким боғлаштурғайлар, даъво авозасин етти фалақдин ошурғайлар, сўзларида не ҳақойиқ ва маориф нўшидин ҳаловат ва назмларида не шавқ ва ишқ ўтидин ҳарорат, не шоирона таркиблари аҳсан ва не ошиқона сўз ва дардлари шуъла афган. Баъзидин агар гоҳи бирор яхши байт воқе бўлур, аммо

<sup>125</sup> Танланган асарлар, 2 т., V к., 38-бет.

ўн онча ёмон даъво зоҳир бўлурки, ул ҳам зойи бўлур. Агар бири бир нозик маънида писандида пеш қилур, гўё ўзларига ақидада мувофиқдурлар ва сўзларига эътиқодда муттафиқ. Турфароқ буким ҳар бирининг сўзида маъно озроқ, ўзида даъво кўпроқ»<sup>126</sup>.

Навоийнинг ўз замондошлари ҳақидаги бу фикрлари тасодифий бўлмасдан, балки унинг адабий-танқидий меросида системали равишда ўрин эгаллаган. Масалан, «Маҳбул-қулуб»гача «Хамса»нинг биринчи достони «Ҳайратул-аброр»да ҳам Навоий ўз замондошлари ҳақида, ярим кулки, ярим ачиниш билан шунга яқин фикрларни ёзган эди:

Табъ кажу, барча такаллум намой,  
Нағма чабу, барча тараннум сарой.  
Англамайин сўзда туюқ баҳрини,  
Қайси туюқ, балки қўшуқ баҳрини.  
Лафзлари бемаза, таркиби суст,  
Носара маънию, адо нодуруст.  
Барчасига даъвийи маънийи хос,  
Хосларим топмай алардин халос»<sup>127</sup>.

Навоий бунда бу хил ўз замондошларининг аввало шоирликка қобилияти, таланти бўлмаган ҳолда бу майдонда бекорга уринишини, сўнгра уларнинг билимсизлигини, ёзган нарсасининг на бадий томонига, на мазмунига эътибор бермаганини, ўз хунарини эгаллашга жиддий эътибор бериш ўрнига мақтанчоқлик йўлига кириб кетганларини кулки остига олади.

Поэтик ижоднинг улуғ захматкаши Навоий ижодий меҳнатни ҳам реал тушунади ва бу, унингча, илгари яратилган меросни синчиклаб ўқиш, ўзлаштиришдан, турмушни, воқеликни ўрганишдан, системали равишда машқ қилиш, ёзишдан, янгилик қидиришдан иборатки, айниқса, биз бунининг замондошларига бўлган муносабати, уларга берган баҳоларида яққол кўрамиз.

Навоий замондошларидан кўпчилигининг ҳақиқий шоирлик даражасига кўтарила олмаганининг бош сабаби шундаки, Навоий даври адабий ҳаёти қатнашувчиларининг кўпчилиги адабиёт майдонига халқ учун хиз-

<sup>126</sup> محبوب القلوب 29-бет.

<sup>127</sup> „Ҳайратул-аброр“, 22-бет.

мат қилишни эмас, балки шуҳрат ортдиришни, кўнгил очишни мақсад қилиб қўйган. Улар, айниқса, юқори табақаларга мансубдирлар. Уларнинг юксак идеаллари йўқ, ахлоқий қиёфалари ниҳоятда паст эди.

Юқори табақалардан чиққан қалам аҳлларининг адабий ижодга бўлган муносабатларини ва бунга ўзининг қарашларини Навоий, айниқса, Осафий деган шоир устида тўхталганда яхши очиб берган.

Навоий Осафийнинг кўп феодал сарой шоирларига хос бир қанча жиддий нуқсонларини фош қилади. Навоий бу нуқсонларга хотима бермасдан туриб ижодий камолотга эришиш мумкин эмаслигини кўрсатади.

Навоий Осафийнинг нуқсонлари ва уларнинг оқибати ҳақида «Мажолис»да ёзади: «Аммо не табъин ишга буюрур, не хофизасин. Ятимвашлиқ ва раъно сифотлиқ ва худоройлиқ билан авқотин зойиъ қилур. Бу навъ ғариб сифоти кўпдурурким, айтса сўз узалур. Мутлақо пандпазир эрмас. Бу жиҳатдан бағоят парешондур»<sup>128</sup>.

Демак, Навоий Осафийнинг биринчи камчилиги қилиб унинг ўз устида, ўз билимини ошириш устида, муттасил шеър ёзишни машқ қилиш орқасида ўз санъаткорлигини ўстириш устида ғам емаслигини, қайғирмаслигини кўрсатади. Шоир ўз устида ишламаса, кўп ўқимаса, мустаҳкам билимга, юқори савияга эга бўлмаса, у ўз талантини муқаррар маҳв қилишини Навоий жуда яхши билган. Навоий «Мажолис»да ўз талантига, саводсизлигига совуққонлик билан қаровчи Мавлоно Қанбарий<sup>129</sup>, Мавлоно Зайний<sup>130</sup>, Шоҳи қули Уйғур<sup>131</sup>, Со-

---

<sup>128</sup> Танланган асарлар, 3 т., 65—66-бетлар.

<sup>129</sup> Навоий «Мажолис»да ёзади: «Мавлоно Қанбарий Нишопурдиндур. Оми киши эрди, аммо назм айтурда чолок эрди ва шеърда ҳам чошни бор. (Танл. ас., 3 т., 44-бет).

<sup>130</sup> Навоий «Мажолис»да ёзади: «Мавлоно Зайний—дилпазир табълиқ киши эрди. Агарчи оми эрди, аммо шеъри холи аз ранг ва чошни эмас эди. Фазал кўпрок айтур эрди. Асли Сабзавордин эрди ва Мир Шоҳий била суҳбат тутуб эрди» (Танл. ас., 3 т., 45-бет).

<sup>131</sup> Навоий «Мажолис»да ёзади: «Шоҳ қули Уйғур кичикдин табъи таҳсилға ва аксар фазлиётга мулойим эрди. Ота-онанинг суюклиги жиҳатидан оми қолди ва кўпрақ қобилияти зойи бўлди. Қабиланинг мирзосидир. Хукм улдурким, ул қилғай. Муаммода табъи мулойимдур». (Танл. ас., 3 т., 117—118-бет).

қий<sup>132</sup> ва бошқаларни ҳудди шу сабаблар билан танқид қилади, шу сабаблар орқасида уларнинг баъзиларининг қобилиятлари зое бўлганига ачинади, уларни қойийди, уларнинг ўз хатоларини тузатиб олишларига умид боғлайди. Чунки уларнинг кўпчилигида, ўқиш, ишлан қобилияти бўлган.

Осафийнинг иккинчи катта нуқсони қилиб Навоий унинг ўзига оро беришини, худбинлигини, ўз шахсий хоҳишича иш кўришини, жамиятдан узилиб яшашини ва маишатпарастлигини, ўзининг кўпчилик вақтини шундай бемаъни ишларга сарф қилиб, ижодий ишга аҳамият бермаслигини ва бошқаларни кўрсатади. Навоийнинг фикрича, шоир бу хил нуқсонларини йўқотмасдан туриб халқнинг орасида шуҳрат қозона олмайди, унинг ижоди халқ аҳамиятига эга бўлмайди. Чунки у ўз қобилигига ўралиб қолган, ташқари чиқа олмаган, халқнинг ичига кира олмаган бўлади. Бу жиҳатдан Навоий «Мажолис»да ўз устози Мавлоно Яхё Себакни ҳам танқид қилиб ўтади, унинг тўғрисида «Гўша ихтиёр қилғон жиҳатдин латоифи табъи озроқ шуҳрат тутти»<sup>133</sup>, деб ёзади. Ашраф ҳақида ҳам: «Эл била дағи омезиши оз эрди»<sup>134</sup>, деб ёзиб, уни объектив танқид қилади.

Маълумки, шоирларга халқ билан, турмуш билан яқиндан боғланишни тарғиб қилган Навоий ўз «Хамса»сини ниҳоятда бир қисқа муддатда ёзиб тугатади. У шу даврда ҳам, гарчи бу унинг ижодий ишига вақт масаласида катта ҳалал берса—да, халқ билан, жамият ишлари билан алоқасини узмаган. Жамият билан узвий боғланган ҳолда ижод қилиш Навоий асарларининг ғоявий ва бадиий фазилатларини оширишда, адабиётнинг турмуш олдидаги вазифаларини аниқлашда

---

<sup>132</sup> Навоий «Мажолис»да ёзади: «Соқий-Жаъфар бахши ўғлидур. Кичигида, қобилияти кўп эрди ҳам назмларга, ҳам сойир инсониятга, турки ва форси шеърда рушди бор эрди ва сипоҳийлиғ тариқила жалолати ул мартабада эрдиким, Хуросоннинг сипоҳийларидин мутааййин ва муқаррар кишилар анн имкони борича таъриф қилурлар эрди. Аркони давлат қошида, балки подшоҳ ҳазратида мултафат ва мақбул эрди. Ҳеч маълум бўлмадиким, анга не бало урдиким, ушбу сифатларидин ҳечнима анда қолмади ва эл орасидин чиқти. Умид улким, бу идборин ҳақ таоло иқболга мабаддал қилгай». (Танл. аср. 3 т., 118-119-бетлар).

<sup>133</sup> Танланган асарлар, 3 т., 18-бет.

<sup>134</sup> Уша китоб, 16-бет.



муҳим роль ўйнаган. Навоий «Сабъаи-сайёр»нинг тугалланиш қисмида ёзади:

Ўтуб авқотим эл газофи била,  
Чину ёлғон сўз ихтилофи била,  
Йўқ куну кеча хўрду-хоб менга,  
Кеча ғам, кундуз изтироб менга.  
Эл ғулуси қилиб мени мабхут,  
Ғам кўнгулга ғизоу, жонима қут.  
Бўйла аҳвол ила мени мазлум,  
Мунча фурсатда<sup>135</sup> қилғоним манзум  
Яхши ғар бўлмаса, ёмон ҳам эмас.  
Ёмони кимки яхши бўлса, демас<sup>136</sup>.

Улуғ рус реалист ёзувчиларининг деярлик ҳаммаси ҳақиқий ёзувчи бўлиш учун турмуш билан яқиндан боғланишни, ундан ўрганишни тарғиб қилар эдилар. Л. Н. Толстой ёзади: «Фикр жамиятнинг орасида туғилиши керак, уни ишлаш ва ифодалаш эса ёлғизликда бўлади»<sup>137</sup>. А. П. Чехов эса: «Агар мен врач бўлсам, менга касаллар ҳамда касалхона керак; агар мен адабиётчи бўлсам, у чоғда мен халқ орасида бўлишим керак...»<sup>138</sup> дейди. Бу ҳақда А. Н. Островскийнинг фикрлари ҳам жуда характерлидир: «Талантнинг кучлари тўла авжга миниши учун, талант олмос сингари қирраларга эга бўлиб ҳар томонлама ўсиши учун турмуш бўронларини яқиндан кўриш, баъзан бошдан кечириш керак. Акс ҳолда унинг ҳиссасига, «Ширин ва ибодатга оид товушлар берувчи» ларгина тегади, бунга эса энди «бизнинг» ҳавойи авлод» кам хайрихоҳлик билдиради»<sup>139</sup>. Бу фикрларни Навоийнинг шу ҳақдаги фикрларига солиштириб қараганимизда, ўзбек адабиётининг тонгидан бошлабоқ улуғ санъаткорнинг адабиётда ҳаққонийлик учун нақадар тўғри ва изчил курашганини, ҳақиқий санъаткорлик сирларини билишга нақадар чуқур кириб борганини, уларни дадил эгаллаб, назарий жиҳатдан асослаб, ҳатто адабий ҳаётга татбиқ эта бошлаганини кўраимиз.

Осафийнинг учинчи катта нуқсони, бу — унинг «панд-пазир» эмаслиги, яъни танқидга бутунлай бепар-

<sup>135</sup> Тўрт ойда (бунда Навоий «Сабъаи-сайёра»ни тўрт ойда ёзиб тугатганига ишора қилади).

<sup>136</sup> Танланган асарлар, 2 т., IV к., 299-бет.

<sup>137</sup> «Русские писатели о литературном труде» 3 т., 439-бет.

<sup>138</sup> «Русские писатели о литературном труде». 3 т., 75-бет.

<sup>139</sup> «Русские писатели о литературном труде» 3 т., 75-бет.

во қараши, танқидни қабул қилиб, ундан ўз ижодий ишига хулоса чиқармаслиги бўлган. Навоий, «Мажолис»да Мавлоно Хусравий, Мавлоно Риёзий, Мавлоно Хуррабий ва бошқаларни ҳам худди шунинг учун танқид қилган. Навоий Хусравий ҳақида ёзади; «Мавлоно Хусравий даъволик бузург маниш ва тунд хўй киши эрди ва фақир қошига баъзи маҳалда шеър келтурса эрди, бурунроқ андоқ калом сурар эрдиким, дахл қилмоқ йўли боғланур эрди. Заруратан барча шеърин таҳсин қилмоқ керак эрди»<sup>140</sup>.

Навоий Риёзий ҳақида ёзади; «Мавлоно Риёзий ҳам Самарқандликдур. Бадхулқ ва муъжиб киши эрди. Баъзи ғазаллари яхши тушар эрди. Бу матлаъ анингдурким:

Ситора ест дар гўши он ҳилол обрў  
Зи рўйи ҳусн бахуршед мезанад паҳлў<sup>141</sup>.

Икки мисраъ орасида рабт жиҳатидин бир «ки» лафзи керак. Фақир анга дедиким, бу навъ яхшироқ бўлғайму ким;

Зи рўйи ҳусн дурн гўши он ҳилол абрў  
Ситораестки, бо моҳ мезанад паҳлў<sup>142</sup>.

Инсоф юзидин керак мусаллам тутса эрди, жадал бунёд қилди. Фақир сокит бўлдим. Ўз ёронлари талаштилар»<sup>143</sup>.

Хуррабий ҳақида эса: «Бовужуд мунча турфалиқ шеър ҳам айтур ва анда кишини писанд қилмас»,<sup>144</sup>— деб ёзади.

Навоий ҳар қандай тўғри танқидни қабул қилган. Чунки у ўзи учун эмас, том маъноси билан халқ учун ижод қилган. Навоий ижодий процессни ниҳоятда мураккаб бир процесс деб билиб, шеърни, яъни адабий асарни фарзанд билан, ўғил билан тенглаштиради. У, ота ўз ўғлининг, фарзандининг айбини кўрмай қолиши ҳам мумкин дейди. Навоий «Сабъаи Сайёр»да ёзади:

<sup>140</sup> Танланган асарлар, 3 т., 44—45-бетлар.

<sup>141</sup> Таржимаси: «У ҳилол (ингичка) қошлининг қулоғидаги инжу юлдуздир, ҳусн юзасидан қуёшга ёндошиб туради».

<sup>142</sup> Таржимаси: «Ҳусн юзасидан у ҳилол қошлининг қулоғидаги инжу шундай бир юлдуздики, ой билан ёндошиб туради».

<sup>143</sup> Танланган асарлар, 3., 54-бет.

<sup>144</sup> Уша китоб, 70-бет.

«Ки неча назм суст ё сода,  
 Чун эрур кимса таъйига зода;  
 Зодаи таъ элга хуш кўрунур,  
 Угли зангига ҳурваш кўрунур:  
 Шеър ҳам чун кишигадур фарзанд  
 Кўнглига қуту, бағрига пайванд.  
 Зишт эса қойили кўрар ани хўб,  
 Элга мардуд эрур, анга марғуб.  
 Бас бу бир неча бикри субҳ гаҳи,  
 Ки менга айбдин кўрунди тиҳи.  
 Чун ўғул айбини ато кўрмас.  
 Кўрса ҳам қилғонин хато кўрмас.  
 Воқнаи яхши гар ёмонму экин,  
 Дилрабо йўқса жонситонму экин.  
 Яхшилиқ бирла бўлса гар шойиъ,  
 Бўлмагай ранжу меҳнатим зойиъ.  
 Ганж уммедидин улки кўргай ранж,  
 Ранжи зойиъ эмас чу топқай ганж»<sup>145</sup>.

Навоий асар жамиятга фойдали бўлсин учун, ҳар қанча меҳнат талаб қилинса, бажариш кераклиги идеясини илгари суради.

Навоий «Мажолис»да Абдуссамад Бадахший билан, у Навоийнинг тўғри танқидини қабул қилгани учун, дўст тутинганини ёзади<sup>146</sup>.

Навоий Осафийнинг бу хил муҳим камчиликларини кўрсатиб, унинг ижоди ҳақида: «Бу жиҳатдан бағоят парешондур» деб ёзади.

Навоий замондошларидан ва шоғирдларидан бири— Хондамир ўзининг «Макоримул-аҳлоқ» китобида Навоийнинг Осафийни танқид қилгани ҳақида яна ажойиб бир характерли мутойибани ёзиб ўтади. Бу ўринда шу мутойиба билан ҳам танишиб ўтишимиз мумкин:

«Бир куни бу соф кўнгилли Амир замоннинг закиси ва фасоҳат ҳам зарофатда шоирларнинг юқори даража-лиги Хўжа Осафийга насиҳат қилиш учун муборақ тилини баёнга келтирди ва шу вақтда айтдики: мен сенга

<sup>145</sup> Танланган асарлар, 2 т., IV к., 294-бет.

<sup>146</sup> Мавлоно Абдуссамад Бадахший ҳам Бадахшондиндур-Султон Абу Саид Мирзо замонида Ҳирига келди. Подшоҳ анга ўз тарихин буюрди. Маснавийгўй эрди, мунсиф киши эрди, бир байтда тажнис хаёл қилиб, қофияни ғалат қилиб эрди, фақир ани воқиф қилғоч, филҳол мутанаббих бўлди ва изҳори миннатдорлик ҳам қилди ва бу иш анинг била фақир орасида ошноликқа сабаб бўлди (Танл. ас. 3., 41-бет.)

Ҳайрон бўламанки, бирдан-бир зиҳнинг ва табинг бўла туриб шеърлар тўқиш билан кам шуғулланасан ҳам вақтларингнинг ҳаммасини маъносиз, фойдасиз ишларга сарф қиласан. У, ҳозирги фурсатларда борган сайин кўпроқ шеърлар айтишга машғул бўлаётгирман; масалан, ўтган кеча икки ақчалик шам ёниб битганга қадар бўлган фурсат ичида икки юз байт тўқидим, — деди. Олий ҳазрат, демак у тизмалардан юз байти бир оқча (тийин) баробарида бўлган эканда, — деди»<sup>147</sup>.

Бунда биз, Навоийнинг ижодий ишда ҳар қандай шошма-шошарликка, пала-партиш ҳаракатларга, танқидни юзаки тушуниш, адабий ижодда сон учунгина тирриши ҳолларига қатъий қарши турганини кўрамиз.

Навоий «Мажолис»да Осафийни танқид қилиш билан бирга, умуман, ҳақиқий шоир бўлиш учун, илғор шоир бўлиш учун зарур бир неча шартларни қўяди. Навоийнинг фикрича, замонасининг бошқаларга ўрнак бўладиган энг етук шоири Абдураҳмон Жомий бўлган. Жомий доим ўз устида ишлаган, поэзия билан доим шуғулланган, ва ўз санъаткорлигини ошира борган. Масалан, Навоий «Хамсатул-мутаҳаййирин»да Жомийнинг ўқувчилик йиллари ҳақида ёзади: «Агарчи бир неча вақт биз—зарура улум касбиға иштиғол кўргузубдурлар, аммо ҳеч вақт назм оинидин холи эмас эканлар»<sup>148</sup>.

Жомий сарой шоирларининг туриш-турмушига қарама-қарши ўлароқ, доим ўзини содда олиб, оддий кийиниб юрган, бир минут вақтини бекорчи ишга сарф қилмаган. Унинг одамлар орасида ўзини қандай тутиши ҳақида Навоий «Хамсатул-мутаҳаййирин»да қуйидагиларни ёзади:

«Аларнинг камолоти овозасин эшитиб йироқ йўллар қат қилиб муборак суҳбатларига мушарраф бўлурға келганлар аларни асҳоб оросида гоят бетайинлиқдин мутлақо танимаслар эрдиким, ўлтурур—қўпарда, айтмоқ—эшитмак ва емак ва киймакда ўзлари била сойир мулозимлари оросида тафовут йўқ эрди. Киши улум зоҳиридин ва маънавийдин бир масъала илқо қилмағунча ҳаргиз алардин ул қобилият ва истиқрони маълум бўлмади. Аммо масъала илқосидин сўнгра доғи бори

<sup>147</sup> Ғиёсиддин бинни Ҳумомиддин Хондамир, «Макоримул-ахлоқ», 62-63-бетлар.

<sup>148</sup> ЎзССР ФА, Ш. И. Қўлёзма. № 7732, 5-лист.

улумға маҳобат ва истихзор ул мартабада ихтиёж бўлмади»<sup>149</sup>.

Жомий ўз қобиғига ўралиб қолмасдан, турмушнинг ичида бўлишга ҳаракат қилган, ҳатто, давлатнинг сиёсий ишларига ҳам аралашган, қизиқиб турган. У кўп вақт Навоийнинг тадбирларини маъқуллаган, унга ёрдам беришга интилган, у баъзан Навоий орқали подшоҳнинг ҳалққа қарши қаратилган ҳаракатларининг олдини ҳам олмоқчи бўлган. Масалан, Ҳусайн Байқаро Кундуз юришига тайёргарлик кўраётганда Жомийнинг Навоийга нима дегани ҳақида биз «Хамсатул-мутаҳаййирин»да қуйидагиларни ўқимиз:

«Подшоҳ Кундуз вилояти азиматиға черик илғоғонда аларнинг ва ҳеч кимнинг ул юриш давлатхоҳи эмас эрди. Фақирға деб эрдиларким, улча мумкин бор, бу юришнинг манъиға саъйи қилғойсен ва ул матлаб сурат боғламағай, Азимати жазм бўлса бизга битиб юборгайсан. Улча мумкин ва мақдур эрди саъй қилилди. Чун ҳақ субхонаху ва таоло тақдири борурға эркандур, Тахт Хотун деган ердин азимат мусаммам бўлди, фақир алар хидматиға бу кайфиятни битиб руқъа юбордим»<sup>150</sup>.

Шунинг учун ҳам Жомий ижоди халққа яқин, унинг манфаатлари билан боғланган эди.

Жомий ўз даврининг етук кишиларидан бири бўлишига қарамасдан, ҳар қандай тўғри, адолатли танқидга ҳам самимий қаради. Жомий, айниқса, ўз ижодида Навоийнинг танқидларига ҳурмат билан қаради. Жомий Навоий ижодида қанчалик катта роль ўйнаган бўлса, Навоий ҳам унинг ижодида шунчалик катта роль ўйнаган эди. Навоий бу ҳақда «Муҳокаматул-луғатайн»да, «Хамсатул-мутаҳаййирин»да бир неча мартаба очиқ гапириб ўтади.

Ижодий ишга совуққонлик билан қаровчи шоирлардан «Мажолис»да Навоий яна бир қанча кишиларнинг номларини зикр қилади.

Навоий «Мажолис»да Абулқосим Бобирнинг сарой шоирларидан Вали Қаландарнинг ўз ишига, биринчи навбатда, ўз ижодий ишига бўлган муносабатини унинг ўз сўзи, ўз шеъри орқали очади. Вали Қаландар энг ёмон шоир ҳисобланишига қарамасдан, ўз ижодининг

<sup>149</sup> УзССР ФА, Ш. И. Қўлёзма. № 7732, 4-лист.

<sup>150</sup> Ш. И. Қўлёзма № 692, 32 л. (6).

тақдирига совуққонлик билан, масъулиятсизлик билан, ялқовлик, ишёқмаслик билан қарашга одатланган бўлади. Навоий Вали Қаландарнинг аҳволини жуда тўғри акс эттирган унинг ўз шеърини усталик билан топиб келтиради. Навоий ёзади:

«Вали Қаландар Бобир Мирзо остонида мулозим эрди. Хира ва далер ва беҳаё киши эрди. Сухондонлар орасида бадшеърликка машҳур эрди. Пир Будоғ Ҳири шоирларин Шерозга элтганида ул ҳам борди. Нодиран бу матлаъи яхши воқе бўлубтурким:

Наям малулки, корам наку нашуд—бад шуд,  
Шавад—шавад, нашавад, кў машав чи хоҳад шуд»<sup>151</sup>.

Таржимаси: «Ишим яхши бўлмай. ёмон бўлганига хафа эмасман; бўлса бўлар, бўлмаса, охири нима бўларкан?»

Мавлоно Қавсарий деган эса, шеър ёзишга қобилияти, имконияти бўлишига қарамасдан, бу иш билан изчил шуғулланмаган, хушига келганидагина шуғулланган, бу ишга ўзида эҳтиёж сезмаган. Навоий унинг тўғрисида ёзади: «Мавлоно Қавсарий—Ҳирилиқ дурур. Қичикдин бери табъида назм айтур қобилият бор, аммо машғуллуқ қилмас»<sup>152</sup>.

Навоий ўз асридаги талантли кишиларга улар ўз таланти билан кўзга кўринишлари учун ёрдам берган. Ўз талантини тарбиялашга, таланти билан халққа хизмат қилишга интиломовчи кишиларни қаттиқ қоралаган. Шеър орқали шуҳрат чиқариб, амалдорларга танилишга, инъомлар олишга интилувчи «шоирларда мабодо шеър ёзишга заррача қобилият бўлса, бу ҳам уларнинг ўзларини тута билмаганликлари, ёмон сифатлари туфайли маҳв бўлган. Уларни кишилар тақдирламаган, уларнинг онда-сонда қўлга киритган адабий муваффақиятларига ҳам эътибор билан қарамаганлар.

Бунга ҳам Навоий «Мажолис»да бир қанча мисолларни олиб келади. У Мавлоно Хусравийни «даъволик бузург маниш» деб атайди; Хожа Абу Исҳоқ ҳақида эса: «Толиби илм ва хуштаб» йигит эрди. Аммо бадхўй ва мутақаббир ҳам бор эрди»<sup>153</sup>, деб ёзади ва ҳоказо

<sup>151</sup> Танланган асарлар, 3 т., 45-бет.

<sup>152</sup> Танланган асарлар, 3 т., 75-бет.

<sup>153</sup> Танланган асарлар, 3 т., 41-бет.

Бу жиҳатдан Навоий танқидчилигидан Биноийга ажратилган ўринлар, умуман, Навоий танқидчилигининг қизиқ моментларидан биридир. Навоий Биноийнинг юксак талантига тан берган. Шу билан бирга Навоий Биноий ҳулқининг баъзи томонларини кескин равишда қоралаган. Навоийнинг ёзишича, Биноий «Муъажжиб» ва мутасаввурлиғидин эл кўнглига мақбул бўлмади. Бу сифат салби учун фақр тариқин ихтиёр қилди ва риёзатлар ҳам тортди, чун пири йўқ эрди, ўз бошича қилган учун ҳеч фойда бермади. Эл таън ва ташниъидин Ҳирида тура олмай, Ироққа борди, андин дағи ушбу рангда овозалар юборди»<sup>154</sup>.

Навоий шоирларнинг ахлоқини баҳолашга ҳар томонлама ёндошган. У «Мажолис»да Мавлоно Замоийни ўзидан катта шоирнинг таҳаллусини ўзига таҳаллус қилиб олгани, яъни камтарин эмаслиги учун койийди ва дейди: «Муносиб эмас эрдиким, улуг кишига бежиҳат таҳаллусда шарик бўлғай»<sup>155</sup>.

Навоий Мавлоно Садр Қотибийнинг эса ичкиликка берилиб, ижодий ишини барбод қилганига афсусланади ва: «Чоғир ани андоқ мағлуб қилиб эрдиким, ихтиёри ҳеч ишта йўқ эрди»<sup>156</sup>,—деб ёзади.

Ўз тазкирасида Навоий баъзи шоирларни уларнинг хасислиги, кўполлиги, ўзларини ифлос ва ёмон тутишлари учун уришади. Навоий ҳам, Абдураҳмон Жомий сингари, айниқса тамаъгарликнинг душмани эди. Жомий ўзининг «Силсилатуз-зиҳаб» асарида бундай шоирларга бўлган муносабатларини жуда яхши ифода этган»<sup>157</sup>. Навоий ҳам бу ҳақда ўзининг кўп асарларида ёзади. «Мажолис»да эса бунга бир қанча қизиқ мисолларни учратимиз. Улар орасида Навоийнинг, айниқса, Мавлоно Соҳиб Балхий ҳақида ёзганлари характерлидир:

«Мавлоно Соҳиб Балхий—бовужуди шеър фанида маҳорат адвор ва мусиқий фанида ҳам комил эрди ва ўз ғазалларини ўз амалларига (куй—А. Ҳ.) боғлабдурким, далолат анинг фазойилига қилғай. Ул жумладин «Чаҳоргоҳ» амалидурким, машҳурдурур... Ва хожа Сал-

<sup>154</sup> Уша китоб, 66-бет.

<sup>155</sup> Танланган асарлар, 3 т., 80-бет.

<sup>156</sup> Уша китоб, 49-бет.

<sup>157</sup> Абдураҳмон Жомий, «*هفت اورنگ*», Тошкент, Литография, 1914, 31—32-бетлар.

моннинг маснуъ қасидасига жавоб айтибдурким, андин кўп истеъдод маълум бўлур... Ва таъбида таъма муфрит учун бовужуд фазойил эл қошида иззати камрак эрди.»<sup>158</sup>.

Шоирлик номини доим юқори, пок тутган Навоий ўзига замондош қалам аҳлларини халқ олдида ибратли бўлишига, шоирлик номига доғ текизмасликка чақирар эди. Шоирлар, унинг фикрича, халқнинг устози, ўргатувчиси бўлиши керак эди. Аммо Навоий яшаган даврда бундай ёзувчилар кам топилар эди. Чунки шоирларнинг ўзининг тарбияси ҳам мавжуд ижтимоий тузимга боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам Навоий ўзининг сўнгги йирик асари — «Маҳбубул-қулуб»да ўзига замондош шоирлар ҳақида қуйидаги кескин мисраларни ёзган эди:

Аълоларидур нединки дерсен аъло,  
Аднолар ҳам барча данийдин адно.  
Авсатлариким, ҳечнимага ярамагай,  
Балким нафас урмамақ алардин авло<sup>159</sup>.

Навоийнинг ўз даври адабиёти ҳақидаги мулоҳазаларидан шу нарса маълум бўладики, Навоий удавр адабиётининг айрим ютуқлари билан фаҳрланган ҳолда уни асло идеаллаштирмаган. Демак, Навоийнинг фикрича, у давр адабий ҳаракатчилигининг катта нуқсонини шоирларда адабий маҳоратнинг етишмаслиги эди. Бироқ Навоий ўз даври адабий ҳаётидаги камчиликларнинг сабабларини кўпроқ жамиятнинг ижтимоий тузилишидан қидирмай, асосан талантларнинг қобилияти, ижодий ишга шахсий муносабати ва бошқалардан қидириб, адабий-танқидий қарашларида ҳам идеалистик позицияда қолди. Маълумки, Навоийнинг ўзи ҳам Хуросоннинг энг катта феодалларидан бўлишига қарамай ижодий иши учун етарли имкониятга эга эмас эди. Феодал шароитда юз бериши қонуний бўлган донмий ғавғо ва ташвишлар унга ҳеч тинчлик бермас, осуда ҳаётга эришиб, нормал ижодий шароитга етишиш унинг умр бўйи орзуси бўлиб қолган эди. У ўзига нисбатан ниҳоятда талабчан бўлиб, ўз ёзганларига ҳеч кўнгли тўлмас, шароит бўлганда, бундан ҳам яхши ёза олишини айтар эди. У хусусан «Ҳайратул-аброр» ҳақида:

<sup>158</sup> Танланган асарлар, 3 т., 20-бет.

<sup>159</sup> «محبوب القلوب» 29-бет.



Риштаи авқот чу кўтоҳ эди  
Келмади ул навики дилхоҳ эди<sup>160</sup>

дейди ва давом этиб ўқувчига ўз орзуларини шундай баён этади:

Бўлса эди онча менга даст рас,  
Қим кеча—кундузда бир—икки нафас;  
Раф ўлубон меҳнату фарсудалиқ,  
Етса эди ком ила осудалиқ!  
Гўшаи хилват аро айлаб нашаст,  
Табни қилсам эди фикрат параст.  
Назм дури истарига хос ўлуб,  
Баҳри тахайюл аро ғаввос ўлуб;  
Қилсам эди улча хиромим дурур,  
Олсам эди ончаки комим дурур —  
Билгай эди кимгаки маъни бўлур,  
Ким равиши назм деган не бўлур!<sup>161</sup>.

Совет ёзувчилари учун Навоий орзу қилган барча имкониятлар яратилган. Улар ўтмиш адабиётнинг ҳамма яхши традицияларини эгаллаб, бадий маҳоратда унинг энг катта намояндалари билан мусобақа ўйнаши керак.

#### 4. САНЪАТДА ҲАҚҚОНИЙЛИК УЧУН

Навоий ўзигача ва ўз даврида яратилган адабий маҳсулотнинг ғоявий-бадий йўналиши ва моҳиятини, ўз салафлари ҳамда замондошларининг ижодий методлари ва стилларининг хусусиятларини чуқур ўрганган ва бу ҳақда ҳам қимматли мулоҳазаларини билдириб ўтган эди. У ўзининг сўнги йирик асари «Маҳбубул-қулуб» да тожик ҳамда форс шоирларини уларнинг ижодининг ғоявий-бадий хусусиятларига қараб бир қанча гуруҳлар-табақаларга бўлади.<sup>162</sup> Биринчи гуруҳга Навоий «маърифати илоҳидин ғаний» яъни мистик шоирлар — Фаридиддин Аттор ва Жалолиддин Румийни киритади. Навоий гарчи ўзи мистик шоир бўлмаса ҳам ва умуман Аттор ҳамда Румий кабиларнинг изидан бормаган бўлса ҳам, аммо бу ўринда уларнинг номини ҳурмат билан тилга олади. Чунки Навоий шайх ва ёмон диндорларни

<sup>160</sup> „Нәжрәтүл-әбғар“, 166-бет.

<sup>161</sup> Ўша китоб, 166-бет.

<sup>162</sup> Алишер Навоий, *محبوب القلوب* 26—29-бетлар.

қаттиқ танқид қилишига қарамай, у ўз замонининг ки-  
шиси ўлароқ, илоҳият ва диннинг реакцион моҳиятини  
англашдан узоқ эди. Ва шунинг учун ҳам у мистик шо-  
ирларнинг ижодидаги асосий ғоявий-бадий принцип-  
ларни очиқ қоралаш ва фoш этиш даражасига кўтарила  
олмади.

Бу ўринда Навоий иккинчи гуруҳга «ҳақиқат асро-  
рига мажоз тариқин махлут» қилган ва каломларин бу  
услугда марбут этган Саъдий, Хусрав Деҳлавий, Сакко-  
кий, Ҳофиз кабиларни киритади. Учинчи гуруҳга эса  
Қамол Исфаҳоний, Ҳоқоний, Шервоний, Анварий, Заҳи-  
рий, Асирий, Салмон Савожи каби шоирларни киритади  
ва улар ҳақида «мажоз тариқи алар назмига ғолиб ва  
алар бу шевага кўброқ роғибдурлар»<sup>163</sup> деб ёзади. Ўз  
замондоши Жомий ҳақида эса Навоий «ҳақиқат ва мажоз  
тариқида комил ва илми иккаласида вофий ва шомил»  
деб ёзади. Навоийнинг тожик, озарбайжон ва форс шоир-  
лари ҳақидаги ушбу фикрларидан шу нарса маълум бў-  
ладики, у бу шоирларнинг ижодий методларини асосан  
икки турга — ҳақиқат тариқи ва мажоз тариқига ажра-  
тади. Ҳақиқат тариқида асар яратган ва Навоий бирин-  
чи гуруҳга киритган бу шоирлар — ҳақиқат сирларини,  
яъни мавҳум илоҳий идеяларни куйловчи, реал ҳаётдан  
жуда узоқ, кишиларни ҳам реал ҳаётдан, ундаги актуал  
социал масалалардан четлаштиришга ундовчи мистик шо-  
ирлар эди. Худди шунинг учун ҳам Навоий, гарчи уларни  
очиқ танқид қилмаса ҳам, улар орқасидан бормади.

Ўша давр адабиётида кенг ўрин эгаллаган иккинчи  
йўл, иккинчи метод, Навоий белгилашича, мажоз тариқи  
эди. Аммо бу ўринда Навоийнинг ўзи очиқ таъкидлаб  
ёзишига қараганда, мажозий йўл билан асар ёзувчи  
шоирларнинг ўзи ҳам турли гуруҳларга бўлинар эди.  
Уларнинг услуги соф услуб бўлмай, турли томонларга,  
маълум ички қарама-қаршилиқларга эга эди. Бу гуруҳга  
кирган баъзи мутасаввиф шоирлар илоҳий идеяларни,  
худо йўлига содиқлиқни адабиётда пропаганда қилишда  
шу мажоз йўлидан фойдаланар, уни дин ва реакцияга  
хизмат қилдилар эдилар. Лекин Саъдий, Ҳофиз, Хусрав  
Деҳлавий каби йирик санъаткорлар эса мажозий йўл-  
дан социал идеяларни куйлаш учун, ўша даврдаги соци-  
ал тузум қусурларини танқид этиш учун фойдаланган-

<sup>163</sup> Алишер Навоий, *محبوب القلوب* 28—29-бетлар.

лар. Тўғри, Навоий айтгандек, уларнинг ижоди баъзи ўринларда диний мотивлардан ҳам холи эмас. Мажоз тариқи ҳақиқат тариқи билан гоҳо жуда аралшиб кетади. Умуман олганда эса, улар шу йўл билан дунёвий адабиётни яратдилар, ҳаётга яқинроқ келдилар, шу заминда реалистик адабиётнинг элементлари пайдо бўла бошлади. Кўп илғор адабиёт вакилларининг бу йўлни тутишга асосий сабаб шунда эдики, ўрта аср феодализи ми шароитида, дин ягона ҳукмрон идеология бўлган бир даврда ҳар қандай прогрессив идеяларни очиқ тарғиб қилиш мумкин эмас эди, адабиётда бундай йўлга кирганлар дин ва давлат томонидан таъқиб остига олинар эди. Шунинг учун ҳам Навоий «Ҳайратул-аброр» асарининг ростлик таърифига бағишланган ўнинчи мақоласида бу тўғрида ҳеч муболағасиз:

Ул кишиким тузлук эрур шон анга,  
Душман эрур гардиши даврон анга.  
Хомаки, тузлукка эрур раҳнамун,  
Кесилибон боши бўлур сарнигун!<sup>164</sup>

деб ёзган эди. Шу хил сабабларга кўра ҳам илғор адабиёт намояндаларининг Ўрта Осиёдаги деярлик ҳамма вакиллари ўз ижодида мажозий йўлни тутишга, ўз ҳаётий, реал идеяларини имо-ишоралар, символ йўли билан ифодалашга, сўфилик кийимини кийишга, шу йўсунда дин ва давлат олдида ўзларини илоҳий идеялар тарғиботчиси қилиб кўрсатишга мажбур бўлган эдилар. Ташқи кўриниши жиҳатидангина символик, аслда жамият олдида пишиб етган аниқ, муҳим ғояларнинг байроқдори бўлган бу йўл Навоийгача узоқ даврларни бошидан кечирди, адабиётда кўп наслларга, юксак талант эгаларига қўл келди ва улар томонидан ишланиб, халққа анча яхши танитилган эди.

Навоийнинг ўзи ҳам ёшлик вақтидан бошлаб шу иккинчи йўлга мойиллик кўрсатган, унинг сирларини ўргана бошлаган, шу йўл намояндалари ижодининг таъсири остида ҳар томонлама камол топа борган эди. Масалан, унинг энг яхши кўрган шоирларидан бири Лутфий бўлиб, Навоий у билан ёшлик йилларида кўп шахсий суҳбатларда бўлган, ундан кўп нарса ўрганган эди. Навоий «Мажолис»да Лутфийнинг ўзига муносабати, уни яхши

---

<sup>164</sup> „Нәжрәтүл-әбрар“, 84-бет.

кўрганлиги ҳақида гапириб: «Бу фақир борасида кўп фотиҳалар ўқубтур»<sup>165</sup>— дейди.

Навоийнинг ўзбек шоирларидан Лутфийни севиши ҳам аввало унинг зоҳирий, дунёвий йўлни тутиб, илғор идеяларни илғор позицияда «мажоз тариқида» куйлашидан эди. Навоийнинг «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарида биз бу ҳақда Навоий билан Паҳлавон Муҳаммад ораларида бўлиб ўтмиш бир адабий суҳбатга оид кичик, жуда характерли қуйидаги эпизодни ўқиймиз:

«Паҳлавон илтифот юзидин маъҳуд дастури била эғнимни тутар эрди. Муқаддима бунёд қилдиким:—«Сени бугун, дерларким, туркча назм айтур элдин эшитиббизки, бу сўзни мусаллам тутарлар. Бизнинг бир саволимиз бор».

— Жавоб берай, — саволингизни айтинг.

Деди:

— Саволимиз будурки, туркгўй шуародин улча шеърлари рўзгор саҳифасида сабтдур—қайси яхшироқ айтибдурлар ва сенинг ақиданг анинг яхшироқ айтмоқиға бегонурсен!

Фақир дедим:

— Барча яхши айтибдурлар — мен бегонурмен.

Паҳлавон деди:

— Сен такаллуф ва каср нафсни қўй. Воқе юзидин сўз айтки, борини бегонурмен дерсен, барча худ бирдек эмас, албаттта. Тафовут бор.

Фақир айттимким, Мавлоно Лутфий ҳоло мусалламдурлар ва бу қавмнинг устоди ва маликул-каломидур.

Деди:

— Нечук сен Насимийни демаринг?

Фақир дедим:

— Хотирға келмади ва, бир тақдир келмас, Сайид Насимийнинг назми ўзга ранг тушубдур. Зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайдур. Балки ҳақиқат тариқин адо қилибдур ва бу саволда сенинг ғаразинг мажоз тариқида айтур эл эрди.

Паҳлавон эътироз юзидин киноятомиз дедики, раво бўлғайки, Сайид Насимий борида Лутфий назмини писанд қилғойсен ва ҳол улким Сайид Насимийнинг зоҳир юзидан мажоз тариқиға шомилдур ва маъно юзидин ҳақиқат тариқиға»<sup>166</sup>.

<sup>165</sup> Танланган асарлар. 3 т., 56-бет.

<sup>166</sup> ЎзССР ФА. Ш. И. Қўлёзма, № 5733. 8--9 л.

Бунда Навоий дунёвий адабиётнинг йирик вакили — Лутфийга бўлган зўр муҳаббатини жуда эҳтиёткорлик билан изҳор қилади. Лутфийнинг зоҳирий, яъни дунёвий шоир эканлигини, мажоз тариқида асар ёзганини очиқ айтади.

Мажоз йўли билан асар ёзган шоирлар умуман реал ҳаётга яқинроқ эдилар. Улар ўз позицияларида инсонга хос ҳис ва туйғуларни куйлар, ўз асарларини инсон, жамият талабларидан келиб чиқиб ёзар, илғор идеялар учун курашар эдилар. Улар жамиятда мавжуд камчиликларни, нуқсон ва қусурларни сўз найзасига олар эдилар. Уларни халқнинг жонли тилига, унинг оғзаки ижодига ҳурмат билан қараб, ундан ўрганар эдилар. Уларнинг кўплари халқ орасидан, хусусан шаҳар ҳунармандлари орасидан етишиб чиққан бўлиб, баъзилари феодал сарой адабиёти тематикаси таъсирида бўлсалар ҳам, умуман олганда, уларнинг асарлари дунёвийлиги, ҳаётгийлиги, тил хусусиятлари билан халқ оммасига мистик адабиётга нисбатан яқин эди. Бунга ўзбек шоирларидан Лутфий, Саккокий, Атоий кабиларнинг асарлари ёрқин мисол бўла олади. Лекин бундай шоирларнинг асарларида эзилган халқ оммасининг социал норозилиги, оқ-фиғонлари, орзув-умидлари ўрни билан ўзига хос йўллар билан акс эттирилган эди. Бу услубда ёзувчи шоирлар, шубҳасиз, икки оёғи билан гуманистик, халқпарварлик позициясида турар эдилар. Шунинг учун ҳам бу позициядаги қалам эгаларининг ижодий методи асосида реалистик элементлар жуда кучли эди. Улар адабиётни турмушга яқинлаштиришга интилар, ўз қаламларини инсон талабига бўйсундириб, асарларини турмуш билан боғлаб ёзар эдилар. Навоий ҳам ўз ижодий йўлини шу мажозий йўлга мансуб деб атаган ва онгли равишда тобора унинг ичига кириб борган эди. У Фаридиддин Атторнинг «Мантикут-тайр» номи мистик асарининг баъзи мотивларидан илҳомланиб «Лисонут-тайр» достонини ёзар экан, «Муҳокаматул-луғатайн» да бу ҳақда гапириб, ўз асарини Аттор йўли билан эмас, балки «Мажоз» йўли билан ёзганини, ўз асарини Аттор асари характеридан фарқ қилишини айтади: «Чун «Лисонут-тайр» илҳони била тараннум тузупмен, қуш тили ишорати билан ҳақиқат асрорин мажоз суратида кўргузупмен»<sup>167</sup>.

<sup>167</sup> Танланган асарлар, 3 т., 193-бет

Бизга маълумки, ўз ичига ўнларча жонли ҳикояларни олган «Лисонут-тайр» асари қатор турмуш ҳодисалари ҳақида сўз юритувчи, бир қанча ўринларда реалистик бўёқлар билан безалган ва умуман катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асар эди. Умуман Навоий ижоди реалистик элементлар билан тўлиб тошган ва у санъатда ҳаққонийлик учун, санъатни реал мақсадларга хизмат қилдириш учун изчил кураш олиб борган экан, унинг ижоди жамиятдаги қайси социал гуруҳларнинг манфаатига яқин эди? Бу саволга жавоб бериш Навоий ижодининг ғоявий-бадий моҳиятини янада чуқурроқ очиб беради. Навоий «Ҳайратул-аброр»да ўз шеърини ҳақида ёзади:

Шеърки ҳам тушди меннинг шонима  
Ул ўту, бу тош дурур жонима.  
Не де олурмен, тузубон, баркини,  
Мумкин эмаским тутарим таркини. <sup>168</sup>

Навоийнинг юрагини ўтдай ёндирган, уни шеър ёзишга мажбур қилган нарса нима эди? Бу — доим қозондек қайнаб турган ҳаёт, унинг иссиқ нафаси эди. Навоий умр бўйи ҳаётнинг ичида, айни қайнаб турган ерида бўлди; унинг томири қандай ураётганини, унинг талаблари, актуал масалаларини кўзи билан кўриб, юраги билан сезиб, ақли билан англаб турди, уларни адабиётда кўтариб чиқишни эса шоирлик бурчи деб билди. У «Ҳайратул-аброр»да ўз шеърини халқнинг реал ҳаётида «сарву, гулу, лола» эмас, ўтин каби зарур бир нарса бўлишини истаган эди. «Сабъаи-сайёр» да ҳам у ўзининг худди шу фикрига содиқ қолади, уни янада чуқурлаштиради. У, салафларининг асарлари дур ва лаъл сингари бўлса, ўзиники шарора бергувчи чақмоқ тош каби бўлишини, одамларнинг юрагига ўт солишини, турмушига иссиқлик, нур беришини истади:

Заруратким солиб бир ўзгача тарҳ,  
Бу меҳнатномани қилғумдурур шарҳ.  
Агарчи йўқ турур дурлуқ талоши,  
Эрур тош ўлса ҳам чақмоқ тоши.

Нечаким ўтлуғ ўлса лаъл пора,  
Қачон бу тошдек бергай шарора.  
Дема чақмоқ тоши — кўҳи андуҳ,  
Ғаму андуҳ анда кўҳ то кўҳ<sup>169</sup>.

<sup>168</sup> „Нәжрәтүл-әбраг“, 167-бет.

<sup>169</sup> Танланган асарлар, 2 т., IV к., 39-бет.

Лекин бу билан бирга бу ўринда Навоий ўз асарини «ғам тоғи» деб ҳам атайдики, бу ҳам унинг ўз асарларига баҳо беришида тасодифий бир ҳол эмас. У ўзининг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» асарларини ҳам «меҳнатнома», «мотамнома» деб атайди. «Садди Искандарий»да эса ўз қаҳрамони — Искандарни халққа адолат кўрсатишга чақириб келиб туриб, уни яна: «наво-сиз улуснинг навобахши» бўлишга даъват этади. «Лайли ва Мажнун» да ҳам ўз асарини нима учун мунчалик қайғули темада ёзганига жавоб бериб, буни асослаб шoir дейди:

Сомий неча бўлса дард парвард,  
Афсонада ҳам керакдурур дард.  
Эшитгувчи бўлса дардпайванд,  
Бордур ичи онинг ўтқа монанд...  
Эл кўнглига андин ўлғуси жўб,  
Қим келди бу навҳанинг мунги кўп.  
Мунглуғ мену мунг била паёмим.  
Мунглуғ кишилар сўзи каломим<sup>170</sup>.

Навоий ўзини мунглуғ кишилар шоири деб атаб, ўз ижодини шу кишиларнинг ҳаёти, орзу-умиди, интилиши билан боғлар экан, улар конкрет кимлар эди? Биз Навоий асарларини синчиклаб ўқир эканмиз, бу саволга ҳам аниқ жавоб топа оламиз. У «Фарҳод ва Ширин»ни ёзиб тугатар экан, унинг ижодий иши учун тинчлик бермаётган кишилар ҳақида ёзади:

Тараддуд меҳнатидин шод қилса,  
Улус бедодидин озод қилса.  
Маҳол уммид ила ҳар бир жафокиш,  
Дамодам урмаса бағримга юз ниш.  
Бўлуб минг ғусса ўқиға нишона,  
Замирим бўлмаса замбурхона.  
Топиб таскин жафогарлар ҳужуми.  
Тепукдин тинса кўнглум марз буми.  
Чу кўрмай ком шаҳдин ҳар табаҳқор,  
Мени қилмаса олида гунаҳқор.  
Биров бўлса шаҳ олида муотаб,  
Мени қилмаса ул ишда мухотаб.  
Бўлуб мундоқ ғаму ранжимдин огоҳ.  
Тараҳҳум айласа аҳволима шоҳ.  
Нашотим боғида бир фикр қилса,  
Ки гоҳи ғунчадек кўнглум очилса.  
Йигирма тўрт соат кеча-кундуз

---

<sup>170</sup> Танланган асарлар, 2 т., III к., 228-бет.

Йигирма тўрт дам урсам нафас туз.  
Қи андин вақтима етса ҳузури,  
Бировдин топмаса кўнглум футур<sup>171</sup>.

Шоирга тинчлик бермаган, уни ўз ҳолига қўймаган кишилар ана шу жафо чеккан, кўнгли ғам-андух билан тўлган, адолат, инсоф қидирган мазлумлар эди. Шоҳ ҳузурида уларнинг бирдан-бир ишонган, суянган кишиси Навоий эди ва ўзининг энг кўп вақтини шоир умр бўйи шуларнинг арзу додларини эшитишга, уларга ёрдам қилишга сарф қилган эди.

Демак, Навоийнинг ижоди реал ҳаёт билан шундай яқиндан боғланган экан, унинг адабиётшунослигида тарғиб қилинган ижодий принцип ҳам турмушга яқинлашиш, бор ёки бор бўлиши мумкин бўлган нарсани ёзиш принципи, яъни асос эътибори билан ҳаққонийлик принципи эди. У «Ҳайратул-аброр»да:

Рост қалам халқ эрурлар салим,  
Эгри эрур хат гар эмас мустақим<sup>172</sup>.

деб ёзган ва ўзига эса:

Сўзда, Навоий, не десанг чин дегил,  
Рост наво нағмаға таҳсин дегил<sup>173</sup>.

деб мурожаат қилган эди. Яъни у ҳар қандай қийинчилик, тўсқинликка қарамай, ҳақиқатни ёзиш идеясини илгари сурган эди. Ёлғонни гапирган, ёлғонни ёзган, ёлғон, қалбаки ишни қилган киши эса вақтинча муваффақият қозониши мумкин, давр ўтиши билан унинг шармандаси чиқади:

Нечаки жаҳд айласа козиб киши  
Бир икки даст илгари борғай иши...  
Элга неча махфи эса бу сифат,  
Зоҳир этар ёлғон ўзини оқибат<sup>174</sup>.

Низомий асарлари юз йилда мингдан бири кам бўлмаган, давр ўтиши билан миси чиқиб қолмаган, ҳамон ўзининг юксак қимматини сақлаган ҳақиқий санъат намунаси эди. Низомий Навоийга қадар ҳамма ёзувчилар-

<sup>171</sup> Танланган асарлар, 2 т., II к., 410—411-бетлар.

<sup>172</sup> „Нәжрәтүл-әбғар“, 82-бет.

<sup>173</sup> Уша китоб, 82-бет.

<sup>174</sup> Уша китоб, 85-бет.



га қараганда ҳам ҳаётга яқинроқ кела олган ва ўз ижодида гуманизм, халқпарварлик, адолат, зулмга қарши норозилик байроғини адабиётда ҳаммадан юқори кўтарган, ўз асарларида ҳаётий қарама-қаршиликларни усталлик билан акс эттирган, турмушдаги ўз кузатишларидан қимматли дидактик хулосалар чиқарган шоир эди. Низомий мисраларидан Навоий жонли ҳаётнинг ҳақиқий нафасини сизди ва унинг асарларига доим юқори баҳо берди.

М. Е. Салтиков-Шчедрин «Петербург театрлари» деган мақоласида реализм ҳақида гапириб шундай дейди: «Бизнинг сезишимизча, реалистик мактаб асарлари бизга ёқади, бизни ичига тортади, таъсирлантиради ва ҳайратга соладики, шунинг ўзи ҳам унда оддий нусха кўчириш санъатига қараганда, қандайдир каттароқ нарса борлигига етарли далолат беради. Ҳақиқатан ҳам, киши онгининг ташқи аломатларининг биргина яланғоч тасвиридан қаноат ҳосил қилиши қийин; у бундай аломатларга тасодифангина, шу билан бирга жуда қисқа муддатга тўхташи мумкин. Ҳамма ерда, ҳатто энг арзимас батафсилликда ҳам у (киши онги — А. Ҳ.) фактга ҳақиқий қиммат ва куч бераолиши мумкин бўлган чуқур яширин маънонинг, ички ҳаётнинг тагига етишга интилади. Шубҳасизки, агар реализм шу талабга жавоб бермаса, у ҳеч қандай йўл билан санъатга унинг асосий ва устун элемент бўлиб кира олмаган бўлар эди»<sup>175</sup>.

Навоий Низомий ҳақида:

Маъни ҳарамян мусаххар этган,  
Сўз бикрини ғарқи зевар этган,  
Назм аҳлининг афсаҳул каломи,  
Сўз дурриға мунтазим Низомий...<sup>176</sup>

деб ёзар экан, бунда у Низомийнинг ҳаммага кўриниб турган, маълум бўлган нарсаларни эмас, балки турмушга чуқур кириб, кўпчиликка сир бўлган, ҳеч ким тагига ета олмаган фикрларни очганини, ҳеч ким фойдалана олмаган янги бўёқлардан фойдаланганини айтади. Худди шу нарса Низомий асарларининг ёқимлилигини, кишини ҳайратга солувчи таъсир кучини бир қанча асарларга белгилаб берган эди.

<sup>175</sup> «Русские писатели о литературном труде», 2 т., 631-б.

<sup>176</sup> Танланган асарлар, 2 т., III к., 24-бет.

Улуғ рус реалист ёзувчиси ва танқидчиси В. Г. Корс-ленко Л. Н. Толстой ҳақидаги мақолаларининг бирида унинг ижодининг ҳаётий кучи, реалистлиги, ҳаққонийлиги, ёрқин идеялари ва бўёқларининг ҳаммасини қуёш нурига чўмган бир дунёга ўхшатиб қуйидагиларни ёзган эди:

«Толстой дунёси, бу — содда ва ёрқин қуёш нурларига чўмган дунё, ҳамма нарсанинг акс эттирилиши ўз ўлчови, пропорцияси бўйича ва ундаги ёруғ ва қоронғи томонлар воқелик ҳодисаларига мос, ижодий уйғунлик эса табиатнинг органик қонунларига мувофиқ ҳолда содир бўлган дунёдир... Унинг манзаралари устида қуёш нур сочиб туради, доққа ўхшаш булутлар сузиб юради, инсонга хос шодлик ва қайғу ҳам кўринади, гуноҳ, жиноят ва яхшилик ҳам бор... Ҳамма бу ҳаёт, ҳаракат билан қимирлаб, инсон эҳтироси, инсон фикри билан, гоҳ юқорига интилиб, гоҳ пасайиб қайнаб турувчи образлар ҳаёт ижодига бутунлай мос шаклда яратилган; уларнинг ўлчовлари, бўёқлари, уларнинг ўзаро ўрнашишдаги пропорциялари тўғри ойна экрани сингари борлиқнинг ўзаро алоқаси ва қоронғи ҳамда ёруғ томонларини аниқ ва равшан акс эттиради»<sup>177</sup>.

Навоийнинг Низомий ҳақидаги фикрлари ҳам асардан асарга чуқурлашиб бораркан, Навоий ҳам санъаткор танқидчи сифатида образли муҳокама юритиб, Низомий асарларининг ғоявий-бадиий моҳиятини тобора яхшироқ очади. У «Садди Искандарий»да Низомий «Хамса»си ҳақида ёзади:

Чу машғул бўлдум тамошосиға,  
Ўтуб водию тоғу дарёсиға.  
...Жаҳоне кўрунди кўзумга ниҳон,  
Ниҳон балки ҳар байти ичра жаҳон.  
Қаю гўшаким, нозир ўлдум даме,  
Назарға эди жилвагар оламе!<sup>178</sup>

Бунда Низомий асарлари води, тоғ ва дарёларга эга бўлган ажойиб тамошогоҳга, «жилвагар олам»га ўхшатилади. Ўзида сонсиз-саноқсиз энг ҳаётий ҳамда актуал проблемаларни акс эттирган Низомий асарларига нисбатан ушбу ўриндаги каби реал борлиқдан олинган жонли сифатлар айниқса ёпишиб тушган эди. Бу билан Навоий

<sup>177</sup> «Русские писатели о литературном труде», 3 т., 633-бет.

<sup>178</sup> Танланган асарлар, 2 т., V к., 24—25-бет.

Низоимий асарларининг реалистик кучини, замонавий ҳамда ҳаётий қимматини жуда тўғри ифодалаган эди. Навоий доим ўзини Низомийга нисбатан шогирд деб атади ва бу билан фаҳрланди. Бироқ Навоий принциал ижодкор, принциал адабиётшунос эди. У Низомий, Деҳлавий асарларини ҳеч вақт идеаллаштирмади, уларни ўқиб, улардаги баъзи муҳим камчиликларни, изчилсизликларни, қарама-қаршилиқларни, ҳаққонийликдан чекиниш ҳолатларини, эҳтиёсизликларни кўриб, уларни қаттиқ, лекин самимий танқид қилди. У бу ҳақда «Сабъан-сайёр»да:

Лек гавҳар сочарда аҳли карам  
Бир сори кўп тушар, яна сори кам.  
Ҳар тараф дур сочилмоғи яксон —  
Эҳтиёт айламай эмас осон<sup>179</sup>.

деб ёзар экан, ўзининг бу салафлари асарларида дурлар ҳамма ерга бир текисда сочилмаганини айтиб, сўнг бу фикрини конкретлаштиришга, исботлашга ўтади.

Албатта, Низомий ижодида, XV аср илғор адабиёти нуқтаи назаридан қараганда, баъзи камчиликлар бўлиши табиий эди. Чунки Низомий яшаган давр билан Навоий яшаган давр орасида адабиёт,— халқнинг адабиётга бўлган талаблари анча ўсган, адабий-танқидий фикр ҳам тараққий этган эди. Бу ўз ўрнида Навоийнинг адабий танқидчилигига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан иложи йўқ эди. Бу жиҳатдан Навоий Низомийнинг айниқса «Хусрав ва Ширин» ҳамда «Ҳафт пайкар» дostonлари устида кўпроқ тўхтади ва бу дostonларни ғоявий ва бадий жиҳатдан чуқур анализ қилишгача ботинди. Навоий танқидчилигининг бу моментлари ҳақида кўп кишилар, хусусан Е. Э. Бертельс<sup>180</sup>, О. Шарафуддинов<sup>181</sup>, Ҳа-

<sup>179</sup> Танланган асарлар, 2 т., IV к., 40—41-бетлар.

<sup>180</sup> Қаранг: Е. Э. Бертельс, «Навои и Низами» Статъя. Сб. «Алишер Навои», 1946 г., М.-Л.; «Навои», Изд-во АН СССР, М. Л., 1948.

<sup>181</sup> Қаранг: О. Шарафуддинов, «Алишер Навоий». Уздавнашр, Тошкент, 1948 й.. «Баҳром Гўр образи ва Сабъан сайер» тўғрисида (мақола), Алишер Навоийнинг «Танланган асарлари», 2 т., IV к., Уздавнашр, Тошкент, 1948.

мид Олимжон<sup>182</sup>, В. Зоҳидов<sup>183</sup>, Ҳ. Ёқубов<sup>184</sup> ва бошқалар ҳам ўз мақола ва асарларида тўхталиб ўтганлар.

«Хусрав ва Ширин» достони бўйича Навоийнинг Низомийга биринчи эътирози шу асарнинг марказий киши образларидан бири — Хусрав устидадир. Маълумки, Низомий достонида Шириннинг севгилиси — Хусрав ўзида кўп қарама-қарши сифатларга эга бир киши. Бир томондан у, жамиятдаги ўз ўрнига кўра эрон подшосининг ўғли, кўп вақт беғам, ўзи подшоҳ бўлатуриб, мамлакат ҳақида ўйламовчи, маишатга муккасидан кетган, худбин, ўз манфаати учун истаган жинойий ишларга ҳам кўл урувчи, ишқда беқарор, булҳавас одам. Унинг ҳарамии гўзалларга тўла, уларнинг бирини қўйиб, бошқаси билан муносабатда бўла беради; Шириннинг уни ҳаддан ортиқ севишини била туриб, Византия подшосининг кизи Марям билан оилавий турмуш қуради. Исфаҳон гўзали Шакарни ҳам ўз ҳарамига олиб келиб, у билан айшу-ишратда бўлади; Ширин билан бирга бўлиб қолганда эса, ўзининг жамиятдаги ролини бутунлай унутиб, айшу-ишратга, овга берилади; ажойиб қаҳрамон Фарҳодни унинг севгилиси — Ширинга ошиқ бўлгани учун ҳийла-найранг билан ўлдиртиради ва ҳоказо. Иккинчи томондан асарнинг баъзи ўринларида, айниқса охириги қисмларида, яъни Хусрав Ширинга уйлангандан кейин, у мамлакатни яхши идора қилишга киришмоқчи бўлар экан, ёки ўлим олдида ўзининг олдинги ёмон қилмишларига пушаймон бўлар экан, уни Низомий ижобий қаҳрамон сифатида тасвирлайди. Умуман Хусрав Низомий асарида ҳам салбий қаҳрамон бўлиб, Низомий ўз олдига унинг образида ҳоким табақа вакилларининг қусурларини фош қилишни мақсад қилиб қўйган эди. Навоий ҳам Хусравни салбий қаҳрамон сифатида тушунди. Лекин Навоий асосий қаҳрамонлардан бири қилиб салбий типни олишга қарши чиққан ва асарнинг асосий қаҳрамони қилиб ижобий типни, Ширинга лойиқ, олийжаноб ҳислатларга эга бўлган кишини олишни истар эди. Шунинг учун ҳам у бунинг учун Низомийни қаттиқ танқид

<sup>182</sup> Қаранг: «Родоначальник узбекской литературы» тўплами. 50—54-бетлар.

<sup>183</sup> Қаранг: В. Зоҳидов, «Етти хазина» (мақола), «Қизил Ўзбекистон» газетаси, 9/V—1948, № 92.

<sup>184</sup> Қаранг: Ҳ. Ёқубов, «Навоийнинг «Сабъаи-сайёр» достони (мақола), «Шарқ юлдузи» ж-ли, 1948 йил, № 5.

қилди. Низомийга эргашиб Хусрав Деҳлавий ҳам ўз «Хусрав ва Ширин»ида шу нарсани қайтарган эди. Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонининг кириш қисмида уларнинг бу қилганларига қўшилмай, қўйидагиларни ёзади:

«Вале чекканлар ушбу жомидин роҳ,  
Саросар бўдилар Хусравга маддоҳ.  
Ки мулки андоғу, ойини мундоқ,  
Сипоҳи андоғу, тамкини мундоқ.  
Гаҳи Шабдизи олам гардидин деб,  
Замони ганжи бодовардидин деб,  
Нашоти базмда хонлар мурассаъ  
Не хонлар, қасру-айвонлар мурассаъ,  
Бузург Уммид ҳикмат жўйи онинг,  
Не ҳикматжў, хушомадгўйи онинг.  
Топиб гаҳ Марям оғушида ором,  
Шакар ҳалвосидин гоҳи олиб ком.  
Бўлуб Ширинга ошиқ подшиҳвор,  
Ки ул маҳбуб ўлуб, гоҳи парастор»<sup>185</sup>

Навоийнинг назарида, ўз-ўзидан Хусрав ақлли, гўзал, вафодор Ширинга лойиқ киши эмас эди. Унга лойиқ киши эса Низомий асарида бор эди. Бу, Ширинни жондан ҳам ортиқ севган мард, қаҳрамон, меҳнат кишиси — Фарҳод эди. Фарҳод эса Низомий асарида иккинчи планда, Фарҳод билан Ширин муносабатлари эса эпизодик ҳолда тасвирланган эди. Навоийнинг фикрича, достоннинг асосига Фарҳод ва Ширин муносабатларини олиб, шуларни ривожлантириш ва кенгайтириш керак эди. Бундай қилмагани учун Низомий асарининг Фарҳодга бағишланган моментларининг эпизодиклигини танқид қилиб Навоий ёзади:

«Чу аввалги фасиҳи Ганжа парвард<sup>186</sup>  
Рақамзал қилди бу афсонаи дард.  
Деди Фарҳод бир хорокан эрди,  
Ва лекин ўз фанида якфан эрди.  
Магар Ширинга бўлди орзуйи,  
Чиқармоқ хора ичра турфа жўйи.  
Бу иш устодин истар эрди ул ҳур,  
Ки таъриф этти ул маҳзунни Шопур.  
Париваш дедиким, келтургил они,  
Бориб Шопур келтурди равони.  
Анга чун пардалар кенидин ул ой  
Такаллум бирла бўлди кор фармой.

<sup>185</sup> Танланган асарлар, 2 т., II к., 38-бет.

<sup>186</sup> Низомий.

Унин онинг эшитгач хаста Фарҳод,  
Бўлуб ошиқ, чекиб афғону-фарёд,

Қарору сабр итти, хуши кетти,  
Анга етти иши охирки йитти»<sup>187</sup>

Худди шу ўринда Навоий Хусрав Деҳлавий билан Ашрафнинг шу мавзуёдаги дostonларига ҳам тўхтаб, улар ўз дostonларига баъзи ўзгаришларни киритган бўлсалар-да, аммо асарларининг асосий сюжет линиясини Низомий каби тузганларини айтади. «Фарҳод ва Ширин»-да Навоий яна шуларни ёзади:

Арода деб бир-икки дoston ҳам,  
Дебу Фарҳоддин айтиб нишон ҳам,  
Ки бир хоро шигофи кўҳсори,  
Бўлуб Ширин ғамининг беқарори.  
Неча кун васл учун айлаб таку-дав.  
Ани ҳам ўлтуруб тош ичра Хусрав<sup>188</sup>.

Аммо масаланинг яна бошқа томони ҳам бор. Низомий ўз дostonларини ёзишга киришар экан, кўп вақт тарихий афсонларга, воқиаларга мурожаат қилар ва ўз асарларининг сюжетини шу афсоналарга асослашга, у афсоналарни бузмасликка ҳаракат қилар эди. Низомий «Хусрав ва Ширин»да ҳам, даврининг традициясига кўра, маълум даражада тарихий афсонларга асосланган ва натижада Хусравни, унинг характерини ўша афсоналарда қандай бўлса, шундай тасвирлашга мажбур бўлган эди. Лекин Навоийнинг фикрича, зарур бўлганда, у афсоналарни шоир ўзгартириши, ўз идеяларига мослаштириши адабиёт қонунлари рамақасига киради. Бу ўринда Навоийнинг Низомийга билдирган эътирозига қарши ўлароқ шундай эътироз билдирилиши ҳам мумкин: ахир, ижобий идеяларни салбий образлар орқали, салбий мисолларда тасвирлаш, ифодалаш мумкин-ку! Гап шундаки, Низомийдаги Хусрав образининг берилишида катта қарама-қаршилик бор. Асарнинг охирида Низомий ўз Хусравини тузалган, тавба қилган ҳолда, ижобий киши қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Навоий эътирозининг моҳияти ҳам шундаки, у ўзида мавжуд ижтимоий тузум билан, унинг ахлоқ қондилари билан боғланган Хусрав ва хусравларга хос камчиликларнинг аслда

<sup>187</sup> Танланган асарлар, 2 т., II к., 39-бет.

<sup>188</sup> Уша китоб, 39-бет.

тузалишига чин кўнгилдан ишонмас эди. Низомий ҳаққонийлигидаги изчилсизликни ҳам Навоий шунда кўрган ва ундан кўз юмиб ўтолмаган эди.

Навоий ўз салафларини уларнинг ижодларидаги бу хил нуқсонлар учун танқид қилибгина қолмасдан, балки улар билан шоир сифатида ижодий мусобақага ҳам киришади, жаҳон адабиёти хусусан ўзбек адабиётида ўлмас янги ажойиб образлар яратади.

Навоий «Фарҳод ва Ширин»да ўз асарининг бош қаҳрамони қилиб халқ афсоналарининг қаҳрамони — Фарҳодни олди ва биринчи планда халқ эртаклари, достонларидаги традициялардан фойдаланиб, ўрганиб, ижобий қаҳрамон Фарҳодни тасвирлади, яъни Навоий ўз достонини яратишда Эрон тарихий хроникаларига эмас, балки ўзида кўп соғлам реалистик асосларга эга бўлган халқ ижоди асарларига, ўз мамлакати, халқи тарихи билан боғланган тарихий китобларга асосланди. Буни унинг қуйидаги сўзлари тўла тасдиқлайди:

Бурун жам эт неким бўлғай таворих,  
Борида иста бу фархунда тарих,  
Топилғай шояд андоғ бир неча сўз,  
Сўз айтур элга ул ён тушмаган кўз!<sup>189</sup>

Навоийнинг ижобий қаҳрамонни бош қаҳрамон қилиб олиш ҳақидаги идеяси адабиётни кенг халқ оmmasига яқинлаштириш, ҳатто унда бош қаҳрамон қилиб ўз фазилатлари билан халқ оmmasига яқин кишини олиш керак деган гап эди. Унинг фикрича, халқ Фарҳод каби ижобий, ҳатто идеал қаҳрамонларни, турмушда ўз орасидан қачон бўлмасин етказиб бера олади. Фарҳод ўзининг юксак фикрлилиги, виждонлиги, меҳнатсеварлиги, мардлиги, соф муҳаббат эгаси бўлиб, ўз севгисига содиқлиги каби олийжаноб сифатлари билан халққа яқин, халқ оғзаки ижоди асарлари қаҳрамонлари типидagi одам. Бундай сифатлар, Навоий фикрича, ҳоқим синф вакилларида бўлиши қийин ва Навоий бу ҳақда «Ҳайратул-аброр»нинг султонларга бағишланган мақолатида очиқ ёзадики, бундан аввалги бобда бунга мисол ҳам келтирган эдик.

Навоийнинг халқ ижодига, халқ ва мамлакат тарихига бу хил яқин келиши, адабиётдаги реалистик йўналиш-

<sup>189</sup> Танланган асарлар, 2 т., II к., 39-бет.

нинг тараққиётини намойиш қилувчи, адабиётнинг XII аср Низомий даврига нисбатан XV асрда халқчиллик масаласида анча юқори кўтарилганини исботловчи, адабиётшуносликнинг ҳам халқпарварлик ва инсонпарварликни ёқлаш даражасига кўтарилганини кўрсатувчи ёрқин бир факт эди. Навоий Хусравни эса бутунлай салбий қаҳрамон қилиб, иккинчи планда тасвирлади. Бу, «Хамса»чиликда энг катта, энг дадил новаторлик ва муваффақият эди.

Низомийнинг Навоий танқидчилигидан катта ўрин олган иккинчи асари—«Ҳафт пайкар»дир. «Ҳафт пайкар» дostonида Низомий ўзининг асосий мақсади қилиб мамлакатни адолатли равишда идора этувчи идеаль подшоҳ образини яратишни қўйган эди. Шоир бунда анча муваффақият қозона олган. Масалан, асарнинг бош қаҳрамони Баҳром подшолик тахтига чиққандан кейин мамлакат ободонлаша бошлайди, тўрт йил давом этган қурғоқчилик даврида, Баҳромнинг доноларча ўтказган тадбирини натижасида фақат бир киши очликдан ўлади, ташқи душманларга қарши муваффақиятли жанглар олиб борилади, золим, хиёнаткор вазир — Рост Равшан, унинг сирлари фош бўлгандан кейин, қаттиқ жазоланади. Ҳатто Баҳром умрининг охирида кўп ўйин-кулгилардан ҳам ўзини тортадиган бўлиб қолади, ҳарамни ёпади, бутун фикру-зикри мамлакатни яхши идора этишга қаратилади ва ҳоказо.

Навоий Низомийнинг «Ҳафт пайкар»ини текширар экан, у бу асарнинг асосан учта камчилигини кўрсатади. Муҳаббатга—кишини ғайратга киргизувчи, кишини безаб турувчи, кишини яхши ишлар қилишга ундовчи зарур ва олийжаноб ҳис сифатида қараган Навоий Низомий дostonида биринчи галда ҳақиқий, катта ишқни кўрмайди. Баҳромнинг Фитнага бўлган севгиси унинг олдинги асарларидаги ишқ тасвирига нисбатан енгил тасвирланган, унга берилган ўрин ҳам кам эди. Навоий биринчи навбатда Низомий ва Хусрав Деҳлавий асарларининг шу томони ҳақида ёзади:

«Бирини букам, йўқ анда моян дард,  
Қилдилар ишқ сўзидин ани фард...»<sup>190</sup>

---

<sup>190</sup> Танланган асарлар, 2 т., IV к., 41-бет.



Умуман Навоийнинг бу эътирози тўғри эди. Чунки Низомийнинг ўзи ҳам, юқорида айтганимиздек, ўз аса-рида ишқ масаласини асосий масала қилиб қўймаган эди. Тарихий афсоналарни тўғри акс этдиришга ҳаракат қилган Низомий Баҳромнинг қаҳрамонлиги, ҳар ишда муваффақият қозонишни кўрсатар экан, Е. Э. Бертельс айтгандек,<sup>191</sup> уни муҳаббат азобида кўрсатишни унга унча муносиб кўрмади. Навоий эса ўз «Сабъий-сайёр» ини ёзар экан, унинг сюжетини ишққа асослади ва буни бадиий адабиёт нуқтаи назаридан мумкин деб ҳисоблади.

Навоийнинг фикрича, аввало Низомий «Ҳафт-пай-кар»ининг, сўнг Хусрав Деҳлавий «Ҳашт-беҳишт»ининг ҳаққониятга тўғри келмовчи, авторларнинг тўғри йўлдан чекинганини кўрсатувчи иккинчи нуқсони Баҳромнинг Фитнани ўлимга ҳукм қилгандан сўнг етти қаср солдириб, етти қасрга етти мамлакат подшоҳларининг қизларини олиб келтириб, уйқу ва кайф вақтида уларга афсоналар айтдириши эди.

Воқиа ва кишилар характерини ишонарли қилиб тас-вирлашга ҳаракат қилган Навоий Низомий ва Хусрав Деҳлавий асарларининг бу моментларига тўхталиб, Баҳромнинг уйқули ва кайфли ҳолатига афсонанинг зарур-лигини ҳамда умуман, подшоҳ қизларининг афсона би-лишларини реал эмас деб топади. Навоий афсона айтиш, бу катта ҳунар эканлигини, у ҳамманинг ҳам қўлидан кела бермаслигини таъкидлайди. Навоий ёзади:

Бўйла тухматки айш учун Баҳром,  
 Ясади етти қаср сургали ком.  
 Етти иқлим шоҳидин етти қиз,  
 Ҳар бири лутфу ҳусни гоятсиз,  
 Етти қасри ичига келтурди,  
 Ком ҳаркуи бири била сурди.  
 Турфа буким чу бўлди бода параст.  
 Қилди оқшомга текру ўзни маст.  
 Уйқу комин олурға мастона,  
 Шўхларға буюрди афсона.  
 Бу ажабким, алар дағи дедилар.  
 Қиссахон қизлари магар эдилар?!  
 Тонгдин оқшомга текру пайдарпай,  
 Улки ичкай қадаҳ тўла-тўла май.  
 Анга худ гафлат ўлди даъбу сифат,  
 Уйқусиға фасона не ҳожат?  
 Бўлса ҳам ақл манъ қилмасму?

<sup>191</sup> Е. Э. Бертельс, «Навои и Низами» (статья) в Сб. «Алишер Навои». 84—85-бет.

Қисса айтур киши топилмасму?  
 Ким неча нозанин ҳарамларини,  
 Жон ҳаримида муҳтарамларини,  
 Ки алар ғамзаси қилиб жоду,  
 Юз туман кўздин элтигай уйқу.  
 Лаблари қатл учун шароб олуд,  
 Кўзлари ишва бирла хоб олуд,  
 Ҳукм қилғойки сиз фасона денгиз!  
 Демангиз узру, бебахона денгиз!  
 Бўлунг уйғоқлик ичра фарсуда,  
 Мен бўлай уйқу бирла осуда.  
 Бўйла таклиф кимса қилғайму?  
 Одаминин бу сўз очилғайму?<sup>192</sup>

Навоий ўз устозларининг асарларида бу хил камчиликларнинг бўлишига сабаб, уларнинг ўз асарларига етарлик диққат билан қарамаганликлари, бир оз гурурга берилганликлари деб кўрсатмоқчи бўлади:

Ким маҳорат ани қилиб мағрур,  
 Воқиф ўлмай тушар ишига қусур!<sup>193</sup>  
 Балки устод эдилар комил,  
 Бўлдилар ғарралик била ғофил!<sup>194</sup>

Маълумки, Навоий «Сабъаи сайёр»ида афсона айтувчилар афсона айтиш қўлидан келадиган ва турли мамлакатлардан келган мусофирлардир. Навоий бу ўринда «Хамса»чиликка яна бир ўз янгилигини киргизган ва ўз устози Низомий кетидан Хусрав Деҳлавий ва бошқалар каби кўр-кўрона эргашмаган.

Навоийнинг бу асар бўйича учинчи катта эътирози Баҳром образи устидадир. Низомий Баҳром образини, юқорида айтганимиздек, чуқур ғоявий мазмун билан бойитган ҳамда уни Фирдавсийга нисбатан анча юқорига кўтарган. Низомий Баҳром образи орқали ўз замонасига нисбатан энг муҳим ижтимоий масалаларни, илғор қарашларни илгари сурди. Тўғри, Баҳромнинг ҳам камчиликлари бор. У ўз севимлиси — Фитнага нисбатан жуда бераҳмлик кўрсатади, баъзан ўз подшолик бурчини унутиб, маишатга берилади, ҳақиқий севгидан баҳраманд эмас ва ҳоказо... Аммо унинг бу камчиликлари унинг ижобий томонларига нисбатан кам салмоққа эга. Яна бир карра айтиш мумкинки, Низомий ўз асарида одил

<sup>192</sup> Танланган асарлар, 2 т., IV к., 42-бет.

<sup>193</sup> Танланган асарлар, 2 т., IV к., 41-бет.

<sup>194</sup> Танланган асарлар, 2 т., IV к., 43-бет.

шоҳ образи — Баҳром образини яратишда маълум муваффақиятларга эришган. Ушбу ўринда биз Е. Э. Бертельснинг бу ҳақдаги фикрига тўла қўшилаемиз<sup>195</sup>. Аммо Навоий бу образга етарли баҳо бера олмади ва уни бутунлай салбий қаҳрамон деб нотўғри тушунди. Бунинг натижасида у Баҳромни «нодон» деб атаб, қуйидагиларни ёзди:

Бўлди, фарзан, бу навъ бул-ажаб иш,  
Бул-ажаброқ яна бу иш бўлмиш:  
Қим мунунгдек икки ваҳиди замон,  
Ҳар бир ўз вақтида фариди замон,  
Бўйла нодон учун ёзиб авсоф,  
Анга қилғайлар ўзларин вассоф.  
Мадҳини беҳисоб ёзғайлар,  
Балки мавзун китоб ёзғайлар.  
Ҳар бир ул назмида кўруб кўп ранж,  
Қилғай ўз «Панж»дин бир ганж.  
Олло, олло! не ганж бўлғай бу!  
Сарбасар элга ранж бўлғай бу!<sup>196</sup>

Навоийнинг Низомий Баҳроми ҳақидаги бу фикрлари билан келишиш мумкин эмас. «Сабъан сайёр»да Навоийнинг ўзи ҳам, О. Шарафуддинов ёзганидек, Низомий Баҳромининг баъзи хусусиятларини — унинг уста чавандозлиги, ажойиб мерганлиги, одил подшоҳлиги, душманга қарши омонсиз курашувчи қаҳрамонлиги ва бошқаларини ўз Баҳромиди сақлади. Аммо Навоий Баҳромнинг эҳтиросли ошиқлик томонини кўпроқ бўртдиришга ҳаракат қилди ва, юқорида айтганимиздек, ўз достонида ана шу эҳтиросни очишга кўп ўрин бағишлади. Бу ўринда биз О. Шарафуддиновнинг шу ҳақдаги фикрини тўғри деб топамиз<sup>197</sup>. Натижада у бутунлай янги характердаги бир асар яратди. Бунда яна шуни таъкидлаш керакки, Навоийда Баҳром образи иккинчи даражали образ сифатида тасвирланди. Биринчи даражали образлар эса Навоий асарида етти мусофир ҳикояларидаги образлардир.

Навоий тарихий темада асар ёзганда тарихни бузмасликни, уни қандай бўлса шундай тасвирлашни, бунинг

<sup>195</sup> Е. Бертельс, «Навои и Низами» (ст.) в Сб. «Алишер Навои», 85 стр.

<sup>196</sup> Танланган асарлар, 2 т., IV к., 43-бет.

<sup>197</sup> Алишер Навоий, «Танланган асарлар», II т., IV к. (О. Шарафуддиновнинг «Баҳроми Гўр образи ва «Сабъан сайёра» тўғрисида» номли мақоласига қаралсин).

учун тарихий фактларни пухта ўрганишни талаб этар эди. У, масалан, «Сабъаи-сайёр»ни ёзишга киришар экан, шу типда дoston ёзган «Хамса»чи шоирларни, улар ўз темалари тарихини яхши ўрганмаганлари, уни чуқурлаштирмаганликлари учун койиб дейди:

Узгалар ҳам йўнуб бу ишга қалам,  
Айладилар бу дostonни рақам.  
Ёздилар ҳар неким ҳуш айладилар,  
Сафҳани чун мунаққаш айладилар.  
Не эшитганни айлабон тасдиқ,  
Қилдилар назм, айламай таҳқиқ.  
Ким қаламзан қилур замон таҳрир,  
Топмиш эди фасона кўп тағйир.  
Чину-ёлгонни қилмайин маълум,  
Нома зимнида қилдилар манзум.  
Сенга навбат чу етти саъй эттинг,  
Қиссани ҳарф-ҳарфига еттинг.  
Сидқу-кизбида ончаким мақдур,  
Саъй этиб нома айладинг мастур.  
Яна буким, алар ёзарда варақ.  
Бердилар чун рақам ишига насақ.  
Қисса кўпроқ эканни билмадилар.  
Яна истарга саъй қилмадилар.  
Бирин назм ичра ҳарнеким қилди,  
Анга етганда ўзга ҳам қилди.  
Бу жиҳатдиан бaсе ғариб умур  
Қолди олам эли аро мастур.  
Сен бу ишнинг пайига чун бординг,  
Эски дафтар бaсе кўп ахтардинг<sup>198</sup>.

Унинг ўзи эса «эски дафтар» ахтаради, шу асосда маълум темани, афсонани бутунлай янгидан фикрлаб, янгидан яратади. У Искандар ҳақида асар ёза бошлар экан, бу ҳақдаги афсонани ҳам синчиклаб ўрганади ва уни қайтадан тирилтиришни олдига мақсад қилиб қўяди:

Неча зойил ўлса ҳаёти анинг,  
Тирилсин бу дам бори оти анинг<sup>199</sup>.

Лекин Навоий тарихий ҳаққонийлик учун курашар экан, бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятларини инкор этмайди. У «Ҳайратул-аброр»— да:

---

<sup>198</sup> Танланган асарлар, 2 т., IV к., 286-бет.

<sup>199</sup> Танланган асарлар, 2 т., V к., 11-бет.

Сўз аро ёлгон киби йўқ нописанд,  
Айлар анинг назмини доно писанд<sup>200</sup>

дер экан, бу билан у бадий тўқима, муболаға, фантазия ва ҳоказоларнинг адабиётда роли катталигини уқдиради. Лекин Навоий қандай тўқима, қандай муболаға, қисқаси, қандай «ёлгон»нинг тарафдори эди? Совет ёзувчиси А. Н. Толстой бадий адабиётдаги «тўқима»нинг роли, қандай бўлиши кераклиги ҳақида қуйидагиларни ёзган эди: «Тўқима» сўзига... унча жиддий нарса эмас, чунончи: турмушдан кўчирилган бўлса, демак — тўғри; ўйлаб чиқарилган бўлса — бу «адабиёт»... деб қараб бўлмайди. Албатта, ёзувчининг виждонига боғлиқ бўлган тўқима бўлади, лекин турмушнинг типик ҳодисаларига кўзни очадиган тўқима ҳам бўлади. Ахир «Ревизор» — бошдан охир, деярлик ҳеч учраши мумкин бўлмаган тўқима, шунга қарамай шаҳар ҳокимлари ва хлестаковлар ҳалигача трамвайларда биз билан учрашиб, эгилиб саломлашиб туради-ку. Тўқима масаласида худди шундай ишлаш: тип ва типик нарсаларни бўлак-бўлак, қисм-қисм қилиб йиғиш керак...»<sup>201</sup>

Навоий ҳам, бизнингча, худди шунга яқин турмушда юз бериши мумкин бўлган ёки киши тасаввурига сиғадиган тўқима ва муболағаларнинг тарафдори эди. У «Ҳайратул-аброр»да:

Чин демаки ҳарза-ву ҳазён бари,  
Турфа буким, яхшиси ёлгон бари—<sup>202</sup>

деб, яъни ўз шеърларининг энг яхшиси — бутунлай ёлгондан иборат эканлигини ёзар экан, тахминан шу идеяни илгари сурган эди. Ахир унинг «Хамса»га кирган дostonларининг биронтаси ҳам турмушда аниқ бўлган воқиалар асосида ёзилмаган-ку! Шунга қарамасдан, улардаги воқиалар, киши образлари кишини нақадар ҳаяжонга солади, феодал даврдаги мавжуд ҳаётнинг бир қанча характерли томонларини кўз олдимишга келтиради, ун-

<sup>200</sup> « „Нәжрәтүл-әбғар“, 19-бет. Бу байт «Маҳбубул-қулуб» да:

Сўз ичраки ёлгон эрур нописанд

Чу назм эттилар — қилди доно писанд

шаклида ўзгартирилиб, яъни мазмунан янада ойдинроқ формада тилга олинади.

<sup>201</sup> Алексей Толстой, Полное собрание сочинений, т 13, 563-бет.

<sup>202</sup> „Нәжрәтүл-әбғар“, 167 бет.

даги кўп социал ва ҳаётий масалалар билан таништи-  
ради. Дин аҳллари томонидан шоирлар ёлғончи деб  
аталиб, обрўсизлантирилган бир вақтда Навоий бу  
билан ижодий ишдаги бу хил хусусиятларни назарий  
жиҳатдан тўғри деб топади ва асослайди. У «Садди  
Искандарий» достонини ёза бошлар экан, ўзига хитоб  
қилиб:

Билик тахти узра чиқиб ўлтурай,  
Хаёл элчисин ҳар тараф чоптурай<sup>203</sup>

дейди ва юксак фантазияларга берилади. Навоий  
«Сабъаи-сайёр»да ўзбек халқ эртаклари асосида яра-  
тилган ҳикояларни шавқ-завқ билан ёзар экан, халқ фан-  
тазиясининг юксак чўққиларига чиқади, халқнинг энг  
юксак ғояларини куйлайди, киши хаёлини азобли феодал  
ҳаётдан ёрқин ва гўзал оламга олиб кетади, яхши инсо-  
ний фазилатларнинг ёмонлик, жаҳолат устидан ғалаба  
қозонишини тасвирлайди. Бу ҳикоялар ҳақида Навоий-  
нинг ўзи ёзади:

Ҳарбир уйнинг муқими фарзона  
Менга қилди баён бир афсона.  
Ким ўз иқлими ичра воқи эди,  
Ўзга кўзга ажаб мувоқи эди.  
Ҳарбир афсонада ғаройиб кўп,  
Ҳар ғариб иш аро ажойиб кўп.<sup>204</sup>

Лекин Навоий романтизми халқнинг реал орзу ва ис-  
такларига, халқ кучига, яхшиликнинг ёмонликни енги-  
шига асосланган эди.

Навоий гарчи ҳаққонийлик, ростгўйликни тарғиб қил-  
са ҳам, аммо унинг ростгўйлиги, реализми содда, бош-  
ланғич формадаги ва кенг маънодаги реализм эди. У  
ҳаётдаги қарама-қаршиликларни кўриб, уларни ўз асари-  
да акс эттиришга, ундаги етакчи кучларни, асосий тен-  
денцияларни аниқлашга интилса ҳам, бироқ бу қарама-  
қаршилик ва ҳоказоларнинг ички моҳияти ва қонуният-  
ларини билишдан, уларнинг адабиётда илмий аниқлик-  
даги бадий ифодасини, диалектик инъикосини талаб  
этишдан узоқ эди.

Навоий адабий асарда тасвирланган воқиа ва харак-  
терларнинггина эмас тасвирий ифодаларнинг, эпизодлар-

<sup>203</sup> Танланган асарлар, 2. т., V к., 10-бет.

<sup>204</sup> Танланган асарлар, 2 т., IV к., 37-бет.

нинг ҳам ишонарли бўлишини истаган. Бу ҳақда «Мажолис»дан кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Шайхим Сухайли — Лайлининг хасталиги ҳақида гапириб келиб, унинг иягини сўлиган олмага ўхшатишини у жуда ҳаётий, тўғри деб баҳолайди.

Улуғ санъаткор-адабиётшунос Навоий бадий адабиётда мажоз билан яширинган ҳаққонийлик йўлини ёқлар ва уни актив ҳимоя қилар экан, бошқа ижодкорларнинг ижодий методининг қанчалик илғорлигини белгилашга ҳам шу принцип асосида ёндошади. Улуғ рус танқидчиси В. Г. Белинский ўзининг «М. Лермонтов шеърлари» номли мақоласида: «Шоир қанчалик юксакликка кўтарилган бўлса, у шунчалик кўп ўз туғилган жамиятига тегишли бўлади, ундаги қобилиятнинг ўсиши, йўналиши, ҳатто характери ҳам жамиятнинг тарихий ривожланиши билан шунчалик чамбарчас боғланган бўлади»<sup>205</sup> деб ёзган эди. Навоий ҳам Низомий каби улуғ салафларининг ижоди ўз даври билан анча яқиндан боғланганини, реалистик кучга эга бўла бошлаганини кўрди.

Навоийнинг улуғ замондоши Жомий ҳам ўз шеърляти билан шундай юксакликка кўтарила олган, ўз замонининг, ўз жамиятининг бадий адабиёт олдига қўйган муҳим талабларига жавоб бера олган шоир эди. Бироқ Жомий ижоди бир қанча қутбларга эга эди. Унинг ижоди сўфилик мистикасини ҳам актив тарғиб қилар, принциал қарама-қаршиликларга эга эди. Айниқса, унинг мистикага берилиши Жомий яшаган тарихий шароит билан боғланган бўлса ҳам, аммо у ўз салафлари — Низомий, Умар Хайём, Саъдий, Хофиз кабилар чизган йўлдан жиддий чекиниш эди. Навоий эса ўз салафларига нисбатан бу масалаларда анча олдинга кетган эди.

Навоий Жомий ижодининг бундай хусусиятлари ҳақида «Маҳбубул-қулуб»да аниқ ёзади:

«Яна ҳақиқат ва мажоз тариқида комил ва илми икаласи тариқида вофий ва шомил ва назм аҳлининг муқтадо ва имоми... Абдурахмон Жомий... ким, аввалги табақа равшан ва каломида ҳам шариф мақол ва сўнгни табаканинг ҳам адоси латойифида ҳам соҳиб камолдурким, оламда завқ ва ҳол аҳли булар латойифи била мас-рурдурлар ва булар маорифи била ҳузур қилурлар»<sup>206</sup>.

<sup>205</sup> В. Г. Белинский, «Собрание сочинений в трех томах», I т., 653-бет.

<sup>206</sup> Алишер Навоий, *محبوب القلوب* 28-бет.

Лекин умуман Жомий ижодининг энг кучли, асосий томони, уни халққа яқин қилган томони, унинг шуҳратини абадийлаштирган томони, уни Навоийга яқин қилган томони, шубҳасиз, унинг ижодининг чуқур халқпарварлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик гоёлари билан суғорилгани, унинг ҳоким синфларни инсофга, адолатга чақириши, реалистик томони эди. Навоий Жомий ижодининг бу қимматли томонини ўз танқидчилигида тўғри тақдирлай олган.

Навоий тўғрилиқни «вужуд уйи»нинг устунини деб атаган. У ҳамма соҳада ростлик, тўғрилик, адолат бўлиши керак дейди. Акс ҳолда, унинг фикрича, тараққиёт, ободонлик бўлмайди. Агар ижодда ҳам тўғрилик, ҳақгўйлик бўлмаса, адабиёт ҳам ривожланмайди. Лекин ёлғонни ёзгандан, гапиргандан, уни ёзмаган, гапирмаган маъқул.

Неча зарурат аро қолғон чоғи  
Чин демас эрсанг дема ёлғон доғи<sup>207</sup>

Улуғ шоир ростлик ҳақидаги ўзининг умумий мулоҳазаларини «Ҳайратул-аброр»да шундай яқунлайдики, совет ўқувчилари, совет китобхонлари ҳам унинг бу ажойиб ҳаққоний афористик фикрига беихтиёр қўшиладилар.

## 5. ПОЭТИК ЖАНРЛАР ВА УЛАРНИНГ БАЪЗИ ЗАХМАТКАШЛАРИ ҲАҚИДА

Навоий адабиётшунослигида катта ўрин эгаллаган масалалардан яна бири, бизнингча, жанрлар масаласидир. Навоий яшаган давр адабиётида, бизга яхши маълумки, проза жанри яхши тараққий этмаган, драматургия эса умуман ҳали вужудга келмаган бўлиб, поэзия асосий жанр эди. Шунинг учун ўз даври традициялари билан боғланган Навоий ҳам поэзия жанри, унинг турлари устидагина кенг тўхтади, уни прозага нисбатан юқори қўйиб, «Сабъаи-сайёр»да ёзади:

Ҳар киши қилмоқ истаса маълум  
Бири мансур эрур, бири манзум.  
Насру назми ангаки мудракдур,  
Назмнинг пояси буюкракдур.  
Нечаким яхши сўзки зоҳир эрур,  
Лафз тиъдодидин жавоҳир эрур.

<sup>207</sup> „Нәјратул-әбраг“, 85-беғ.



Худ жавоҳир нечаки дилкашроқ,  
Назм силкига чексалар хушроқ<sup>208</sup>.

Адабиётда формализм, гоёсизлик кенг ўрин тутган бир даврда Навоий поэтик жанрлар масаласида эпик жанрни тараққий эттириш, муҳим социал масалаларни ўзида кенг акс эттира олувчи эпик асарлар яратиш масаласига айниқса катта эътибор берди. Навоийнинг бу идеяси айниқса ўзбек адабиёти тараққиёти нуқтаи назаридан жуда зўр аҳамиятга эга эди. Ўзбек адабиётида у бу масалани назарий жиҳатдан қўйиш билан кифояланмай, амалда ўзи бажарди ҳам. Навоий эпик жанрни «маснавий» деб атайди. Навоий маснавий услубини шунинг учун биринчи ўринга қўядики, бу йўл билан асар ёзган киши ўз мақсадини кенг ва чуқур ёрита олади. Бунинг учун маснавийда бор бўлган имкониятлар бошқа ҳеч қайси бир жанрда йўқ. Навоий маснавий ҳақидаги ўз фикрларини қуйидагича ифода этади:

Бўйла назм ичра ҳам эрур неча шиқ,  
Фаҳм этар ул кишики бўлса мудиқ.  
Лекин ул барчадин дағи хўби  
Бордурур маснавийнинг услуби.  
Ўзгаларни гар этмадим мазкур,  
Бок эмас, чун эрур бари машҳур,  
Маснавийким, бурун дедим они,  
Сўзла келди васеъ майдони.  
Вусъатида юз ўлса маъракагир,  
Кўргазур санъатин бори бир—бир<sup>209</sup>.

Навоийгача ҳам эпик асарлар яратишга интилиш тенденцияси бор эди. Навоий ўз замондошларини бу тенденцияни кенг ривожлантиришга чақирди. Бу тенденция Навоий даврида мураккаб формада, яъни кўпроқ Низомийга эргашиб. «Хамса» яратишга ҳаракат қилиш формасида ўсди. Бироқ «Хамса» ёзиш, илгари айтиб ўтганимиздек, ёзувчидан жуда зўр ҳаётий, илмий, адабий билимни талаб қилар эди.

Шунинг учун ҳам «Хамса» яратишга интилувчилар кўп бўлса ҳам, аммо ҳақиқий муваффақиятга эришган кишилар кам бўлди. Навоий «Мажолис» да «Хамса» яратишга киришган кишилардан Ашраф, Али Оҳий, Котибий, Фасиҳ Румий, Мавлоно Дарвеш Али, Хожа Ҳасан, Ҳизр-

<sup>208</sup> Танланган асарлар, 2 т., IV к., 26-бет.

<sup>209</sup> Танланган асарлар, 2 т., IV к., 27-бет.

шоҳ, Мавлоно Абдулло, Амир Шайхим Суҳайлий, Хожа Имод, Абдураҳмон Жомий кабиларнинг номларини зикр қилиб ўтади.

Навоий ўз танқидчилигида, бу шоирлардан Ашрафнинг номини «Хамса» ёзишга киришиб, маълум муваффақият қозонган шоир сифатида ўз «Хамса»сига кирган дostonларининг муқаддималарида ҳам Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Жомийларнинг исмларидан кейин ҳурмат билан тилга олиб ўтади. «Мажолис»да Ашрафнинг қийналиб ижод қилганини очиқ кўрсатувчи бир неча характерли гапларни ёзган:

«Мавлоно Ашраф дарвешваш ва номурод шева киши эрди. Кийиз бўрк устига курчуқ чирмар эрди. Эл биладаги омезиши оз эрди. Кўпрак авқот «Хамса» татаббуъига сарф қилур эрди, то ул китобни тугатур тавфиқи топти, воқиан ўз хўрд ҳолига кўра ёмон бормайдурур»<sup>210</sup>.

Ашраф ўзининг тирикчиликдан ортган бутун бўш вақтини «Хамса» яратиш учун берган.

Навоий Ашраф «Хамса»си ҳақида «Мажолис»да: «Воқиан ўз хўрд ҳолига кўра ёмон бормайдурур»<sup>211</sup>. деб ёзар экан, умуман унинг ижоди ҳақида эса «Сабъаи-сайёр»да қуйидагиларни ёзади:

Гарчи бир нуктагўй Ашраф ўлуб,  
Ўзи мақдурига мушарраф ўлуб,  
Яхши ёхуд ёмон деди ғам эмас,  
Яхши гар бўлмаса, ёмон ҳам эмас<sup>212</sup>,

Навои Ашрафни умуман ўртача шоир ҳисоблаган. Унинг «Хамса»си ҳам ғоявий ва бадий жиҳатдан Низомий, Хусрав Деҳлавий «Хамса»лари даражасига кўтарила олмаган. Гарчи у ўз «Хамса»сининг баъзи моментларини, Навоий айтгандек, ўзидан бурун ўтган шоирларнинг «Хамса»ларига ўхшатмасдан ишлашга ҳаракат қилган бўлса ҳам, кўп ўринларда уларнинг ёзганини қайтарган, «Хамса»чиликка янгилик киритишга, сюжет линияларини мустақил тузишга, ҳатто тайёр сюжетлардаги баъзи қоронғи моментларни конкретлаштиришга кучи етмаган. Навоийнинг ўзидан бурун ўтган «Хамса»чи шоирларни танқид қилиб «Сабъаи-сайёр»да ёзган мисралари

<sup>210</sup> Танланган асарлар, 3 т., 16-бет.

<sup>211</sup> Танланган асарлар, 3 т., 16-бет.

<sup>212</sup> Танланган асарлар, 2 т., IV к., 30-бет.

ва бошқалар, шубҳасиз, Ашраф ва унинг ижодига ҳам тааллуқли эди.

Навоий ўз «Садди Искандарий»сининг кириш қисмида эса Ашрафни «гадо»<sup>213</sup> шоир деб атаб, унинг Искандар ҳақидаги сўнгиги достонининг ғоявий-бадий жиҳатдан қашшоқ чиққанига ишора қилади.

Навоий «Мажолис»да Ашраф «Хамса»сидан инсонпарварлик руҳидаги бир байтни маъқуллайди ва унга «афв фазилатида!» «Хамса»сидин бу байт яхши воқе бўлутур...»<sup>214</sup> деб яхши баҳо беради. У байт қуйидагидир:

Баназди касе кў бадониш беҳаст,  
Зи мужрим куши, журм бахши беҳаст<sup>215</sup>.

Таржимаси: «Яхши билимли киши қошида гуноҳкорни ўлдиришдан гуноҳини кечиш яхши».

«Мажолис»да айтилишича, Мавлоно Фасиҳ Румий Низомийнинг «Махзанул-асрор»ига, Амир Шайхим Суҳайлий билан Хожа Имод унинг «Лайли ва Мажнун»ига жавоб ёзганлар.

Мавлоно Қотибий ҳам умрининг охирида ўз поэтик кучини Низомий «Хамса»сига жавоб ёзиш билан синаб кўришга киришган. Мавлоно Абдулло ҳақида эса Навоий қуйидагиларни ёзади:

«Мавлоно Абдулло—Ҳазрат Махдумий Нуран<sup>216</sup> хизматларида бўлутур, балки яқин уруғдур. Сойир шеър аснофидин маснавийға майли кўпроқдур. Бу тарихдаким, бу рисола битилди<sup>217</sup>. «Хамса»дин<sup>218</sup> «Лайли ва Мажнун» ва «Хусрав ва Ширин ва «Ушўфт пайкар»га татаббуъ қилиб эрди, «Искандарнома» муқобаласида «Зафарнома»назмиға машғул эрчи»<sup>219</sup>.

Аммо Низомий традицияларини давом эттиришга уриниб, «Хамса» яратишга интилганлардан Абдурахмон Жомий асарларидан бошқа ҳеч кимнинг ёзгани Навоийнинг юксак талабларини қондира олмади. Бу кишилар ўз асарларининг мазмунига, асар ғоясининг актуаллигига жиддий эътибор бермасдан, улар ўз асарларини кўп

219 Танланган асарлар, 3 т., 69-бетлар.

214 Танланган асарлар, 3 т., 16-бет.

215 Танланган асарлар, 3 т., 16-бет.

216 Абдурахмон Жомий.

217 1491—1492 йил.

218 Низомий «Хамса»си кўзда тутилади.

219 Танланган асарлар, 3 т., 69-бетлар.

вақт шеър техникаси жиҳатидан мураккаблаштириб, ўринсиз ташқи безаклар билан безаб юборганлар ва уларнинг асарлари жамият аҳамиятига эга бўлмай қолган. Улар ўз ижодини реал турмуш билан боғлаб, ундан ўз асарлари учун янги мавзу ва мазмун қидирмаганлар, қидирсалар ҳам, улар топган мавзу ва мазмун илғор адабиёт талабларига, даврнинг илғор гуруҳлари талабларига жавоб бера олмаган. Шунинг учун ҳам Навоий ўз давридаги «Хамса»чилик ҳаракатига умуман қуйидаги кескин баҳони берган:

Басе маснавийгўйи нозук хаёл,  
Ки назм аҳли ичра солиб қийлу-қол,  
Халойиққа юз ҳусну-ноз айлагай,  
Ки ўн йилда минг байт соз айлагай.  
Чиқорғон замон ул навъ ойин савод,  
Ки оламда йўқ бўйла рангин савод.  
Саводиға ҳаркимки кўз солибон,  
Қаро шони меҳнат аро қолибон.  
Не зулматки, йўқ оби ҳайвон анга,  
Қаю тунки, йўқ меҳри рахшон анга,  
Агар даҳр аро сепса мушки татор,  
Кўнгилни қилур тийраю, кўзни тор<sup>220</sup>.

Бу дostonлар, Навоийнинг фикрича, авторларнинг қуруқ шаклга берилишлари натижасида, ҳаёт нафаси эсмаган зулматга, нурсиз кечага, қора меҳнат шомига айланган. Бу дostonлардаги ўринсиз безаклар ҳақида Навоий: «Агар дунёни фақат мушки тотор билан тўлғизилса, у кўнгилни қоронғи, кўзни кўрмайдиган қилади», — дейди.

Бироқ бу маснавийгўйлик ҳаракати ўзбек ва тожик адабиётлари тарихида Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ижодларига кўрсатган таъсирлари билан ижобий аҳамиятга эга бўлди. Жомий ва Навоий ҳам бу ҳаракатга қўшилдилар ва бу ҳаракат шу икки буюк шоир ижодида энг катта ютуққа эришди.

Жомий ўз шоирлик қаламини ўша вақтда маълум ҳамма шеърый жанрларда синаб кўрган эди. У кичкина формадаги лирик шеърлардан тортиб, йирик ва мураккаб дидактик, ишқий ҳамда фалсафий дostonларгача ёзди ва ҳар қайси жанрда ҳам улуг муваффақият қозонди. Жомийнинг энг йирик асарлари — унинг энг йирик дostonларини ўз ичига олувчи «Ҳафт авранг» тўплами ва унинг

<sup>220</sup> Танланган асарлар, 2 т., V к., 385—386-бетлар.

лирик шеърларини ўз ичига олган уч девонидир. Унинг ҳамма адабий асарлари ўз замондошлари томонидан ўз замонига нисбатан тожик адабиётининг сўнгги зўр ютуқлари сифатида қабул қилинди ва уларни маъқулламаган киши бўлмади. Шахсан Навоий ҳам унинг ҳамма асарларини, ҳатто диний асарларини ҳам, адабиёт назариясига оид асарларини ҳам, грамматика ва бошқаларга оид асарларини ҳам чуқур ўрганди. Навоийнинг «Хамсатул-мутахаййирин» асари буни очиқ кўрсатади. Навоий Жомийнинг шеърятдаги ҳамма жанрларда, ўзини кўрсатгани ҳақида «Садди Искандарий»да қуйидагиларни ёзади:

«Қаю назм, балким жаҳон офати,  
Жаҳон офати йўққи, жон офати,  
Эшитмаклиги завқнок айлабон,  
Вале дарки маъни ҳалок айлабон.  
Ғазал дарду-сўзини, ваҳ-ваҳ, не дей,  
Деса маснавий, аллаҳ-аллаҳ, не дей!  
Агар назмдин борча услуб анга,  
Бори бир-биридин эрур хўб анга»<sup>221</sup>.

Бироқ Жомий билан бир қаторда адабиётнинг чуқур мазмунлилиги учун, юксак ғоявийлик учун курашган Навоий унинг ижодида биринчи ўринга унинг маснавийда ёзган асарлари — дostonларини, яъни унинг «Ҳафт авранг» ини қўйди. Навоийнинг фикрича, Жомий Низомий, Хусрав Деҳлавийдан сўнг «Хамса» типига асар ёзиб, маснавий жанрини, яъни «Хамса»чиликни тирилтирган шоир эди:

«Булар чун адам сори кўчмиш эди,  
Дегил маснавий оти ўчмиш эди.  
Ҳамул боғ аро гул йўқу, бўйи ҳам.  
Қуруммуш эди ул ариф суйи ҳам.  
Биҳамдиллаҳ ул гул топиб ранг—бў,  
Бир оққан арикқа яна оқти сув»<sup>222</sup>.

Навсий ҳам Жомий сингари «Хамса» яратишдан олдин кичик шеърый жанр, айниқса ғазал ёзишда ўзини энг истедодли шоир сифатида кўрсатган, лекин бу лирик жанр унинг «димоғи»даги «улуғ муддао»ларини акс эттириш учун тор келгач, у бу «ушоқ» ишлар билан қониқмай ўз олдига Низомий дostonлари типига эпик асар-

<sup>221</sup> Танланган асарлар, 2 т., V к., 20-бет.

<sup>222</sup> Танланган асарлар, 2 т., V к., 18-бет.

лар яратишга киришган эди. «Хамса» яратиш Навоий учун ҳавас иши эмас, балки унинг улуғвор идеяларини ўзига мос бадий формада гавдалантириш иши бўлган. Бу ҳақда Навоий «Садди Искандарий»да ёзади:

Бу мужмалки килк этти таъвил ани,  
Эшитсанг қилай эмди тафсил ани.  
Борин айтмоқ гар эмас дилпазир,  
Вале шарҳи мақсуддин йўқ гузир —  
Ки чун ҳақдин ўлди иноят менга.  
Қарам айлади бениҳоят менга,  
Улуғ комлардин эдим бахтиёр,  
Ки йўқ эрди анда менга ихтиёр.  
Нетонг бўлса кўпдин кўп ар қайғулуқ,  
Тамаъ бўлса кимга улуғдин-улуғ!  
Ва лекин не ғам, тангри айлаб қарам,  
Улуғ муддао берса, мақсуд ҳам.  
Гаразким чу назм ўлди туҳмат менга,  
Ейилди жаҳон ичра шуҳрат менга.  
Ғазал тарзиға аввал айлаб ситез,  
Жаҳон ичра солдим улуғ рустхез.  
Уқур вақти аҳли саломат муни,  
Кўруб олам ичра қиёмат кунни.  
Ҳар аснофи зикри эмас шонима,  
Билур ҳар киши боқса девонима.  
Вале қониъ ўлмай ушоқ ишга ҳеч,  
Димоғимда эрди улуғ печ-печ.  
Не майдон аро сурсам эрди саманд,  
Ҳавосин кўнгил қилмас эрди писанд...  
Ҳаёлимда кишварситонлиғ кириб,  
Мамоликда соҳибқиронлиғ кириб.  
Бу андишадин эрди кўнглимда шайн —  
Ки бўлди кўнгил мойили «хамсатайн»...<sup>223</sup>

Навоий эпик асарлар билан бир қаторда поэзиянинг майда жанрларини ҳам ривожлантириш тарафдори эди. Шунинг учун ҳам Навоийнинг диққат марказида турган иккинчи поэтик жанр—сатира жанри бўлди. Навоий даври адабиётида сатира жанри мустақкам ўрин эгаллай бошлаган эди. Сатирик шоирлар ўз асарларини реал турмушдан келиб чиқиб ёзар ва улар ҳазил, кулки йўли билан феодал жамиятнинг муҳим қусурларини фош қилар эдилар. Яъни кўпинча бундай ҳазилларнинг таги зил бўлар эди. Навоий сатирани «зарофат», «ҳажв», «муто-йиба», «ҳазл», «мазоқ» деган терминлар билан ифода-лайди, сатира ёзиш билан шуғулланувчи кишиларни эса

<sup>223</sup> Танланган асарлар. 2 т., V к., 24—25-бетлар.

«Дебоча» да «зарофат дусор роқимлар» деб, «Мажолис» да «ҳаззол» «зурафо» деб атайди. Сатира жанрини ривожлантириш соҳасида ҳам ўзидан бурунги тожик, ўзбек ва бошқа адабиётларнинг илғор традицияларини давом эттириб, Навоий ўз ижодида бу жанрда жиддий ютуқларга эришди. Навоий ўз замондошларини ҳам систематик равишда бу жанрда ижод қилишга ундади. Навоий сатирик шоирларнинг асарларида илгари сурилган ғояларнинг актуаллигини, ҳаётий аҳамиятини ва бу асарларнинг авторларининг журъаткорлигини юксак баҳолаган. Биз бунга «Мажолис»дан бир қанча характерли мисоллар келтиришимиз мумкин.

Маълумки, Хусайн Бойқаронинг Навоий ўрнига 1476 йилда тайинланган вазири — Хожа Мажиддин Муҳаммад тарихда талончи, золим сифатида ном қолдирган. Мажиддин давлат ишларида ҳам ғаразгўй, ўз шахсий манфаати ва ўзига яқин кишиларнинг манфаати йўлида ҳар қандай номуссиз ишлардан қайтмайдиган, ўз манфаатини ҳамма нарсадан юқори қўювчи бир мансабдор эди. Унинг бу хил кирдикорларидан бирини Мавлоно Олим деган ҳажв қилиб бир шеър ёзганки, бу шеър шаҳарда кенг тарқалган ва катта шуҳрат қозонган. Навоий ўз тазкирасида Мавлоно Олим ва унинг шу ҳажвий шеърининг тарихи ҳақида самимият билан ёзади:

«Мавлоно Олим донишманд кишидур. Дарс ва ифодага машғул, шеърга дағи мулоямати таъби бор. Бир кун бир жамоат эл билан девонбошига қазияи арз қилди ва ўз муддаоиси мувофиқи арзадошти ҳам битиб эрди. Девонбоши бу воқияни Хожа Мажиддин Муҳаммадки, мубошир эрди, анга ҳавола қилди. Мавлоно арзасини Хожага берди. Хожагийннинг майли хотири анинг муаддийлари сари эрди. Анинг қоғазин ўқумай чирмади ва ғанимлари тарафин тутти. Мавлоно бу байтни айттиким:

Кори моро Хожа Мажиддин Муҳаммад ҳеч кард,  
Қоғазии моро нахонд он рӯзу дарҳам печ кард.

бу байт шуҳрат тутти»<sup>224</sup>.

Таржимаси: «Хожа Мажиддин ишимизни йўққа чиқарди, ўша кун қоғазимизни ўқимай, буклади қўйди».

Бу байтнинг шуҳрат тутишига сабаб шундаки, халқ ҳамма давлат бошқарувчилари орасида кенг тарқалган

<sup>224</sup> Танланган асарлар, 3 т., 67-бет.

эди. Навоий Мавлоно Олимнинг бу байти тарихи ва бу байтнинг ўзини «Мажолис»га киргизиб, фақат Мавлоно Олимга, унинг ижодига характеристика бериб қолмасдан, балки Мавлоно Олимнинг фикрига қўшилади ҳам унинг фикрини индамасдан маъқуллайди.

Навоий даври учун яна бир типик ҳодиса—порахўрликни қамчилаб, Сайид Абдуллоҳ Астрободий ёзган қитъанинг «Мажолис»да келтирилишидир. Афтидан Сайид Абдуллоҳ Астрободий Навоий билан ҳамсуҳбат бўлган, Навоий шахсан ҳам хуш кўрган кишилардан кўринади. Навоий унинг ҳақида:

«Хуш таб» йнгит эди, муҳовараси дағи хўб ва аҳлоқи дағи хўб эрди»<sup>225</sup> деб ёзади. Сўнг Навоий ўша қитъанинг ёзилиш тарихи ва ўзини келтиради:

«Хўчон вилоятининг қозиси эшак ришва бериб, садр ани қози қилғонға бу қитъаси машҳурдурким:

Хаме гашт дар шаҳр шахсе зи Хўчон,  
Ки қози шавад, садр рози намешуд.  
Бидодаш харе ришвау гашт қози....  
Агар хар намебуд, қози намешуд»<sup>226</sup>.

Таржимаси: «Хўчондан келган бир киши қози бўлмоқ учун шаҳарда айланарди, бироқ садр унинг қози бўлишига рози эмасди. Охирида бир эшакни садрга пора бериб, қози бўлди. Эшак бўлмаса қози бўлмасди».

Бунда ҳам юқоридаги сингари кичик бир ҳаётий эпизод орқали ўша жамиятнинг жуда катта нуқсонини усталик билан ишлатилган ўткир сўз ўйинини воситасида фош қилинади. Чиндан ҳам талантли шоир ўз қитъасида пора олувчи садр устидан ҳам, пора бериб қози бўлган киши устидан ҳам қаттиқ кулади. Порахўр қозилар ҳақида:

«Ўлким ришват бериб, қазо олаолғай, ришват олиб ҳам шаръини бузаолғай» деб ёзган Навоийга Сайид Абдуллоҳ Астрободий қитъаси жуда маъқул келган эди.

Яна шу типдаги қитъалардан бири Мавлоно Музҳирнинг<sup>227</sup> ўша даврда енгил ва паст йўл билан пул топишга

<sup>225</sup> Танланган асарлар, 3 т., 52-бет.

<sup>226</sup> Танланган асарлар. 3 т., 52—53-бетлар.

<sup>227</sup> «Мажолис»нинг 1948 йил босмасидаги Мавлоно Музҳирнинг номи кўпчилик нусхаларда нима учундир Ҳасаншоҳ (баъзи нусхаларда Хусайншоҳ) бўлиб келади.



уриниш ва ишқмасликни танқид қилувчи қитъасидир. Навоий аввало Музҳирнинг ўзига, унинг қандай киши эканлигига тўхталади: «Мавлоно надимшева ва ҳаззола таъб киши учун ҳазл оmez аштори ва қитъалари кўп турур ва машхурдур»<sup>228</sup>. Навоий бу ижобий характеристикадан кейин унинг ижодидан намуналар келтиришга ўтади. Бунда Музҳирнинг Мутаҳҳари Удий ҳақида ёзган қитъаси ва унинг ёзилиш тарихининг келтирилиши характерлидир.

Ул жумладан: «Мутаҳҳари Удий учунким, эшакини улугроқ жиҳатидан эл музд бериб, ўз эшақларига секритур эрмишлар тухум учун, бу қитъани дебдурким:

Мутаҳҳар ҳаст исми бемусаммо,  
Нажасро кай мутаҳҳар метавон гўфт:  
Хараш бар хар жаҳад, ў зар ситонад,  
Бас уро кайди хар метавон гўфт»<sup>229</sup>.

Қитъанинг таржимаси: «Мутаҳҳар» — оти бор, ўзи йўқ нарсадир, нажасни мутаҳҳар (тозаланган) деб бўлади-ми? Эшаги эшақка чопади-ю, у пул топади. Демак уни эшақ алловчи деса бўлади».

Масаланинг қизиқ ери шундаки, кўриб ўтганимиз уч шоирнинг шеъри ҳам ўша замон турмушига чамбарчас боғланган, воқеий. Биринчи галда мазмун жиҳатидан бу сатирик шоирларнинг шу хил шеърлари уларни халққа яқин қилиб қўйган, уларга, Навоий айтишича, катта шуҳрат бағишлаган.

Навоий «Мажолис»да мана шу каби реал ҳаёт билан чамбарчас боғланган бир қанча шеърий мисоллар келтиришда давом этади. Бу «Мажолис»нинг Давлатшоҳ тазкираси ва бошқалардан ортиқлик аломатларидан биридир. Навоий сўзларидан маълум бўлишича, Сайид Қозимий ҳам сатирик шоирлар қаторига кирган. Унинг асосий касби сипоҳийлик бўлган. Навоий унинг ҳақида: «Сипоҳийликда жалд киши эрди...»<sup>230</sup> деб ёзади. Навоий Сайид Қозимий билан яқин муносабатда бўлган. Навоий Сайид Қозимийнинг ўзига қисқача характеристика бериб ёзади: «Сайид Қозимий хуш таъб ва сабукруҳ ва таъби мойил киши эрди, подшоҳ ҳазратидин Хожайи Жаҳонга ри-

<sup>228</sup> Танланган асарлар, 3 т., 68-бет.

<sup>229</sup> Танланган асарлар, 3 т., 68-бет.

<sup>230</sup> Танланган асарлар, 3 т., 42-бет.

солатға бориб, андин келурда Ироқда қолди. Андин фақирға бир-икки руқъаси келди»<sup>231</sup>.

Навоий Сайид Козимийга шоир сифатида характеристика бериб яна: «...Шеъри равон воқе бўлур эрди Қасидаси Бобо Савдойи таври тушар эрди»<sup>232</sup> деб ёзади. Навоий Сайид Козимий ижодидан мисол учун Ҳирот қозиси ҳақидаги қизиқ хажвий мазмунга эга бўлган байтини олиб келади:

«Шукри худоки қозийи шаҳри Ҳири наям,  
Дар силки одам сифатонаму—хари наям»<sup>233</sup>,

Таржимаси: «Худога шукурки, Ҳирот шаҳрининг қозиси эмасман, одамшавандалар сифатидаману, эшак эмасман».

Бу байтда Ҳирот шаҳари қозисининг кирдикорлари фош қилинибгина қолмасдан, шоир унга ўзининг кучли нафратини ҳам баён қилган. Муттаҳам қозиларни кўп ўринда Сайид Козимийдек, ҳатто ундан ҳам ортиқ нафратлаган Навоий бу байтни дадиллик билан Сайид Козимийнинг энг яхши шеъри сифатида «Мажолис»га киритган.

Навоий Сайид Козимийнинг қасидалари ҳам бор бўлиб, унинг қасидалари Бобо Савдойи қасидалари типида эканлигини айтади. Сайид Козимий ўз қасидаларини, албатта, ҳоким табақа вакилларига бағишлаган. У бу қасидаларида уларни мақтаган, кўкларга кўтарган бўлиши ва бунинг эвазига улардан моддий ёрдам олган бўлиши турган гап. Навоий бу ҳақда: «Ва мунча ғайри мукаррар халқ Сайид давлатидин шуароға мамдуҳ бўлудурлар, — »<sup>234</sup>деб ёзади. Аммо ишқий ғазал ё қасида жанрида ўралишиб қолмасдан, уларнинг баъзан юқоридаги сингари ижтимоий мазмунли шеърлар ёзиши ёки ёзиб туриши, барибир, катта аҳамиятга эга бир воқиа эди. Гуманистик ва халқпарвар адабиёт учун курашган Навоий улар ижодининг биринчи навбатда шу прогрес-

<sup>231</sup> Уша китоб, 3 т., 42-бет.

<sup>232</sup> Уша китоб, 3 т., 42-бет.

<sup>233</sup> Уша китоб, 3 т., 42-бет.

<sup>234</sup> Танланган асарлар, 3 т., 42-бет. «Мажолис»нинг 1917 йилги биринчи тошбосмасида эса шу жумладан олдин қуйдагиларни ўқиймиз: «Ҳисобдин ташқари жоҳ ва манзилат аҳлининг мадҳ қилибдир ва анча татаббу қилиб, асрининг фузоласи сонсиз олам аҳлининг васф этиб турлар...» (178).

сив элементларини маъқуллаган ва тарғиб қилган эди. Бу шоирларнинг ижодида шу хил прогрессив элементлар қанча процентини ташкил қилганлигини аниқлаш эса, уларнинг асарларининг ҳаммаси бизга етиб келмагани учун, қийин.

Навоий яшаган давр адабиётида энг кенг тарқалган бошқа бир жанр, шубҳасиз, лирика жанри эди. Лирика жанри билан деярлик ҳамма адабий оқимларнинг вакиллари шуғулланар эди. Бу даврда лирик жанрлардан: муҳаммас, мусаддас, мусамман, мустаҳзад, таржеъбанд, рубоий, туюқ, қитъа ва ҳоказолар орасида, айниқса, ғазал жанри кенг оммалашган эди. Шаҳар меҳнаткашларининг адабиётдаги вакилларида тортиб подшоҳ — Султон Ҳусайн Бойқарогача барча шеър аҳллари бу жанрда қалам тебратган. Чунки бу жанр шеърини тузилиши жиҳатидан унча мураккаб бўлмасдан, баъзи қулайликларга эга ва унинг техникасини эгаллаш ҳам осонроқ эди. Шунинг учун Навоий «Мажолис»нинг кириш қисмида ўз замондошларининг абсолют кўпчилиги ғазал ёзиш билан шуғулланганларини ва бу жанрда маълум муваффақиятлар қўлга киритилганини ёзади. Сатирик шеърлар ҳам кўпроқ шеърини тузилиш жиҳатидан ғазал формасида бўлар эди. Шунинг учун ҳам Навоий баъзан сатирик шоирлар билан лирик шоирларнинг номини биргаликда қўшиб тилга олади.

Навоийнинг ўзи ҳам лирика билан, хусусан, ғазал ёзиш билан жиддий шуғулланди ва буюк ютуқларга эришди. Ўз ичига минглаб ғазалларни олган «Ҳазоинулмаони» бунинг ёрқин далилидир. Навоий ўз замондошларини бу жанрда ҳам жиддий иш олиб боришга тарғиб қилди.

Навоий адабиётшунос ва танқидчи сифатида лирика жанрининг ва, хусусан, ғазалнинг ўзига хос маълум ички хусусиятларини белгилашга ҳам интилди. Навоийнинг «Мажолис»да ёзишича, ғазал жанри барча лирик жанрлардан «дил осороқ ва нишот афзороқ»дир. У ўз шеърларини эса «Дебоча»да «мавзун ҳаракатлиг дилкашлар» ва «матбу» сифатлиг шўхвашлар» деб таърифлайди. Навоийнинг қайта-қайта таъкидлашича, лирик шеър кишининг ички хис ва туйғуларини, унинг дилидаги дардларини очиб бериши керак. Навоий «Садди Искандарий»да лирик чекиниш ясаб, муғаннийга мурожаат қилади ва дейди:

Муғанний, келу черт туркона соз,  
Мақоми «Наво», йўқса «Турки ҳижоз».  
Навоийнинг ашъоридин неча байт  
Менинг ҳасби ҳолим топиб турки айт.  
Навоий «тутуб фол, девонни оч!  
Ўқурда дуру лаъл оламга соч!»<sup>235</sup>.

«Дебоча»да Навоий бу ҳақда янада очикроқ қилиб қуйидагиларни ёзади: «Яна рўзгор ҳаводисидан ул фикрлар борча кўнглумдин борди ва ишқи ожизкаш, зулм ва бедоди ул ҳаёлларни хотиримдин чиқорди. Оллимға анча душворлиғлар юзланди ва теграмга анча саъб гирифторлиғлар айланди, ва сипеҳр бошимға анча бало тоши отти ва ишқ сипоҳининг лагадқўби заиф бикрим била сўнгаларимни онча аёғ остида ушоттиким, на сўзумдин хабарим(ни), ўзлукумдин асарим қолмади. Ишқим ошуби туғёнида ҳар суубатким юзланур эрди. Чун бир ҳамдард рафиқим йўқ эрдиким, дардимдин шаммаи изҳор қилғоймен, бирор байт била ул ҳол мазмунин назм қилиб, кўнглумни холи қилур эрдим ва жунунум шиддати ғалаёнида ҳар ошубким, оллимға келур эрди. Чун меҳрибон мушфиқим йўқ эрдиким, маҳфи ўтумни ошкор этгайман. Бирор матлаъ била ул маънини адо қилиб, қаттиқ ҳолимни шарҳ этар эрдим. Бу вомита била кўнглум ўтиға ороми ва ишқим бедоди ноҳамворлиғиға андоми ҳосил бўлур эрди»<sup>236</sup>.

Навоий бу ўринда лирик шеърнинг кишида юз берган реал ички аҳволни акс эттириши кераклигини таъкидлаш билан бирга, унинг юракка жуда яқин бўлишини, муслиқий бўлишини ҳам уқдиради. Навоийнинг фикрича, ҳар қандай лирик шеър маълум бир музыкага тушадиган бўлиши керак. Бунинг учун шоир музыка санъатидан ҳам хабардор бўлиши, музикани яхши тушуниши ва музыка инструментларини чала билиши зарур. «Хамсатул-мутаҳаййирин» да Навоий Биноийни музыка инструментларини чалишни билмагани учун танқид қилганини ва Биноий Навоийнинг бу танқидини қабул қилиб, маълум вақтдан кейин биринчи даражали музикант бўлиб етишганини, ҳатто у баъзи куйларни ихтиро қилганини ҳикоя қилади. Маълумки, Навоийнинг ўзи ўз даврининг энг яхши бир музиканти ҳам бўлган. Унинг шеърларининг кўпчилиги музыкага жуда осонлик билан тушади.

<sup>235</sup> Танланган асарлар, 2 т., V к., 235-бет.

<sup>236</sup> ЎзССР ФА. Ш. И. Қўлёзма, Инв. 677, 2-лист.

Навоийнинг лирика ҳақидаги мулоҳазаларидан яна шу нарса кўзга ташланадиги, шеър самимий бўлиши ва ўқувчининг юрагига чуқур кириб бориб, унда ҳаётга муҳаббат, оптимистик ҳис уйғотиши лозим. Худди шунинг учун Навоий шеърни ҳатто ҳазин, ғамгин ўқишга ҳам қаршидир.

У «Мажолис»да Хожа Абу Саид ҳақида ёзади: «Аммо ўз шеърин ўқурда йиғламсиниб ўқур, дағи ўзи мутаассир<sup>237</sup> бўлуб, ҳардам улуғ тинар, аммо бас қилмагунча эл тинмас». Шу билан бирга Навоий ва Жомий риторикага, қуруқ бақириқ, чақириққа ҳам қарши эдилар. Заҳириддин Муҳаммад Бобир «Бобирнома»да Шайхим Суҳайлий ўз шеърини бақириб ўқиётганида Абдурахмон Жомийнинг унга: «Мирзо, шеър айтасиз ё одам қўрқитасиз»<sup>238</sup> деганини ҳикоя қилади. Гарчи бу ўринда гап шеър ўқиш техникаси ҳақида кетаётган бўлса ҳам, аммо бу фикрлар бевосита шеърнинг руҳига ҳам алоқадордир.

Навоий ўз даврида бир қанча йирик лирик шоирлар етишганини ва уларнинг шеърлари кенг тарқалганини уқдиради. Булар Қотибий, Биноий, Ҳилолий каби шоирлар эди. Навоий «Мажолис»да Қотибийнинг ижоди ва унинг асарлари ҳақида гапириб келиб дейди: «Аммо ғазалиёт ва қасоид девони<sup>239</sup> машҳурроқ ва яхшироқ воқе бўлубтур». Навоий ўз тазкирасида мисолга Қотибийнинг бир қанча характерли мисраларини топиб келтиради. Улар орасида Қотибийнинг ўлими олдида Астрободда тарқалган вабо касали ва унинг мамлакат ҳамда халққа келтирган катта зиёнлари ҳақидаги реалистик қитъа айниқса характерлидир.

Зи оташи қаҳри вабо гардид ногаҳон хароб  
Астрободики, хокаш бувад хушбўтар зи мушк.  
Андарў аз пиру барно ҳеч кас боқи намонд.  
Оташ андар беша чун афтад на тар монанд, на хушк<sup>240</sup>.

Таржимаси: «Тупроғи мушкдан ҳам хушбўйроқ бўлган Астробод вабонинг олови қаҳридан бирданига хароб бўлди. У ерда ёш ва қаридан ҳеч ким қолмади. Чунки тўқайга ўт тушса, ҳўлу қуруқ баробар ёнади».

<sup>237</sup> Танланган асарлар, 3 т., 108-бет.

<sup>238</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобир, «Бобирнома», 1 қисм, 202-бет.

<sup>239</sup> Қотибийнинг девони ЎзССР ФА Ш. И. Қўлёмалар фондида инв. № 181 да сақланади.

<sup>240</sup> Танланган асарлар, 3 т., 15-бет.

Адабиётнинг улуг ҳомийси Навоий Биноий ва Ҳилолий каби шоирларнинг шеърӣй талантларига ҳам юксак баҳо берган ва уларнинг талантларининг юзага чиқишига ҳар томонлама ёрдам беришга ҳаракат қилган. Навоий «Мажолис»нинг бу шоирларга тегишли ўринларида уларнинг шеърларида жуда гўзал сатрларни мисолга келтиради.

Адабиётнинг ҳар бир кичик муваффақиятидан хурсанд бўлиш кўп катта адабиёт танқидчиларига, шу қатори Навоийга ҳам хос бир фазилатдир. «Мажолис»да биз ўз даврида кўзга кўринган шоирлардан ташқари, ҳатто унча шуҳрат қозонмаган, ҳатто шоирликни касб қилмаган, касб қилмоқчи бўлса ҳам, лекин бунга эриша олмаган, аммо ўз замондошлари, шу қатори Навоийнинг диққатини айрим шеърлар билан ўзига торта олган кишиларни ҳам учратамиз. Улар жамиятнинг турли табақаларига мансуб бўлиб, ўз шерларида ўз даврлари ва у даврлардаги адабий ҳаёт учун характерли бирон ғояни гоҳо онгли, гоҳо объектив равишда акс эттирганлар, ёки маълум бир темани чуқурлаштирганлар, ёки маълум ғоя ва мазмунни ёритишда оригиналь бадий форма топиш билан ўзларини кўрсатганлар. Бундай шоирлар «Мажолис»да бир қанчагина бўлиб, уларнинг баъзилари устида қисқа-қисқа тўхтаб ўтишимиз мумкин. Уларнинг бири Муфлисийдур.

Мир Муфлисий турмуш оғирлиги орқасида ўзининг ўткир таланти, зеҳни билан кўнгилдагича адабиётга хизмат қилолмаган, оғир руҳий хасталикка ҳам учраган. Навоий унинг ҳаёти ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Мир Муфлисий Машҳад содотидиндур. Табъи хўб эрдиким, анга жазаба етиштиким, ақли зойиъ бўлди, илкига ва бармоқлариға халқалар солур эрди ва доим ўз-ўзи била сўзлашур эрди. Хуши борида яхши абъёт айтиб эрди.»<sup>241</sup>.

Муфлисий ўз шахсий бахтсизлигининг ижтимоий сабабини бир байтида жуда яхши очиб берган бўлиб, бу байт Навоий назаридан тушиб қолмаган, албатта:

«Халқ гўяд Муфлисий девона шуд;  
Ложарам девонаги аз муфлисист»<sup>242</sup>.

Таржимаси: «Халқ Муфлисий девона бўлган дейди; девоналикнинг ўзи, албатта, муфлис (фақир)ликдан-ку».

<sup>241</sup> Танланган асарлар, 3 т., 34-бет.

<sup>242</sup> Уша китоб, 34-бет.

Муфлсий ўзининг бу шеърида ўша давр адабиётида анча илгари кетган. Муфлсий шу ўриндаги Навоий мисол келтирган бошқа бир шеърида эса яна бир қизиқ фикрни айтади:

«Балойи маргу андуҳи қиёмат  
Чу чанбар сохт моро нахли қомат»<sup>243</sup>

Таржимаси: «Ўлим балоси ва қиёмат қоматимиз дарахтини чанбардай эгиб қўйди».

Навоийнинг айтишича, Муфлсий «жунуни вақтида бу байтни кўп ўқур»<sup>244</sup> экан.

Муфлсий асрида дин, дўзах ва қиёматнинг ғам, ташвиш, қайғу ҳамда ваҳималари халқнинг бутун маънавий ҳаётини чулғаб олган, миясини айнитган, яъни халқ эксплуататор синфлар томонидан фақат иқтисодий жиҳатдангина эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам мисли кўрилмаган даражада қаттиқ эзилган эди. Муфлсий ўзининг шеърида буни ўзига нисбатан сезиб етганини кўрамиз. Бўғиқ феодал жамият Муфлсий каби қашшоқ шоирларнинг талантига ҳам зомин бўлар, уларни минг турли балоларга дучор қилар эди, уларни юзага чиқармас, уларни баъзан жамиятдан қатъий норозиликка, баъзан эса умидсизликка олиб келар эди. Навоий Муфлсийнинг бу шеърларини унинг ижодидан характерли мисоллар тарзида келтириб, адабиётшуносликдаги ўзининг прогрессивлигини яна бир марта кўрсатган.

Навоий «Мажолис»да фақирона турмуш кечириб, шеърларида ҳаётдан нолувчи кўп шоирлар ҳақида гапирди. Шундай шоирлардан бири Мавлоно Машриқийдур.

Навоий унинг «рўзғор шикоятда бир ободон шеъри бор»<sup>245</sup>, деб, ундан қуйидаги характерли байтни келтиради:

«Аз чист сурх панжаи маржону пойи бат  
Гар хун бажойи об равон нест дар биҳор»<sup>246</sup>.

Таржимаси: «Маржон панжасининг ва ўрдак оёгининг қизиллиги дарёларда сув ўрнига қон оққанидан бўлмай, нимадан бўларди».

<sup>243</sup> Танланган асарлар, 3 т., 34-бет.

<sup>244</sup> Уша китоб, 3 т. 34-бет.

<sup>245</sup> Уша китоб, 3 т., 47-бет.

<sup>246</sup> Уша китоб 3 т., 47-бет.

Мамлакатда давом этган тинимсиз ўзаро қонли уруш-жанжаллар, ҳоким синфларнинг халққа қилган жабр-зулмлари бу каби дардли мисраларни туғдирар эди. Навоий Машриқийнинг бу шеърига «ободон шеър» деб баҳо беради.

Мамлакатдаги бундай сиқик аҳвол фақат халқдан чиққан Машриқий каби шоирларнинг ҳаёти ва ижодига таъсир қилиб қолмасдан, кўзга кўринган олимларнинг ҳаёти ва фаолиятига ҳам чуқур таъсир қилиб, ўз изини қолдирган. Масалан, Мавлоно Муҳаммад Олим Улуғбек билан бирга ўқиган ва суҳбатдош олимлардан бўлиб, у сиёсий сабаблар билан Абусаид даврида Самарқанддан Ҳиротга сургун қилинган ва умрининг охиригача у ерда қолиб кетган. Навоий унинг тўғрисида ёзади:

«Мавлоно Муҳаммад Олим Самарқанд уламосидин-дур. Улуғбек Мирзо била ҳамсабақ ва мусоҳиб эрди. Аммо бағоят дилбар ва шўх таъ ва хийра киши эрди, баҳсда кўп гўстохона сўзлар ва жавоблар айтур эрди. Салтанати азиммушшаъний таҳаммул қила олмай, Самарқанддин анга ихрож ҳукм бўлуб, Ҳирига келди ва мунда Мавлононинг мақдамин ғанимат туттилар ва сокин бўлди...»<sup>247</sup>.

Улуғбек ўлдирилгандан кейин аниқ фанлар соҳасида иш олиб борувчи олимларнинг фаолиятига ҳеч қандай ўрин қолмаган, Улуғбекни қуршаган олимларнинг кўплари тарқалиб, фаолиятсизликка учраб, баъзилари эса кучли таъқиблардан ўзини сақлаш учун чет мамлакатларга бош олиб кетган эдилар. Ҳиротда эса аниқ фанларга кам аҳамият берилган. Натижада Муҳаммад Олим кабилар ўз олимлик ишларини давом эттира олмай фақат иқтисодий жиҳатдан эмас, руҳий жиҳатдан ҳам азобланганлар. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Олим, гоҳо шеър билан ҳам шуғулланар экан, баъзи шеърларида унинг шахсий кайфияти жуда очиқ акс этди. Навоий унинг шеърларидан мисол учун қуйидаги байтни танлаб келтиради:

«Мо сияҳ бахтему бад рўзему, ахтар сўхта,  
Шамъи мақсуди ба умри худ шабе нафрухта»<sup>248</sup>.

<sup>247</sup> Танланган асарлар, 3 т., 19-бет.

<sup>248</sup> Уша китоб, 19-бет.

<sup>248</sup> Уша китоб, 19-бет.



Таржимаси: «Биз бахти қора, ёмон кунга қолган ва юлдузи куйган кишилармиз; бутун умримизда бирор кеча ҳам мақсадимизнинг чироғи ёнмагандур».

Даврнинг таниқли шоирларидан бири Бобо Шўрийда эди. Навоий Бобо Шўрийданинг талантига юқори баҳо беради. Навоий унинг ҳақида ёзади:

«Бобо Шўрийда қасидаҳонлиқга<sup>249</sup> маъруф ва машҳурдур. Табъ аҳлининг кўпи била мусоҳиб бўлубтур ва бордур ва табъида кўп чошни зоҳир бўлур»<sup>250</sup>

Навоий Бобо Шўрийданинг қариликдан шикоят қилиб ёзган бир маснавийсидан қуйидаги образли байтни танлаб мисол келтиради:

«Қадам шуд чун камону умр шуд шаст;  
Жавони ҳамчу тийр аз шастни ман жаст»<sup>251</sup>.

Таржимаси: «Бўйим камондай эгилди, умр олтмишга етди; ёшлик ёйимдан ўқдай сакраб кетди».

Келтирилган байт Бобо Шўрийданинг юксак поэтик маҳоратидан, унинг ўзига хос поэтик дидидан дарак беради ва Навоийнинг унга берган баҳосини қувватлайди.

Навоий даври адабиётида бу хил ғамгинлик, дардмандлик, норозилик, афсус чекиш оҳанглари акс этган шеърлар кўп учрайди. Бу оҳангдаги шеърлардан Навоий, айниқса, Муҳаммад Али Жалойир (адабий таҳаллуси «Нисорий»)нинг бир байтини маъқуллайди ва «бу матла» яхши воқе бўлубтур...<sup>252</sup> дейди, уни мисолга олиб келади:

«Касе ҳаргиз маро беғам надидаст,  
Чу ман ғамдидае ғам ҳам надидаст»<sup>253</sup>.

Таржимаси: «Ҳеч ким мени ҳеч қачон ғамсиз кўрмаган, мендек ғамдидани ғамнинг ўзи ҳам кўрмаган».

Қасби сипоҳийликдан иборат бўлган Муҳаммад Али Жалойирнинг бу шеъри билан «Мажолис»да Мавлоно Нурий каби кўп шоирларнинг шеърлари ҳамоҳанг. Бу, албатта, адабиётда тасодифий ҳол бўлмасдан, балки

<sup>249</sup> Биз юқорида бу ўриндаги «қасидаҳонлиқга» сўзининг «Мажолис»нинг бошқа баъзи нусхаларида «Қиссахонлиқга» бўлиб келишини айтган эдик.

<sup>250</sup> Танланган асарлар, 3 т., 88-бет.

<sup>251</sup> Танланган асарлар, 3 т., 88-бет.

<sup>252</sup> Уша китоб, 116-бет.

<sup>253</sup> Танланган асарлар, 3 т., 116-бет.

бунинг ўша бўғиқ феодал жамиятда чуқур социал томирлари бўлган.

Худди шунингдек «Мажолис»да паришонлик, ўйчанлик, маюслик, гоҳо бутунлай умидсизлик, тарки дунёчилик кайфиятларини акс эттирувчи шеърлар ҳам жуда кўп. Бу хил шеърларни ёзишга ҳам, шубҳасиз, турмуш шоирларни илҳомлантирган. Навоий Мавлоно Қабулийнинг шу мазмундаги бир байт шеъри ҳақида «бунда ўз ҳасби ҳоли воқе» бўлубтур ҳам деса бўлур»<sup>254</sup> деб ёзади. Биз Қабулийнинг ўзи ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз:

«Мавлоно Қабулий Қундуздан дурур. Хуросонга келганда боиси таҳсил қилурни зоҳир қилди. Чун димоғида бирор нима парешонлиқ бор ва таврида лавандлиқ, ул муддаоси яхши муяссар бўлмас»<sup>255</sup>. Сўнг Навоий унинг шу байтини мисол келтиради:

«Хона, э оқил, чи кор ояд мани девонаро,  
Чун намедонам мани девона роҳи хонаро»<sup>256</sup>.

Шеър таржимаси: «Эй ақл эгаси, мен девонага уйнинг нима кераги бор? Чунки мен девона уйга борар йўлни ҳам билмайман».

Мавлоно Моний<sup>257</sup>, Мавлоно Салимий<sup>258</sup>, Мавлоно Дарвеш Деҳагий шеърлари ҳам шундай ва шунга яқин мазмундадир.

«Мажолис»га кирган шоирларнинг аксарият шеърлари жаҳон адабиётининг ўлмас мавзуларидан бири муҳаббат мавзуйидир. Муҳаббат мавзуи Навоий даври адабиётидан катта, муҳим ўрин эгаллаган. Шу давр адабиётининг пешқадам шоирлари Жомий билан Навоий ҳам бу мавзуга ўз ижодларидан тегишли жой берганлар.

Навоий ўз танқидчилигида ҳам ўз ижодидаги сингари илоҳий мажозий муҳаббатни эмас, дунёвий, ҳаётий муҳаббатни куйлаш тарафдори бўлган. Чунки муҳаббат, муҳаббат ҳақида ёзилган яхши асар, хусусан шеър оғир ҳаёт шароитида кишига севинч, ором бағишлайди, яшашга илҳом беради. Худди шунинг учун ҳам Навоий Мав-

---

<sup>254</sup> Танланган асарлар, 3 т., 75-бет.

<sup>255</sup> Ўша китоб, 75-бет.

<sup>256</sup> Ўша китоб, 75-бет.

<sup>257</sup> Ўша китоб, 3 т., 74-бет.

<sup>258</sup> Ўша китоб, 72-бет.

лоно Шаҳидийнинг қуйидаги шеърини «яхши воқе» бўлбтур»<sup>259</sup> дейди:

«Биё, э ишқу, оташ зан дили афсурдаи моро,  
Банури хеш равшан кун чароғи мурдаи моро»<sup>260</sup>.

Таржимаси: «Эй ишқ, кел, бизнинг ҳилвираган кўнглимизга ўт оч; ўз нуринг билан ўчган чароғимизни ёрут».

Кўп илғор шоирлар ўз шеърларида ҳақиқий инсоний муҳаббатни ҳамда ёрни ислом дини ҳамда у тарғиб қилган қонун-қоидаларга қарама-қарши ҳолда қўйиб куйлайдилар. Навоий бу тоифадаги шеърлардан мисол учун Мавлоно Ҳалвойнинг шеърини олиб келади.

«Зоҳида, қиблаи мо—абруйи дилдор авло  
Туву масжидки туро рўй бадевор авло»<sup>261</sup>.

Таржимаси: «Эй зоҳид, бизнинг қиблаи мо — дилдорнинг қоши сендан ва масжиддан афзалдир. Сенинг юзингнинг деворга бўлгани афзалдир».

Бу шеър беихтиёр бизнинг хотирамизга Навоийнинг ўзининг қуйидаги рубоисини келтириши мумкин:

«Зоҳид, сенга ҳуру, менга жонона керак,  
Жаннат сенга бўлсун, менга майхона керак.  
Майхона аро соқию паймона керак,  
Паймона неча бўлса тўла ёна керак»<sup>262</sup>

Мавлоно Гадоний эса «Мажолис»да келтирилган байтида ёрни севиш идеясини янада юқори кўтаради:

«Дилбаро, сениз тириклик бир балойи жоғ эмниш.  
Ким анинг дарди қошида юз ўлум ҳайрон эмиш»<sup>263</sup>.

Навоий муҳаббат мавзуида ёзилган шеърлардан песимистик, шаблон шеърларни эмас, умидлилик, шўхлик, хушчақчақлик, инсонпарварлик, вафодорликни тарғиб қилувчи, инсоний муҳаббатни чиндан ҳам улуғловчи шеърларни, оригинал шеърларни ёқлаган. Масалан, Навоий Нужумий деганнинг шеърини худди шунинг учун ҳам «яхши воқе» бўлбтур...»<sup>264</sup> дейди.

<sup>259</sup> Танланган асарлар, 3 т., 126-бет.

<sup>260</sup> Уша китоб, 126-бет.

<sup>261</sup> Уша китоб, 3 т. 54-бет.

<sup>262</sup> Танланган асарлар, 1 т., 157-бет.

<sup>263</sup> Уша китоб, 3 т., 85-бет.

<sup>264</sup> Уша китоб, 43-бет.

Боз ид омад, биё, жоноки, қурбонат шавам,  
Ҳамчу чашми гўсфанди кушта ҳайронат шавам»<sup>265</sup>.

Таржимаси: «Яна ҳайит келди, эй жоним, кел, қурбонинг бўлай; сўйилган қўйнинг кўзидай ҳайронинг бўлай».

Навоий талантили шоир Мирзобекнинг шеърини<sup>266</sup> ҳам худди шу сифатлари учун юксак баҳолаган. «Мажолис» да Субҳий, Меҳнатий, Офатий кабилардан келтирилган шеърлар ҳам шу хилдаги шеърлардир.

Мавлоно Субҳий:<sup>267</sup>

«Моҳи ман, имшаб ба нури хеш ин кошонар»  
Соз равшан, варна, оташ мезанам ин хонаро»<sup>268</sup>.

Таржимаси: «Эй ой юзлигим, бу кеча ўз нуринг билан бу кошонани равшан қил, бўлмаса унга ўт қўяман».  
Мавлоно Меҳнатий:<sup>269</sup>

Саҳар чу рўйи худ он моҳ дар ниқоб грифт,  
Фигон зи халқ баромадқи, офтоб грифт»<sup>270</sup>.

Таржимаси: «Саҳар пайтида у ой юзини никоблаганда халқ ўртасида «қуёш тутилди!» деб шовқин-сурон кўтарилди».

Мавлоно Офатий:<sup>271</sup>

Худо кунад бахаёли ту ҳар замонам шод,  
Гар аз хаёли ту гардам жудо, худо накунод»<sup>272</sup>.

Таржимаси: «Худо сенинг хаёлинг билан мени ҳар замон шод қилсин, агар ҳаёлингдан айрулгудек бўлсам, худо сақласин».

<sup>265</sup> Уша китоб, 3 т., 43-бет. с

<sup>266</sup> Уша китоб 3., 61-бет.

<sup>267</sup> Субҳий ҳақида Навоий «Мажолис»да ёзади: «Мавлоно Субҳий Уба навоҳидисида Гўён чашмасида бўлур. Мавлоно Муҳаммад Бадахший воситаси била фақирга ошно бўлди. Шеърда кили чошни бор» (Танланган асарлар, 3 т., 78-бет).

<sup>268</sup> Танланган асарлар, 3 т., 78-бет.

<sup>269</sup> Меҳнатий ҳақида Навоий «Мажолис»да ёзади: «Ул дағи эмди пайдо шоирлардин дурур. Фақир они ҳануз кўрмаймен». (Танланган асарлар, 3 т., 86-бет).

<sup>270</sup> Танланган асарлар, 3 т., 86-бет.

<sup>271</sup> Офатий ҳақида «Мажолис»да қўйидагиларни ўқиймиз: «Мавлоно Офатий Машҳадлиғдур, ҳалвогарликка мансуб қилурлар. Фақир они кўрмаймен, аммо эшитибмен». (Танл. асарлар, 3 т., 76-бет).

<sup>272</sup> Танланган асарлар, 3 т., 76-бет.

Хуллас, ўз давридаги адабиёт аҳлларига оталарча муносабатда бўлган Навоий ўз замондошларининг поэзия соҳасидаги ҳар бир катга ё кичик муваффақияти учун севинган.

Аммо умуман ўша давр адабиётининг лирика соҳасида қўлга киритган ютуқлари ҳам Навоийнинг талабини қондира олмади. Навоий танқидчилигининг қимматли томони шундаки, у ўз даври адабиётининг ютуқлари билан бирга нуқсонларини ҳам зийраклик билан кўра олди ва бунга ўз муносабатини ёрқин ифода этди. Бу камчиликларнинг асосийларидан бири формализмга берилиш бўлиб, жанрлар соҳасида бу ҳолни Навоий майда поэтик жанрлардан «Тарди акс», муаммо билан ўз замондошларининг керагидан ортиқ шуғулланишида кўрди.

Формализм тенденциясидаги шоирлар «Тарди акс», «Тарси» санъати деган шеърий шакллар билан ортиқча қизиқиб кетдилар. Аммо бу даврда, айниқса, муаммо шаклида шеър ёзиш кенг тарқалган эди. Фақат муаммо ёзиш билан шуғулланувчи қаламкашлар ҳам бўлар эди. Навоий «Мажолис»да шундай шоирлардан «пири муаммо» деб ном чиқарган Мавлоно Муҳаммад Муаммой, Мавлоно Муҳаммад Номий, Мавлоно Арғун, Мавлоно Омилий, Мавлоно Низом, Мавлоно Дарвеш Али, Мир Хусайн Муаммой, Шайхзода Ансорий кабиларнинг исмларини зикр қилиб ўтади. Буларнинг аксарияти юқори табақа кишиларидир. Муаммо қоидаси бўйича, асосан, бир байт ёки бир тўртлик шеърдан бирон кишининг, ёки нарсанинг исми, бирон сўз чиқиши керак. Масалан, «Мажолис»да Хожа Муҳаммад Мужаллиднинг муаммосини кўрайлик:

Хар каж карда полон сўйи деҳ тохт  
Чароғи деҳ аз гавон пардохт»<sup>273</sup>.

Таржимаси: «Эшак тўқимини қийшайтириб қишлоқ томон югурди. Қишлоқнинг ўтлоғи қора моллардан бўшади».

Бунда араб алфавити асосида ўқилганда ва текширилганда<sup>274</sup> «Журда» исми чиқади. Бу байтдан биз ҳеч қандай маъно, мазмун, мақсадни кўрмаймиз. Бу қуруқ бир шеърий топилмоқ холос. Бироқ муаммо устозлари

<sup>273</sup> Танланган асарлар, 3 т., 52-бет.

<sup>274</sup> Е. Э. Бертельс, «Навои», 45-бет.

муаммонинг қатъий шеърӣй, яъни «мавзун калом» бўлишини талаб қилганлар. Мавлоно Муҳаммад Номий бундай бўлишига қарши чиққанда, муаммо назариячилари томонидан қаттиқ зарбага учраган. Навоӣй бу ҳақда ёзади:

«Бу фан устодлари иттифоқ била муаммо таърифин мундоқ қилибдурларким: «Мавзун каломдурким, ишорат ва имо била андин от ҳосил бўлур» ва ул (Мавлоно Муҳаммад Номий — А. Ҳ.) дебдурким, «Мавзун» кайди таърифда хожат эмас ва ишорат била имо басдур. Ва мисол муни дебдурким бировнинг оти «Садр» дур. Яна биров сўрсаким, отинг недур? Айт! ул илик кўксига кўйса, далолат анга қилурким, оти «Садр» бўлғай. Ва биров бир махзан бир ерда дафн қилди ва устида бир занг сарнинг ости, дақиқ табъ нигун зангдин канз вужудин таҳқиқ қилурким, ҳечқайсида не каломнинг даҳли бор ва не назмнинг. Аммо фан донолари бу таҳай — юлин банг хаёлотиға ҳамл қилдилар».<sup>275</sup>

Муаммо билан Жомӣй ва Навоӣйлар ҳам шуғулланганлар. Ҳатто улар муаммо ҳақида қўлланмалар ҳам яратганлар. Аммо улар муаммо жанридан ҳам ўз илғор ғояларини, фикрларини ифодалаш учун усталик билан фойдаландилар. Ҳурматли ёзувчимиз ва олимимиз С. Айний «Алишер Навоӣй» китобида<sup>276</sup> бу ҳақда жуда яхши тўхтаган ва Навоӣй муаммоларидан жуда характерли мисолларни келтирган эди.

Аммо Навоӣй ва Жомӣй кетидан эргашиб, ижтимоӣй мазмунга эга бўлган муаммолар ёзувчи кишилар жуда оз бўлди. Муаммочиларнинг кўплари адабиётни тутруқсиз, ғоясиз шеърӣй парчалар билан тўлдириб юбордилар ва бекорчи феодаллар учун эрмаккагина ижод қилиб, халққа, илғор адабиётга ҳеч қандай фойда келтирмадилар.

«Мажолис»да замонининг йирик музиканти устоз Қул Муҳаммаднинг «Нур» исмига ёзган муаммоси бизнинг диққатимизни ўзига тортиши мумкин:

«Хуш он мутрибки, сози худ навозад,  
Якero аз наво хуш ҳол созад»<sup>277</sup>

<sup>275</sup> Танланган асарлар, 3 т., 104-бет.

<sup>276</sup> С. Айний, «Алишер Навоӣй», нашриёти давлати Тоҷикистон, Сталинобод — 1948, 133—134-бетлар.

<sup>277</sup> Танланган асарлар, 3 т., 108-бет.

Таржимаси: «Шундай созанда яхшики, созини ча-  
либ, бирор кишини наво билан хушҳол қилса».

Устод Қул Муҳаммадга, Навоийнинг ўзининг айти-  
шича ҳам,<sup>278</sup> бу мисолдан кўринишича ҳам, Навоий-  
нинг таъсири жуда катта бўлган. Демак, Қул Муҳам-  
мад ҳам биринчи навбатда ўз олдига «инсон»га хизмат  
қилишни қўйган.

Бу хил муаммоларни биз, у давр адабиётини тек-  
ширганимизда, жуда кам учратамиз. Шунинг учун ҳам  
профессор Е. Э. Бертельснинг у даврда муаммочилик-  
нинг адабиётда салбий роль ўйнагани ҳақидаги «На-  
воий» китобида ёзган<sup>279</sup> фикрларига умуман қўшилиш  
мумкин. Лекин профессор Е. Э. Бертельс ўз китобида  
муаммога Навоийнинг муносабатини тўлиқ очишга  
ҳаракат қилмаган. Навоий ўзи муаммо ёзиб, бошқа-  
ларни ҳам муаммо ёзишга, унинг ўзига хос хусусият-  
ларидан яширин фикрларни ифодалаш учун фойдала-  
нишга ундар экан, лекин муаммо жанрида кўр-кўрона  
ёзишга, уни суистеъмол қилишга қарши эди. Масалан,  
у «Мажолис»да муаммо ёзишни ўрнига қўя олмаган  
Мавлоно Бақоий ҳақида ёзади: «Мавлоно Бақоий  
камонгарликка машҳур дурур. Ўзини муаммоликка  
шуҳрат дағи берди. Аммо фақир ҳаргиз андин муам-  
мойки, нимага ярағай эшитмадим»<sup>280</sup>

Навоий бундай шоирлардан қаттиқ ҳафа бўлар ва  
уларни койир эди. Шунинг учун ҳам Навоий «Мажо-  
лис»да айниқса Сайид Қутб Лакадангни<sup>281</sup> «Фарид»  
исмига ёзган муваффақиятсиз муаммоси учун қаттиқ  
танқид қилади:

«Холиқам воҳид бувад оллоҳу акбар  
Зон мазиди аҳвал омад кўру-кар»<sup>282</sup>.

<sup>278</sup> Ўша китоб, 108-бет.

<sup>279</sup> Е. Э. Бертельс, «Навоий», 46—47-бетлар.

<sup>280</sup> Танланган асарлар, 3 т., 74-бет.

<sup>281</sup> Танланган асарлар, 3 т., 70-бет.

Навоий «Мажолис»да Сайид Қутб Лакадангнинг ўзи ҳақида ёза-  
ди: «Самарқандлиғдур: барча хўблукларда Сайид Қурозанинг  
(қаранг, Танл. ас., 3 т., 70-бет.) адили бўла олур, балки ортуғроқ  
Ҳирида эрди. Андин фасоде вужудга келдиким, қатл ҳукми бўл-  
ди. Басе захмат тортилди, то бандға қарор тутти, банддин қочиб,  
холо Самарқанддадур эшитидурким, мажолисда Сайид Қуразо  
била мажолис оройдур ва анга муътариз ва мажлис аҳлидин изо  
кўрмакта меҳтар шерик ва назмлардин ул нокасинанинг майли  
муаммоға кўпрак воқе бўлган учун бир муаммосин битилди».

<sup>282</sup> Танланган асарлар, 3 т., 70-бет.

Таржимаси: «Яратувчим биргина буюк оллодир; кўр билан карнинг ғилайдан ортиқлиги ўшандан келган».

Навоий Сайид Қутб Лакадангнинг бу муаммосидан ҳеч қандай аҳамиятли маъно, завқ сезмайди ва унинг муаммоси ҳақида кесатиш билан: «Барча салоҳиятин ушбу муаммосидин эҳсос қилса бўлур»,<sup>283</sup>— деб ёзади.

Адабиётнинг улуғ жонкуяри Алишер Навоий ҳамма жанрларнинг тараққиёти, ҳамма шоирларнинг ижодий муваффақияти учун курашди. Аммо у олимларнинг, шоирларнинг, санъаткорларнинг ниҳоятда қийналиб ижод қилаётганларини, уларнинг камситила ётганларини, гадоёй ҳолида турмуш кечири ётганларини ўз кўзи билан кўрар, улар тўғрисида:

Даҳр иши то халқ ила бўлмиш стез,  
Хор дурур олиму жоҳил азиз<sup>284</sup>

деб ёзиб, уларга ўз қўл остидаги маблағлардан ёрдам беришга интилар эди. Лекин ҳамма феодаллар ҳам бундай қилишни истайбермас, бу уларнинг ҳаётий манфаатларига зид тушган бўлар эди. Шунинг учун ҳам улуғ шоир то жаҳонда зулмга асосланган жамият ҳукмронлик қилар экан, бу аҳволга барҳам бериш мумкин эмас дейди:

Токи жаҳон зулми қилмиш писанд,  
Ерга тушар мева ёғоч сарбаланд.  
Разлға рифъат, билик аҳлиға ранж,  
Тоғ уза хорову, ер остида ганж<sup>285</sup>.

Лекин зулмга асосланмаган жамиятнинг қандай жамият эканлигини, унинг қачон пайдо бўлажagini у айта олмаган эди.

Адабий-ижодий ишнинг ўзига хос хусусиятлари. Бунда муваффақият қозонишнинг энг зарур шартлари ҳақида 1905 йилдаёқ В. И. Ленин ўзининг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» сарлавҳали мақоласида қуйидагиларни ёзган эди: «Бу ишда айрим шахсий қобилиятга, фикр ва хаёлга, форма ва мазмунга маъдонни кенг очиб бериш мутлақо лозимлиги ҳам бешак

<sup>283</sup> Уша китоб, 3 т., 71-бет.

<sup>284</sup> „Нәжрәтүл-әбғар“, 88-бет.

<sup>285</sup> Уша китоб, 88-бет.



ва бешубҳадир»<sup>286</sup>. В. И. Лениннинг айтганлари бизда социалистик тузум шароитида тўла амалга ошди. Совет маданиятининг энг муҳим қисми — бадий адабиёт тараққиёти учун улуғ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва совет давлати узлуксиз равишда раҳбарлик ва ғамхўрлик қилмоқда. Совет ёзувчилари революциягача яратилган адабиётнинг, Навоий каби буюк сўз санъаткорларининг илғор традицияларини янада чуқур ўзлаштириб, шонли Коммунистик партиямиз кўрсатмаларига амал қилиб, Совет ёзувчиси деган номни юқори тутиб, адабиётимиздаги ўтмиш сарқитларига қарши изчил равишда кескин кураш олиб бориб, адабиётимизни тинмай бойитмоқдалар. Навоий «Лайли ва Мажнун» достонининг охирида ўқувчига мурожаат этиб, унинг асарларига жиддий муносабатда бўлишни, унинг идеяларини тўғри тушунишни, тирноқ орасидан кир қидирмасликни, ундан фойдалана билишни сўраб ёзган эди:

Ҳарнеки ўқур тааммул этса,  
Деган ғаразим тахайюл этса,  
Айб истамак ўлмаса муроди,  
Бер борча ҳунар сорн кушоди

Навоий асарларидаги ва қарашларидаги камчиликлар унинг яшаган ва ижод қилган даври, муҳити билан боғлангандир. Адабиётни ривожлантириш йўлида Навоий доим соф кўнгил билан объектив равишда ҳаракат қилди. Улуғ санъаткор адабиётшунос Навоий бу соҳада бизга шундай катта мерос қолдирганки, совет китобхонлари, совет ёзувчилари ва адабиётшунос олимлари унга марксча-ленинча назария билан тўғри ёндошиб, ундан тўғри ва тўла фойдалана биладилар.



---

<sup>286</sup> В. И. Ленин. Асарлар, X т., Ўзбекистон Давлат нашриёти, 1951, 33-бет.

## ХУЛОСАЛАР

Ишимизнинг охирида хулоса қилиб шуни айтишимиз керакки, Навоийнинг адабий-бадий меросини ўрганиш қандай катта аҳамиятга эга бўлса, унинг адабий-танқидий мероси ҳам шундай муҳим аҳамиятга эга. Навоий адабий танқидчилигига назар ташлаш, бу — Навоий даври адабиёти ва адабиётига, назар ташлаш демакдир. Навоий адабий танқидчилигини ўрганиш ўзбек совет адабиёти ва адабий танқидчилигини янада ривожлантиришда маълум аҳамиятга эга.

Навоийнинг адабий танқидий меросини жиддий ўрганиш совет даврида совет олимлари томонидангина бошланди. Аммо бу соҳада шу вақтга қадар қилинган ишлар талабни тўла қондира олмайди.

Фактлар шуни кўрсатадики, ўзбек адабиётида адабий танқидчилик Навоийгача ҳам бўлган. Навоий ўзигача бўлган адабий танқидчиликнинг энг яхши томонларини ривожлантирди. Навоий яшаган даврда адабий танқидчилик адабий мажлислар, мунозаралар, муҳокамалар, суҳбатлар шаклида, тазкиралар тузиш, филологик асарлар яратиш, мемуарлар ёзиш, асарларнинг солиштирма текстларини тайёрлаш шаклларида, адабий асарларнинг таркибида синкретик ҳолда ўсди.

Навоий адабий танқидчилигининг илгариги адабий танқидчиликдан фарқи унинг эстетик танқид даражасига, яъни форма билан мундарижани биргаликда текшириш даражасига кўтарила бошлаганидир. Навоийнинг адабий танқидчилик соҳасида яратган мероси ўз даврининг маҳсули бўлиб, маълум чекланишларга эга эди.

Навоийнинг адабий-танқидий қарашларини ўз ичига олган асосий асарлари — «Мажолисун-нафоис», «Хам:

са», «Муҳокаматул-луғатайн», «Хамсатул-мутаҳаййирин», «Муҳбубул-қулуб», «Мезонул-авзон», «Ҳазоннул-маони»дир. Булар орасида «Мажолисун-нафоис» алоҳида ўрин тутади.

Навоий адабий танқидчилигида илгари сурилган биринчи энг муҳим масала адабиётнинг ижтимоий роли, адабиётнинг халқчиллиги масаласи бўлиб, Навоий бунинг учун изчил равишда курашди. Навоий танқидчилигида илгари сурилган бошқа барча масалалар адабиётнинг ижтимоий аҳамияти ва халқчиллиги масаласидан келиб чиқади.

Навоий ўзбек тилининг ҳуқуқлари учун астойдил курашди. У ўзигача яратилган ўзбек тилидаги адабий меросни чуқур ўрганган ва унинг ижоди асосан шу меросдан ўсиб чиққан эди. Навоий ўзигача яшаб ижод қилган ўзбек шоирлари меросининг энг муҳим социал қимматга эга бўлган томонлари деб, биринчидан унинг ўзбек тилида ёзилганини, иккинчидан унинг дунёвий мавзуларга юз ўнгирганини кўрсатади ва бу мероснинг шу томонларига эътибор қилди.

Навоийнинг адабий-танқидий қарашларидаги энг муҳим масала адабий асарда форма ва мундарижа бирлиги, бунда мундарижанинг етакчилик роли учун кураш масаласидир. Навоий ўзигача яшаган ва ўзига замондош буюк сўз санъаткорларининг асосий муваффақиятини уларнинг ўз ижодларида шу бирликка интилишларида кўрди. У ўзи яшаган даври адабиётининг асосий нуқсонини эса аксарият ижодкорларнинг ўз асарларида шу бирликка, яъни ўз асарларининг ғоявий-бадий юксак бўлишига интилмаслигида кўрди.

Навоий ўз даврида адабий ижодда адабий традицияларнинг родини, аҳамиятини энг яхши тушунган киши эди. У бадий ижодда ёзувчи ўзигача адабиётда мавжуд бўлган илғор традицияларни пухта эгалламасдан туриб, новатор бўлиши, янгилик яратиши мумкин эмаслигини чуқур ҳис этди ва ўз ижодида ҳам шунга амал қилди.

Буюк шоир Навоий ўз адабий-танқидий қарашларида адабий маҳоратни эгаллаш масаласини ҳақиқий санъаткор бўлишнинг энг зарур шартларидан бири қилиб қўяди. Навоий ўз замондошларини адабий маҳоратни эгаллаш учун адабий традицияларни ўрганишга,

турмушни ўрганишга, халқ тилини ўрганишга, ижодий меҳнат билан астойдил шуғулланишга чақирди.

Навоий ижодкорнинг ахлоқига ҳам катта эътибор берди ва ўз замондошларини юксак ахлоқ эгаси бўлишга, халқ олдида ибратли кишилар бўлишига ундади. У ўзи билан бир вақтда яшаган, паст ахлоқли қалам аҳлиларини қаттиқ танқид қилар экан, улардаги бу камчилик уларнинг ижодига ҳам таъсир кўрсатганини қайта-қайта таъкидлаб ўтди.

Навоий ўз даврининг илғор идеялари — гуманизм, халқпарварлик, зулмга қарши кураш, адолатпарварликни куйлаган шоир бўлиб, унинг ижодида реалистик элементлар кучли эди ва ўз адабий қарашларида ҳаққонийлик учун курашар эди. Навоий ҳаққонийликни эгаллаш даражасини ёзувчи ижодининг реал турмуш билан қанчалик боғланишида кўрар эди. У Низомий, Саъдий, Хофиз, Лутфий, Жомий ижодларининг реалистик кучига юқори баҳо берди. Лекин Низомий, Хусрав Дехлавий, Жомий ижодидаги бу жиҳатдан юз берган баъзи изчилсизлик, узилишларни принципиаллик билан танқид қилди.

Навоий адабий жанрлар масаласига ҳам кенг тўхтади. У ўз ичига катта ижтимоий масалаларни олган эпик асарлар яратиш, эпик жанрни тараққий эттириш идеясини биринчи ўринга қўйди.

Навоий янги пайдо бўлаётган сатира жанрига ҳам катта аҳамият берди, бу жанрнинг реал турмушга яқинлигини алоҳида таъкидлади ва бу жанрда ижод қилган ўз замондошларини қўллаб-қувватлади.

Навоий лирика жанрининг ҳам муҳим жанр эканлигига ва бу жанрнинг ўзига хос хусусиятларига ҳам ўз танқидчилигидан етарли ўрин берди. Лекин Навоий бу жанрни ғоявий пуч, бадиий суст асарлар билан тўлдирувчи кўп замондошларини аёвсиз танқид қилди.

Умуман Навоийни унинг даври етиштирган адабий маҳсулотнинг ғоявий-бадиий савияси қониқтирмади. У давр адабиётининг нуқсонларига ҳам асосан ўша даврдаги мавжуд социал тузум сабабчи эди. Лекин Навоий адабий-танқидчилигининг тарихий чекланганлиги шундаки, у буни тушуниб етмади.

## МУҲИМ ТУЗАТИШЛАР

Бег	Юқоридан	Пастдан	Босилган	Тўғриси
9	21	—	зарий	назарий
19	7	—	Ф. Э. нгельс,	Ф. Энгельс,
26	2	—	Низомий,	Низомий
31	—	13	узмасликка	бузмасликка
35	12	—	Кимнинг	Кимининг
35	20	—	олади	олипади
44	—	2	қилдики	қил ики
52	—	16	халқ	хулқ
57	13	—	тулун	тулуи
67	9	—	тариқни	тариқни
88	2	—	ҳақида	ҳамда улардан
88	15	—	ифодалаш жиҳатидан	ифодалайдикки, бу жуда
103	—	8	нуқта	нуқта
113	19	—	мусамманн мақсур вазнида, „Садди Искандарий“ дostonни эса мутақорибн	вазнида, „Садди Искандарий“ дostonни эса мутақорибн
137	—	18	ларгина	лирагина
146	—	5	қилдилар	қилдирар
175	—	3	халқ	халқ арзинга бедарволик
183	7	—	қиёмат	қиёмат ташвиши

К. Э. 83